

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛЮРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.11.2018.Fil.46.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 811.512.133'374 (09)|18/|(043.3)**

НОРМАМАТОВ СУЛТОНБЕК ЭРМАМАТОВИЧ

**ЎЗБЕК ЛУҒАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИДА ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ
ЎРНИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари доктори (DSc) илмий
даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий маслаҳатчи: Ёрмат Тожиев
филология фанлари доктори, профессор**

Тошкент – 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ВА ДАВР ТИЛШУНОСЛИГИ	
1.1-§. “Жадид”, “жадидчилик” тушунчалари ҳақида	15
1.2-§. Жадидчилик мактаб ва йўналишлари	36
1.3-§. Жадид маърифатпарварларининг тил ва тилшунослик бўйича фаолияти	44
Боб бўйича хулосалар	66
II боб. ДАВР ЛУҒАТЧИЛИГИ: ТАРИХИ, ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ, МАНБАЛАРИ	
2.1-§. Ўзбек лексикографик тадқиқотлари тарихига доир	70
2.2-§. Давр луғатчилиги шаклланиш жараёни ва ўзбек тили ҳолати.....	81
2.3-§. Давр луғатчилиги манбалари	97
Боб бўйича хулосалар	112
III боб. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ЛУҒАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ	
3.1-§. Абдулла Қодирий – луғатшунос	114
3.2-§. Фитрат – луғатшунос	134
3.3-§. Ашурали Зоҳирийнинг луғатшунослик фаолияти	142
3.4-§. Элбекнинг луғатшунослик фаолияти	156
3.5-§. Исҳоқхон Ибратнинг луғатшунослик фаолияти	173
Боб бўйича хулосалар	183
IV боб. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ЛЕКСИКОГРАФИК ФАОЛИЯТИ ТАЖРИБАЛАРИНИНГ ДАВР ЛУҒАТЧИЛИГИГА ТАЪСИРИ	
4.1-§. Таржима ва махсус луғатларнинг шаклланиши	185
4.2-§. Дастлабки терминологик луғатларнинг яратилиши	197
4.3-§. Дастлабки ўқув луғатларининг вужудга келиши	207
Боб бўйича хулосалар	213
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	215
Фойдаланилган адабиётлар	218

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лингвистик тафаккур тарихини ўрганишга эътибор кучаймоқда. Маълумки, XX аср дунё тилшунослиги бошқа фанлардан мустақил равишда самарали йўлни босиб ўтди. Айниқса, аср бошидаги сиёсий вазият унда ўз изларини қолдирди: бу даврда амалга оширилган тадқиқотларнинг аксарияти сиёсат ва давр мафкураси туфайли «ёпик эшиклар» ортида сақланди, айримларидан кейинчалик танқидий фойдаланишга рухсат этилди. Асрнинг сўнгги чорагида дунё миқёсидаги глобаллашувнинг кучайиши сиёсийлашган ва мафкуравийлашган яқин ўтмиш даври ижтимоий фанлари, тилшунослиги, хусусан, луғатчилиги натижаларини ҳар томонлама холис баҳолаш учун улкан имконият яратди.

Дунё тилшунослигида лингвистик тафаккур ҳар доим ижтимоий муаммолар билан бирга тараққий этиб келди. Ижтимоий тузум, дунёқараш ва онг даражаси тадқиқотларда манбанинг қайси жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлигини, уларга қайси методологик асослар, ижтимоий буюртма ва талаблардан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлишни белгилаб беради. Бу тилшунослик, шу жумладан, лексикографик тадқиқотларга ҳам бевосита алоқадор. Зеро, фонетика ва грамматикага нисбатан лексикада давр руҳи кўпроқ акс этгани каби, бу ҳолат, ўз-ўзидан, лексикографик манбалар яратилишига ҳам таъсир қилади.

Миллий тараққиёт миллий тил мавқеи ва нуфузи юксалишида кўзга яққол ташланади. “Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда”¹. Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислохотлар ўзбек тилининг ҳам Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, унинг мавқеини кўтариш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар тилшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори // “Маърифат” газетаси. — Тошкент, 2019 йил 5 октябрь. — №77.

ишларининг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”². Шу маънода ўзбек тилшунослигининг замонавий фан йўналиши даражасида шаклланиши ва ривожланишининг илк саҳифаси сифатида тарихда қолган XX аср бошларидаги тилшунослик меросини тадқиқ этиш миллий манфаатларимизни таъминлаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ишларида катта аҳамият касб этади. Ўзбек тилшунослигида бу давр тили ва тилшунослиги кенг кўламда ўрганилмоқда. Бироқ уларда давр лексикографияси масалалари тизимли ёритилган эмас. Шунга кўра, давр луғатчилиги шаклланишига эҳтиёж, жаҳидларнинг ўзбек луғатчилиги ривожига қўшган ҳиссаси, улар яратган луғатларнинг лингвистик қиммати, луғат тузиш принциплари ва методологик асослари, уларнинг замонавий ўзбек лексикографияси ривожига таъсири каби масалалар ҳозиргача махсус монографик тадқиқ объекти бўлмаганлиги танланган мавзунинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // www.lex.uz

фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ҳамда инновацион ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Марказий Осиё жадинчилик ҳаракати ва шу ҳаракат асосида шаклланган жадин адабиётини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Columbia University, California University, Indiana University (АҚШ), London University, Oxford University (Англия), Berlin-Brandenburgische Akademie der Wissenschaften AV, Göttingen Universität, Berlin Universität, Humboldt Universität, Goethe Universität (Германия), Tokio University (Япония), İstanbul Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Yıldız Teknik Üniversitesi, Gaziantep Üniversitesi (Туркия), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Dilçilik Institutu (Озарбайжон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида Марказий Осиёда жадинчилик ҳаракатининг шаклланиши, ривож, йирик намояндалари фаолияти билан боғлиқ тарихий,

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.istanbul.edu.tr., www.utu.fi (en.ankara.edu.tr)., www.hu-berlin.de., www.wisc.edu, www.cambridge-centralasia.org ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

илмий-адабий, лингвистик, ижтимоий-сиёсий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Туркистонда жади́дчи́ликнинг шаклланиши, унинг ғоявий мақсади, ривож, йўналишлари, матбуотнинг сиёсий оқимларнинг шаклланишидаги таъсири каби масалалар асослаб берилган (Columbia University, University of California, АҚШ); Туркистон жади́дчилигининг илдизлари, йирик намояндаларининг сиёсий фаолияти очи́б берилган (Indiana University, АҚШ); жади́дчи́лик ҳаракати намояндаларининг ўз асарларида янги таълим усулларининг самарадорлигини олға сурганликлари асослаб берилган (Berlin University, Германия); жади́дларнинг замонавий реалистик адабиётни шакллантиргани, мазкур даврда янги адабий тур ва жанрлар пайдо бўлганлиги, адабиётнинг бош мақсади миллатни уйғотишга қаратилгани ёритилган (Tokio University, Япония); жади́д бадиий асарларида умумтуркий тилни шакллантириш ғоялари илгари сурилгани, “Чигатой гурунги” аъзоларининг адабий тилни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш масаласида олиб борган фаолиятлари очи́б берилган (İstanbul Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Yıldız Teknik Üniversitesi, Gaziantep Üniversitesi (Туркия); муайян ижодкорнинг сўз қўллаш ва бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати, қисман луғатчилик фаолияти асосланган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон).

Жаҳон тилшунослигида луғатчилик тарихи, луғатчиликнинг тарихий тараққиёти, луғат тузиш қонуниятлари, янгича типдаги луғатларни яратиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўтмишда яратилган луғатларнинг структураси ва моҳиятини тавсифлаш, уларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш; ноёб қўлёзма сифатида сақланаётган тарихий луғатларнинг яратилиш тамойилларини тадқиқ этиш; замонавий ахборот технологияларининг функционал имкониятларидан фойдаланган ҳолда электрон луғатлар яратиш; тезаурус (тил хазинаси) типли луғатлар яратиш; тил бирликларининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида қидирув дастурига бўйсундирилган матнлар жамланмаси

– тил корпусларини яратиш; муайян ижодкор асарлари тили бўйича конкорданс, тезкор (частотали) луғатларни яратиш; умумий ўқув жараёнинг узвий қисми бўлган, дарсликларга мослаштирилган ўқув луғатларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтган асрнинг охири, айниқса, мустақиллик йилларида XX асрнинг 20–30-йилларида ижод қилган ўзбек адибларининг бадиий, илмий ва публицистик асарларини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бунга М.Қурбонова, Б.Тўйчибоев, М.Йўлдошев, Ё.Сайидов, Ф.Бобожонов, Д.Неъматова, Т.Тоғаев, З.Чориева, Л.Жалолова ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин⁴. Жумладан, М.Қурбонова, Б.Тўйчибоев, Ё.Сайидов тадқиқотларида Абдурауф Фитратнинг тил, адабий тил, адабий меъёр, халқ жонли тили ва шеваларига оид назарий қарашлари ёритилган бўлса, М.Йўлдошев ҳамда Д.Неъматованинг номзодлик диссертацияларида Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи тили мисолида адибнинг бадиий тил маҳорати, публицистик асарлари тилининг лексик-семантик хусусиятларини белгиловчи қатор омиллар таҳлил қилинган. Л.Жалолова Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи лингвистик таҳлиliga бағишланган тадқиқотида жаҳид даври ўзбек адабий тилида эски ўзбек тилига хос белгилар сақланиши билан бирга, ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларининг шаклланиш жараёни ҳам намоён бўлганлигини илмий таҳлилларида асослаган. Ф.Бобожонов ўз тадқиқотида жаҳидчилик вакиллари драмаларининг ўзбек миллий адабий тили шаклланишидаги ролини Беҳбудий ва Авлоний асарлари лексикаси мисолида ёритган.

⁴ Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос. – Тошкент, 1995; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Бобожонов Ф. Ўзбек жаҳид дармаларининг лисоний хусусиятлари (Беҳбудий ва Авлоний драмалари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002; Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Тоғаев Т. Ашуралӣ Зоҳирӣ ва унинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006; Жалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

XX аср бошларидаги лисоний жараён, бу давр ўзбек тилининг тараққиёти ҳақидаги масалалар, ўзбек тили грамматикасига оид қарашларнинг қиёсий таҳлили, шунингдек, ўзбек адабий тилининг таянч диалектини белгилашдаги лингвистик мунозараларнинг назарий аҳамияти Ш.Бобомуродова⁵, Қ.Қодиров⁶, Ё.Саидов⁷, Н.Янгибоевалар⁸нинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Мазкур ишларда жаид адабиёти вакиллариининг ўзбек адабий тили ва тилшунослиги тараққиётига қўшган ҳиссаси у ёки бу даражада таҳлил қилинган бўлса-да, улар жаид маърифатпарварларининг ўзбек луғатчилиги шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди. Чунки маърифатпарвар жаид адибларидан Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Ғози Олим Юнусов, Назир Тўрақулов, Вадуд Махмуд, Элбек, Ашурали Зоҳирий, Исҳоқхон Ибрат кабилар ўзбек адабиёти, публицистикаси билан бирга миллий лексикографиянинг шаклланиши ва тараққиётида ҳам ўз ўрнига эга. Қайд этилган тадқиқотларда масаланинг бу жиҳати махсус ўрганилмаган, шу туфайли жаид адибларининг тил ва тилшуносликка муносабати масалаларини лексикография кўзгусида умумлаштириб тадқиқ қилиш, улар тузган луғатларни лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш ҳамда ўзбек луғатчилиги шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссасини илмий баҳолаш лозим.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

⁵ Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002.

⁶ Қодиров Қ. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан (20-йиллар ўзбек тилшунослиги материаллари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

⁷ Сайидов Ё. Жаид бадий асарлари лексикаси: Филол. фан. д-ри (DSc). ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

⁸ Янгибоева Н. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилшунослиги жараёни (“Маориф ва ўқитғучи” журнали материаллари асосида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2019.

Тадқиқотнинг мақсади жаид маърифатпарварларининг ўзбек луғатчилиги тараққиётидаги ўрнини концептуал белгилаш, улар яратган филологик луғатларнинг лингвистик талқинини амалга ошириш, уларнинг ўзбек замонавий лексикографияси тараққиётига таъсирини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср охири ва XX аср бошидаги лисоний вазият ва жаид маърифатпарварларининг тил ҳамда тилшуносликка оид қарашларини таҳлил қилиш;

жаидчилик, унинг мактаб ва йўналишлари ҳамда жаидларнинг ўзбек филологик фанидаги хизматларини белгилаш;

давр луғатчилигининг шаклланишидаги ижтимоий эҳтиёж ва яратилган луғатларнинг манба ва методологик асосларини тавсифлаш;

луғат ижодкорлари – Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирӣ, Элбек, Исҳоқхон Ибрат, Назир Тўрақуловларнинг лексикографик фаолиятидаги ўзига хосликларни белгилаш;

жаид адибларининг луғат тузиш соҳасидаги фаолияти ва назарий фикрларини умумлаштириш орқали уларнинг ўзбек лексикографияси шаклланиши ва ривождаги ташаббуси ва тажрибаларини илмий жамоатчиликка етказишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини XX асрнинг 20–30-йилларидаги жаид маърифатпарварларининг лексикографияга оид асарлари, матбуотдаги мақолалари ҳамда луғатлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини жаид вакиллари луғатларининг хусусиятлари, уларнинг ўзига хослиги, манбалари ва методологик асослари, кейинги давр луғатчилигига қўшган ҳиссасини тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил, функционал-семантик, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий ўзбек луғатчилигининг асослари жаид маърифатпарварлари томонидан яратилганлиги, уларнинг туркий (ўзбек) луғатчиликка замонавий лексикографик тамойилларни олиб кирганлиги асосланган;

давр луғатларининг мазмуни (контент) ва тузилиши (структураси)ни ёритишда аввалги ва кейинги давр ҳамда ўз даври манбаларига қиёслаш усулининг афзаллиги кўрсатилган;

бир тилли луғатларга сўз танлаш, уларни изоҳлаш ва далиллашда анъанавий ва замонавий лексикографик тамойиллар уйғунлаштирилганлиги очиб берилган;

таржима луғатларида русча сўзларга ўзбекча муқобил сўз, сўз бирикмаси танлаш, изоҳлаш, тавсифлаш усуллари ва уларнинг комплекс қўлланганлиги асосланган;

давр луғатчилигининг кейинги давр таржима, изоҳли, терминологик; филологик ва энциклопедик луғатларнинг яратилишида методологик вазифа бажарганлиги исботланган, замонавий лексикографиянинг ривожланиш тенденциялари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жаид адибларининг луғатчилик фаолиятига доир материал ва хулосалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, ўзбек лексикографияси учун муҳим илмий-назарий маълумот беради, унинг назарий асосларини бойитади;

“Ҳозирги ўзбек тили”, “Ўзбек тили тарихи”, “Ўзбек тилшунослиги тарихи”, “Лексикография асослари” фанлари бўйича яратилган, яратилажак дарслик ва қўлланмалар, ҳозирги ўқув ҳамда изоҳли луғатларнинг мукаммаллашуви учун хизмат қилади;

тадқиқот натижалари филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар, илмий тадқиқотчилар ва соҳа мутахассисларининг билим ва малакасини оширишда манба бўлади;

жаид адибларининг ўзбек лексикографияси шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссасига доир материаллар, назарий маълумотлар ёш авлод дунёқарашини шакллантириш, уларда ватанга садоқат, она тилига, маънавий

меросимизга бўлган муҳаббат туйғуларини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларнинг “жадидлар” деб аталувчи зиёлиларга муносабатининг тўғри шаклланишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лингвистик таҳлил методологияси негизида шакллантирилгани, бирламчи илмий-бадний манбаларга таянилгани, ишончли ва самарали тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX аср бошлари ўзбек адабий тилининг муҳим хусусиятларига доир маълумотларни кенгайтириши, ўзбек тили лексикологияси, диалектологияси, ўзбек тили тарихи, ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши ҳамда жадид адибларининг ўзбек лексикографияси тадрижий такомилидаги хизматларини баҳолаш учун назарий асос эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жадид адибларининг тилшунослик, хусусан, луғатшуносликка оид фаолияти бўйича махсус курс ва семинарлар ўтиш, ихтисослик фанларини ўқитиш, “Ўзбек тили тарихи”, “Ўзбек тилшунослиги тарихи”, “Лексикография асослари” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, оммавий ахборот воситаларида жадид адабиёти намояндаларининг ўзбек лексикографияси ривожига ролини тарғиб этишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жадид маърифат-парварларининг луғатчилик фаолиятини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

жадид маърифатпарварларининг замонавий ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссасига оид, шунингдек, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Элбек, Ашурали Зоҳирий, Исҳоқхон Иброт,

Назир Тўракулов каби жаид адибларининг лексикографик фаолиятидаги луғат тузиш принциплари, луғатларга сўз танлаш ва сўз қўллаш тажрибаларига оид диссертация натижалари ва илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2012 – 2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г041-сонли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 15 октябрдаги 3/1255-2733-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида ўзбек луғатчилигининг етарлича тадқиқ этилмаган XIX асрнинг охири – XX аср бошларидаги ҳолати бўйича, ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ўтган асрнинг 20–30-йилларидаги тадрижий тақомили бўйича тавсифий маълумотлар кенгайган;

тадқиқотдаги жаид адибларининг тилга, тилшуносликка муносабати, шунингдек, давр луғатчилигининг шаклланиш зарурати, омиллари, манбалари ва жаидларнинг луғатчилик соҳасидаги фаолияти ҳақидаги илмий маълумотлардан Тошкент давлат педагогика университетида 2015–2017 йилларда бажарилган А-1-61 рақамли “Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 майдаги 89-03-2324-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида лойиҳа материаллари жаид маърифатпарварларининг ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасига оид янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

жаид адиблари томонидан яратилган кўп тилли таржима луғатларидаги сўз танлаш, изоҳлаш, муқобиллари сақланишини таъминлаш, ўзбек тилидан бошқа тилларга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган терминларнинг изоҳларини ёритиш, интерпретацияни амалга ошириш усуллари таҳлилига

оид назарий маълумотлардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2017 – 2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-018 рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа бажарилишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3907-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш тамойилларининг мукаммал даражада ишлаб чиқилишига эришилган;

жадид адиблари луғатчилик фаолиятининг маҳсули сифатида ўзбек лексикографияси тарихида дастлабки кўп тилли таржима луғатларининг, дастлабки терминологик луғатларнинг, дастлабки ўқув луғатларининг шаклланишига оид назарий фикрлар ва фактик материаллардан 5220100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигининг “Лексика, лексик-семантик сатҳ, лексикология ва лексикография” деб номланган қисмини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3907-сонли маълумотномаси). Натижада дарсликдаги лексемаларнинг тарихий тараққиёт босқичларидаги ўзгаришлари, маълум бир тилдаги лексемани қариндош бўлмаган бошқа тилдаги лексема билан қиёслаш, лексеманинг лексикографик талқинига оид маълумотлар назарий ва амалий жиҳатдан бойиган;

жадид адибларининг илмий-адабий мероси, уларнинг ўзбек миллий тили, унинг асосини ташкил этувчи давр адабий тилининг ривожигаги ўрнини аниқлашга, жадид луғатчилигининг ўзбек лексикографияси тадрижий такомилдаги мавқеини белгилашга доир назарий хулосалар асосида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va ma’rifat” телеканалида 2016–2017 йилларда эфирга узатилган “Go‘zal yozg‘ichlar” кўрсатуви сценарийларини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma’rifat”

телеканалининг 2019 йил 18 октябрдаги 01-16/431-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 5та халқаро ва 8та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25та илмий иш чоп этилган, шулардан 1та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11та мақола (шу жумладан, 9таси республика ва 2таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми – 240 саҳифа.

I БОБ. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ВА ДАВР ТИЛШУНОСЛИГИ

1.1-§. “Жадид” ва “жадидчилик” тушунчалари ҳақида

Таниқли олим, адабиётшунос Ғулом Каримов “...Узоқ муддатлар бошдан кечирганимиз қатағон ва турғунлик даврларида ўтмишимизни, маданиятимизни, тилимиз ва, ҳатто, номимизни унутдик ёки қинғир ойнада кўриб-кўрсатиб келдик”, – деганларида тўла ҳақли эдилар⁹.

Маълумки, мамлакат ва халқлар, элат ва қабилалар тарихида турли шарт-шароит, ҳар хил сабабга кўра, таназзул ва турғунлик, қолоқликнинг ҳар хил кўриниши, жаҳолатпарастлик каби ҳолатлар юз бериб туради. Бу у ёки бу халқ, элат қабила ёки мамлакатнинг умумий табиий шароити, ҳолати (билимсизлиги, жоҳиллиги, маишатпарастлиги, беғамлиги, дангасалиги, диний ва бошқа тазйиқ қабилар), табиий офатлар, босқинчиликлар (халқлар, ҳудудлар ва мамлакатларни қарам қилиш қабилар) асосида юзага келиб, турли оқибатларни келтириб чиқаради:

1) бир мамлакат иккинчи мамлакатнинг ҳудуди, халқини босиб олиб, унинг тараққиётига – ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий турмушига аксар ҳолларда салбий, қисман ижобий таъсир ўтказиши ҳам мумкин (лекин бу ҳолат жуда кам кузатилади);

2) бир мамлакат иккинчи бир мамлакатни босиб олар экан, бу халқни, мамлакатни қолоқликда сақлашга ҳаракат қилади, талайди, бойликларидан ўз мақсадларида фойдаланади, фақат ўз халқи манфаатини назарда тутиб фаолият кўрсатади;

3) босқинчиликлар туфайли баъзан йирик, бирлашган мамлакатлар тузилиб, бирлашган мамлакатларнинг умумий тараққиёти ривожини таъминлаш ҳолатлари юзага келади. Бунда босиб олинган мамлакат, ҳудуд ва халқда юксалиш, турли ўзгаришлар содир бўлади;

⁹ Каримов Ғ. Давр адабий ҳаётига бир назар. Миллий уйғониш. Ўзбек филологияси масалалари. – Тошкент: Университет, 1976. – Б. 4-7.

4) мамлакатлар, уларнинг етакчилари ўртасидаги ўзаро низолар сабабли таназзул ҳолати сақланади.

Умумлаштириладиган бўлса, шартли равишда, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек миллий таназзулининг иккита асосий омилини кўрсатиш мумкин:

- а) ички омил;
- б) ташқи омил.

Бу омилларнинг асослилигини тасдиқлаш учун адабиётшунос А.Абдуғафуровнинг “XIX асрнинг иккинчи ярмида сиёсий-ижтимоий, маданий ва адабий ҳаёт” номли тадқиқотидаги қуйидаги фикрни келтиришни лозим кўрамыз: “ ... Меҳнаткаш халқ иккиёқлама зулм асоратида қолди: асрлар давомида маҳаллий эксплуататорлар – хонлар, йирик феодаллар, беклар, бойлар, реакцион дин арбоблари томонидан аёвсиз эзилиб келаётган, сон-саноксиз солиқ ва ўзаро қирғин урушлар (ички омил – С.Н.) натижасида тобора қашшоқланаётган омма эндиликда чоризмнинг миллий-колониал зулмига ҳам дучор бўлди (ташқи омил – С.Н.).

Ўлкани бошқариш учун тайинланган ва чексиз ҳуқуқларга эга чор генерал-губернаторлари ва чиновниклари маҳаллий эксплуататорлар билан тезда “тил топишиб”, меҳнаткаш халқни биргаликда очикдан-очик талай бошладилар... Ўрта Осиёни ўз саноати ва қишлоқ хўжалигининг маҳсулоти бозорига айлантиришга, моддий бойликларга сероб ўлкадан арзон хом ашё ва ишчи кучи манбаи сифатида фойдаланишга уринар эди. Чоризм маҳаллий халқларга паст назар билан қарар, уларни камситар, меҳнаткашлар онгини захарлаб, қоронғуликда сақлашга ҳаракат қилар эди...”¹⁰. Туркистон халқининг аҳволи, яшаш тарзи, ҳаёти ана шу аҳволга тушиб қолган, таназзулдан чиқишнинг йўллари ахтарилмаса, энди шу ҳолатда қолиши мумкин бўлмаган даражага етган эди. Иккиёқлама зулм кучайган, алдаш йўлига ўтилган, қарамликда сақлашнинг барча йўллари чоризм ҳам, шўролар ҳукумати ҳам қўллашга ҳаракат қилаётган даврга келинган эди. Шу

¹⁰ Ўзбек адабиёти тарихи (дарслик) – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 7-8.

ўринда жади́дчи́лик, Марказий Осиёдаги уйғониш даври адабиёти хусусиятларини тадқиқ этишда фаоллик кўрсатган профессор Бегали Қосимовнинг бир фикрини келтириб ўтиш ўринли: “... Жади́дчи́лик дафъатан майдонга келган ҳаракат эмас. У, аввало, муайян сабаблар билан (юқорида кўрсатиб ўтдик – С.Н.) умумтараққиётдан узилиб қолган ҳар бир миллат, мамлакат ҳаётида бўлиши табиий ҳол эди. Фарқи шуки, у Русия мусулмонлари орасида “жади́дчи́лик” шаклида намоён бўлди. Иккинчидан, у бошланишдаёқ тор, миллатчилик йўналишида бўлган эмас, аксинча, Ғарб билан Шарқнинг энг сўнгги ютуқларига таянган, унга эргашган ҳаракатчилик эди. Тўғри, у буржуа ҳаракатчилиги эди, лекин худди шу шароитда инқилобий кучга эга бўлган, ўзида тараққиёт мазмунини ташиган буржуа ҳаракатчилиги эди...”¹¹.

Бошқа зиёлилар, адиблар, олимлар, баъзи сиёсатчилар ҳам бу ҳаракатни “буржуа ҳаракати”, “савдо буржуазияси ҳаракати” номлари билан аташган бўлса, баъзилар “маърифатчилик”, “маърифатпарварлик”, “демократик миллий уйғониш ҳаракатлари” каби номлар билан белгилаганликлари маълум. Жумладан, профессор Ғулом Каримов томонидан 1987 йил нашр этилган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари ўзбек адабиёти (1905 йилгача бўлган адабиёт), асосан, “демократик адабиёт” номи билан юритилиб, бу давр адабий ҳаракатчилиги “демократик ҳаракат” тарзида қайд этилган бўлса, ЎзФА Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан нашр этилган “Ўзбек адабиёти тарихи” (Тошкент, 1980, V жилд) китобида XIX асрнинг иккинчи ярмидан октябрь инқилобига, яъни 1917 йилгача бўлган адабиёт “маърифатпарварлик ҳаракати адабиёти” номи билан қайд этилади. Қайд этилган биринчи дарсликда (Ғ.Каримов дарслиги) феодал-сарой, шунингдек, диний-мистик адабиёт вакиллари ҳақида қисқача маълумот берилиб, демократик адабиёт вакиллари қаторида Муқимий, Фурқат, Комил Хоразмий, Завқий, Аваз Ўтар,

¹¹ Қосимов Б. Жади́дчи́лик (айрим мулоҳазалар). – Тошкент: Университет, 1993. – Б. 15.

Ҳамза, С.Айний, Анбар Отин, Абдулла Авлонийлар фаолияти, ижоди ҳам қайд этилган.

Кейинги дарсликда Муҳаммадниёз Комил, Муқимий, Фурқат, Мирий, Нодим, Завқий, Аваз Ўтар, Анбар Отин, Абдураззоқ Фақирӣ, Ҳамза, С.Айний каби ижодкорлар ҳаёти ва ижоди, фаолияти ҳақида фикр юритилади. Бир жиҳатдан бу маълумотларнинг тадқиқотимиз мавзусига алоқаси йўқдек, бироқ “Жадидчилик ҳаракати қандай ҳаракат?”, “Жадидлар кимлар?”, деган саволларга тўғри ва тўла жавоб бериш учун бу маълумотларни четлаб ўтишнинг имкони йўқ.

Бу даврда Ўрта Осиё (Марказий Осиё, Мавороуннаҳр, Шарқ) халқларини таназзул ҳолатидан олиб чиқиш учун курашганлар (зиёлилар, адиблар, матбуотчилар, ҳатто айрим бойлар, дин вакилларида айримлари, педагоглар, ишчилар гуруҳининг илғор вакиллари) анчагина эди, бироқ улардан баъзи адиб (кенг маънода илмий тадқиқотчи, драматург, шоир, ёзувчи, матбуотчи) ва педагогларгина жадидлар сифатида қайд этилади. Тадқиқотчи Муҳайё Қодирова бу ҳақда қуйидаги фикрни билдиради: “Жадидчилик ва уларнинг яловбардорлари ҳақида кўп ёзилди. Бироқ шу ҳаракатнинг фаол иштирокчилари бўлган яна кўплаб шахслар ҳам борки, улар бирмунча эътибордан четда қолиб келаётир. Чунончи, Ҳожи Муин, Мирмуҳсин, Нозимахоним, Шавкат (кимлиги ҳам номаълум бўлиб қолаётир – С.Н.), Тавалло, Ашурали Зоҳирӣ, Муҳаммаджон Холиқӣ, Мирзойи Ҳўқандӣ ва бошқалар ҳақида шу фикрни айтиш ўринли бўлади”¹².

Олима Пўлатжон Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмӣ” китобида Иброҳим Даврондан бошқа яна янги турмуш тарзини шакллантириш учун курашган шахслар бор эканлигига ишора қилади. Бошқа манбаларда ҳам бу ҳаракат намояндалари қайд этилганлигини кўрсатиб ўтади. Ахир, бу даврда, шу ҳудуд (Қўқон, Хива, Бухоро саройлари)да, асосан, бадий ижод билан шуғулланиб, элни озод, хат-саводли кўришни истаган, бунга хайрихоҳ

¹² Қодирова М. Иброҳим Даврон ва унинг адабий мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 25.

иждокорлар кўп бўлган, бироқ биз танишган, деярли, барча манбаларда жади́дчи́лик вакиллари қаторида бармоқ билан санарли шахсларгина қайд этилган. Ваҳолангки, озодлик, мустақиллик, Ўрта Осиё ва, умуман, Туркистонни таназзулдан чиқариш учун курашган ва хорижга қочиб кетганларнинг тахминан бир миллион икки юз ўн беш минги ўзбек бўлганлиги ҳамда уларнинг фаолиятини ўрганиш ҳам галдаги муҳим вазифалардан бири эканлигини қайд этиш лозим. Жумладан, Тоҳир Қаҳҳорнинг “Хур Туркистон учун” (Тошкент: Чўлпон, 1994) китобида мустақиллик, ўлка турмуш тарзини янгилаш учун курашганлар, бу йўлдан қайтмай, муҳожирликда фаолият кўрсатганлар ҳақида муҳим маълумотлар берилади. Рустам Шариповнинг “Аҳмад Заки Валидий Тўғон ҳаёти ва илмий фаолиятига оид библиографик кўрсаткич” рисоласида (Тошкент, 1998) қайд этилган далиллар; Муҳаммаджон Абдурахмоновнинг Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг “Хотиралар” китоби таржимасида баён қилинган маълумотлар (Тошкент, 2017); Бегали Қосимовнинг “Аллома адиб” мақоласидаги (Абдурауф Фитрат. Чин севиш. Тошкент, 1996) қайд этилган фикрлар жади́дчи́лик ҳаракати етакчилари ва фаоллари рўйхатини жиддий кўриб чиқишни тақозо этади. Тошкентлик Тоҳир Чиғатой, Эшон Хўжа Хоний Усмон Хўжа ўғли, Иброҳим Ёрқин; Қўқонлик Солиҳ Эркинкул; Марғилонлик Нишонбой Турк ўғли, Абдулваҳҳоб Мурод, Салимхон Нишонбой ўғли, Мир Машрик, Саъдуллоҳ Қосим; Андижонлик Ҳакимжон каби яна кўплаб шахсларнинг фаолияти ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги кунга қадар манбаларда жади́длар, жади́дчи́лик ҳаракати иштирокчилари сифатида уларнинг бир қисмигина, яъни Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий, Элбек, Ашурали Зоҳирий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий, Ҳожи Муин, Вадуд Маҳмуд, Сиддиқий Ажзий, Васлий, Ғози Олим, Шорасул Зуннун, Абдулла Алавий, Абдурахмон Саъдий, Иброҳим Даврон, Ҳамза, Ҳолиқий, Хўқандий, Афғоний, Мажидий, Ибодий, Қайюмий, Саидкаримбой Саидазимбой ўғли, Шакурий, Шавкат, Сидқий Хондайлиқий, Боту каби

зиёлиларнинг номи тилга олинади. Булардан айримларининг илмий, ижодий фаолияти ўрганилган, холос.

Мустақиллик даврида фитратшунослик, қодирийшунослик, чўлпоншунослик, авлонийшунослик, беҳбудийшунослик, ҳамзашунослик каби йўналишлар шаклланганлиги қувонарли ҳол. Шунга қарамай, юқорида жадидлар сифатида қайд этилганларнинг ҳам адабий мероси, тилшунослик бўйича қарашлари, умуман, фаолияти ҳали тўла ўрганилмаганлари анчагина. Жумладан, тилшунослик мероси, қарашлари, бадий асарларининг тил хусусиятлари ўрганилганлари қаторида Беҳбудий, Ашурали Зоҳирӣ, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Элбек, Фитрат, Чўлпон, Иброҳим Даврон, Қаюм Рамазон, Ғози Олим кабиларнигина санаш мумкин. Ўзбек адабиётшунослигида жадидчилик ҳаракати иштирокчилари бўлган ижодкорларнинг фаолияти А.Қаюмов, Д.Алимова, Ҳ.Зиёев, Н.Каримов, Б.Қосимов, Б.Назаров, А.Қаюмов, У.Норматов, Ш.Ризаев, Ш.Турдиев, У.Султонов, С.Аҳмедов, У.Долимов, Р.Тожибоев, Б.Дўстқораев, М.Қодирова, Р.Шарипов, Б.Каримов, Л.Азиззода, Ё.Тожиев, А.Мажидий, Л.Олимий, Турсункул, Б.Имомов, О.Шарафиддинов, М.Даврон, К.Олимова, Г.Раимова, А.Зиганшина каби яна кўплаб тадқиқотчилар, йирик олимлар томонидан имконият даражасида ўрганилганлиги, ўрганилаётганлиги маълум. Тадқиқотчи М.Қодированинг таъкидлашича, “Қўқон жадидчилик мактаби, унинг етук намояндалари ижоди ва фаолиятини ўрганиш истиқлол даври адабиётшунослиги учун муҳим. Ҳамза, Ашурали Зоҳирӣ, Мавлавий Йўлдош, Иброҳим Даврон каби жадид адабиётининг Қўқонлик вакиллари фаолияти бугунда етарли ўрганилмаган”¹³. Бундай фикрларни, албатта, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива жадидчилик вакиллари фаолияти ҳақида ҳам айтиш мумкин. Энди, жадидчилик ҳаракати вакиллариининг тил, тилшунослик йўналишидаги фаолиятини, қарашларини ўрганишнинг аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, бунда янада ачинарли ҳолатни

¹³ Қодирова М. Иброҳим Даврон ва унинг адабий мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 5.

кузатамиз. Жаидлар, жаид адабиёти вакиллари асарларининг тил хусусиятлари, уларнинг ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги ўрнини тўла белгилаб бериш борасидаги баъзи ишлар анча илгари бошланган. Жумладан, Ойбек домла XX асрнинг 30-йилларида, яъни Қодирий ҳаётлик даврида “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” асарида адибнинг “Ўткан кунлар” романи тилини ўрганади, бу ҳақда 1935 йилда махсус асар ёзади. Қўринадики, жаидлар бадий асарлари тилини ўрганишга ўша даврдаёқ қўл урилган эди. Жаидчилик вакилларининг тил ва тилшуносликка оид илмий қарашларини чуқур тадқиқ этиш, асосан, мустақиллик даврида бошланди ва бу жараён Фитрат, А.Зоҳирий, Элбек, Чўлпон, А.Қодирий каби олим ва адибларнинг тилшунослик соҳасидаги фаолияти ва қарашларини ўрганиш тарзида давом этапти. Бу соҳада Б.Тўйчибоев, М.Қурбонова, М.Йўлдошев, Ш.Бобомуродова, Қ.Қодиров, Ё.Сайидов, Ё.Тожиев, Т.Малик, Ҳ.Узоқов, А.Нурмонов, Й.Абдуллаев, Т.Тоғаев, С.Нормаматов, Л.Жалолова, М.Қодирова каби олимларнинг тадқиқотлари эътиборга молик. Бу ишларнинг айримлари, айтганимиздек, адиблар асарларининг тил хусусиятларини ўрганишни кўзда тутган бўлса, айримларида у ёки бу адибнинг тилшунослик мероси, тил муаммолари бўйича қарашларини тадқиқ қилиш мақсад қилинган. Таъкидлаш керакки, тилшунослик бўйича қилинаётган ишлар кўлами ҳали етарли эмас. Бу мулоҳазаларимизни Ашурали Зоҳирийнинг тилшунослик меросини ўрганган Т.Тоғаевнинг куйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: “... Бу давр ўзбек тилшунослигига оид талай муаммолар борки, улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Жумладан, Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ғози Олим, Шорасул Зуннун, Абдулла Алавий, Абдурахмон Саъдий каби шахсларнинг тилшунослик соҳасида олиб борган ишларини ўрганиш фаннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади”¹⁴.

Демак, жаидчилик, унга ёндош бошқа ҳаракатлар, ҳаракат етакчилари ва, умуман, иштирокчилари, ҳаракатнинг моҳияти, характери, ўзига хос

¹⁴ Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 4.

бошқа хусусиятлари каби масалаларни ойдинлаштириш, *жадид*, *жадидчилик* тушунчаларининг туб маъносини аниқлаш, изоҳлаш борасида ҳали анча ишлар қилиниши лозим. Юқоридаги мулоҳазалар жадидчиликка алоқадор баъзи тушунчаларни кенгроқ изоҳлашни ҳам талаб қилади. Шу маънода биз ҳам *жадидчилик*, *жадидизм*, *жадид* каби тушунчаларга доир айрим мулоҳазаларимизни баён этишга ҳаракат қиламиз.

М.Қодирова ўзининг “Иброҳим Даврон ва унинг адабий мероси” мавзусидаги номзодлик диссертациясининг (Тошкент, 2005) “Жадидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-маърифий моҳияти” номли бобида *жадид*, *жадидчилик* сўзларининг луғавий ва истилоҳий маъноларига атрофлича тўхталмоққа ҳаракат қилади ва ўз фикрларини асослаш учун айрим иқтибосларни ҳам келтиради. Олима “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ушбу атамаларнинг моҳияти бир мунча очиб берилгани ҳолда, бу масалага шўро мафкураси туфайли шаклланган қарашлар таъсирида изоҳ берилганлигини тўғри таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, ЎТИЛ даги тавсифда термин моҳияти тўла очилмаган. Тадқиқотчи олмон адабиётшуноси И.Болдауф ўзининг жадидчиликка доир мақолаларида “*жадид*” истилоҳининг маъноларига батафсил тўхталиб ўтганлигини айтиб ўтади. Шунга қарамай, бу тушунчалар моҳиятини янада мукамалроқ изоҳлашни мақсад қилиб, Адиб Холид, Исмоилбек Гаспирали, Ш.Ризаев, Л.Азиззода, Б.Қосимов, Д.Қуроновларнинг бу борадаги изоҳларини ҳам келтиради. Жумладан, Адиб Холиднинг *жадид* терминига берган изоҳи куйидагича эканини кўрсатади: “Мусулмонлар жамиятини замонавий алоқа воситалари ва мулоқотнинг янги шаклларида фойдаланиш орқали ислоҳ қилишга уринувчи шахслар “жадидлар” деб аталган”. Муаллиф бу билан қаноатланмай, жадидчиликнинг етакчиси бўлмиш Исмоилбек Гаспиралининг изоҳини ҳам келтиради: “Ота-бобо кунларидан қолмиш миллий мактабларни ислоҳ этмак “усули жадид” демакдир, бошқа бир ўқув, бошқа бир мактаб

демак дагилдир”¹⁵. Бу изоҳлардан кейин тадқиқотчи М.Қодирова хулоса характеридаги куйидаги фикрини қайд этади: “Агар диққат қилинса, бу оқим илк пайдо бўлган кундан бошлаб ўз олдига ягона мақсад – маърифатчиликни ёйиш масаласини қўйган ва ушбу маслак йўлида мактаблар очилган, газета ва журналлар нашр этилган, жаид адибларининг катта бир гуруҳи майдонга чиққан. Жаидлар фаолияти мактаблар ислоҳоти билан бошланиб, аста-секин жамиятнинг маданий-маънавий ҳаётини, кейинроқ эса ижтимоий-сиёсий соҳаларини қамраб олгани кўп манбаларда таъкидланган”¹⁶. Тадқиқотчи ўзининг бу фикридан қаноатланмайди. Яна бошқа манбаларга мурожаат қилади: “Адабиётшунос Ш.Ризаевнинг ёзишича, бу усул (нега энди усул? – С.Н.) тарғиботчилари расмий равишда: “жаидлар”, уларнинг фаолиятлари “жаидчилик ҳаракати”, даври эса “жаидчилик даври” деб юритила бошлаган. Айни пайтда ушбу даврни тарихий ва илмий адабиётларда “миллий уйғониш даври” деб аташ ҳам таомилга кирган. Ҳатто Лазиз Азиззода шу даврни мавзу белгилаб, ўша пайтдаёқ “Туркистоннинг миллий уйғониш тарихи”¹⁷ номли тадқиқотини яратгани маълум”.

Муаллиф иқтибос келтиришда давом этади: “Профессор Бегали Қосимовнинг тубандаги хулосаси миллий уйғониш даври, демакки, жаидчилик даври хусусиятларини бирмунча тўлиқ қамрай олади: “Туркистонни саводли ва маърифатли, тўқ ва фаровон, озод ва обод ватанга айлантириш, биринчи навбатда, мустақилликка эришиш, муштамлакачилик исканжасидан халос бўлиш жаидчилик ҳаракатининг асосий мақсад-вазифасини ташкил қилар эди”¹⁸.

Кўринадики, “жаидчилик” тушунчасининг туб моҳиятини аниқлаштиришга ҳаракат қилган тадқиқотчи қарашлари ҳаракат иштирокчиларининг мақсад-вазифалари, даврнинг ўзига хослиги, ҳаракатнинг ҳам шу давр хусусиятидан келиб чиққан ҳолда пайдо

¹⁵ Қодирова М. Иброҳим Даврон ва унинг адабий мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 8.

¹⁶ Шу манба. – Б. 8.

¹⁷ Ризаев Ш. Жаид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 5.

¹⁸ Қосимов Б. Жаидчилик – миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 21-22.

бўлганлиги ҳақидаги фикрларга уйғун: “Жадидчиликнинг аниқ манзарасини тасаввур қилиш учун XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муин, Тавалло каби ўнлаб адиблар яратган турли жанрлардаги асарларга назар ташлаш етарли. Улар яратган асарлар марказида маърифатни улуғлаш, кишиларни билим олишга чорлаш, жамиятдаги жами нуқсонларнинг асосий сабабчиси билимсизлик, жаҳолат эканини таъкидлаш мақсадлари турган”¹⁹. Ҳаракат вакиллариининг бундай мақсад ва вазифаларни ўз олдиларига қўйишларига нима туртки бўлган? Ана шу турткини истиқлол қаҳрамонларидан бири Вадуд Маҳмуд турк шоири Ажзийдан топади: “Узун тартибсизликлар орқасида бузулган, биткан ўлкамизнинг оқибат ўлдургувчи истибдод идораси остида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимиздаги пастланиш адабиёт тарихимизда очик сезиладир. Ҳеч бир даврда шу кунда бўғони каби адабий пастлик кўринмагандир, десак янглишмаймиз. Чунки тарихимизнинг ҳеч бир даврида иқтисодий ва ижтимоий ҳолимизнинг бу қадар пастланган даври йўқ. Бу кун халқимиз шу қадар фақир, шаҳарларимиз, қишлоқларимиз шу қадар харобдирки, бундай ҳоллар сўнгги асрдан бошқа вақтда кўрулган эмасдир”²⁰.

Тарихдан маълумки, Пётр I даврида бошланган ислохотлар, шунингдек, Ўрта Осиёни қарам қилиш режаси секин-аста, ўта муғомбирлик билан амалга оширилган бўлишига қарамай, XX аср бошларига келиб, Россиянинг (у босиб олган ҳудудларнинг ҳам) ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳолати яхшиланмади. Абдулла Қодирий қаҳрамонларидан бири Отабек “ихлос” билан: “Ўруснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлигини иқдор этишга мажбур бўлдим. Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кета берса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди... Шамайда ўйлаганларим, ошиққанларим, ширин хаёл эмиш! Бу ерда сўзимни эшитувчи биров ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: “Сенинг арзингни шу хонлар эшитадими, шу беклар ижро қиладими?” деб, мени маъюс

¹⁹ Қодинова М. Иброҳим Даврон ва унинг адабий мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 8.

²⁰ Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. Турк шоири Ажзий. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 57-58.

киладилар” (“Ўткан кунлар”, 16-бет). Хуллас, Россиянинг ўзи ҳам, у босиб олган жойлардаги умумий вазият, аҳвол ҳам энг ночор ҳолатга келди. XX асрнинг бошларидаги бу вазиятга, қолоқликка энди чидаб бўлмас эди. 1905 йилларга келиб Россиянинг ўзида вазиятдан чиқишнинг инқилобий йўли танланди. Бу ҳаракат кучайиб бориб, бошқа ҳудудларга, мустамлака қилинган ўлкалар аҳволига ҳам таъсир этди. Вазият ҳамма ҳудудда кескин тус олди, қолоқлик авжига чикди. Бошқа ҳудудларда ҳам нимадир қилиш кераклиги маълум бўлиб қолди. Мовороуннаҳр ҳудудида ҳам кўзғолонлар бўлиб ўтди. Мухтор республикалар ҳам тузиб кўрилди (Қўқонда, Бухорода). Бу ҳолат деярли барча зиёлиларни, ватан, халқ қайғусида бўлган кишиларни бефарқ қолдирмади. Биламизки, Туркистон ўлкаси халқлари, унинг етакчилари ўзларича бирор нарса қилишга ҳақ-ҳуқуқлари йўқ эди. Демак, биринчи навбатда, Б.Қосимов таъкидлаганидек, мустақилликка эришиш муҳим эди; Россия Туркистон ўлкасига мустақиллик бериши керак ёки у ерга муносабатини тамомила ўзгартириш зарурати бор эди; амирлик, хонликлар, бошқарув тизимига алоқадор бўлган барча жабҳалар, уларнинг фаолияти, тузилиши тубдан ўзгариши зарур эди; жаҳолатдан чиқишнинг ҳамма йўллари ахтариб кўриш, маориф тизимини, диний тизимнинг фаолиятини ўзгартириш муҳим бўлиб қолган эди ва ҳоказо.

Вазият шундай эдики, “аввал иқтисод, кейин сиёсат” деган ҳикматнинг моҳияти ҳам гўё “аввал сиёсат, кейин иқтисод” томонига ўзгаришни тақозо этар эди; кўпчиликнинг, меҳнаткаш омманинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг онгини ҳам янгилаш зарурати муҳим эди.

Буларнинг ҳаммаси ҳаракат ва яна ҳаракатни талаб қилди. Ҳаракатлар натижасида, агар мустақилликка эришишнинг ҳеч иложиси бўлмаган тақдирда, жиддий ислоҳотлар қилишга бутун ҳукумат бошқарувини мажбур қилиш борасида бўлса-да, ҳаракат қилиш керак. Бунга рози бўлишга мойил бўлган зиёлилар, етакчилар ҳам бўлганлиги сир эмас. Бироқ бундай “ислоҳотлар” билан ҳақиқий ҳолатни яхшилаб, тубдан ўзгартириб бўлмас эди. Ана шунга ақли етган халқ вакиллари, етакчилар (касб-кори, мавқеидан

катъи назар) жаидлар эдилар. Жаидчилик вакиллари ва улар уюшган оқим – ҳаракат ана шундай бир вазиятда вужудга келди. Профессор Бегали Қосимов шундай ёзади: “Жаидчилик асосида “жаид” термини ётади. “Жаид”нинг маъноси “янги”, ё бўлмаса, “янгилик тарафдори” дегани эмас, балки “янги тафаккур”, “янги инсон”, “янги авлод” сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган”²¹. Олимнинг бу фикрини қисқача бўлсада, шарҳлашга тўғри келади: “Жаидчилик” кимларнинг оқими, кимларнинг ҳаракати? Бу ҳаракатнинг етакчилари ким, асосий мақсадлари нима? каби катор саволларга жавоб топиш керак. Биринчи навбатда, шунинг назарда тутайликки, бу ҳаракат етакчиларининг ҳаммаси зиёлилар – юксак тафаккур, юксак онг, юксак маънавият ва маданият эгалари; жаҳолатга, зулматга, ваҳшийлик, босқинчилик, зўравонлик, қолоқлик, саводсизликка маърифат, маданият, тафаккур, эзгуликни қарши қўювчилар. Шундай экан, улар жаҳолатга жаҳолат орқали курашувчилар эмас. Уларнинг аксарияти педагоглар ва уларнинг ҳам сараланганлари, юксак маънавиятли кишилар. Улар уруш, қон тўкиш, зўравонлик, босқинчилик ва ваҳшийлик йўли билан эмас, балки юксак маънавият куч-қудратига ишониб, унга таяниб мустамлакачиликдан, қарамликдан, таназзулдан чиқишни пухта режалаштирган инсонпарвар кишилар.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов айтганидек, “Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрати. У йўқ бўлган жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди... Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Юксак маънавият – енгилмас куч”²².

Жаидчилик – юксак маънавиятли кишиларнинг қарамликдан, таназзулдан олиб чиқувчи ҳаракатидир. Шундай экан, *босмачилик* деб номланган ҳаракатни бу ҳаракат билан тенглаштириш тўғри эмас. Албатта, улар ҳам эрк, миллий мустақилликка эришиш йўлида курашган дегувчилар бор, бироқ бу кураш усули билан жаидчилик ҳаракатининг кураш усули

²¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 5.

²² Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 62.

тубдан фарқ қилади. Жадидчиликнинг кураш усули, айтганимиздек, жаҳолатга маънавиятни қарши қўйиш усули. Жадидчилик ҳаракати етакчиларининг ҳам, ўша босмачилик ҳаракати етакчилари бўлган Мадамминбек, Эргаш Қўрбоши, Қўр Шермат, Ҳусан Қўрбоши кабиларнинг ҳам мақсади бир – миллий озодлик учун кураш. Шунга қарамай, уларнинг ҳаракат усуллари бошқа-бошқа. Юксак маънавиятли, зиёли, тажрибали, тарбиячи, инсонпарвар, олижаноб педагоглар кўзда тутган ҳаракатни “лашкарбоши”, “қўрбоши”лар танлаган қон тўкиш йўли билан боғлиқ ҳаракат билан тенглаштириб бўлмайди. Бирида ақл-заковат, қалам, мактаб кабилар қурол бўлса, иккинчисида қилич, милтиқ қурол. Шунга кўра, “босмачилик” деб номланган ҳаракат эзгу ният йўлидаги ҳаракат бўлишидан катъи назар, бу жадидлар йўлидан фарқланади. Профессор Б.Қосимов айтаётган “*янги тафаккур*”, “*янги инсон*”, “*янги авлод*” тушунчалари, ҳақиқатан ҳам, янгича фикрловчи, янгича ҳаракат қилувчи, янгича яшашни билувчилар, янгича кураш усулларини топган, унга амал қилувчиларни кўзда тутди. Юксак маънавиятли кишилар – юксак маърифат йўлидан бориб, мақсадга эришувни танлаган инсонлар. Бу – инсоният тарихида жуда муҳим.

Ҳозирги кунда кураш усулларининг қайси бири ўз даври учун муҳимлигини белгилашда, назаримизда, файласуф олимлар Абдуқодир Зоҳидов ва Абдували Ҳамидовлар томонидан тузилган “Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкураси” китобини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаймиз. Китобда Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасининг туб моҳияти, миллий мустақиллик учун кураш усуллари, шароитлар, мустақиллик мафкураси таърифи ва назарий-методологик асосларининг ўзига хос жиҳатлари, мақсад-вазифалари каби энг муҳим масалаларга муносабат билдирилган. Юксак маънавиятли кишиларнинг миллий мустақиллик йўлидаги курашларига баҳо берилган²³.

Маълумки, мамлакат, эл-юрт мустақиллиги учун курашнинг турли усули бор: террорчилик, зўравонлик, босқинчилик, алдамчилик, риёкорлик ва

²³ Зоҳидов А., Ҳамидов А. Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкураси. – Фарғона, 2006. – Б. 5-94.

бошқалар. Бу усулларга зид бўлган, улардан тамомила фарқ қиладиган *маърифатчилик*, унинг табиий давоми бўлган инсонийлик, гуманизм, эзгулик кабиларга асосланган *жадидчилик* усули – зиёлилар, юксак маънавиятли кишилар қўллаган, улар дунёқарашини ўзида ифода этган ҳаракат. Бу усул террорни, босқинчилик, зўравонлик, шафқатсизлик, шошқалоқлик, жаҳолат билан иш тутиш кабиларни қоралайди. Юксак маданият билан қилинадиган ҳаракатларни кўзда тутлади.

Дарҳақиқат, *жадид* арабча сўз, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қайд этилишича, аслида, *янги*, *охирги* маъноларини билдириб, сифат туркумига оид. Луғатда отлашганлиги айтилмаган ҳолда, *тарихий* ишораси билан *янгилик тарафдори*, *жадидчилик ҳаракатининг қатнашчиси* сифатида изоҳланган, от (шахс оти) тарзида берилади (ЎТИЛ, 2-жилд, Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2006, 64-бет). Термин (ёки сўз)нинг отлашган ёки отлашмаганлигини изоҳламасдан туриб, бу сўзга *янги* ёки *янгилик тарафдори* тарзида изоҳ бериш, бизнингча, тўғри эмас. Худди шу каби луғатда *жадидизм*, *жадидчилик* терминлари ҳам тўлақонли изоҳланмаган: *Жадидизм*, *жадидчилик* – жадидизм тарафдорлари (шу саҳифада). Биринчидан, қора рангда берилган *жадидизм* сўзидан кейин ҳеч қандай белги қўйилмай туриб, бош ҳарф билан *жадидчилик* сўзини ёзиб кетавериш ҳам тўғри эмас. Луғат тузишда шундай йўл тutilганлиги учун бунга эътироз қилмаслик мумкин. Иккинчидан, *жадидизм*, *жадидчилик* термини мавҳум от, соҳа ёки оқим, йўналиш оти сифатида изоҳланган экан, уни *жадидизм тарафдорлари* тарзида шахс оти сифатида қайд этиш ҳам тўғри эмас. Чунки мазкур луғатда *жадидчилик* сўзи (термини) “*маърифатпарвар оқим*” мазмунида изоҳланиб, шахс оти сифатида берилмаган (ЎТИЛ, 2-жилд, 64-бет). Ўзбек тилида жуда кўп илмий истилоҳлар каби луғатларда *жадид* сўзи ҳам сифат (янги), ҳам шахс оти тарзида изоҳланса, худди шу каби *жадидизм*, *жадидчилик* терминлари ҳам, бир жойда оқим, ҳаракат йўналиши мазмунида изоҳланадики, бу, айниқса, изоҳли луғат учун маъқул эмас.

Юқорида баён этилган мулоҳазалар *жадид*, *жадидчилик* тушунчаларининг туб моҳиятини тўғри ва тўлиқ, аниқ белгилашни кўзда тутган ҳолда, батафсил келтирилди ва мулоҳазалар яна тўлдирилиши ҳам мумкин. Бошқача айтганда, айнан, шу терминлар, шунингдек, улар иштирокида тузилган бошқа истилоҳлар, жумладан, *жадид адабиёти*, *жадид матбуоти*, *жадид мактаби* кабиларнинг ҳаммаси аниқ изоҳларни талаб қилади, буни эса чуқур тадқиқотларсиз ҳал этиш қийин. Б.Қосимов тўғри таъкидлаганидек, модомики, “жадидчилик” деб аталган ҳаракат – оқимнинг асосида *жадид* термини ётар экан, “жадид”нинг маъноси “*янги*”, ё бўлмаса, “*янгилик тарафдори*” дегани эмас, балки “*янги тафаккур*”, “*янги инсон*”, “*янги авлод*” сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган, яъни у ўзбек тилида, асосан, шахс оти тарзида талқин этилаётган экан, демак, у фақат “*янгилик тарафдори*” деган шахс маъносини эмас, балки концептуал мазмунда изоҳланиши керак бўлган “*жадидчилик тарафдори*”, “*жадидчилик ҳаракати аъзоси*”, унинг таркибини ташкил этувчи, таркибий элементи. Шундай экан, “жадид”нинг, яъни шахснинг туб моҳиятини аниқлаш учун, энди жадидчиликнинг қандай ҳаракат эканлигини тўғри ва тўла изоҳлаш ҳам керак. Демак, масала шундай қўйилиши керак:

а) аввал *жадид* терминининг тўғри ва аниқ изоҳини белгилаб олиб, шу асосда *жадидчилик* терминининг моҳиятини муайянлаштириш лозим;

б) ё *жадидчилик* терминининг тўғри ва аниқ изоҳини белгилаш асосида унинг асоси бўлган *жадид* терминининг туб моҳиятини у орқали аниқлаштириш зарур.

Иккала ҳолатда ҳам *жадид* истилоҳининг этимологик маъноси эътиборга олиниши зарур бўлгани ҳолда сўзнинг терминлашувида семантик силжишлар муқаррарлигини назар тутиш лозим.

Кўпгина манбаларда терминнинг изоҳлари ҳар хил, туб моҳиятга яқин келган изоҳлар ҳам бор. Шулардан айримларини келтирамиз: “жадидчилик тар. XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларида туркий халқлар ва тожиклар орасида юзага келган, Туркистон халқларининг манфаатларини

ифодалаган, маърифат учун курашган, ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ қилган, диний мактабларнинг дастурларига дунёвий фанларни киритишга интилган маърифатпарвар оқим”²⁴.

Эътибор берилса, унда мунозарага сабаб бўладиган жиҳатлар кўзга ташланади:

- 1) жадинлар фақат Туркистон халқларининг манфаатинигина кўзда тутган эмас;
- 2) жадинлар фақат маърифат учунгина курашган эмас;
- 3) жадинлар ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ қилиш тарафдорларигина бўлган эмас;
- 4) жадинлар диний мактаблар дастурларига дунёвий фанларни киритишгагина интилган эмас ва ҳоказо.

Бу изоҳдан *жадидчилик ҳаракати*, асосан, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган, шу йўлда курашган кишилар жамоаси, оқими деган мазмун англашилади.

Энди иккинчи изоҳни келтирамыз: “Жадидизм” (араб. “усули жадид” – янги усул иборасидан) – буржуа миллатчилик ҳаракати, татар буржуазияси орасида (XIX асрнинг 80-йилларида) вужудга келган, сўнгра (XIX асрнинг 90-йилларида) Ўрта Осиёга тарқалган. *Жадидизм* номли бу оқим дастлабки тарафдорларининг мусулмонча ўқитишни европача таълим бериш йўли билан ислоҳ қилиш, капитализмнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор феодал сарқитларни бартараф этиш, капиталистик жамиятнинг тараққий этиши эҳтиёжларига мослашиш йўлидаги уринишлари билан боғлиқ. Октябрь революциясидан кейин жадинлар совет ҳокимияти душманлари қаторига ўтдилар, босмачилик ҳаракатида фаол иштирок этдилар”²⁵. Бу изоҳни таҳлил қилайлик: Биринчидан, жадидчилик (том маънодаги жадидчилик кўзда тутилмоқда) татар буржуазияси орасидагина тарқалмаган ва у Ўрта Осиёга XIX асрнинг 90-йилларида ёйилган эмас.

²⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 64.

²⁵ Атеистик энциклопедик луғат – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1988. – Б. 151.

Шунингдек, Ўрта Осиёда буржуа вакиллари орасидагина эмас, етакчи зиёлилар орасида тарқалиб, маърифатпарварларни ҳам, демократларни ҳам ўзида жипслаштира олган эди. Бу фикримизни профессор, жадидшунос олим Улуғбек Долимовнинг “Туркистонда жадид мактаблари” китобидаги баъзи қайдлар ҳам тасдиқлайди: “Ўлкамиздаги дунё тараққиётидан бутунлай узилиб қолган таълим-тарбия тизимидаги турғунликка нисбатан танқидий фикрлар узокни кўрувчи зиёлилар, мутафаккирлар орасида анча илгари, яъни XIX аср бошларида вужудга кела бошлаган эди”²⁶. У.Долимов фикрида давом этиб, атоқли ўзбек шоираси, давлат арбоби Нодирабегим тарбиясини олган етук тарихчи олим, ёзувчи, маърифатпарвар Ҳакимжонтўра Маъсумхонтўра ўғлининг Шамай, Омск, Оренбург, Астрахан шаҳарларида бўлгач, унда хонликлардаги давлат, таълим-тарбия, ўқитиш тизимига нисбатан муносабати ўзгарганлигини қайд этади. Шунингдек, ўлканинг тараққиётдан нақадар орқада қолганлигини айтиб, тил ўрганиш, тарбияхоналар очиш ҳақидаги фикрларини ҳам таъкидлаб ўтади. Ҳакимхонтўра 1826 йилда Туркия, Миср мамлакатларига боради. Муҳаммадали пошшонинг 40 нафар турк йигитини 7 йил давомида турли билимларни эгаллаш учун Европага ўқишга юбориши уни ҳайратга солади. Бу зиёлининг “Мунтахаб ут-таворих” (“Танланган тарихлар”) номли китоби мавжудлигини тадқиқотчи алоҳида эътироф этади. Китоб муаллифининг қарашлари Бухоро ва Қўқон зиёлиларига катта таъсир кўрсатган. Бу таъсирни Ҳакимхонтўрага яқин замондош, ислохотпарвар Аҳмад Дониш фаолиятида, унинг “Наводир ул-вақое” асарида яққол кўриш мумкинлигини У.Долимов алоҳида тилга олади. Тарихдан маълумки, ҳақиқатан ҳам, Аҳмад Дониш XIX аср ўрталаридаёқ Бухоро мактаб-мадрасаларидаги ўқиш-ўқитиш методларини тубдан ислоҳ қилиш масаласини кескин қўйган эди. Шу сабабли С.Айний уни “Бухоронинг порлоқ юлдузи” деб атайдиган²⁷. Кўринадики, маърифатпарварликнинг, айниқса, маориф билан, таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракат, XX аср бошларида

²⁶ Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 8.

²⁷ Шу манба. – Б. 10.

эмас, балки ўлкамизда XIX аср бошларида пайдо бўлган ва бу ҳаракат татар буржуазияси зиёлиларидан бу ўлка зиёлиларига ўтган эмас (бу масала махсус тадқиқотларни тақозо этади). Албатта, XX аср бошларида Бошқирдистонлик олим, сиёсий арбоб, жадинчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, шарқшунос, толмас курашчи Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг умумий фаолиятига доир ишлар амалга оширилганини ҳам эътиборга олиш зарур. Унинг “Хотиралар китоби” номли асари 2017 йилда М.Абдурахмонов томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Бу олимнинг умумий фаолияти, жадинчилик борасидаги ишлари ҳақида айрим қайдлар бўлди²⁸. Р.Шариповнинг таъкидлашича, жадинчилик ҳаракати Хивада ҳам Бухородан аввал, XIX асрнинг охирларида вужудга келган²⁹. Исмоилбек Гаспиралининг жадинчилик фаолияти, маълумки, XX аср бошларига тўғри келади ва унинг асосий фаолияти, биринчи навбатда, (бошланишда) маорифни, мактаб ва мадрасаларни тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия тизимини ўзгартириш, миллатни уйғотиш учун кураш олиб бориш бўлди. Кейинчалик, унинг ғояси ўзгарди (бошқалар таъсирида эрк учун кураш бош ғояси бўлди).

Жадинчилик термини изоҳидаги иккинчи ноқислик шундаки, унда жадинизм (жадинчилик) ҳаракатининг асосий мақсади мустақилликка эришиш учун барча кучларни бирлаштириш, бутун халқни уйғотишни, уларнинг онгини, билим даражасини, умумий савиясини оширишни, тўсиқ бўлаётган ҳамма нарсани йўлдан олиб ташлашга интилишни таъминлашга тайёргарлик кўриб, сабр-тоқат билан уни етилтириб (стихияли ҳаракатларнинг ҳам иш бермаслигини тушуниб турган ҳолда), айниқса, инсофсиз маҳаллий амалдорлар, мутаассиб диндорлар, уламоларнинг ҳам онгини ўзгартириб, биринчи навбатда, мустақилликка эришиб, миллатнинг мустақил турмуш тарзини шакллантириш эканлиги ўз ифодасини топмаганлиги. Изоҳда ана шу нарса йўқ. Жадинчиликнинг Шўро ҳукумати душманига айланиши ҳам, айнан, мана шу билан боғлиқ, чунки миллатларга,

²⁸ Шарипов Р. Жадинчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари. – Тошкент: Адолат, 2000. – Б. 11-25.

²⁹ Шу китоб. – Б. 21.

ўлкаларга эрк беришни ваъда қилган Шўролар ҳукумати ҳам, Чор Россияси каби миллатлар, ўлкаларни қарамликда ушлаб қолишнинг ҳамма чоратадбирларини кўрди: минг-минглаб кишилар хорижга чиқиб кетди, қатл этилди, сургун қилинди, таъқиб остида бўлди. Турли хил ислохотлар қилиш борасида ён беришлар бўлишига, таълим тизимида ўзгаришлар қилинишига қарамай, қандай йўл билан бўлса-да, қарамликда сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун, айниқса, билимсизликда, қоқоқликда тутиб туриш шўролар ҳукуматининг ҳам XX асрнинг 90-йилларигача бўлган хатти-ҳаракатларида намоён бўлди. Бунинг айрим кўринишлари тадқиқотчи Тўрабек Хўжаниёзовнинг “Давлат тили – миллат тақдири” китобида ўз ифодасини топган. Худди шу каби Ғ.Зиқриллаевнинг “Истиқлол ва адабий тил”, Н.Худойбергеновнинг “Дилу тил сеҳри”, Н.Каримов ва Р.Баракаевларнинг “Тошкент шоирлари” номли рисолаларида ҳам бу ҳолатлар ҳақида фикрлар баён қилинган. Изоҳдаги “жадидлар, жадидчилик ҳаракати аъзолари босмачилик ҳаракатида фаол иштирок этдилар”, – деган фикр ҳам изоҳталаб, чунки босмачилик ҳаракати ҳам, бошқа стихияли (моддий, маънавий тайёргарликсиз) ҳаракатлар каби бўлиб, бундай ҳаракатлар жадидлар наздида тўғри эмас эди. Уларнинг фикрича, жуда жиддий тайёргарлик, уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик, онглилик, халқнинг барча қисмини уйғотиш орқали мустақилликка эришиш мумкин эканлиги маълум бўлиб қолган эди, чунки Чоризмдан қутулгандан кейин ҳам, 20-, 30-, 40-, 50-, 60-йиллардан кейин ҳам мустақиллик берилмади, қарамликдан қутулмади. Отилиши аниқ бўлса ҳам, жадидлар бу курашдан қайтмаганлар, қачондир бу кун келишига умидвор бўлган эдилар.

Ана шу мулоҳазалардан кейингина Чоризм ҳам, Шўролар ҳукумати ҳам, маҳаллий амалдорлар (ўзлигини англамаган, манфаатпараст, амалпараст), баъзи манфаатчи бойлар, мутаассиб уламолар қоралаган, ўзига душман ҳисоблаган *жадидчилик* ва *жадид* терминларининг туб моҳияти ҳақида гапириш мумкин:

1) жадидчилик кўп сабабларга кўра жаҳон тараққиётидан узилиб қолиб, таназзулга учраган, қолоқлашиб қолган ўлкани жаҳолатдан чиқариш йўлида кайғуриб, бу борада иш бошлаган зиёлилар оқими, бу оқимни *маърифатчилар, маърифатпарварлар* ёки *маърифатчилик оқими* деб номлаш тўғри. Бу оқим вакиллари эса, албатта, маърифатчилар ёки маърифатпарварлардир. Булар қаторига Ҳакимхонтўра, Аҳмад Дониш, Нодирабегим кабиларни, XIX асрнинг охирларигача яшаган кўпгина зиёлиларни ҳам киритиш мумкин. Улар Қўқон, Марғилон, Хива, Самарқанд, Тошкент, Бухоро каби йирик марказларда тўпланган ва фаолият олиб борган. Булар жадидлар эмас, улар ҳаракати жадидчилик ҳаракати ҳам эмас, балки туб маънода маърифатчилар, эҳтимол, демократлардир. Шу нуқтаи назардан, Муқимий, Фурқат каби ижодкорларни ҳам шулар қаторига киритилгани ўринлидир. Профессор Ғ.Каримов улар қаторига Комил Хоразмий, Завқий, Аваз Ўтар, Ҳамза, Садриддин Айний, Анбар Отин, Абдулла Авлоний каби адибларни киритиш билан, уларнинг етакчилик қилганликларини қайд этса-да, булардан ташқари, Мирза Барот Қосимов (Самарқанд), Ҳожи Юсуф (Фарғона), Мирза Бухорий, Дилшод, Шоҳин, Ҳайрат, Нодим Намонгоний, Алмаий, Иброт, Мухаййир, Рожий (Марғилон), Шавқий (Наманган), Ҳавоий (Марғилон) каби ижодкорларни ҳам демократик адабиёт вакиллари сифатида кўрсатган³⁰. Муаллиф юртимиз ташқарисида яшаган Абай Қўнанбоев, Чўқон Валихонов, Иброт Олтинсарин, Аҳмад Дониш, Бердақ, Абдулла Тўқай, Қажом Носирий каби ижодкорларни ҳам ана шу демократ – маърифатпарварлар қаторида тўғри қайд этади. Албатта, булардан айримлари, яъни Ўрта Осиёнинг мустамлака ўлкага айлангани даврида ҳам баракали ижод қилганлари – кейинги гуруҳ вакиллари, яъни жадидлар қаторида фаолият кўрсатганлари – Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Иброт кабилар жадидчилик ҳаракати иштирокчилари сифатида ҳам баҳоланади. Шундай қилиб, чоризм ўз мустамлакачилик зулмини, сиёсатини ошкора давом эттиргунгача бўлган даврда ижод қилганлар, маърифат учун курашганларни

³⁰ Ўзбек адабиёти тарихи (дарслик). – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 30-40.

ҳеч ким жади́длар сифатида қайд этмаган, улар жади́длар эмас, балки маърифатчилар – демократлар эдилар;

2) Чоризмнинг мустанлакачилик фаолияти ўзини тўла намоён этган даври, яъни сиёсатчилари маҳаллий халқ вакиллари (амалдорлар, айрим бойлар, мутаассиб дин уламолари)дан ўзларига гумашталар топган вақтларида – мавжуд маҳаллий зулмга қўшимча тарзда мустанлакачилик зулмини ҳам қўшган пайтларида ҳамда (бу даврни ҳам алоҳида ажратиш мумкин эди, бироқ моҳиятан бир хилликка эга бўлганлигини назарда тутиб алоҳида ажратмадик – С.Н.) умидларни пучга чиқариб, алдамчилик ва товламачилик билан, мустақиллик ваъда қилиб туриб, бошқа шаклдаги, алдовчиликка асосланган мустанлакачиликни бошлаб юборган пайтларида шаклланган, вужудга келган, энди асосий вазифа сифатида, бош мақсад қилиб, миллий мустақиллик ғоясини, мустанлакадан озод бўлиш, қутулиш ғоясини илгари сурган, шу йўлда ҳаракат қилувчи, бор имкониятни, бутун кучни мустақилликка эришиш учун хизмат қилдирувчи, шунга йўналтирувчи оқим вужудга келиб, бу оқим, ҳақиқатан ҳам, жади́дчилик оқими, унинг вакиллари эса жади́длар эди. Бу оқимнинг олдинги оқим билан муштараклиги шундаки, ҳар иккаласининг умумий мақсади, албатта, таълим тизимини ислоҳ қилиш, маърифатни ёйиш, ўлкани таназзулдан олиб чиқиш, иқтисодий, маънавий турмушни яхшилаш, ривожланган ўлкалар қаторига олиб чиқиш кабилар бўлса, фарқли жиҳати, бу оқим ўз олдига энди асосий мақсад сифатида мустанлакачиликдан қутулишни қўйди. Россия учун, кейинроқ эса Шўролар ҳукумати учун ҳам бу “сирли” йўл хавфли эди. Улар бош кўтарган тўдаларни “осонлик” билан йўқ қила олар эди. Аммо жади́длар, жади́дчилик оқими тутган йўл жуда “нозик” эди. Ана шу “нозик” йўлни танлаганлар Шўро ҳукуматининг душманларига айланди. Улар “хавфли кучлар” эди. Буни англаган Шўролар ҳукумати уларнинг етакчиларини таъқиб қилдилар. Бу таъқиб XX асрнинг биринчи ярмигача давом этди. Олдинги гуруҳ вакилларида бундай ташвиш йўқ эди ёки иккинчи пландаги масала эди. Демак, жади́дчиликнинг бош ғояси, асосий мақсади, умуман,

қандай йўл билан бўлмасин эмас, балки одамлар, ёш авлод, бор аҳолининг онгини ўзгартириш, савиясини кўтариш, уларни уйқудан уйғотиш, билимдон қилиш, дунёвий билимлардан хабардор қилиш, мустамлакачилик, қарамлик, тобелик, мустақиллик, эрк, озодлик нима? Уларнинг қиммати нима билан ўлчанади? – деган саволларга жавоб бериш эди. Жадинчиликнинг туб моҳияти, маъноси – эрк учун, миллат мустақиллиги учун курашувчи оқим эканлиги. Унинг вакиллари эса чуқур тафаккур, юксак онг, кенг билим, маърифат, мустаҳкам аҳиллик, уюшганлик, сабр-тоқат билан эрка эришишга ҳаракат қилувчилардир. Ана шундай курашчилар – мустақиллик фидойилари, жадинчилик эса уларни бирлаштирган оқим – ҳаракат, фаолият. Мана, терминларнинг туб концептуал моҳияти, изоҳи: бири – оқим, ҳаракат – мавҳум от; иккинчиси унинг аъзоси – шахс оти. Жадин – барча типдаги аҳолининг тафаккурини, савиясини, онгини тубдан ўзгартириш, ҳатто мустамлакачилар етакчиларининг онги-тафаккурининг ўзгаришини ҳам – уларда бошқача онг шаклланишини ҳам назарда тутиб, асосан тинч йўл билан, албатта, мустақилликка эришиб туриб бутун ўлкани таназзулдан олиб чиқувчи шахслардир. Жадинчилик – онгни ўзгартириш, янгилаш орқали мустақилликка эришиб туриб юртни таназзулдан олиб чиқиш учун ҳаракат қилувчилар уюшмаси – алоҳида оқимдир. Босмачилик ҳаракатининг туб фаолияти, ташкил этилиши каби масалалар, уларга жадинларнинг муносабати, “босмачи” деб номланишининг сабаблари каби масалалар алоҳида ўрганишларни, тадқиқотларни талаб қилади.

1.2-§. Жадинчилик мактаб ва йўналишлари

Жадинчилик, жадинчилик йўналишлари, уларнинг ўзаро ва олдинги даврдаги ўзларига моҳиятан яқин ҳаракатлар билан муносабати ҳам илмий ойдинлаштирилишга муҳтож. Хусусан, жадинчиликнинг ўзи ҳам, гарчи, яхлит концепцияга эга бўлса-да, унинг замирида жузъий фарқ ва

тафовутларга эга бўлган, маслаклари ўзига хос бўлган оқимлар ҳам мавжуд эди. Уларни жаид мактаблари, йўналишлари, дейиш мумкин ва бу ажратишлар, умумий жаид концепциясига кўра нисбий характерга эгадир.

Аввало, жаидчилик ҳаракатининг олдинги даврда муҳим роль ўйнаган демократларга, маърифатпарварларга ҳам муносабатини муайянлаштирмоқ керак бўлади.

Маърифатпарварларни профессор Ғ.Каримов демократлар сифатида қайд этган бўлса, баъзи адабиётларда улар маърифатпарварлик ҳаракати вакиллари сифатида қаралиб ва уларнинг хизмати қуйидагича баён қилинади: “Ўзбек маърифатпарварларининг ўз давридаги катта хизматлари шундаки, улар Чор маъмурлари, маҳаллий амалдорлар, бойлар, руҳонийларнинг ҳисобсиз зулмлари, оммани жаҳолатда сақлашга уринишларини юксак инсонпарварлик позициясида туриб танқид қилдилар”³¹. Ана шу биринчи гуруҳдаги кишилар Чоризм асорати ва Шўролар давридаги алдамчиликлар туфайли жаидчилик ҳаракати қатнашчилари даражасига кўтарилдилар ҳамда етакчи жаидлар қаторида фаолият олиб бордилар. Шунга кўра, жаидчилик ҳаракати вакилларининг сони, шу кунга қадар кўп тадқиқотчилар томонидан, шунингдек, Шўро махсус идоралари томонидан қайд этилганларга нисбатан (рўйхатга олинб, йўқ қилинганлар, сургун этилганлар, таъқиб остига олинганлар назарда тутилмоқда) бир неча бор кўп бўлган. Улар ҳали тўлиқ аниқланганича йўқ. Деярли, ҳамма тадқиқотларда ўзбек жаидлари сифатида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Исҳоқхон Иброт, Маҳмудхўжа Бехбудий, Сиддиқий Ажзий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Мўминжон Муҳаммаджонов, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннун, Мажид Қодирий, Абдуқодир Шакурий, Сўфизода, Абдулваҳоб Ибодий, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Пўлатжон Қаюмов, Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айний, Ҳусайн Кушаев, Бобоохун Салимов, Шокиржон Раҳимий, Элбек, Иброҳим Даврон, Тавалло, Абдулла Бадрий, Ҳожи Муин, Нусратулло Қудратулло, Ғози Олим Юнусов каби бир нечта адиб ва педагогларнинг номи

³¹ Ўзбек адабиёти тарихи (дарслик). – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 24.

кайд этилаверади. Тўғри, баъзи тадқиқотларда улар сони иложи борица тўлдирилиб борилади, бироқ шунда ҳам, 20-30 тадан ошмайди. Ана шундай тадқиқотларда бир неча (одатда, бешта-олтита) исм айтилиб, яна ўнлаб жади́дчи́лик ҳаракати вакиллари борлиги таъкидланади. Демак, ҳақиқатан ҳам, жади́дчи́лик мактабларининг ҳақиқий вакиллари кимлар (агар шартли равишда Қўқон, Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона, Марғилон, Андижон жади́дчи́лик уюшмалари – мактаблари бор бўлган, деб хулоса қилиш мумкин бўлса – С.Н.), уларнинг миқдорини белгилаш мумкинми, рўйхатини шакллантириб бўладими? Ва улардан асосий етакчилар, деб кимларни ажратиш мумкин? Кимларнинг фаолиятлари тўла ёки қисман бўлса-да ўрганилган? Пўлатхон домла Қаюмий тузган тазкираларда уларнинг номи тўлиқ берилганми?, деган саволлар, муаммолар бу борада қилиниши мумкин бўлган ишлар кўламини кўрсатади. Тошкент шоирлари сифатида белгиланган Алмай, Камий, Хисат, Мискин, Ғулом Зафарий каби XIX аср охири XX аср бошларида яшаган ижодкорларнинг ҳаммасини жади́длар қаторига киритса бўладими?, деган саволлар ҳам бор. Бундан ташқари, Исмоилбек Гаспирали, Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Юнус Беков, Жўрабек Қаландарқори ўғли (Китоб тумани ҳокими бўлган – генерал), Мустафо Чўқай, Маҳмуджон Танишбой, Абдурахмон Ўрозов, Мадаминбек, Пўлат Соли, Аҳмаджон Маҳдум, Назир Тўрақулов, Жонузоқ Иброҳим каби яна кўплаб зиёли фидойилар, йирик олим, ташкилотчилар, йўлбошчилар, педагоглар ҳам анчагина бўлиб, уларнинг фаолиятини ҳам янада чуқурроқ тадқиқ этиш навбатдаги вазифалар ҳисобланади. Ана шу вакилларни, иложи борица, маълум мактабларга бириктирган ҳолда ўрганиш масаласи ҳам бор. Масалан, “Қўқон жади́дчи́лик ҳаракати (ёки мактаби) вакиллари фаолияти” каби. Бу борада маълум бир ҳаракатлар бошланганлигини айтишимиз мумкин. Профессор У.Долимовнинг “Туркистонда жади́д мактаблари” (Тошкент, 2006) асарини далил қилиб келтириш мумкин. Бу китобда жади́дчи́лик фаолларининг маълум ҳудудларда ўз атрофларига бошқа вакилларни бирлаштирганлари ёки уларнинг шу етакчилар атрофида

тўпланиб ҳаракатда бўлганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор: “1903 йилда Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий, Сиддиқий Ажзий, Абдуқодир Шакурий; Наманганда Исҳоқхон Ибрат, Сўфизода; Қўқонда Абдулваҳоб Ибодий, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Пўлатхон Қаюмов; Бухорода Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айний; Хоразмда Ҳусайн Кушаев, Бобоохун Салимовлар бошчилигида усули жаид мактаблари тармоқлари кенгайиб борди”³². Демак, Туркистон деб аталмиш ўлкада, унинг атрофидаги туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда – йирик шаҳарларда “маълум етакчилар” бошчилигида, улар теваарагида уюшиб фаолият кўрсатган яна анча жаидчилик вакиллари ҳам бўлган ва махсус жамоа сифатида шаклланганлар – уюшма ҳосил қилганлар. Бу уюшмаларни “Бухоро жаидчилик мактаби”, “Қўқон жаидчилик мактаби”, худди шу каби Наманган, Самарқанд, Тошкент, жаидчилик мактаблари сифатида ҳам қайд этиш мумкин. Жумладан, Тошкентда Абдулла Авлоний ёки Мунавварқори Абдурашидхонов жаидчилик мактаби фаолият кўрсатган бўлса, Наманганда Ибрат жаидчилик мактаби фаолият кўрсатган. Хуллас, ҳар бир қайд этилган ҳудудлардаги етакчилар ва улар атрофига уюшган вакилларнинг исмлари ҳам аниқланиб, уюшмалар – мактаблар таркибига кирувчилар белгиланиб чиқилса, булардан ҳар бирининг умумий курашдаги иштироклари ҳақида, фаолиятлари ҳақида аниқ фикрлар айтиш мумкин бўлар эди. Зеро, жаидчилик ҳаракатининг бош мақсади стихияли тарзда исёнлар ташкил этиш, кўзғолонлар қилиш, ҳар жой-ҳар жойда уюшмаган чиқишлар йўли билан эмас, асосан, аҳолининг онгини ўстириш, тафаккурини ўзгартириш, савиясини, билим даражасини, маданиятини юксалтириш, ҳамжиҳат, аҳил бўлишларини таъминлаш кабилар орқали мустамлакачиликдан озод бўлиш, миллат, ўлка мустақиллигига эришишдир. Бу мақсадни амалга оширишнинг энг маъқул йўли – ўлкада таълим тизимини тубдан ўзгартириш, яъни унча-мунча ислоҳ қилиш орқали эмас, балки тубдан (айнан, янги таълим тизимини ўрнатиш, уни тамомила янгилаш орқали аҳолининг, ёшларнинг онгини

³² Долимов У. Туркистонда жаид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 15.

ўзгартириб, мустақиллик йўлида курашувчига айлантирадиган даражада тайёрлаш) янгиланган мактаблар ташкил этиш йўлидан боришни жадинлар бош йўл сифатида белгилаганлар. Жумладан, Мунавварқорининг собиқ шогирди Афандизода устозининг фаолияти ҳақида шундай дейди: “Мунавварқори Туркистонни истило этганларга қарши курашнинг ягона йўли таълим деб, билди. Халқни исёнга чақирмади. Бизнинг ғалабамизнинг биринчи шарт ва асоси ёшларга таҳсилни Истанбулда давом эттириш кераклигини таъкидларди”³³. Худди шу каби Самарқанд жадинчилик мактаби етакчиси Бехбудий ҳам ўзининг “Эҳтиёжи миллат” мақоласида аксарият жадинларнинг бу борадаги фикрларини ифодалаб, “Оврупо одатига итоат қилмоқ” зарурияти ҳақида гапиради³⁴.

Кўринадики, жадин зиёлилар Туркистон ўлкасини қолоқлик ва мустамлака ҳолатидан чиқариш учун курашда, маълум даражада, Европада XVIII асрда ўзига хос ўтиш даврлари бўлганлигига эътибор қаратади. Жамият ҳаётида катта ўзгаришлар кечаётган даврларда, одатда, янгича фикрлайдиган инсонларни тарбиялаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун Туркистон ўлкасидаги барча жадинчилик мактаблари вакиллари ҳам, маърифатчилар каби, давр адабиётининг бош вазифасини янги инсонни тарбиялаш деб белгиладилар. Янги очиладиган, ташкил этиладиган мактаблар ҳам асосий вазифа сифатида янги инсонларни тарбиялаш масаласини қўйди. Бу вазифани бажариш бош мақсад экан, жадинчилик ҳаракати вакиллари “жадин мактаби” номини олган янги мактаблар яратишга киришдилар.

Шу ўринда жадинчилик масалалари билан жиддий шуғулланаётган Рустам Шариповнинг Аҳмад Заки Валидий Тўғон ҳақидаги “Библиографик кўрсаткич” китобчасидаги айрим фикрларини қайд этиш зарурати бор, чунки муаллиф XX асрнинг илк чорагида юз берган воқеалар ҳақида олим ўзининг бир қатор асарларида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганликларини айтиб, ўша асарлар номларини келтиради ва уларда Шарқ халқлари тақдири

³³ Долимов У. Келтирилган асар. – Б. 16.

³⁴ Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 199.

билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам кенг ўрин олганлигини айтиб қуйидаги мисолни келтиради: “Масалан, Петербургда фаолият олиб борган шарқ халқлари манфаатларини ҳимоя қилиш керак бўлган зиёлилар ўртасида кескин келишмовчиликлар мавжуд бўлиб, улар икки асосий гуруҳга бўлинган эдилар. Биринчи гуруҳ инқилоб натижасида барпо бўладиган Янги Русиянинг яхлит ва ажралмаслиги тарафдори бўлса, иккинчи гуруҳ Шарқ ўлкаларининг мухтор идораси ва уларнинг мустақиллик йўлидан боришини ёқлаб чиқади. Иккинчи гуруҳ зиёлилар қаторида Заки Валидий ҳам бор эди”³⁵.

Р.Шарипов бу гуруҳнинг ғоясига қарши чиққанларни қайд этар экан, Садри Мақсудибей бошчилигидаги бир гуруҳ Қозонлик зиёлиларни кўрсатади.

Иккинчи гуруҳ вакиллари халқчиллик, миллатчилик оқимига берилдилар, сиёсий қарашлари мустақиллик учун кураш олиб бориш эди. Булар жадинлар бўлиб, улар ўз мафкураларини тарқатиш, ғоялари йўлида ташвиқот олиб бориш учун адабиёт яратдилар. Мактаблар очдилар, ўз матбуотларини яратдилар. Жадин педагоглари шаклланди. Мустақилликка эришишни таъминлаш учун хизмат қилувчи адабиёт – жадин адабиёти, шу йўлда хизмат қилувчи матбуот – жадин матбуоти, кишиларни шу руҳда тарбияловчи педагоглар – жадин педагоглари, улар фаолият кўрсатадиган мактаблар – жадин мактабларидир, бироқ маълумки, таълим тизимини ислоҳ қилувчилар ҳам икки гуруҳга бўлинганлар:

1) мавжуд диний характердаги мактабларда диний билимлардан ташқари, дунёвий билимларни ўқитишни йўлга қўйишга рози бўлиб, таълим технологияларини ўзгартириш билан чегараланиш тарафдорлари гуруҳи (булар мактабларда қайси тилда ўқитиш ишлари олиб борилиши масаласида ҳам ажралиб турганлар. Бу ажралиш таълимнинг рус тилида, араб тилида ёки она тилида олиб борилишига кўра ажралиш эди);

³⁵ Долимов У. Келтирилган асар. – Б. 5.

2) мафкурани тубдан ўзгартиришни таъминлаш учун хизмат қиладиган янги мактаблар, намунавий мактаблар очиш тарафдорлари гуруҳи. Бу гуруҳ вакиллари мактабларда бошқа тилларни ўрганишга, айниқса, ўша даврда, рус тилини ўрганишга ҳам жиддий эътибор берилишини кўзда тутганлар. Шу билан бирга, таълимнинг ўзбек – она тилида олиб борилишини ҳам йўлга қўйиш тарафдорларидир.

Гап жаидчилик мактаблари, мактабларни ислоҳ қилиш ҳақида, йўналишлар ҳақида борар экан, У.Долимов қуйидаги далилларни келтиради: “Бу ҳақда Мўминжон Муҳаммаджонов қуйидагиларни ёзади: “Шул чоғда Татаристон, Озарбайжон турклари биздан бурун кўз очиб, бойларнинг ҳиммати билан янги мактаблар, янги ўрта, юқори (олий) мадрасалар солиб, минг-минг халқ болаларининг кўзларини Оврупо билимлари билан очмоқда эдилар. Уфа шаҳрида “Олия”, “Усмония”; Қозон шаҳрида “Муҳаммадия”; Оренбургда “Хусайния”; Қофқазда биз отини билмаган яна қанча мактаблар, мадрасалар кўп эди... Олмаота (Верний) да ўрус муллаларининг катта йиғини бўлди, шул йиғинда: – Татарлар қозоқлар билан сарт болаларини ўқитмасин! Ўқумушли татарларга Туркистон ўлкасида туриш учун йўл қўймаслик керак! Чунки улар сарт, қозоқларга билим тарқатиб кўзларини ва фикрларини очадурлар, сўнгра бизга емак учун Туркистонда нон қолмайдур...”³⁶.

Биламизки, Туркистон ўлкаси учун айнан ана шундай билимлар бериб, болаларнинг, умуман, ҳамманинг кўзини очадиган ва фикрларини ўзгартирадиган, мустақиллик учун курашиш ғоясига содиқ бўладиган, миллатпарвар, ватанпарвар қиладиган мактаблар, матбуот, педагоглар керак эди. Жаид мактаблари айнан ана шундай мақсад учун яратила бошланди. Шунинг учун ҳам, бу мактабларни (шу йўналишдагиларини) Чоризм ҳам, Шўролар ҳукумати ҳам, шунингдек, Бухоро амирлиги ҳамда мутаассиб уламолар, айрим маҳаллий амалдор ва баъзи бойлар ҳам хушлашмади, ёпиб қўйишди, қаттиқ қаршилик билан кутиб олишди. Ўнг йўналишдаги ислохотчилар эса, мавжуд мактабларни маълум даражада ислоҳ қилиш

³⁶ Долимов У. Юқорида келтирилган асар. – Б. 45.

учунгина ҳаракат қилдилар. Қаршиликларга қарамай, XX аср бошларида ўлканинг кўп жойлари (Қўқон, Андижон, Фарғона, Наманган, Марғилон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари) ва яна бошқа ҳудудларда жаид мактаблари очилаверди, жаид педагоглар шаклланди. Булар фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган матбуот вужудга келди: “Садои Фарғона”, “Хуррият”, “Ойна”, “Маориф ва ўқитғучи”, “Русто”, “Бухоро ахбори”, “Дархон”, “Янги Шарқ”, “Таржимон”, “Шухрат”, “Тужжор”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Турон” каби яна кўплаб газета ва журналларда янги ташкил бўлаётган “усули жаид”, “усули савтия” йўналишидаги мактаблар, уларнинг дастурлари, умумий ҳолатлари ҳақида турли хил мақолалар нашр қилинганлиги кузатилади. Ҳудудларда янги мактаблар очиб, жиддий мақолалар ёзиб, муаллимлик қилган педагоглар, етакчилар Исҳоқхон Иброт, Маҳмудхўжа Бехбудий, Сиддиқий Ажзий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Садриддин Айний, Пўлатхон Қаюмов ва яна бир қанча фидойи кишилар етишиб чиқади. Бундай мактаблар баъзи шаҳарларда 10тадан 15тагача очилади ва уларга жаид зиёлилари бошчилик қилади.

Хуллас, XIX асрнинг 80–90-йилларидан то XX асрнинг 20-йиллари охирларигача ҳам ана шу типдаги мактаблар очилиб, баъзи вақтларда ёпилиб бўлса-да, фаолият кўрсатди. Юқорида номлари тилга олинган ва яна бошқа фидойи педагоглар, кейинчалик, уларнинг тарбиясини олган Исматилло Раҳматуллаев, Шокиржон Раҳимий, Оқилхон Шарафиддинов, Юсуф Тоҳирий, Халил Қаюмов, Субутой Долимов, Имомхон Ҳусанхўжаев, Мурод Шамс, Саъдулла Исматов, Қудрат Аҳмедов, Йўлдош Абдуллаев каби етук педагогларни кейинги авлод вакиллари сифатида қолдирдилар.

Туркистон ўлкасида жаидчилик ҳаракати вакиллариининг фаолликлари, фидойиликлари туфайли, тамомила янги типдаги мактаблар очиш, уларни миллий мустақилликка эришиш ғоясини амалга оширишга хизмат қилдиришга йўналтириш, жаидчилик фаолият кўрсатган давр учун муҳим ва давр ҳолатининг жуда мураккаб бўлганлиги, шунга қарамай, ўлкани таназзулдан олиб чиқиш учун қилинган барча ҳаракатлар ҳамда

уларнинг натижалари ҳақида, ҳаракат етакчиларининг бутун фаолияти ҳақида, айниқса, мустақилликдан кейин анчагина китоблар ёзилди, мақолалар чоп этилди, тадқиқотлар олиб борилди.

Махсус муҳаррирлар И.Қўчқортоев, Б.Қосимовлар бошчилигида “Миллий уйғониш” тўплами нашр қилинди (Тошкент: Университет, 1993). Фитратнинг “Чин севиш” асари нашрида Ўзбекистонда жади́дчиликни ўрганиш илмий мактабини яратган Бегали Қосимовнинг “Аллома адиб” номли мақоласи эълон қилинди. Бундай ишлар, мақолалар анчагина. Шуни таъкидлаш керакки, “Туркистонда жади́д мактаблари” номли китобнинг яратилиши (У.Долимов, Тошкент: Университет, 2006) Туркистон ўлкасида таълим тизимининг янгиланиш жараёнини бор мураккабликлари билан очиб беришда катта аҳамиятга эга бўлди. Барча тафсилотлар шу китобда берилган. Худди шу каби Рустам Шарипов томонидан тузилган “Аҳмад Заки Валидий Тўғон” (Тошкент: Фан, 1998) ҳамда “Жади́дчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари” (Тошкент: Адолат, 2000) номли рисоалар; фитратшунослик, ҳамзашунослик, авлонийшунослик, қодирийшунослик, чўлпоншунослик, беҳбудийшунослик йўналишларида олиб борилган тадқиқотларда жади́д мактаблари, жади́д педагогларининг фаолиятлари борасида кенг маълумотлар берилган.

1.3-§. Жади́д маърифатпарварларининг тил ва тилшунослик бўйича фаолияти

Ўзбек тили ва тилшунослиги тарихининг XIX асрнинг охири ва XX асрнинг 20–30-йиллари даври миллий тилнинг шаклланиши ва такомилида муҳим ўрин тутди. Мазкур даврдаги турли мафкуравий лисоний қарашларда шаклланаётган янги ўзбек адабий тили қандай асосларга таянган ҳолда ривожланмоғи керак, дейилган масалада хилма-хил фикрлар илгари сурилган ва ҳаракатлар бўлган эди. Мазкур даврда мактаб ва маориф масалалари, халқнинг саводхонлигини ошириш, фан, тил ва имло борасидаги

муаммоларни ижобий ҳал этиш масаласи ҳам айнан жадид маърифатпарварлари зиммасига тушган эди.

Бугунги кунгача бу давр тилшунослиги бўйича Бехбудий, Авлоний, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Миён Бузрук, Элбек, Ашурали Зоҳирий каби маърифатпарварлар асарларининг тили ва тил ҳақидаги қарашларининг кенг кўламда ўрганилгани бу борада олиб борилаётган ишларнинг улкан самараси ҳисобланади. Булар қаторида М.Йўлдошев³⁷, Ё.Сайидов³⁸, З.Чориева³⁹, Л.Жалолова⁴⁰, Д.Неъматова⁴¹ тадқиқотлари, XX асрнинг 20–30 йилларидаги лисоний жараён ҳақида кейинги йилларда ёзилган қатор мақола, илмий анжуман материаллари⁴², М.Қурбонова⁴³, Б.Тўйчибоев⁴⁴, Ш.Бобомуродова⁴⁵ларнинг монографик ишлари аҳамиятлидир.

А.Абдуназаров⁴⁶, Ғ.Каримов⁴⁷, Б.Турдиалиев⁴⁸лар олиб борган кузатишларда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагидаги ўзбек миллий тили ва адабий тилининг асосий лисоний хусусиятлари ҳақида фикрлар билдирилган.

Мазкур тадқиқотларнинг баъзилари ҳақида фикр билдирадиган бўлсак, жумладан, жадид адабиётининг йирик намояндаси Абдурауф Фитратнинг тилшунослик фаолияти ва мероси, унинг ўзбек тилшунослиги тарихида тутган ўрни, “Чиғатой гурунги” жамиятининг фаол аъзоси сифатида адабий

³⁷ Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

³⁸ Сайидов Ё. Фитрат бадий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001.

³⁹ Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006.

⁴⁰ Жалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

⁴¹ Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

⁴² Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий-назарий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи жумхурият илмий-амалий анжуман материаллари. (Бухоро, 1992 йил 21-23 май.) – Бухоро, 1992.

⁴³ Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Шу муаллиф. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 1997.

⁴⁴ Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос. – Тошкент, 1995.

⁴⁵ Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002.

⁴⁶ Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968.

⁴⁷ Каримов Г. Некоторые вопросы развития узбекского литературного языка 20–30 годов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972.

⁴⁸ Турдиалиев Б. Хамза и узбекский литературный язык. Начала XX века: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988.

тил ва имло масалалари, шунингдек, ўзбек тили грамматикасини шакллантириш борасидаги хизматлари Б.Тўйчибоев⁴⁹ ҳамда М.Қурбонова⁵⁰лар томонидан кенг тадқиқ қилинган.

Жадид адиблари яратган бадиий асарлар тилининг давр адабий тилининг шаклланишидаги ўрни ва ролини баҳолаш масаласидаги изланишлар қаторида М.Йўлдошевнинг Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи тили мисолида олиб борган тадқиқотини далил қилиб келтириш ўринли. Муаллиф ўз тадқиқотида белгиланган мақсад талабидан келиб чиққан ҳолда Чўлпон асарлари тилининг аср бошидаги ўзбек адабий тилига муносабатини белгилашга ҳаракат қилган⁵¹. Унинг фикрича, тил коммуникатив, эстетик, аккумулятив вазифани бажаради, тил эстетикаси эса, ёзувчининг бадиий тили, бадииятида кўринади. Мана шу маънода бадиий тил эстетикасини тадқиқ қилувчи алоҳида йўналишлар мавжуд: “бадиий асар тилини айнан эстетик вазифанинг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳани “лингвистик поэтика”, “лингвопоэтика” деб номлаш филология илмида анъаналашган”⁵².

М.Йўлдошев “Кеча ва кундуз” романида Чўлпоннинг тилнинг бадиий - тасвирий воситаларидан, яъни лексема ва ибораларнинг контекстуал маънодошлигидан, зид маъноли сўзлар ва фраземаларнинг матний зид маъноларда қўлланишидан, сўзларнинг коннотатив маъноларидан, маънодош сўзларнинг қўлланишидан, асосий ва ўзгартирилган шаклда қўлланилган фразеологик бирликлар ва мақоллардан, бир туркумга ва турли туркумга оид лексемалар зидлигидан, архаизм, историзм ва неологизмларнинг давр руҳини акс эттиришдаги услубий вазифаларидан, диалектизм, вульгаризм, варваризмлар, халқ жонли тили элементларининг образлар тилини индивидуаллаштириш, ўзига хослигини таъминлашдаги вазифаларидан унумли фойдаланганлигини мисоллар асосида тавсифлайди. Шунингдек,

⁴⁹ Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос. – Тошкент, 1995.

⁵⁰ Қурбонова М. Фитрат – тилшунос. – Тошкент: Университет, 1996.

⁵¹ Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 4.

⁵² Йўлдошев М. Шу манба. – Б. 6.

асар тилида учрайдиган окказионал ясалмалар, анъанавий ва оригинал ўхшатишлар, метафоранинг жонлантириш, синестезия каби типларининг, баъзи ғайриодатий сўз бирикмаларининг бадиий тилдаги ўзига хос, самарали, фавқулодда услубий восита бажарганлиги кўрсатилган.

Давр адабий тилининг асосий лисоний хусусиятлари бадиий асар тили мисолида ўрганилган тадқиқотлар қаторига Л.Жалолованинг номзодлик диссертациясини⁵³ ҳам киритиш мумкин. Тадқиқотда “Ўткан кунлар” романи тилининг лингвистик таҳлили асосида улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг сўз танлаш ва қўллашдаги, роман тили бадииятини юксак даражада таъминлашга хизмат қилган услубий воситалардан фойдаланишдаги маҳорати мисоллар асосида таҳлилга тортилган ва асар тилининг янги ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги ўрнига муносиб баҳо берилган.

Дарҳақиқат, мазкур даврдаги лисоний жараёнда энг муаммоли масалалардан бири шаклланаётган янги ўзбек адабий тилининг фонетик, лексик, грамматик меъёрларини белгилаш эди. Бу борада Фитратнинг ўзбек адабий тили меъёрларини ишлаб чиқишдаги хизматлари Ё.Саидов тадқиқотида ўз аксини топган. Муаллиф Фитратнинг адабий тил ва адабий меъёрга муносабатини ўрганар экан, унинг бу фаолияти замирида миллатпарварлик, пуристлик, етук тилшунослик каби фазилатлар ётишини алоҳида таъкидлайди.

Ё.Саидов Фитратнинг XX аср бошларида ўзбек миллий адабий тилини шакллантиришдаги фаолиятини тадқиқ қилар экан, унинг ўзбек тилининг туркий луғат бойлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлигини; ўзбек тилини мумкин қадар софлаштиришга уринганлигини; ўзлашма сўзларни луғат таркибидан чиқариб, ўзлашма сўзлардан холи бўлган лексик фондни шакллантириш, истеъмолдан чиқиб кетган, ҳозирда унутилган туркий сўзларни қайта истеъмолга олиб кириш тарафдори бўлганлигини; ўзбек тилининг луғат фондини ички имкониятлар асосида янги сўзлар яшаш йўли билан тўлдириш, бойитиш лозим, деб ҳисоблаганлигини эътироф этади.

⁵³ Жалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

Тадқиқотчи фикрича, Фитрат ўзбек тилида муқобили бўлмаган, юқорида қайд қилинган усуллар билан унинг ўрнини боса оловчи сўз ижод қилиш, имкони бўлмаганда, ёт сўзни сақлаш, аммо уни ўзбек тилининг фонетик, грамматик қонуниятларига мос равишда “туркийлаштириш” лозим деб ҳисоблаган⁵⁴.

Ушбу тадқиқотчининг жаҳид адиблари бадиий асарлари лексикасини ўрганишга бағишланган докторлик диссертациясида⁵⁵ жаҳид адабиёти намояндаларининг ўзбек адабий тили ва унинг меъёрларига муносабати, лирик асарлари лексикасининг луғавий қатлами, мавзуй гуруҳлари, маъно ҳамда лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқ қилинган. Муаллиф жаҳид бадиий асарларида ўз ва ўзлашган қатлам сўзларининг миқдорий муносабатини ўрганиши асосида ўз қатлам сўзларнинг миқдори ўзлашган қатлам сўзларига нисбатан кўплигини, яъни 59 % / 41 % нисбатни ташкил қилишини айтади⁵⁶.

Бу натижалар асосида айтиш мумкинки, жаҳид адибларининг барчаси ҳам XX аср 20–30-йилларида янги ўзбек адабий тилини эски ўзбек тили асосида шакллантириш, эски ўзбек тилини соддалаштириш ва софлаштириш, мумтоз адабий тилни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш ҳаракатида фаол бўлганликларини тасдиқлайди. Шунингдек, диссертацияда Боту, Сиддиқий-Ажзий, Сўфизода, Сидқий Хондайлиқий каби жаҳид адибларининг тил ва тилшуносликка оид қарашлари, уларнинг ўзбек миллий тилининг шаклланиши ва равнақ топишидаги хизматлари яратган бадиий асарларининг тили мисолида тадқиқ этилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунгача ўзбек тилшунослигида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Элбек, Ашурали Зоҳирий асарларининг тили тадқиқ қилинди, уларнинг янги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожигаги ўрни ва аҳамияти белгиланди. Аммо барча жаҳид адибларининг ҳам бадиий, илмий мероси, уларнинг лисоний қарашлари, ўзбек тилининг мавқеи (статуси), софлиги учун олиб борган

⁵⁴ Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – Б. 7-8.

⁵⁵ Сайидов Ё. Жаҳид бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. д-ри (DSc). дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

⁵⁶ Сайидов Ё. Кўрсатилган диссертация. – Б. 275.

курашлари етарли даражада тадқиқ қилинди, деб бўлмайди. Бу ҳолат жаид маърифатпарварлари яшаган даврдаги лингвистик жараённинг тўлалигича тадқиқ этилмаганлиги, жаидларнинг лисоний қарашлари, қолаверса, уларнинг луғатчилик борасидаги фаолиятларининг кенг йўсинда тадқиқ этилмаганлиги, жаидчиликнинг туб моҳияти тўла анланмаганлиги ва тазйик туфайли ўрганилмаганлигига ҳам тегишли. Мана шу нуқтаи назардан, жаид маърифатпарварларининг тил ва тилшуносликка оид фикрларини ўрганиб, таҳлиллар асосида уларнинг назарий қарашларидаги ўхшаш ва фарқли томонларни илмий умумлаштириш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Жаид маърифатпарварларининг тил ва тилшунослик бўйича фаолиятини улар яшаган, ижод қилган даврнинг хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда ўрганиш ўринли бўлмайди.

Мазкур даврдаги лисоний жараён ҳақида тадқиқот олиб борган биринчи олим профессор А.К.Боровковдир. У 1905 – 1917 йиллар оралиғидаги ўзбек адабий тилининг хусусиятларини ўша даврда ўзбек тилида нашр қилинган матбуот тили асосида таҳлил қилар экан⁵⁷, ўша пайтда тил соҳасида ҳукмрон бўлган турли маърифий-лисоний қарашларга ҳам тўхталади.

Бир миллат муаммоси доирасидан чиқиб, умумтуркий масала сифатида ўртага қўйилган “давр адабий тилини яратиш масаласи”да ўша давр матбуотида, бир томондан, миллий тилларнинг (турк, татар, озарбайжон, қозоқ, чиғатой) ҳар қайсиси мустақил ривожланиши лозимлиги таъкидланса, иккинчи томондан, барча туркий халқлар учун ягона адабий тилни шакллантириш лозим, деган қарашлар ҳам мавжуд эди. Жумладан, ўша давр ўзбек матбуотидаги: 1) таълим она тилида олиб борилиши лозим; 2) таълим араб тилида бўлиши лозим; 3) она тилини билиш керак, диний таълим она тилида бўлганда у яхшироқ анланади; 4) аввало она тилини яхши билиш керак, кейин араб тилини ҳам, чунки араб тили динни билиш, анлаш учун керак; 5) аввало она тилини яхши билиб, кейин рус тилини ҳам ўрганиш

⁵⁷ Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905–1917 гг. – Ташкент: Учпедиздат УзССР, 1940. – С. 104.

лозим; 6) она тилини халқ шеваларига яқинлаштириш керак⁵⁸, деган мазмундаги фикрлар ҳам эътиборни тортади.

Кузатганимиздек, XX аср бошидаги ўзбек адабий тили қандай бўлиши ҳақида бир-бирига қарама-қарши бўлган турли фикрлар билдирилган. Матбуот саҳифаларида бир гуруҳ зиёлилар адабий тил эски ўзбек тилидек мураккаб, китобий тил бўлишини тарғиб қилишса, бошқа гуруҳ зиёлилар тилнинг жонли халқ тилига яқин, содда ва тушунарли бўлиши тарафдори бўлишган. Англашиладики, янги ўзбек адабий тили шаклланиши даврида турли назарий қарашлар мавжуд бўлган.

Бу борада “Ойна” журналида чоп этилган мақола ҳам фикримизни тасдиқлайди: “Ойна”га сизнинг тилингиз Туркистонда адабий эрди, ёзган тарих, жуғрофия, иншо ва сўзга нашр таҳлилотилингиз адабий тилга ўхшаш эрди, аммо “Ойна” тилини авомча ва кўчага қилиб юборибдур. Муни авом ўқусайдур, аҳли илм ва адабиёт ошуклари ўқийдур. Фикри ожизимча, бир оз адабийроқ ёзилиб ҳамда фаний ва илмий нимарсалар кўпроқ ёзилса эрди”⁵⁹. Кўринадики, журналда чоп этилган мақола услубини содда, халқ тилига яқин тарзда ифодалашга ҳаракат қилган муаллифга адабий тилни “авомча, кўча тилига яқинлаштирилган”, дея эътироз билдирилмоқда.

Мазкур давр адабий тилининг барча услубларини, яратилган бадиий, илмий, публицистик асарлар тилини, шунингдек, давр ижтимоий-сиёсий ҳолатини билмасдан туриб, бу давр тилига, ундаги меъёрий мураккабликларга тўғри баҳо бериш қийин.

Бу даврдаги мураккаб социолингвистик шароит, лингвистик жараёнда ўша даврда фаолият олиб борган бир қатор машҳур адиблар, маърифатпарвар зиёлилар, тилшунослар, журналистлар, матбуот нашрлари фаол иштирок этишган. Ушбу муаммо юзасидан Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Зоҳирий, Элбек, Қодирий, Чўлпон қарашлари маълум даражада ўрганилган бўлса-да, ҳали бу борада анчагина ишлар қилиниши лозим бўлади. Мана шу маънода Элбекнинг илмий меросини махсус ўрганган Ш.Бобомуродовнинг қуйидаги

⁵⁸ Боровков А.К. Ўша манба. – Б. 8-12.

⁵⁹ // Ойна. – Самарқанд, 1914. – № 15. – Б. 24.

фикри диққатга молик: “Бироқ бу ишларда ўзбек тилшунослигининг XX аср бошларидаги ҳолати тўла ёритилган эмас. Олимларимиз Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Қайум Рамазон, Шокиржон Раҳимий, Ғози Олим, Шорасул Зунун, Боту, Маннон Рамз, Отажон Ҳошим, Абдулла Авлоний, Вадуд Маҳмуд, Санжар Сиддиқ, Абдулла Йўлдош, Ёқуб Омонларнинг тилшунослик фаолиятини ўрганиб, махсус тадқиқотлар яратишлари зарур”⁶⁰.

Юқорида билдирилган фикр асосида бадиий, илмий ижоди адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган, бироқ унинг тилшуносликка оид қарашлари, лисоний меросига илмий баҳо берилмаган жаҳид адибларидан бири Вадуд Маҳмуд ҳақидаги жиддийроқ маълумотларни келтиришни лозим топдик. Чунки биз қайд этган ғарбий туркий тилнинг янги ўзбек адабий тилининг шаклланишига таъсири масаласини баҳолашда Вадуд Маҳмуд қарашларининг ҳам ўз ўрни борлиги кузатилади.

XX аср бошларида тарих сахнасига чиққан жаҳид маърифатпарварлари қаторида Вадуд Маҳмуд ҳам ўз сафдошлари бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирийлар каби ўз умри ва иқтидорини миллат озодлиги, юрт равнақига бағишлади. Жаҳид зиёлиларининг ўз даври ижтимоий-сиёсий муҳитига кўрсатган таъсирини турли соҳаларда кузатиш мумкин. Вадуд Маҳмуднинг ҳам ранг-баранг ижодий меросида наср, назм, публицистика билан бир қаторда адабий танқидчилик алоҳида ўрин тутди. Унинг халқ маорифи йўлидаги фидойилиги, ташкилотчилиги, публицистикаси, хусусан, адабий-танқидий мақолаларидаги мавзулар кўламининг кенглиги ўз замонасининг илғор фикрли зиёлиси эканлигидан далолат беради. Унинг миллатпарварлик майлларини ўша даврда турли журналларда нашр этилган мақолаларидаги миллий тилга, унинг тарихига, тилни тараққий эттиришга, софлигини асрашга қаратилган даъватларида кузатишимиз мумкин. Адабиётшуносликдаги адабий-танқидий мақолалари унинг теран фикрли

⁶⁰ Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – Б. 3.

мунаққид эканлигини белгиласа, миллий адабий тил хусусида билдирган фикрлари унинг тил илмининг ҳам етук билимдони эканлигини исботлайди. Мунаққид “Навоийгача турк адабиёти” номли мақоласида, жумладан, шундай дейди: “Турк тили бир вақтлар мўғил тили деб ҳам юритилган (Ҳисом Котибнинг Султон одли машҳур кесикбош ҳикоясининг мўғилчадан, яъни чиғатойчадан туркчая, яъни усмонличая чевирмаси), сўнгра уйғур тили, ҳокония туркчаси ёки қошғар тили, ўғуз лаҳжаси, чиғатой тили, усмонлича, озорича каби чўқ отлар тақилғон. Асосан, чиғатойча уйғурчанинг муайян адабий ҳолга кирган бир бошқа шаклидир”⁶¹. Бу фикр муаллифнинг туркий тил, туркий адабий тил тарихидан ҳам етарлича билим ва тасаввурга эга эканлигидан далолат беради. Чунки бу маълумотларга диққат қилсак, туркий тилимиз тарихда, ҳақиқатан ҳам, юқоридаги каби номлар остида истеъмолда бўлганлигини, шу номлар остида бадиий асарлар яратилганлигини бугунги тилшунослигимиз тарихи ҳам исботлайди.

Мақолада муаллиф туркий халқларнинг ёзма адабиёти хусусида ҳам фикрлар билдирар экан, туркий халқлар ёзуви узоқ тарихга бориб тақалишини таъкидлайди ва бу ҳақда ўша даврда аниқ маълумотлар йўқлигига қарамай, уларнинг тарихий тараққиёт давомида қадимги хун, хитой, урхун, сурия алифбоси, тибет алифбоси ҳамда хуастуанифт ёзувларидан фойдаланганликларини мисоллар асосида ёритишга ҳаракат қилади.

Муаллиф ўз даврининг долзарб ва муҳим муаммолари кўтарилган ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий мавзудаги мақолаларини тарихийлик принципи асосида таҳлил этишга ва унинг аҳамиятини белгилашга ҳаракат қилади: “Турк тили асосан бой тил бўлиши билан ва турк миллатининг оғзида неча минг йиллардан бери юруб, икки минг йилга яқин адабий йўлга кирди ва бешинчи аср ҳижрийдан бошлаб ўнларча буюк шоир ва адибларга эга бўлуб, илмий ва адабий ишланиб келди; шарқ турк адабиётининг олтун даврлари бўлғон Навоий, Умархон даврлари билан ғарб турк адабиётининг

⁶¹ Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи филология фанлари доктори Баҳодир Каримов. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 27.

Фузулий, Боқий, Надим, Лола даври ва асримизда Ҳомид, Номик ва Фикрат каби энг буюк шоир ва санъаткорлар қўлида ҳам керагинча ишланди ва турк тили шунинг учун-да асрий бир ҳолга кирди”⁶². Мунаққиднинг туркий адабий тил, унинг шаклланиши ва ривожланиши хусусидаги юқоридаги фикрлари ҳам ишончли тарихий манбаларга асосланиб айтилган фикрлар, муаллифнинг синчков тилчи сифатида кўтарилган масала ҳақида етарлича маълумот бера олганлигини ва унинг ўша даврдаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланган тил муаммоси масаласига ҳам бефарқ эмаслигини кўрсатади.

Шарқ мумтоз адабиётимиз тарихига ва ўтмишда яшаб ижод қилган улуг адибларимиз шахси ва ижодига мурожаат қилиш, улар яратган маънавий хазинани боқий қадрият сифатида таҳлил ва тадқиқ этиш, ундан илҳомланиб ўша даврда уни кенг халқ оммасига етказиш вазифасида ҳам Вадуд Маҳмуднинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Мунаққид Алишер Навоийнинг шахси ва ижодига баҳо берар экан, жумладан, шундай дейди: “Навоийнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввифлиги, на шоирлиги, на тарих ёзғонидир. Унинг мумтозлиги шундай қайнағон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсликнинг марказида турклар муассасаларини қуришидир... Навоий ўз асарларида форсчанинг нозик, оҳангдор бўлғонини ва у билан шеър айтиш қулай ва хуш келатурғонлигини айтадир. Лекин “модомики, биз айри ирқмиз ва айри тил эгасимиз, нима учун ўз элимиз тушунатурғон қилиб ўз тилимиз билан ёзмайлик?” дейдир... Мана, Навоийнинг бизга муҳим бир хизмати ва уни бу кун турк адабиёти отаси аталишининг амалий ўзаги шундадир”⁶³.

Келтирилган жумлада мунаққид Алишер Навоийнинг даҳо мутаффақир сифатида муносиб баҳоланиши унинг ёзган бадиий, тарихий асарлари билан эмас, балки миллий тилга мурожаат қилиб, уни адабий тил сифатида шакллантириб рад этиб бўлмайдиган даражада асослаганлигини, бу билан чинакам ватанпарварликни бошлаб берганлигини, шунингдек, форсий тил

⁶² Шу манба. – Б. 36.

⁶³ Шу манба. – Б. 34.

анъанаси ҳукмрон бўлган бир шароитда туркий тилнинг адабий тил сифатида шаклланишидаги, ривожланишидаги хизматларини юқори ўринга қўйиб ҳақли равишда эътироф этмоқда. Бунда муаллифнинг миллий адабий тил масаласига алоҳида урғу бериб, тилни миллийликнинг биринчи белгиси сифатида бу масаланинг муҳокамасига ўқувчи диққатини қаратиши ўзининг ҳам буюк тилпарвар, тилсевар жаид адиби эканлигидан далолат беради.

Вадуд Махмуд туркий тилнинг тарихи ва асосини ўрганишда, уни тўғри англашда, муаммоларнинг туб асосини очиб беришда аниқ далилларни йиғиш ва ўрганиш, унга ёндош бўлган ҳодисалар билан солиштириш, қўйилган муаммога зарур жавобни бевосита реал воқеликдан, баъзан бадиий асарлар тилидан излаб топиш йўлидан боради. Муаллиф “Адабий танқидга бир назар” номли мақоласида Абдурахмон Саъдийнинг “Ўзбек ёш шоирлари” номи остида чиққан мақоласидаги айрим фикрларга муносабат билдириб, туркий тил тарихига оид муҳим маълумотларни изоҳлашга ҳаракат қилади. Бунда Саъдийнинг XX аср бошларидаги адабий тилни “ўзбек тили” деб атаб, унинг бошланиш даврини Абулғози Баҳодирхонга бориб тақалишини, “чиғатой тили”ни эса ундан айро ҳолдаги бир тил деб тушуниш ғоясини маъқулламайди. Муаллиф ўз фикрини асослашда “Шажараи турк” ва “Бобурнома” асарларидан парчалар келтириб, уларнинг тили ва услубини ўзаро солиштиради, аниқ далиллар асосида бу икки асарнинг тили ва услубида “ҳеч бир айрилиқ эмас, балки бирлик кўринадур”, деб ишончли хулосаларга келади. Абдурахмон Саъдийни эса “Шажари турк”да истеъмол қилинган бир неча сўзнинг “Бобурнома”да ёки бошқа чиғатой тилида ёзилган асарларда учрамаганлиги сабабли бундай хулосаларга келган, деб эътироф этади. Шунингдек, Саъдийнинг “Беҳбудийлар Абулғози тил-услубини бошқадан тиргиздилар”, – деган фикрига ҳам қўшилмайди. Мунаққид Беҳбудий ва бу каби бошқа жаид вакиллари асарларининг тили ҳам асли “чиғатой тили” асосида қурилганлигини, тил қурилиши ва луғат фондидаги ўзгаришлар, тафовутлар эса “чиғатой тили”нинг замонлар оша такомили, ривожланиши асосида рўй берганлигини холисона баҳолайди. Муаллиф ўз

фикрларини давом эттирар экан, “...Ҳақиқатан, ўзбек тили деган бир тил бормидир, йўқмидир ёки бу фақат юқорида айтганимиз каби қуруқ бир отдан иборатмидир?” – деган саволни ўртага ташлайди. Бу саволга ўзи қуйидагича жавоб беради: “Туркистонда “ўзбек” аталган бир қавм бўлгани каби “ўзбекча” деган бир тил ҳам бордир. Лекин у тил бугунги газета ва китобларимизнинг тили эмас. Балки у тил ҳали адабиётимизга кирмагандир. Бу ўзбекча соф ўзбеклар яшаган жойларда ишлатиладирким, унинг намунасини Ғози Олим ўртоқ адабиётимизга биринчи ўлароқ ҳадя этди (“Билим ўчоғи”нинг 2-сонида “Алпомиш” достонини қарангиз)”⁶⁴.

Муаллиф бу ўринда соф қипчоқ лаҳжасида ёзилган “Алпомиш” достонидан бир парча келтиради ва унинг тилини “ўзбекча” деб атайти. Ўз фикрларини назарий хулосалар экан, XX аср бошларидаги адабий тилни А.Саъдий айтганидек, “ўзбекча” эмас, балки “чиғатойча” деб баҳолайди.

Вадуд Маҳмуднинг ҳам бу фикрларида баъзи мунозарали ўринлар мавжуд бўлишига қарамай, масалага илмий ёндашиб миллий тил, адабий тил ва услуб, унинг ривожланиш, тадрижий такомил босқичлари ҳақидаги айтган илмий ғоялари жаҳид даври адабий тили, илмий тилшунослигининг тараққиёти ҳақидаги тушун ча ва тасаввурларни муайян маълумотлар билан бойита олади.

XX аср бошларидаги ўзбек адабий тили такомиллини юқори миқёсларга олиб чиқишда туркий адабий тил тарихи ҳамда туркий адабиёт манбалари тилини чуқур ўрганиш бу давр адиблари учун бош масалалардан бири бўлди. Туркий адабий тил асрлар оша такомиллашиб, сайқал топгани боис миллий-маънавий мерос сифатида янгилашни арафасида турган XX аср ўзбек адабий тили учун асос вазифасини ўташи лозимлигини жаҳидлар тўғри тушуниб етдилар. Шу боис миллий адабий тил ривожланишида эски мумтоз адабий тилимизга, бу тилда яратилган бадиий, илмий асарларга қайта-қайта мурожаат қилдилар.

⁶⁴ Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи филология фанлари доктори Баҳодир Каримов. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б.93.

Вадуд Маҳмуд “Фузулий Боғдодий” номли мақоласида Фузулийнинг форсий шоир сифатида юқори таъъ эгаси бўлганлигини эътироф этган ҳолда, унинг туркий тилдаги ижод намуналари ҳисобланган ғазал, рубоий, дostonларининг бадиияти, шунингдек, тил хусусиятларини чуқур таҳлил қилиб, “Фузулий турк шеърида, форсийда Ҳофиз қадар лирик-рубобийдир. Туркда Фузулий каби дардли ва ўтли бир шоир йўқдир”⁶⁵, – дея эътироф этади.

Мақоланинг “Фузулийнинг Туркистонга таъсири” деб номланган бўлимида эса Фузулий асарларининг Туркистонда кенг китобхонлар томонидан севиб ўқилиши, мактабларда маърифий адабиёт сифатида ўқитилиши натижасида Туркистондаги адабий тилнинг лексик фондида ҳам баъзи ўзгаришлар бўлганлигини муаллиф қуйидагича изоҳлайди: “...Фузулийнинг Туркистонга тарқалишидан сўнг бизда ғарб туркчасининг таъсири кучайди ва икки лаҳжа билан ёзатирғон шоирлар кўруна бошлади. Ҳатто айтиш мумкинки, Фузулий билан бирга бизда иккинчи лаҳжа ҳам туғди. Чунки чиғатой тили соясида яшаб туруб ҳам холис “ғарб туркчаси” билан девонлар тўлдурғон шоирлар кам эмаслар...”⁶⁶. Бундан кўринадики, Фузулий асарлари тилининг таъсирида Туркистондаги ўша давр адабий тилида ғарбий турк тили унсурлари кириб кела бошлаган ва бу унсурлар сўзлашув муомала нутқида, бадиий ҳамда маърифий адабиётлар тилида мукамал ўрнашган. Мунаққид синчков тадқиқотчи сифатида туркий тил лексик фондидаги бундай ўзгаришлар сабабларини лингвистик жиҳатдан тўғри асослай олган.

Тилларнинг билингвизми, яъни ўзаро таъсир белгиларини таҳлил қилар экан, XX аср бошларидаги жаҳид адиблари тилидаги ғарбий турк тили унсурларини муаллиф Фузулийга боғламайди: “...Фузулий тилининг букункиси, яъни усмонлича ила шоиримиз Чўлпон ҳам баъзан чиройлик парчалар ёзадир. Бу одам эски шоирларимиз каби Фузулий таъсири билан эмас, букунги Туркия адабиёти таъсири остида “ғарб туркчаси” билан

⁶⁵ Шу манба. – Б. 41.

⁶⁶ Шу манба. – Б. 45.

ёзадир...”⁶⁷. Дарҳақиқат, XX аср бошларида Туркистонда рўй берган лингвистик жараёнларнинг энг муҳими жаид маърифатпарварлари орасида кечган “умумтуркий тил яратиш ғояси” билан боғлиқ мунозаралар. Ўша даврда пантуркизм таъсирида бўлган адиблардан аксариятининг тилида усмонли турк, татар, озарбайжон тилларининг унсурлари кўп учрайди. Бунга сабаб, адабиётлардан маълум бўлишича, умумтуркий тил учун мазкур тиллар намунавий тил деб асос сифатида баҳоланганлиги. Мунаққид бу жараёнларни яратилаётган бадий, илмий, публицистик асарларнинг тили нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ҳолатни мумтоз адабий тилимизнинг давомийлиги сифатида тавсифлаб эмас, балки ушбу лисоний жараённинг маҳсули сифатида баҳолаб, айна ҳақиқатни баён қилади.

Маълумки, тил тарихининг ҳам, адабиёт тарихининг ҳам суянувчи манбаси мумтоз асарлардир. Тил тарихи билан адабиёт тарихининг бир манбага суяниши улар ўртасидаги муносабатнинг уйғунлигини белгилайди. Бу, ўз навбатида, манбаларни илмий ўрганишда тил илмидан ҳам, адабиёт илмидан ҳам маълум хабардорликни талаб этади. Вадуд Маҳмуд мунаққид сифатида мумтоз адибларнинг шахсияти ва уларнинг яратган бадий асарларни адабий манба сифатида ўрганар экан, уларга баҳо беришда, улар билан кенг халқ оммасини таништиришда ҳам адабиётшунослик, ҳам тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашади. Асар тилига баҳо берганда, албатта, тарихийлик тамойилидан келиб чиқади.

Тил тарихи халқ тарихи ҳам. Халқ тарихида бўладиган ўзгариш унинг тилига ҳам таъсир этади. Чунончи, дастлабки турк хоқонлиги даври, араблар истилоси, сомонийлар даври, қорахонийлар даври, мўғуллар босқинчилиги ва бошқа тарихий жараёнларни таҳлил этсак, ўша давр тилига уларнинг таъсирини жуда аниқ сезамиз. Муаллиф ҳам тилимиз тадрижий тараққиётидаги бундай ўзгаришлардан мукамал даражада хабардор бўлган, тилнинг тарихини халқнинг тарихидан айро ҳолда тасаввур қилмаган, бу эса унинг тилнинг лексик фонди ва грамматик ўзгаришидаги лингвистик

⁶⁷ Шу манба. – Б. 47.

омиллар ҳақида ишончли хулосалар чиқаришига сабаб бўлган. Жумладан, ана шундай жараёнлардан бири бўлган – “чиғатой тили” (туркий тил) ҳамда ғарбий турк тилларининг бир-бирларига бўлган ўзаро таъсирини куйидагича баён қилади: “...Навоий асрида чиғатойча ғарб турклари устига кўб таъсир қолдирғон эди. Аҳмад ва Ошиқ Пошолар ва ҳатто Фузулийга ҳам Навоийнинг таъсири кучлидир. Фақат Фузулийдан сўнг ғарб туркчаси шарқ туркчасига таъсирини кучайтирди ва букун усмонли лаҳжасининг такомули билан бу таъсир яна кучайди ва бу ҳол бундан буён ҳам давом этса ва кун сайин кучайса керак. Чунки Туркия тили асри маданий тил ҳолига киргандир ва биз ҳозир ҳам ундан мутаассирмиз ва истиқболда бизнинг маданий ҳаракатимиз кучайган сари ғарб туркчаси билан робитамиз кучаядир”⁶⁸.

Мунаққиднинг бу фикрларидан Алишер Навоий томонидан асосланган адабий тил нафақат Ўрта Осиёда, балки бошқа ҳудудларда ҳам “маънавий қурол” сифатида кенг фойдаланилганлигини, Навоий тилининг таъсирида бошқа туркий халқлар адиблари ҳам ўз тилларида бой бадиий-маънавий мерос яратганликларини, бунинг баробарида “чиғатой тили”нинг мазкур тиллар қаторида усмонли турк, татар, озарбайжон тилларига ҳам ўз таъсирини ўтказганлигини, Фузулий ижоди таъсирида эса бундай ҳолатнинг акси содир бўлганлигини англаш қийин эмас. Айни пайтда XX аср бошларидаги ўзбек миллий адабий тили ҳақида билдирилган “букун усмонли лаҳжасининг такомули билан бу таъсир яна кучайди” деган маълумот ҳам айна ҳақиқат. Чунки ўша давр адабий тилидаги ғарб туркчасининг ўзбек тилига таъсирининг биринчи сабаби “пантуркизм” бўлса, усмонли турк, озарбайжон тилларининг ўзбек тилига нисбатан олдинроқ замонавий тараққиёт йўлига кирганлиги ва жаид адибларининг унга тақлид қилишларининг натижаси бундай ҳолат юзага келишининг иккинчи омили сифатида қайд этиш мумкин. Зеро, истифодадаги “Туркия тили асри маданий тил ҳолига киргандир ва биз ҳозир ҳам ундан мутаассирмиз” деган қайдлар бизнинг юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

⁶⁸ Шу манба. – Б. 48.

Дарҳақиқат, ўзбек тили тарихида XX асрнинг 20–30-йиллар босқичи ўзбек мумтоз адабий тили билан ҳозирги ўзбек адабий тили ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Шундай экан, бу давр тили ўзининг луғат таркиби, фонетик, лексик, грамматик меъёрларининг давр талабига мос равишда янгидан шаклланиш жараёнида бўлганлиги учун ўзига хос мураккабликлари билан кўзга ташланади. Бундай лисоний масалаларни ижобий ҳал этишда, янги ўзбек адабий тилини қандай асосларга таянган ҳолда ривожлантириш масаласида бир-бирига мос келмайдиган турли қарашлар олдинга сурилар эди. Ушбу нуқтаи назарлар ўша даврдаги бир қатор ўзбек зиёлилари қаторида Вадуд Маҳмуднинг ҳам назаридан четда қолмаган.

Вадуд Маҳмуд ижодини адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганган профессор Баҳодир Каримов таъкидлаганидек, Вадуд Маҳмуд мунаққид сифатида адабий-илмий муаммолар, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маориф ишлари, ҳарф ва имло масалалари, ўзбек тили муаммолари, хуллас, қандай мавзуда қалам тебратмасин, дунёқарашининг кенглиги, теран фикрлаши, адабий меросга ҳурмат-эҳтироми, жаҳон маданияти тарихидан хабардорлиги яққол сезилиб туради⁶⁹.

Биз ҳам бу фикрни тасдиқлаган ҳолда, шуни айтишимиз мумкинки, жаҳид мунаққиди сифатида танилган Вадуд Маҳмуднинг миллий ва адабий тилга муносабат, тилни давр талабларига мослаш, унинг умуммиллий адабий тил сифатидаги ривожланиш йўлларини белгилаш, алифбо ва имло каби мураккаб назарий ва амалий, миллий ва маърифий муаммолар хусусида билдирган фикрлари XX асрнинг 20–30-йиллар даври ўзбек адабий тилининг ривожланиш ва бойиш тенденцияларини белгилашда қимматли ва муносиб материал бера олади.

Мазкур даврда ўзбек адабий тилини меъёрлашга оид ҳаракатлар, айниқса, Фитрат ва Элбекнинг ишларида ўз ёрқин ифодасини топган. Чунончи, Фитратнинг тилшунослик меросини махсус тадқиқ қилган М.Қурбонованинг таъкидлашича, ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек тили

⁶⁹ Баҳодир Карим. Жаҳид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. – Тошкент: Университет, 2000. – Б.91.

меъёрларини белгилашда, унинг илмий-назарий қонун-қоидаларини ишлаб чиқишда ўзбек тилшунослиги тарихида туб бурилиш ясаган Абдурауф Фитратнинг ўрни беқиёс. М.Қурбонова Фитратнинг ўзбек тили луғавий бойлигини меъёрлаш, ривожлантириш ҳақидаги фикрларини тадқиқ қилар экан, адибнинг бу борадаги қарашларини қуйидагича умумлаштиради: “... Унинг фикрича, луғат бойлиги, биринчи навбатда, янги сўзлар яшаш ҳисобига бойитиб борилиши зарур. Ижтимоий борлиқдаги янги тушунчалар имкон қадар миллий тилнинг ўз унсурлари билан ифодаланиши керак. Иккинчидан, агар янги тушунчани ифодалашга миллий тил имкониятлари камлик қилса, у ҳолда бошқа тилдан сўз қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Шу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқа тилдан қабул қилинган сўзлар миллий тил табиатига – унинг товушлар системасига, синтактик қонуниятларига, ифода усулига мос келиши шарт. Ана шундагина ўзлашган сўз миллий тилнинг ўз бойлигига айланади, бегоналиги сезилмайди. Олим таклиф қилган учинчи йўл – янги тушунчаларни ифодалашда истеъмолдан чиқиб қолган сўзлардан фойдаланишдир. Архаизмлардан унумли ҳамда ўринли фойдаланиш, дарҳақиқат, миллий тилнинг тараққиётига хизмат қилади. Бу йўл миллий тилнинг ўз ички манбалари ҳисобига ривожланишини таъминлаши билан ниҳоятда аҳамиятли. Эскирган сўзларни ўрнида ишлатиш тилимизга икки томонлама фойда беради: биринчидан, туркий сўзлар ҳисобига (агар архаизм келиб чиқиши жиҳатидан соф туркий бўлса) тилимизнинг ўзига хослиги, миллийлиги сақланади; иккинчидан, ҳозирги ўзбек адабий тили билан эски ўзбек тилини бир-бирига яқинлаштиради, улар орасидаги тафовутни камайтиради”⁷⁰.

Ўзбек тилининг лексик фондини соф туркийча сўзлар билан бойитиш, лексик меъёрларни ишлаб чиқиш борасидаги Элбекнинг фаолияти ҳам аҳамиятлидир. Жадид маърифатпарвар адиби Элбек “Чиғатой гурунги” жамиятининг фаол аъзоси сифатида туркий сўзларни тўплайди ва уларни баъзи олинма сўзлар ўрнида қўллашни таклиф қилади: *тегра* – *тўғарак*

⁷⁰ Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – Б. 5-6.

(доира), авай (эҳтиёт), бошқарма (идора), буюрма (ҳукумат), босқоқ (ноиб), ёзоқ (мактаб) ва бошқалар.

Бу йўналишда мана шу каби 550та сўзни тўплаб, уларни “Луғат ва атамалар” рукни остида матбуотда чоп этади. У айрим ўзлашма сўзлар ўрнида нотўғри қўлланаётган сўзларга қарши чиқади ва олинма сўзнинг ўзини қўллаш ёки мувофиғини топиш тарафдори бўлади: *ўзгариш* (инқилоб ўрнида), у “*ўзгариш*” эмас, “*тўнтарш*” каби. Баъзи ҳолларда бири ўрнида иккинчиси аралаш қўлланилаётган сўзларни етарли фарқлашни тарғиб қилади. У турли ҳудудларда бир хил тушунча учун ҳар хил терминларнинг қўлланаётгани ва паралеллик терминологияда турлиликни келтириб чиқараётганини айтади ва бунга барҳам бериш лозимлигини таъкидлайди. Жумладан, “*томон*” маъносини берувчи “*зульи*” сўзи ўрнида Тошкентда “*қобирға*”; “*мусаллас*” ўрнида Фарғона водийсида “*учбурчак*”, Тошкентда “*учлик*” терминлари ишлатилади. Элбек уларни бир хилликка келтириш тарафдори бўлган.

Элбекнинг ўзбек тили луғавий бойлигини меъёрлашга доир қарашлари ва бунда у амал қилган илмий тамойиллар Ш.Бобомуродованинг “Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли” мавзуидаги диссертациясида кенг таҳлил қилинган⁷¹.

Мазкур даврда адабий тилнинг меъёрларини белгилаш муаммоси бўйича Миён Бузрукнинг фаолияти Н.Янгибоева томонидан унинг “Адабий тил ва истилоҳ” мақоласида илгари сурилган қарашлари асосида таҳлил қилинган. Миён Бузрук адабий тилнинг тамойилларини белгилашга ҳаракат қилиб, уни “янги адабий тил” тушунчаси билан юритади. Миён Бузрук фикрича, “янги адабий тил”ни яратишдаги энг муҳим муаммолар – “эски лисония” таъсири билан кириб қолган арабча, форсча сўзларни ўзбек тили қоидаларига қандай бўйсундириш; янгидан керак бўлган сўзларни ўзбекчага қандай тилда олиш кераклиги таъкидланади.

⁷¹ Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 24 б.

Миён Бузрук фикрича, “адабий тилни омма тилига яқинлаштириш учун, албатта, эски адабий тилни соддалаштириш” ва “омма, халқ қулоғидан ва зехнидан узоқ бўлган кўп арабча ва форсча сўзларни тилдан чиқариш керак бўлади”⁷². Мақолада Миён Бузрук “ўзбек тили арабча, форсча сўзлардан тамоман қутула олмайди” деб тўғри хулоса қилади, чунки бу сўзлар омма тилида мавжуд ва ўзбек тилининг туб сўзлар қатламига ўтиб кетган.

Шунингдек, мақолада тилшунос сифатида Миён Бузрук қуйидагиларни тарғиб қилади: ўзбек тилида муқобили бўлган ва омма тилига сингишиб кетмаган (*нусрат, фатҳ, мастура* кабиларни) сўзларни чиқариб ташлаш керак; муқобили бўлган ва “бир даража шевага ўрнашгон сўзларнинг ҳам ўзбекчалари сақланиб, арабча ва форсчалари тарк қилинади”: *амр, саид, шабнам, шода, сахро, галаба, ҳарб* сўзларидан воз кечиш керак, чунки уларнинг ўзбекчалари бор; муқобилларига кўра арабча, форсча сўзлар қулай бўлса, уларни сақлаб қолиш керак, яъни “арабча, форсча сўзларнинг ўзбекчадаги муқобиллари ўзлари қадар маълум бўлмаса”.

Унингча, *пешона, ҳайрон, надомат, ширин, хатар* сўзлари ўзбек тилидаги *манглай, ўқунмак, чучук, кўнгул* сўзларига қараганда қулай. “Асосан, бундай нуқталардан сўзлашда нутқнинг енгил бўлиши кўзда тутилади”.

Ўзбек тилида муқобили бўлмаган ёки муқобили бўлса-да, унутилиб кетган арабча, форсча сўзларни сақлаш керак. Бу фикрда ҳам асос бор. Ҳақиқатан ҳам, *мол, ҳалак, қасд, тарк, инсоф* каби сўзларни тилдан чиқариб ташлашга ҳожат йўқ. Ўз этимологик маъносидан йироқлашиб кетган *овқат, пора, касал* каби сўзларни қолдириш ҳақидаги фикр ҳам ижобий⁷³.

Демак, XX асрнинг боши ва 20–30-йилларида ўзбек тилининг ривожини қайси йўлдан бориши масаласида ягона нуқтаи назар йўқ эди, бир-бирига мос

⁷² Янгибоева Н. Миён Бузрук ва сўз танлаш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007, – № 6. – Б. 101.

⁷³ Янгибоева Н. Шу мақола. – Б. 102-103.

келмайдиган турли қарашлар олдинга сурилар эди. Ушбу нуқтаи назарлар бир қатор ўзбек тилшуносларининг ишларида ҳам тилга олинган⁷⁴.

Давр тили ва тилшунослиги бўйича олиб борилган илмий изланишлар, кузатишларимиз асосида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек миллий тилининг қуйидаги ижтимоий тармоқ ва кўринишлари мавжудлигини кўрсатиш мумкин: XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек бадиий адабиёти тили; XX аср бошларидаги янги шаклланиб келаётган ўзбек матбуоти тили; ўша давр ўзбек илмий ва маърифий адабиёт тили; ўзбек фольклори асарлари тили; ўзбек халқ лаҳжа ва шевалари тили.

Давр миллий адабий тилига баҳо берганда унинг барча функционал услублари ва уларнинг ўзаро муносабатини ҳисобга олган ҳолда ёритиш, баҳо бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Жадид маърифатпарварларининг ўз даври ижтимоий-сиёсий, маданий муҳитига кўрсатган таъсирини турли соҳада кузатиш мумкин. Уларнинг мактаб ва маориф масаласи, бадиий ижоднинг назм ва наср, драматургия ва публицистика йўналишлари, санъатшунослик ва тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик каби соҳалардаги фаолияти фикримиз далилидир.

Шубҳасиз, XX асрнинг 20–30-йилларидаги ижтимоий-маънавий муҳит, хусусан, ўзбек адабиёти, ўзбек тилшунослиги ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун маърифатпарвар жадид адибларининг серқирра ижодига атрофлича тўхталиш лозим. Ўзларининг кўп ва турфа жанрга бой асарлари билан ўзбек маданияти, маънавияти тарихида алоҳида ўринни эгалловчи жадид маърифатпарварлари тилшуносликнинг луғатчилик соҳасида ҳам салмоқли ижод қилганликлари, бунинг баробарида ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшганликлари диққатга сазовор.

⁷⁴ Гулямов А. Развитие узбекского литературного языка в советский период // Известия АН УзССР, 1948. – № 5; Усманов А. Вопросы узбекской научной терминологии // Вопросы изучения языков народов Средней Азии и Казахстана. – Тошкент, 1952; Камалов Ф. История становления и развития узбекского национального языка // Вопросы изучения языков народов Средней Азии и Казахстана. – Тошкент, 1952; Қори Ниёзий Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент, 1956; Решетов В.В. Узбекский язык. Часть - 1. – Тошкент, 1959.

Бу ўринда луғатшунос жадид адиблари қаторида Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Миён Бузрук, Исҳоқхон Ибрат, Вадуд Маҳмуд, Иброҳим Даврон, Ғози Олим, Назир Тўракулов каби адибларнинг луғатчилик фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Фикр юритилаётган даврда ижод қилган адибларнинг кўпи асл зиёли, педагог, адабиётшунос, жамиятшунос, ватанпарвар, ҳам ёзувчи, ҳам шоир, ҳам зукко тилшунос бўлишган. Жумладан, ўзбек замонавий насрининг дарғаси, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий ўзининг турли жанрдаги асарлари билан ўзбек адабиёти хазинасига улкан мерос қолдириши билан бирга, зукко тилшунос сифатида тилшунослик, хусусан, луғатчилик, имло масалалари борасида ҳам фаолият юритганлиги эътиборга молик.

Абдурауф Фитрат эса ўз ижодида луғатшуносликка оид алоҳида бир асар яратмаган бўлса-да, “Энг эски турк адабиёти намуналари” номли мажмуасида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари матнига кирган туркийча сўзларнинг маъно ва мазмунига эътибор бергани ҳолда уларни луғатшуносликнинг ўзига хос тамойиллари асосида изоҳлаган. Муаллиф ўз асарининг учинчи қисми ҳақида фикр билдириб, жумладан, шундай дейди: “...Ўткан икки қисмда кўрганимиз манзумаларда изоҳқа муҳтож кўб луғатлар бор. Уларни ўз ўрнида изоҳ қилиш ўқучиларни мақсаддан узоқлаштирадир. Шунинг учун учинчи бир қисм орттириб мазкур луғатларни изоҳ қилиш муносиб кўрилди”⁷⁵.

Элбекнинг тилшунослик меросини монографик планда тадқиқ қилган Ш.Бобомуродова луғатшунослик Элбек фаолиятининг асосий йўналишидан бири бўлганлигини, унинг “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати” асари ўзбек тилида биринчи бор тузилган махсус луғат эканлигини, унда ўша даврда мавжуд бўлган лексикографик тамойилларга амал қилган ҳолда 20–30-йиллар муомаласида бўлган ўзбек тилидаги омоним сўзларнинг асосий қисми ўз ифодасини топганлигини қайд этади⁷⁶.

⁷⁵ Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2008. – Б. 101.

⁷⁶ Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002.

Шунингдек, жадид адибларидан Ашурали Зоҳирийнинг “Русча-ўзбекча мукаммал луғат”, Исҳоқхон Ибратнинг “Луғоти ситта алсина” (“Олти тилли луғат”), Иброҳим Давроннинг “Ибн Сино асарларида қўлланган арабча, форсча сўзларнинг изоҳли луғати”, Ғози Юнуснинг “Қисқача русча-ўзбекча сиёсий-ҳуқуқий луғат” каби асарлар яратганликлари, Вадуд Маҳмуднинг эса Тожикистон Республикаси ФА Рўдакий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими сифатида 45 000 сўздан иборат “Фарҳанги забони тожики” луғатини тузишга ҳаммуаллифлик қилгани фанда маълум.

Уларнинг бу фаолиятлари замирида ўзбек лексикографияси тарихида луғат яратишдаги янгича тамойиллар олдинга сурилганлиги, ўша даврдаги ижтимоий-маданий тараққиёт тақозоси билан луғатларнинг янги турлари майдонга келганлиги, яратилган луғатларда нафақат сўз ҳақида бирор маълумот бериш ёки унинг маъноларини тушунтириш, айти пайтда, ўша давр адабий нормаларини белгилаш, нутқ маданиятини ошириш каби илмий эҳтиёжларни қондиришга мақсад қилинганлиги маълум.

Мустақиллик йилларида жадид маърифатпарварлари ижодини ўрганиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Олиб борилган илмий изланишларда жадидчилик вакиллари яратган бадиий асарларнинг тили, уларнинг янги ўзбек адабий тилининг ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда маърифатпарвар адибларнинг тил ва тилшуносликка оид қарашлари алоҳида-алоҳида монографик планда тадқиқ қилинди. Яъни адибларнинг илмий мероси, бадиий маҳорати, тўғрироғи, тилдаги бадиий тасвир воситаларидан қай даражада фойдалана олганликлари нуқтаи назаридан илмий изланишлар олиб борилди. Бироқ, жадид даври луғатчилиги назарий жиҳатдан ҳали мукаммал ўрганилгани йўқ. Давр луғатчилигини тизим сифатида қамраб олиб унинг шаклланишига асос бўлган ижтимоий эҳтиёжни ўрганиш, давр луғатчилиги манбаларини илмий тавсифлаш, яратилган луғатларнинг лексикографик тамойилларини изоҳлаш ва бу борадаги назарий фикрларни умумлаштириш орқали жадид адибларининг ўзбек луғатчилигининг

шаклланиши ва ривожланишидаги хизматларини белгилаш бугунги ўзбек лексикографиясининг тадрижий такомилени кўрсатишда муносиб манба бўлиб хизмат қила олади.

Жадид вакиллари ҳам тил сиёсати, тил мақоми, адабий тил, унинг умумхалқ тилига муносабати, тилларнинг ўзаро муносабати, бир-бирига таъсири, сўз ўзлаштириш, тилнинг софлиги, нутқ маданияти, муомала одоби, нутқий меъёр, тил меъёрлари, тилнинг ривожи, кўп тил билиш, иккитиллилик ва кўптилликка муносабат, тилнинг тармоқланиши (нутқий услубларга хосланиши), тилга ҳурмат каби жуда кўп бошқа масалаларга ҳам эътибор беришган. Улар, айниқса, давр эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бошқа тилларни ҳам билишларини назарда тутиб, турли луғатлар яратиш мумкинлигини тўғри англаган ва бу борада ҳам самарали фаолият юритган. Фитрат, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Вадуд Маҳмуд, Ибрat, Назир Тўрақулов каби зиёлиларнинг бу борадаги фаолиятлари диққатга молик.

Боб бўйича хулосалар

1. XIX асрнинг 60-йилларидан XX асрнинг 40-йилларига қадар бўлган давр Туркистон ўлкаси учун, жумладан, Ўзбекистон учун ўта мураккаб давр бўлган. Айниқса, XX асрнинг 20-йиллари охирига қадар эл-юртнинг энг кучли таназзул, қолоқлик, икки томонлама зулм остида эзилган даври бўлди. Аввал, чоризм балоси, кейин эса 1917 йил инқилобидан кейин алданган халқнинг яна қарам ҳолда қолиши, ҳар иккала ҳолатда ҳам элни билимсизликда сақлаш, онгини ўстирмаслик сиёсати етакчилик қилди.

2. Зиёлилар ичида мамлакатни, ўлкани таназзулдан, умумий қолоқликдан олиб чиқишнинг бош йўлини тўғри белгилай олган етакчилар етишиб чиққанлиги ўлканинг энг катта ютуғи бўлди. Туркистон ўлкасини мустамлака қарамлигидан чиқармагунча уни таназзулдан, қолоқликдан чиқариш мумкин эмас, деган ғоя уларнинг бош устувор йўналиши эди. Бутун куч, бор имкониятни кишиларни шу руҳда тарбиялашга қаратиш, онгини,

билимини шу йўлга сарфлаш, бирлашишга, эл-юрт келажаги учун йўналтиришга тайёрлаш учун ҳаракат бошланди. Айнан шу ҳаракат, оқим “жадидчилик (жадидизм)” деб номланди. Бу ҳаракат иштирокчилари, етакчилари “жадидлар”, тарафдорлари эса, “жадидчилар” деб ном олди.

3. Жадидлар миллий мустақилликка эришиш йўлида хизмат қилувчиларни шакллантириш учун таълим тизимини тамомила янгилаш лозимлигини, маърифатни, маънавиятни ўзгартириш кераклигини англаб етиб, бутун фаолиятларини шунга йўналтирдилар: а) ўзгача, “усули жадид”, “усули савтия”, “намуна” каби мактаблар очиш; б) матбуотни шунга йўналтириш, янги, ўз матбуотларини яратиш ва улар фаолиятини тарғибот-ташвиқот ишларига, мустақиллик учун курашиш йўлида кўмаклашишга қаратиш; янги педагоглар (“жадид педагоглари”) “армиясини” яратиш, курашни узлуксиз, уюшган тарзда давом эттириш.

4. Ўзбек тили (она тили) нинг мавқеига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш: 1) мамлакатда яшовчи асосий миллатнинг тили – ўзбек тили давлат тили мақомида бўлиши шарт эканлигига эришиш; 2) таълим тизимида амал қилувчи асосий тил она тили бўлиши кераклиги; 3) тилнинг софлиги ва халқчиллиги учун кураш миллат вакилларининг бурчи бўлиши лозимлиги. Умумхалқ тили билан адабий тилни уйғунлаштириш; 4) бошқа тилларни ҳам ўрганиш, эзгулик, фаровонлик, умуман, тараққиёт учун хизмат қиладиган илғор ютуқлардан хабардор бўлиш, турмуш тарзимизга, миллатимиз характерига мос қиладиганларини қабул қилиш, умумий тараққиётдан орқада қолмаслик учун фаолият кўрсатиш зарурлиги каби масалалар жадидчилик ҳаракатининг асосий, бош йўллари, мақсадлари, вазифалари бўлган. Улар фаолиятидаги ўзига хослик имло масаласидаги баҳсларда ҳам кўринади. Улар араб ёзувини ўзбек тили хусусиятларига мослаштирган ҳолдаги алоҳида ўзбек ёзувини шакллантириш тарафдорлари бўлган, дейиш мумкин. Жадидлар араб ёзувидан лотин ёзувига, кейин эса кирилл ёзувига ўтиш тарафдорлари бўлган эмаслар.

5. Айтиш мумкинки, маърифатчилар ўз даврининг эзгу ниятли, халқни, юртни маърифат йўли билан, дунё тараққиётидан орқада қолмаган ҳолда сақлашга ҳаракат қилувчилар бўлса, демократлар демократия (омма хоҳиш истагини ҳисобга олиш) йўли билан тараққиётни таъминловчилардир. Умумий ғоя жиҳатидан улар бирлашадилар. Жадинчилик аъзолари, жадинлар эса, бутун куч-қуввати, фаолиятини миллий мустақилликка эришиш, юртни, миллатни қарамликдан қутқариш учун курашувчилардир. Жадинчилик ана шулар уюшмаси, оқими – ҳаракатидир. Жадинчилик жаҳолатга, қолоқликка қарши жаҳолат билан эмас, балки юксак маънавиятни, инсонийликни, маданийликни қарши қўйиш билан курашувчилар – зиёлилар оқими, ҳаракатидир. Жадинлар – юксак маънавиятли, маданиятли, эзгу ниятли, курашувчи кишилардир. Уларни “босмачилар ҳаракати” иштирокчилари билан тенглаштириш ножоиздир.

6. Жадинчилик ва жадинлар масаласи (муаммоси) асосан Шўролар даврида жиддий эътибор қаратилган ҳодисалар бўлиб, Шўролар ҳукумати уларнинг туб мақсадини англаб қолиб, “уруш усули” билан ҳаракат бошлаган “босмачилар”ни қилич кучи билан йўқ қилган бўлса, маърифат йўли билан кураш – ҳаракат бошлаган жадинларни қатоғон йўли билан йўқ қилишга киришди ва бу йўл то XX асрнинг 60–80 йилларигача ҳам давом этди.

7. Жадинчилик оқими (ҳаракати) XX асрнинг 20-йилларида жиддий фаолиятини бошлаган. Ана шу даврда бу оқимнинг етакчи вакиллари фаолияти ҳукуматни ташвишга солиб қўйди, уларга ҳақиқий душман сифатида қараш шу даврда авж олди – таъқиб қилиш кучайди. Жадинларнинг асосий фаолиятида эрк учун, мустақиллик учун кураш ғояси етакчилик қилган.

8. XIX аср охири – XX аср бошларидаги Ўзбекистондаги лисоний жараён ва жадинларнинг умумий фаолияти, айниқса, уларнинг тил ва тилшуносликка оид фикрларини жиддий ўрганишга даъват XX асрнинг 80-йилларида бошланган бўлса-да (О.Шарафиддинов, Н.Худайберганов, Б.Қосимовларнинг Чўлпон, Фитрат ижодларига муносабат билдирган

ишлари назарда тутилмоқда), асосий илмий тадқиқотлар мустақиллик йилларида амалга оширилди.

9. Жаид етакчиларининг тилга муносабати, тилшунослик бўйича қарашлари, адабий тилнинг шаклланиши, такомил, меъёрлашуви, шеваларга муносабати, софлиги, бошқа тиллар билан муносабати, тил ўрганиш, икки тиллилик, кўп тиллилик, тиллараро таъсир каби масалалар борасидаги фаолиятлари мустақиллик йилларида кенг тадқиқ этила бошланди. Олиб борилган тадқиқотлардаги назарий таҳлиллар, хулосалар асосида айтиш мумкинки, жаид маърифатпарварларининг ўзбек миллий тили, унинг асосини ташкил этувчи янги ўзбек адабий тилини яратиш ва ривожлантириш борасидаги қарашларида уйғунлик сезилади.

II БОБ. ДАВР ЛУҒАТЧИЛИГИ: ТАРИХИ, ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ, МАНБАЛАРИ

2.1-§. Ўзбек лексикографик тадқиқотлари тарихига доир

Ўзбекистонда лексикографик тадқиқотлар XX асрнинг 60-йилларидан амалга оширила бошлаган. Улар монографик режада ва турли мақолалар шаклида олиб борилган:

1. Монографик тадқиқотлар. Икки тилли луғатлар таҳлили Х.Фаттоҳов⁷⁷, Т.Қодиров⁷⁸, К.Муҳиддинов⁷⁹, Э.Умаров⁸⁰, Ш.Файзуллаева⁸¹, Н.Расулов⁸², М.Зияева⁸³ тадқиқотларида амалга оширилган.

Монографик тадқиқотлар орасида Б.Ҳасановнинг “Навоий асарларига тузилган қўлёзма луғатларнинг тузилиш принциплари”⁸⁴ номли диссертацияси ўзининг кенг қамровлилиги, таҳлилларининг ишончлилиги билан ажралиб туради ва унда “Бадоеъ ул-луғат”, “Абушқа”, “Санглоҳ”, “Луғати атрокия” каби тарихий луғатлар тадқиқ этилган. Биз учун Б.Ҳасанов диссертациясининг “Дастлабки босқичда Навоий асарларига тузилган қўлёзма луғатларнинг тузилиши, лексикографик принциплари” ва “Навоий асарларига тузилган луғат мақолаларининг тузилиш принциплари” деб номланган 1-, 2-боблари муҳим, унда луғатларда сўзларнинг қайси тамойилларга кўра танланиши акс эттирилган. Луғатнинг тузилиши ва сўз танлаш бўйича қуйидаги ҳолатлар қайд этилади:

⁷⁷ Фаттоҳов Х. Мухаммад Риза Хаксар и его “Мунтахаб ал-лугат”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974.

⁷⁸ Кадиров Т. Филологическое исследование словаря “Хуласа-и Аббаси” Мирзы Мухаммада Хойи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988.

⁷⁹ Муҳиддинов К. “Санглах” Мирзы Мухаммада Махдихана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971.

⁸⁰ Умаров Э. “Бадаи ал-лугат” и “Санглах” как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка: Автореф. дисс. ... доктора. филол. наук. – Ташкент, 1989.

⁸¹ Файзуллаева Ш. Исследование языка памятника XVв. «Китабу булгат ал-муштак фи-луғат ат-турк ва-л-кифчак» Жамаладдина ат Турки: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969.

⁸² Расулов Н. Исследование языка “Китаб ал-идрак ли-л-исан ал-атрак” Абу Хайяна: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969.

⁸³ Зияева М. Исследование памятника XIV в. “Китаб ат-тухфат уз закийя фил – лугатит - туркийя” – Ташкент, 1972.

⁸⁴ Хасанов Б. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1989.

– сўзларнинг танланиш тамойиллари. Бунда сўзлик яратиш тўғрисида фикр юритилади;

– отлар бош келишида, феълларнинг масдар (-моқ, -мак аффиксли характ номи) шаклида берилиши;

– бош сўз. Бундай сўз учун Алишер Навоий асарларидаги, асосан, туркий сўзлар олинганлиги қайд қилинади;

– бош сўзнинг фонетик ва орфографик изоҳи ва ундан ҳосил бўладиган шакллар;

– бош сўзнинг грамматик шакли;

– сўзнинг этимологияси;

– сўз ва ундан ҳосил бўлган шаклларнинг семантик таҳлили;

– бош сўз ва унинг ҳосилаларини тасдиқловчи ҳавола;

– бош сўз ва ҳосилаларининг туркча (румий), арабча ва форсча маънолари;

– ўтмиш луғатчилар камчиликлари таҳлили;

– ҳаволалар⁸⁵.

Кўринадики, Б.Ҳасанов луғатчиларнинг амалий фаолиятидаги ютуқ ва ноқисликларни қайд қилган ва луғатчилик анъанасининг илмий-танқидий таҳлилини мисоллар асосида ёритиб берган.

Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатойи ва турки усмоний” асарида сўзларни изоҳлаш принциплари ўрганилар экан, луғатда синонимлар орқали изоҳлаш, антонимлар орқали изоҳлаш, этимологик маълумотлар бериш ҳамда лексикографик белгилар орқали изоҳлаш усуллари қўлланилганлиги муаллифлар томонидан алоҳида таъкидланган⁸⁶.

Н.Шарахмедова ўз тадқиқотида «Хамса ба ҳалли луғат» асарида муаллиф сўзларнинг изоҳини беришда уларнинг синонимларини келтириш,

⁸⁵ Ҳасанов Б. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1989. – С. 15-16.

⁸⁶ Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 169-176.

эквивалентларини келтириш усулидан ва қисқа изоҳ бериш усулларида фойдаланганлигини эътироф этади⁸⁷.

Монографик тадқиқотлар сирасида уч тилли луғатлар таҳлили Сурайё Гафурованинг “Салоҳиддин Тошкандий “Луғоти салос” асарининг лексикографик хусусиятлари» номли диссертациясида⁸⁸ ёрқин кўринади. Муаллиф диссертацияда “Луғоти салос”нинг асосий лексикографик хусусиятларини изоҳлар экан, асарнинг бошқа луғатлардан фарқ қилувчи асосий лексикографик белгилари сифатида унинг уч тилли (арабий-форсий-туркий) луғат эканлигини, уржуза (ражаз баҳрида, шеърӣ усулда ёзилган) илмий асар эканлигини, идеографик луғат сифатидаги хусусиятларини кўрсатади.

Х.Маҳмадалиев “Ғиёс-ул-луғот” ва ундаги туркий қатлам” мавзусида олиб борган тадқиқот ишида туркий сўзнинг форсий таржимасини *шарҳ* сўзи билан ифода қилади ҳамда унинг қуйидаги турларини беради:

- муқобил танлаш орқали шарҳ бериш (*қапуҷи – дарбан*);
- қисқа шарҳ бериш. Бу муқобили топилмаган сўзларда қўлланган (*қурут – жузғрати хушк*);
- тўлиқ шарҳ бериш. Бунда сўзнинг муқобили бўлмаганда атрофлича изоҳ берилиши тушунилган (бу *шунқор* сўзи шарҳида кўринади);
- энциклопедик шарҳ бериш. Бу *таҳақу йил, тамға* сўзлари шарҳида кузатилади;
- омонимлар орқали шарҳ бериш;
- синонимлар орқали шарҳ бериш;
- антонимлар орқали шарҳ бериш⁸⁹.

Тадқиқотчи Муҳаммад Ғиёсуддин ўз луғатини (1827) яратиш чоғида сўзларнинг таржимасини беришда анъанадаги мавжуд тамойиллардан фойдаланганлигини қайд этган. Шу билан бирга, Х.Маҳмадалиев шарҳ

⁸⁷ Шарахмедова Н. Словарь “Хамса ба халли луғат” как источник узбекской исторической лексикографии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – С. 15.

⁸⁸ Гафурова С. Салоҳиддин Тошкандий “Луғоти салос” асарининг лексикографик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

⁸⁹ Маҳмадалиев Х. “Ғиёс-ул-луғот” ва ундаги туркий сўзлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – Б. 7-8.

тамойилларини белгилашда унинг миқдорини сунъий кўпайтириб юборганлигини ҳам пайқаш қийин эмас. Масалан, қисқа ва тўлиқ шарҳ бериш, энциклопедик шарҳ бериш тамаойиллари бир-биридан жиддий фарқ қилмаслигини таъкидлаган бўлар эдик. Уларни бир тамаойил сифатида белгилаш маъқулроқ эди.

А.Убайдуллаев Фазлуллахоннинг “Луғати туркий” асари таҳлилида луғатда сўзликлар изоҳларининг қуйидаги турларини кўрсатади:

– эквивалент йўли билан изоҳлаш;

– кенгроқ изоҳлаш;

– умумий изоҳлаш;

– қўшимча равишда ҳиндча сўзлар билан изоҳлаш⁹⁰. Фазлуллахон туркий сўзларни аслида форсчага ағдарган. А.Убайдуллаев муаллиф нима учун айрим сўзларни ҳиндча сўзлар билан изоҳлашининг сабабларини келтирмайди. Шунингдек, А.Убайдуллаевнинг кенгроқ изоҳлаш ва умумий изоҳлаш тўғрисидаги фикрлари ҳам илмий жиҳатдан асосли эмас.

Луғатларнинг тили таҳлилига бағишланган монографик тадқиқотлар орасида Ҳ.Дадабоевнинг “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари”⁹¹ номли тадқиқоти “Девон”да қайд этилган уруғ, қабила, қавм ва халқлар тиллари материаллари мисолида қорахонийлар даврига хос эски туркий тилнинг фонетик ва лексик-семантик хусусиятлари кенг таҳлил этилганлиги билан аҳамиятлидир.

2. Мақола шаклидаги тадқиқотлар. Бундай тадқиқотлар мазмун-моҳиятига кўра қуйидагича гуруҳланиши мумкин: а) луғатчилик тарихига оид ишлар; б) луғатлар таҳлил қилинган ишлар; с) луғатлардаги муайян муаммолар таҳлилига бағишланган ишлар.

Биринчи тоифа ишларга Ҳ.Фаттоҳовнинг “Ўзбек лексикографияси тарихига бир назар”, “Луғатчилигимиз тарихидан” номли мақолалари тааллуқли бўлиб, уларнинг иккинчисида муаллиф луғатчилик тарихини

⁹⁰ Убайдуллаев А. “Луғати туркий”нинг лексикографик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

⁹¹ Дадабоев Ҳ. “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари. – Тошкент: ТДШИ, 2017.

даврларга ажратишга ҳаракат қилган. Муаллиф фикрига кўра, луғатчиликнинг биринчи даври XI–XV асрларни қамраб олади ва унга Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва бошқа туркча-арабча луғатлар киритилади, иккинчи давр XV асрдан XIX асргача бўлган туркча-форсча луғатлардан ташкил топади, учинчи давр XIX аср бошларидан 1917 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади ва эски ўзбек тили изоҳли луғатлари кўзда тутилади⁹². Албатта, бу тасниф илмий жиҳатдан анча ғализ, чунки 1917 йилдан кейинги луғатлар тўғрисида маълумот келтирилмайди, шунингдек, биринчи даврда “Девону луғотит турк”дан бошқа луғатчиликка оид асарлар кўрсатилмаган, қолаверса, луғатчиликни даврларга ажратишнинг тамойиллари ҳам белгиланмаган.

Бу тоифадаги ишларга ҳисобот мазмунидаги мақолаларни ҳам киритиш мумкин. З.Маърупов ва Г.Михайловларнинг “Ўзбек совет лексикографияси”⁹³, “Ўзбек лексикографиясининг 50 йили”⁹⁴ номли мақолаларида “Девону луғотит турк”, ўрта асрларда Алишер Навоий асарларига тузилган луғатлар, В.Радлов, Л.Будагов, Н.Золотницкий, А.Старчевский, В.Наливкин ва М.Наливкина, С.Лапин луғатлари, ўтган асрнинг 20-йилларига оид К.Юдахиннинг “Ўзбекча-русча луғат”и ҳамда 1941 йилдан 1959 йилгача бўлган даврда яратилган ўзбекча-русча, русча-ўзбекча луғатлар тўғрисида маълумот берилган, лекин таҳлил қилинмаган. Кўриниб турибдики, биз тадқиқот объекти қилиб олган луғатлар ҳам “қатоғон шамоли” сўнмагани боис бу мақолада тилга олинмаган.

Лексикография тарихига оид ишлар жумласига А.Мадвалиевнинг “Ўзбек лексикографияси тарихидан”⁹⁵ деб номланган мақоласини ҳам

⁹² Фаттохов Х. Ўзбек лексикографияси тарихига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – № 3. – Б. 22-25; Шу муаллиф. Луғатчилигимиз тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – № 2. – Б. 52-54.

⁹³ Маъруфов З., Михайлов Г. Ўзбек совет лексикографияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – № 6. – Б. 32-41.

⁹⁴ Маъруфов З., Михайлов Г. Ўзбек лексикографиясининг 50 йили // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1947. – № 5. – Б. 70-72.

⁹⁵ Мадвалиев А. Ўзбек лексикографияси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. – № 2. – Б.37-41; 2008. – № 3. – Б.31-36.

киритиш мумкин. Мақолада “Девону луғотит турк”, Асируддин Абу Хайённинг “Китоб ул идрок ли-лисонул атрок”, Толи Имони Ҳиравийнинг “Бадоеъ ул-луғат” асари, “Абушқа”, “Луғати Навоия вал истишҳодоти чигатойя”, Муҳаммад Ризо Хоксорнинг “Мунтахабул луғат” асари, Мирза Меҳдийхоннинг “Санглоҳ” асари, Фазлуллахон Барлоснинг “Луғати туркий”, Фатҳ Алихоннинг “Китоби луғати атрокия”, Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома”, Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатойи ва турки усмоний”, Л.Будаговнинг “Сравнительный словарь турецко-татарских наречий”, В.Радловнинг “Опыт словаря тюркских наречий” луғатларининг тарихий тавсифи берилган, бироқ лексикографик таҳлили амалга оширилмаган.

Иккинчи тоифа ишларга таржима луғатларини киритиш мумкин. Дастлаб, ўзбекча-русча луғатлар таҳлилига бағишланган ишларга тўхталадиган бўлсак, бу соҳада Г.Михайлов “Опыт лексикографического исследования узбекско-русских словарей, изданных в советский период” мавзусидаги номзодлик диссертациясини яратган⁹⁶. Унда бу типдаги луғатларнинг яратилишида қўлланган тамойиллар, сўз танлаш асослари тўғрисида фикр юритилган. Унинг аниқлашича, ўзбекча сўзларнинг русча таржимасини беришда луғат тузувчилар турли тамойилларга асосланишган.

Ўзбекча-русча луғатларда муайян муаммога бағишланган ишларга М.Бозоровнинг мақоласини киритиш мумкин. Унда интернационал сўзларни ўзбекча-русча луғатларга киритиш фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгалиги, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзбек тилига қабул қилинган сўзлар қайта ўзгариб, ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига бўйсуниб, ўз семантикасини ўзгартириб туриши мумкинлиги айтилади⁹⁷. Шунини таъкидлаш лозимки, интернационал сўзлар ва муқобили бўлмаган бошқа тилларга оид сўзлар (терминлар) ҳар

⁹⁶ Михайлов Г. Опыт лексикографического исследования узбекско-русских словарей, изданных в советский период: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1960.

⁹⁷ Бозоров М. Икки тилли луғатларда интернационал сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. – № 6. – Б. 46-49.

доим ҳам қандай типдаги луғатлар бўлмасин, луғатлар сўзлигида акс эттириб келинмоқда. Бизнингча, бу масалада ташвиқотга ҳожат бўлмаса керак.

Дастлабки русча-ўзбекча луғатлар таҳлили А.Ҳожиёвнинг мақоласида берилган. Унда П.С.Паллас томонидан тузилган 381та русча сўзликдан иборат луғатда ўзбекча ва тожикча сўзларнинг транскрипцияда берилганлиги ва унинг кўп ўринларда нотўғри амалга оширилганлиги кўрсатилади, лекин ўзбекчага таржима қилиш жараёнида қўлланган тамойиллар тўғрисида фикр баён қилинмаган⁹⁸.

Ўзбекча-туркча луғатлар ҳақида борасида Э.Умаровнинг мақоласи эътиборлидир. Олим Алишер Навоий асарларидаги сўзларнинг турк тилига таржимаси, фанда “Абушқа” деб номланиб келинган луғатнинг янги топилган нусхаси ҳақида фикр юритади. Аслида бундай луғатларни тарихий луғатлар деб ҳам аташ мумкин. Э.Умаров луғатда қуйидаги тамойиллар қўлланганлигини қайд этади:

- сўзларнинг бош маъноси таржима қилинган;
- араб ёзувида бир хил ёзиладиган сўзларнинг маънолари алоҳида-алоҳида таржима қилинган (*тун* // *тўн*);
- айрим сўзларнинг икки маъноси берилган (*сизмақ*, *ёзмақ*; *нақш* *этмақ*);
- отлар бош келишида, феъллар эса турли шаклларда берилганини таъкидлайди⁹⁹. Фикр қисқа бўлса-да, тарихий луғатчилик принциплари тўғрисида муайян маълумот олиш мумкин.

Кўп тилли луғатлар таҳлили хусусида А.Мадвалиев Исҳоқхон Ибротнинг “Луғоти ситта алсина” (“Олти тилли луғат”) асарини таҳлил қилади. Афсуски, мақолада тиллар бўйича сўзларнинг танланиши, сўзликларнинг таржимадаги принциплари тўғрисида фикр юритилмаган,

⁹⁸ Ҳожиёв А. Энг кўхна русча-ўзбекча луғат // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. – № 1. – Б. 72-73.

⁹⁹ Умаров Э. Янги топилган Навоий асарлари луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. – № 4. – Б.76-78.

муаллиф луғат тузувчиси ва ундаги сўзлар статистикаси тўғрисидаги маълумотларни бериш билан чекланган¹⁰⁰.

Т.Алиқулов русча-ўзбекча луғатларда изоҳнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, чунки рус тилидаги барча сўзларга беистисно равишда иккинчи тилда эквивалент топилавермаслигини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, муаллиф луғатларда изоҳ қуйидаги муаммоларни ҳал этишда қўлланиши лозимлигини таъкидлайди:

– фанда қўлланадиган илмий терминлар изоҳ билан берилиши керак (*рация, лаг, люк* ва б.);

– муқобили топилмайдиган сўзлар ҳақида (*рождество, кадрили* ва б.) бу фикрларини баён қилар экан, у А.К.Боровковнинг “луғат яратишдан мақсад рус тилини ўрганиш” деган ақидасидан келиб чиқади¹⁰¹. Луғатларнинг маълум бир муаммосига бағишланган ишлар таржима луғатлари бўйича ҳам амалга оширилган.

Учинчи тоифага кирувчи луғатлар таҳлили бир тилли луғатлар бўйича амалга оширилган. Бу типдаги луғатларга қуйидаги ишларни келтириш мумкин: Р.Дониёров луғатларда феълнинг ҳаракат номи шаклини танлаш бўйича фикр юритиб, *-моқ* аффиксли ҳаракат номини эски ўзбек тили факти сифатида қарайди ва унинг ўрнида *-и* аффиксли ҳаракат номини танлаш тўғри бўлишини асосламоқчи бўлади¹⁰². Муҳокама ва мунозара тарзида эълон қилинган бу мақолага раддия характеридаги мақола ёзилган ва *-моқ* аффиксли феълларнинг бош сўз сифатида берилиши ёқлаб чиқилган¹⁰³, луғатларда *-моқ* аффиксли феъллар акс эттирилиши давом этди. Бу мақолага қарши ёзилган мақолалар бор. Бу ҳақда қуйироқда фикр юритамиз.

¹⁰⁰ Мадвалиев А. Исҳоқхон Ибротнинг олти тилли луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – № 47. – Б. 53-56.

¹⁰¹ Алиқулов Т. Русча-ўзбекча сўзларда изоҳ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – № 6. – С. 24-28.

¹⁰² Дониёров Р. Ўзбек лексикографиясининг муҳим бир масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – № 6. – Б. 32-37.

¹⁰³ Юсупхўжаева Ҳ. Луғатларда феълнинг бош сўз сифатида берилиш формаси масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – № 5. – Б. 37-39.

С.Акобировнинг мақоласида луғатларда қўшма сўзларнинг берилиши билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган ва унда муаллиф бу масалада қуйидагича иш тутишни тавсия этади:

- фақат бир сўз ҳолига келган қўшма сўзларни бош сўз қилиб олиш;
- қўшма сўзларни уя тартибида луғатда акс эттириш;
- сўзларни қўшиб ёки ажратиб ёзиш назариясига асосланган ҳолда луғатга киритиш¹⁰⁴.

А.Ҳожиёв ўз мақоласида изоҳли луғатларда қўшма аффиксли ясама феълларнинг берилишини таҳлил қилади ва ўзлашган бундай аффиксли феълларда *-моқ* ва *-и* аффиксли вариантларни бериш шартлигини хулоса қилади¹⁰⁵.

Р.Жомонов изоҳли луғатларда диалектал сўзларнинг берилишини таҳлил қилади. У 1981 йилда нашр қилинган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (Москва, 1981) 715та диалектал сўзга изоҳ берилганини кўрсатади ва уларнинг, асосан, тўғри изоҳланганини таъкидлагани ҳолда, “баъзи ноаниқликлар”га ҳам йўл қўйилганлигини айтади. Унингча, адабий нормадаги сўз билан шевага хос сўз ўртасида қатъий чегара мавжуд эмас, ҳозиргача бунинг принциплари ишлаб чиқилмаган. Бу танқидий мулоҳазага қўшилиш қийин, чунки бундай принципларга ҳолат йўқ. Изоҳли луғат номидан айтиб турибдики, у ўзбек адабий тилининггина сўзларини қамраб олмайди, балки норма бўлмаган, лекин бадиий асарларда маҳаллий колоритни бериш учун қўлланган диалектал сўзларни ҳам эътиборга олади. Унинг таҳлилларида ўринли ва ўринсиз мулоҳазалар мавжуд, жумладан, *антамоқ*, *бувак* ва бошқа сўзлар тўғри кетирилганлиги айтилади, лекин муаллиф диалектизмни диалектал сўз сифатида тушунмайди. Тўғри, диалектизмлар фонетик, морфологик ва синтактик вариантларда бўлиши мумкин. Бу ўринда мақола муаллифи диалектал сўз ва лексик диалектизмлар бир ҳодиса бўлса ҳам, унга ёндашиш турлича эканлигини назардан қочиради,

¹⁰⁴ Акобиров С. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965. – № 6. – Б. 36-40.

¹⁰⁵ Ҳожиёв А. Қўшма аффикслар ёрдамида ясалган феълларнинг изоҳли луғатда ишланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984. – № 5. – Б. 24.

яъни *диалектизм* термини бадий адабиёт билан боғланган ҳолда ишлатилади, диалектологияда эса шева лексикаси, диалектал лексика терминлари қўлланади. Р.Жомоновнинг бу янглиш қараши унинг Т.Алиқулов билан ёзган мақоласида ҳам давом этган¹⁰⁶. Шунингдек, Р.Жомонов луғат муаллифларини ҳақли танқид қилган ўринлар ҳам бор¹⁰⁷.

Ўзбек шевалари луғатини тузиш тажрибаси А.Ишаев, Ш.Носиров, Д.Абдурахмоновлар томонидан таҳлил қилинган ва унда:

– адабий тилда учрамайдиган, фақат шевага хос сўзлар (*чавра* – *қўра*, *чамалай* – *ғарам*);

– адабий тилда шаклан мавжуд бўлса ҳам, шеваларда бошқа маънода қўлланадиган сўзлар (*калтак* – *қаламча*, *чибин* – *пашиша*);

– ҳали адабий тилда нормалашмаган, яъни доминанти белгиланмаган, бадий адабиётларда параллел равишда қўлланадиган дублет сўзлар (*танча* – *сандал*, *нарвон* – *шоти*);

– фонетик жиҳатдан кучли ўзгаришга учраб, асл шаклини ўзгартирган сўзлар луғатга киритилганлиги айtilган (*шаппат* – *шаполоқ*, *избир* – *зовур*)¹⁰⁸.

Маълумки, бу мақола билан бизнинг давримизни 50 йил ажратиб турибди. Бу даврда адабий тилга шевалардан стихияли равишда олинган сўзлар миқдори ортган ва бугун муаллифлар танқид қилган *пашиша*, *чивин*, *нарвон*, *бахмал* сўзларига нисбатан диалектал сўз деб қараш ўзини оқламайди. Демак, бу принциплар илмийлигини сақлаб қолиши мумкин, лекин диалектал сўзларни танлашда янгича ёндашув лозим.

Луғатларда омонимларнинг берилишини таҳлил қилган Т.Алиқулов ва М.Равшановлар бу масалада бирор илмий фикр билдира олган эмас¹⁰⁹. Мақолани лексикографик эмас, лексикологик тадқиқот деб баҳолаш мумкин.

¹⁰⁶ Алиқулов Т. Жомонов Р. Изоҳли луғатга сўз танлашнинг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – № 4. – Б. 50.

¹⁰⁷ Жомонов Р. Ўзбек тили изоҳли луғатида диалектал сўзларнинг берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – № 3. – Б. 30.

¹⁰⁸ Ишаев А., Носиров Ш., Абдурахмонов Д. Ўзбек шевалари луғатини тузиш тажрибасидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – № 5. – Б. 51.

¹⁰⁹ Алиқулов Т., Равшанов М. Луғатларда омонимларнинг берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – № 2. – Б. 51-54.

А.Мадвалиевнинг бир қатор мақолаларида кимё терминлари, халқаро термин элементли сўзлар, изоҳли луғатларда этимологик изоҳ бериш масалалари таҳлил қилинган¹¹⁰. Уларда терминларнинг изоҳли луғатда берилиши билан боғлиқ муаммоли масала тўғрисида фикр ўртага ташланмаган. Шунингдек, А.Мадвалиев этимологик маълумот деганда ўзлашган сўзларнинг қайси тилга мансублигини кўрсатишни тушунади.

Таржима, шу жумладан, тарихий луғатларда қўлланган тамойиллар ҳақида гап кетганда Н.Хусановнинг “Луғати чигатойи ва турки усмоний” бўйича таҳлиллари эътиборга молик. У луғатдаги қуйидаги ёндашувларни таъкидлайди:

- тушунтириш. Бу усул *бурундук*, *туюқ* каби сўзлар таржимасида кузатилади;
- синонимлар билан изоҳлаш. Бу усул *тун*, *кўп*, *қилтиқ* сўзларини изоҳлашда қўлланганлиги қайд қилинади;
- антонимлар билан изоҳлаш. Бу *тўқ*, *бузуг* сўзлари изоҳида кўринади;
- этимологик маълумот. *Ўт огоси*, *юрук*, *Самарқанд*, *қорлиғ* сўзлари шу усулда изоҳланган, лекин Н.Хусанов унга танқидий муносабат билдирмаган, фақат *Самарқанд* ва *қорлиғ* сўзларига доир талқинлар халқ этимологиясига хослигини таъкидлаган, холос¹¹¹.

Юқоридаги лексикографик таҳлиллار асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Луғатлар таҳлили учун муайян тамойиллар (принциплар) ишлаб чиқилмаган.
2. Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча таржима луғатларини таҳлил қилишда қисман бўлса-да, 20-йиллардаги тажрибалар ўз аксини топган.
3. Аксарият мақолаларда луғатлар лексикографик нуқтаи назардан эмас, балки лексикологик жиҳатдан таҳлил қилинган.

¹¹⁰ Мадвалиев А. Ўзбек тилида кимё терминлари ва уларнинг изоҳли луғатда берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – № 5. – Б. 53-62; 2009. – № 2. – Б. 38-43; – № 3. – Б. 35-43.

¹¹¹ Хусанов Н. “Луғати чигатойи ва турки усмоний”да изоҳлаш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – № 1. – Б. 63-65.

4. Энг муҳими, ўзбек тилшунослигида лексикографик тадқиқотлар юзага келган ва бу соҳа шаклланган, бироқ 20-йиллардаги луғатлар бўйича тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилган эмас.

Умуман олганда, ўзбек лексикографиясининг шаклланиши, тараққиёти ҳамда унинг ҳозирги замон муаммолари ҳам махсус тадқиқотларни кутмоқда.

2.2-§. Давр луғатчилиги шаклланиш жараёни ва ўзбек тили ҳолати

Давр тили ҳолати жаҳид луғатчилиги шаклланишига катта ижтимоий эҳтиёжни ҳозирлаган эди. Хусусан, шаклланаётган адабий тилда пуристик ҳаракатлар таъсири натижасида тилда сунъийлик вужудга келаётган эди. Бу даврда юзага келган “пуризм ҳодисаси” ҳақида М.Қурбонова қуйидаги фикрларни билдиради: “... Пуризм муайян тарихий шароитда ҳар бир тилда вужудга келиши мумкин. Аниқроқ қилиб айтсак, бирор тилнинг товушлар тизимида, лексик таркибида, синтактик қурилишида бегона тилларнинг унсурлари кўпайиб кетиши, яъни бошқа тилларнинг тазйиқи пайдо бўлиши мумкин. Ана шундай вазиятда тил тозалигини, миллийлигини сақлаш учун ҳаракат, яъни пуризм вужудга келади. XX аср бошларида ўзбек тилида ана шундай ҳодиса – ҳолат юз берди. Бу даврдаги ўзбек тилида арабча, форсча сўзлар билан бирга, усмонли турк ва татар тилларининг унсурлари катта фоизни ташкил қилар эди”¹¹².

Бу даврда ижтимоий ҳаётда рўй бераётган янгича ҳаракат ва қарашлар, фикрлар хилма-хиллиги адабий тилни ҳам адиблар нутқига турли миқдор ва сифат ўзгаришлари ҳолатида олиб кирганди. Тадқиқотчи Д.Неъматова Чўлпон публицистик асарлари тили ва услубини ўрганар экан, 20-йилларда ўзбек адабий тилида юз берган ўзгаришлар дастлаб вақтли матбуот тилида ўзифодасини топганини таъкидлайди¹¹³. Диссертацияда айтилишича, Чўлпон

¹¹² Қурбонова М. Фитрат тилшунос. – Тошкент: Университет, 1996. – Б. 26.

¹¹³ Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 4.

публицистик асарлари тили “содда ва оммага тушунарли услуб”да ёзилганлиги билан аҳамият касб этади. Унинг мақолалари тилининг генетик таркиби ўрганилганда, у қўллаган лексемаларнинг 69-70 фоизини соф туркийча сўзлар ишғол қилади.

Муаллиф Чўлпоннинг 20-йилларгача бўлган асарларида татарча, ғарбий турк тили унсурлари кўп учрашини, бунинг бош сабаби Чўлпон бу даврда пантуркизм таъсирида бўлганлигини қайд этади. Маълумки, “XX аср бошларида нашр қилинган бир қанча ўзбекча газеталар тилида татар ва усмонли турк тили унсурлари кўплаб қўлланган”¹¹⁴.

Бунинг асосий омиллари сифатида муаллиф: а) “... адабий тилимизда анъанавий равишда араб-форс тиллари таъсири кучли бўлганлиги, аксарият зиёлиларнинг “эскича” таҳсил кўрганлиги; б) Туркистон ҳудудида турк-татар нашрларининг кенг тарқалганлиги; в) мустамлака Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётида Чор Россияси, кейинроқ шўро таъсирида янги ўзгаришлар пайдо бўлганлиги; г) адабий тилнинг ҳали чинакамига меъёрлаштириб улгурилмаганлиги”¹¹⁵ ни эътироф этади.

Бу муаммо таҳлилида Ё.Сайидовнинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга молик: “XIX аср охири – XX аср бошларида Чор Россияси ҳукуматининг умумруслаштириш маданий тадбирлари Туркистондаги мавжуд ижтимоий-эстетик ва бадий тафаккурни тубдан ўзгартириб юборди... Назарда тутилган даврда ўзбек адабий тилининг луғат таркиби рус тили ва у орқали Европа тилларидан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобига анча бойиди. Русча-европача ўзлашма сўзлар, асосан, бармоқ вазнида ёзилган шеърларда мавжуд бўлиб, аруз вазнидаги ижод намуналарида бундай сўзлар деярли учрамайди”¹¹⁶.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романинг лингвистик тадқиқи бўйича изланишлар олиб борган Л.Жалоловнинг қайд этишича, XX асрнинг 20–30 йиллари ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва такомили учун учта манба мавжуд эди: 1) арабий ва форсий сўзлар, изофалар кенг

¹¹⁴ Нёматова Д. Келтирилган автореферат. – Б. 8.

¹¹⁵ Нёматова Д. Келтирилган автореферат. – Б. 8.

¹¹⁶ Сайидов Ё. Сайидов Ё. Жадид бадий асарлари лексикаси: Филол. фан. д-ри (DSc). диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б. 274.

қўлланилган ҳолда ривожланиб келаётган классик ўзбек тили; 2) усмонли турк, татар тиллари таъсирида шаклланаётган ўша замоннинг расмий, бадий-публицистик тили; 3) асрлар давомида шаклланиб, ўз тақомилини топган, содда ва тушунарли бўлган халқ жонли тили¹¹⁷.

Бу ҳолат ҳам замонавий луғатлар яратилишига катта замин ҳозирлаётган эди. Бу даврда ўзбек адабий тили ва унинг таянч диалектини белгилаш борасидаги қарашлар Н.Янгибоева¹¹⁸ тадқиқотида келтирилган. Муаллиф мазкур даврда адабий тилнинг таянч диалектини белгилашда икки хил қараш мавжуд бўлганлигини, адабий тилни сингармонизмли шевалар ёки сингармонизмни йўқотган шевалар асосида яратиш таклифи матбуотда илгари сурилганлигини, шу билан бирга, ҳар икки ҳолатни ҳам ҳисобга олган ҳолда адабий тилни яратиш ғояси ҳам таклиф қилинганлигини таъкидлайди.

Н.Янгибоева “Маориф ва ўқитғувчи” журнали нашрларидаги мақолалар орқали давр тили ва тилшунослигини ўрганар экан, жаҳид адибларининг лотин алифбосига ўтишнинг илмий ва амалий асосларини ҳал этишдаги, ўзбек тилининг фонологик тизимини яратишдаги, ўзбек орфографиясининг тамойиллари ва қоидаларини ишлаб чиқишдаги фаолияти ва ташаббусларини юксак баҳолайди. Чунончи, Ўзбек диалектологиясида ўзбек тилининг уч лаҳжа асосида ташкил топганлиги ғояси рус турколог олими Е.Д.Поливанов томонидан эмас, балки маърифатпарвар жаҳид адиби Ғози Олимга тегишли эканлигини журнал мақолаларидаги далиллар орқали аниқ исботлайди.

Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланишидаги драматик асарлар тилининг ўрни Бехбудий ва Авлоний асарлари лексикаси мисолида Ф.Бобожонов томонидан ўрганилган¹¹⁹.

Муаллиф драмалар тилида учрайдиган усмонли турк, татар тили элементларини, рус ва европа тилларига мансуб унсурларни жаҳид адиблари қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштиришда, давр руҳини тасвирлашда

¹¹⁷ Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 3.

¹¹⁸ Янгибоева Н. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилшунослиги жараёни (“Маориф ва ўқитғучи” журнали материаллари асосида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2019.

¹¹⁹ Бобожонов Ф. Ўзбек жаҳид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Бехбудий ва Авлоний драмалари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – Б. 5.

фойдаланган, деб эътироф этади. Тадқиқотчининг мазкур ҳодисага берган умумий баҳосига ўз қарашларимизни билдирар эканмиз, унинг драмалар тилида қўлланган ғарбий турк тили унсурларини “окказионал бирликлар” деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки, окказионал бирликлар сўзловчи томонидан фавқулодда яратиладиган янги лисоний ҳодиса ҳисобланади, драмалар тилидаги бу лексемалар эса усмонли турк, татар, озарбайжон тилларида аввалдан мавжуд элементлардир. Шунинг учун бу бирликларни кўпроқ экзотик лексика деб билиш, баъзиларини эса, варваризмлар деб баҳолаш ўринли ҳисобланади.

Тадқиқотчининг окказионализмнинг моҳиятини нотўғри тушуниши унинг қуйидаги фикри ва келтирган мисолларида янада ёрқин кўринади: “Окказионал олинма бирликлар. Бундай бирликлар ҳам ўша даврда драматик нутқ талабларидан келиб чиқиб ишлатилади. Жадид драматурглари персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, унинг характери ва рухий ҳолатини очиб бериш мақсадида баъзи ўринларда бошқа тилларга (рус, тожик, усмонли турк ва б.) оид бирликлардан фойдаланишган. Булар ишда уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилинган:

а) рус ва бошқа европа тиллари олинмалари: *интересный, извиний, испасибо* ва бошқалар;

б) усмонли турк тили олинмалари: *вергин (бергин), ўлмаса (бўлмаса), чолишгон (ишлаган), бақолим (кўрайлик)* каби;

в) форс-тожик тили олинмалари: *бале, акунки, чаҳор, тарафаи, шуд, дармурғ, бамулки, нест, кажбаҳс* ва бошқалар”¹²⁰.

Изоҳда “олинма” термини нотўғри қўлланган. Одатда, лексикологияга оид ишларда олинма сўзи “ўзлашма”, “ўзлашма сўз” маъносида ишлатилади. Бироқ келтирилган сўзлар ўзбек тилига ўзлашган лексемалар эмас. Муаллиф бу каби қўлланишларни “типик ҳодиса эмас” деб баҳолаган. Бу тўғри. Аммо унинг бу элементларнинг драмалар тилида қўлланишини “давр талаби” деб баҳолашига қўшилиб бўлмайди, чунки ҳодисалар нафақат драмалар жанрида,

¹²⁰ Шу манба. – Б. 11.

балки назмий ва насрий асарлар тилида ҳозир ҳам учрайди. Мана шу маънода диссертантнинг ўз фикрини Ғ.Абдурахмоновнинг “бундай бирликлар давр талабига кўра қўлланган” деган фикри¹²¹ билан мустаҳкамлашга интилиши ҳам ишонарли эмас. Бизнинг назаримизда, бундай қўлланишлар конкрет нутқий талаб, нутқ эгасининг қандай миллат вакили эканлигига асосланади, яъни ёзувчи қаҳрамонни табиий ҳолатга яқин тилда сўзлатади ва бу бадиий асар тилига лисоний реаллик, услубий индивидуаллик бағишлайди.

Муаллиф кузатишлари асосида ўрганилган драмалар тилини қуйидагича тавсифлайди: “Умуман олганда, жаид драмалари луғавий таркибига кўра ҳозирги адабий тилдан биров фарқланса-да, бугунги китобхонлар учун деярли тушунарлидир. Чунки драмалар матнида қўлланган лексик бирликларнинг 90-95 фоизини анъанавий қатламга мансуб ва сўзлашув нутқига хос бирликлар ташкил қилади”¹²². Шунингдек, тадқиқотчининг юқоридаги фикрига мантиқан зид хулосалари ҳам кўзга ташланади: “Давр тилининг мураккаблиги эски ўзбек адабий тили, умумтуркий тил ва ҳозирги ўзбек адабий тилига хос бирликларнинг аралаш ҳолда қўлланиши натижасида содир бўлган ҳолатдир”¹²³.

Бу хулосадан шуни тушуниш мумкинки, драмалар тили ҳозирги китобхонга, деярли, тушунарли, шу билан бирга, мураккаб тил. Барча учун тушунарли бўлган тилнинг мураккаб бўлиши мантиқан нотўғридир. Шунингдек, “умумтуркий тил” деганда қандай тил кўзда тутилади. Бундай тил яратишга ҳаракат қилингани, аммо уддасидан чиқиш мумкин бўлмагани маълум. Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек адабий тилига хос бирликларнинг XX аср бошидаги тилда қўлланиши ҳам асоссиз фикрдир. Сабаби ҳозирги тил ҳодисаси ўтмиш тилида қўлланмайди, аксинча бўлиши мумкин.

Бу даврда миллий тилнинг мавқеи учун кураш она тилининг меъёрларини такомиллаштириш ҳаракати билан бирга олиб борилганини кўрамиз. Бу ҳаракат, асосан, она тилидан “арабча-форсча сўзларни чиқариш”,

¹²¹ Абдурахмонов Ғ. Бехбудий ва унинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги хизматлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. – № 3. – Б. 8.

¹²² Бобожонов Ф. Ўша автореферат. – Б. 12.

¹²³ Бобожонов Ф. Ўша автореферат. – Б. 21.

Ўзбек тилига киритилган русча ва европача сўз ва терминларни ўзбек тилининг ўз сўзлари билан алмаштириш шиори остида олиб борилди¹²⁴.

А.К.Боровков “Ойна” журналида ёзилган қуйидаги фикрларни келтиради: “Агар биз адабиётимиз ва тилимизни чет эл сўзларининг кириб келишидан ҳимоя қилмасак, қисқа вақт ичида миллийлигимиз ва тилимизни йўқотамиз. Бу ҳолда халқчиллигимизни йўқотамиз, динийлигимиз ҳам барҳам топади. Демак, тилимизни чет эл сўзларидан ҳимоя қилиш энг муҳим вазифамиздир”¹²⁵.

Ўзбек тилида янгидан юзага келган матбуот услуби тили қоришиқ услуб ва унсурлар билан кўзга ташланади. Матбуот тилида анъанавий тил, тилдаги ўзгаришга учраётган янги кўринишлар, қардош тиллар ва рус тилининг илк таъсири, баъзи ҳолларда эса содда халқ тилида ёзишга интилиш каби ҳолатлар кузатилганлигини айтиб ўтдик. Бу ҳолат миллий адабий тилни муайян ягона меъёрга келтиришга имкон бермас эди. Шунингдек, бу даврда умумтуркий тил яратиш ғояси натижасида қардош туркий тиллар, хусусан, усмонли турк, татар, озарбайжон тилларининг ўзаро таъсири жонланган, бир тилдан иккинчи тилга тақлид қилиш ҳолатлари кузатилади эди.

Ана шундай таъсирлар натижаси ўлароқ ўша давр матбуоти ва бадиий адабиёти тилига усмонли турк, озарбайжон ва татар тилларидан бир қатор сўзлар, сўз формалари кириб келди. Бунга сабаб умумтуркий тил учун асос, намуна бўла олувчи тиллар сифатида усмонли турк тили, озарбайжон тили, татар тили ҳамда “чиғатой тили” (эски ўзбек тили) олдинга сурилган эди¹²⁶.

Маълумки, А.К.Боровков 1905–1917 йиллардаги ўзбек адабий тилининг ҳолатини ўша давр матбуоти тили мисолида кенг таҳлил қилган. У матбуот тилидаги турли хусусиятларни, газеталар тилида ғарбий турк (озарбайжон), усмонли турк, татар элементлари (сўз ва грамматик шакллар, баъзи синтактик бирликлар), шунингдек, араб ва форс тилига оид сўзларни

¹²⁴ Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905–1917 гг. – Ташкент: Учпедгиздат УзССР, 1940. – С. 14-16.

¹²⁵ Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905–1917 гг. – Ташкент: Учпедгиздат УзССР, 1940. – С. 17.

¹²⁶ Боровков А.К. Шу манба. – Б. 252.

қўллаш кучли бўлганлигини аниқлаган ва уларни таҳлил қилган ҳолда, куйидаги хулосага келган: “Бу даврдаги матбуот тили февраль революциясигача бўлган даврдаги каби ўзбек халқ тили эмас эди”¹²⁷. Бундан ташқари, “Бу даврдаги бирорта газета тили ўзбек халқи тилига ўхшамасди”,¹²⁸ деган фикрни ҳам айтади.

А.К.Боровков фикр юритилаётган даврдаги ўзбек матбуоти тилини чуқур таҳлил қилар экан, бу тилни “жаргон” деб атайди. Ўрганилаётган газеталар тилида жаргон характеридаги баъзи мақолалар мавжуд бўлганлигини инкор қилмаган ҳолда, унинг фикрида мунозарали ўринлар мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади. Биринчидан, фикр юритилаётган давр адабий тил ҳолатига биргина газета тили (илмий-публицистик услуб) материали асосида баҳо бериш ўринли эмас. Чунки бу даврда нашр қилинган кўпгина газеталар тили изланиш, шаклланиш босқичида эди. Адабий тилда публицистик услуб ҳали шаклланиб улгурмаган эди.

Иккинчидан, А.К.Боровков асарининг сарлавҳасига қараганда, у 1905 – 1917 йиллардаги ўзбек адабий тилининг ҳолатини ўрганмоқда. Адабий тил эса кўп қиррали, кўп услубли. Унда публицистик услубдан ташқари, бадиий адабиёт тили, илмий асарлар тили, қисман сўзлашув услуби тили, расмий услуб тили ва бошқа ёрдамчи услублар тили ўз ифодасини топган эди. Бинобарин, адабий тилнинг ҳолатига унинг барча услубларидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериш керак.

Учинчидан, ўша даврдаги ўзбек адабий тилининг таркибий қисмини мумтоз ўзбек адабиёти тили ва юзага келаётган янги бадиий адабиёт тили (масалан, жадиidlар яратаётган асарлар) ташкил этар эди. Бу адабиёт Абдулла Авлоний, Сўфизода, Тавалло, Фитрат, қолаверса, Фурқат, Муқимий, Ҳамза каби демократик ёзувчилар қаламига мансуб эди. Давр адабий тилининг ривожига ҳақида гап борганда, улар яратган асарлар тилини четлаб ўтиш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан фикр юритилса, бизнингча, проф.

¹²⁷ Шу манба. – Б. 48.

¹²⁸ Шу манба. – Б. 51.

В.В.Решетовнинг мулоҳазалари тўғри. У ҳам А.К.Боровковнинг фикр юритилаётган даврдаги матбуот тили “жаргон” эди, деган фикрига қўшилади. Чунки унинг ёзишича, “Самарқанд, Фарғона, Тошкентда чиқарилган газеталарда диалектизм ва туркий сўзлар ҳаддан ортиқ”¹²⁹. Бироқ “Ўзбек адабий тили” деган тушунчани талқин қилишда В.В.Решетов А.К.Боровковдан фарқ қилади. У бу термин остида XX аср бошларида ижод қилган Фурқат, Муқимий, Ҳамза, Завқий асарларини ҳам ҳисобга олади.

Тўртинчидан, бутун бир матбуот тилини “жаргон” деб юритишни ҳам ўйлаб қўриш лозим бўлади. Маълумки, миллий тилнинг ижтимоий тармоқланишида “жаргон” тор доирадаги маълум ижтимоий гуруҳнинг тили ҳисобланиб, кўп ҳолда “яширин”, ўша гуруҳ аъзоларигагина тушунарли, унинг сўзлари, сўз маъноларида, фонетик-грамматик тузилишида сунъий ижод қилинган воситалар мавжуд бўлган тор доира тили тушунилади. Шундай экан, бутун бир миллат, халқ ўқиши учун мўлжалланган газета тили ва услубини “жаргон” деб баҳолаш ўринсиз. Бизнингча, Боровков жаргон сўзини такомиллаштишга юз тутган бир тил ҳолатига нисбатан қўллаган.

XX аср бошларидаги ўзбек матбуоти ва бадиий адабиёти тилида умумлаштирилган ҳолда “ғарбий турк тили унсурлари” деб номланган бу лисоний ҳодисаларнинг моҳияти, уни талқин қилиш, баҳолаш бўйича турли фикрлар олдинга сурилган бўлса-да, бу масала тилшуносликда ҳали ўз ечимини топгани йўқ. Жумладан, бу элементларнинг ўзбек тилига кириб келишининг ижтимоий-лисоний асослари, ўша даврда ўзбек тилининг қайси услуби ва жанрида кўпроқ учраши, бу ҳодисаларни қандай баҳолаш масалалари, бу унсурларнинг ўзбек мумтоз адабиёти тилида учрайдиган “ўғуз элементлари” деб юритилувчи ҳодисага муносабати ва уларнинг кейинчалик ўзбек тилидан чиқиб кетишининг сабаблари каби муаммолар ўзбек тилшунослигида ҳали тўлалигича тадқиқ этилмаган.

Юқорида қайд этилган саволларга жавоб топиш учун ўзбек тилшунослигида ушбу муаммо бўйича билдирилган фикрларга қисқача

¹²⁹ Решетов В.В. Узбекский литературные язык. История Узбекской ССР. Том II. – Ташкент: Учпедиздат УзССР, 1940. – С. 434.

тўхталмоқчимиз. XX аср бошларидаги ўзбек тилида учрайдиган “ғарбий турк”, татар тили унсурларини биринчи бўлиб таҳлил қилган тилшунос А.К.Боровковдир. Унинг ёзишича, 1905–1917 йиллардаги ўзбек адабий тили халқчил эмас, балки қандайдир “аралаш” (смешанный) тил тасаввурини туғдиради. Бу маънода у “ўтиш даври адабий тилидир”. Унда татаризмлар, “ғарбий турк” тили элементлари кўплаб учрайди. Татаризмларнинг кириб келиш сабабини А.К.Боровков шундай талқин қилган: “Татаризм ва ғарбий турк тили унсурлари ўзбек адабий тили, айниқса, даврий матбуот тилида муҳим ўрин эгаллаган. Бунга асосий сабаб, биринчи навбатда, Россия, Қрим, Озарбайжон ва қисман Туркиянинг ғоявий таъсиридир”¹³⁰.

Муаллиф бу унсурларни усмонли турк ва татар матбуоти таъсирида, шунингдек, ўзбек зиёлиларининг савдо ва бошқа йўллар билан Россия, Туркия, Эрон мамлакатларига саёҳат қилишлари натижасида кириб келган деб ҳисоблайди. А.К.Боровков фикр юритилаётган унсурларнинг ўша давр ўзбек тилидаги мавқеини “ғарбий турк тили унсурлари ўзбек адабий тилида жуда мустаҳкам ўрин эгаллаган, ўша давр мобайнида бу унсурлар ўзбек адабий тили, айниқса, даврий матбуот тилида кўпроқ сақланиб қолган”, – деб баҳолайди¹³¹.

Давр тилидаги татар, усмонли турк, озарбайжон тилига оид лисоний унсурларнинг ўзбек тилига таъсирини қандай баҳолаш лозим, улар ўзлашмаларми? Бу унсурларни усмонли турк, татар, озарбайжон тилларининг ўзбек тилига таъсири деб тушуниш керакми? Ушбу унсурлар эски ўзбек тилида ҳам учраб турадиган ўғуз компонентида алоқадорми? – дейилган саволларга аниқ жавоб йўқ. Бу масалаларга аниқлик киритишда ўзбек тилшуноси А.Ҳожиёвнинг мулоҳазалари алоҳида илмий қимматга эга. А.Ҳожиёв XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек тилида учрайдиган озарбайжонча ва татарча лисоний элементларни ўша давр тилига усмонли турк, озарбайжон тилларининг таъсири дейилган фикрга қўшилмайди ва озарбайжонча элементларни аввалдан ўзбек тили тарихида мавжуд бўлган

¹³⁰ Боровков А. К. Шу манба. – Б. 20.

¹³¹ Боровков А. К. Шу манба. – Б. 21.

ходиса деб билади. У ёзади: “Ҳозирги ўзбек тилининг шаклланиш жараёнида (яъни шу давр ёзма манбаларида) уч тил – озарбайжон, татар ва рус тили элементлари қўлланиши кузатилади. Озарбайжон тили элементларининг қўлланиши жуда санокли, улар айрим лексема ва морфологик бирликлардан иборатдир. Лекин бу фактни ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиётида озарбайжон тилининг бевосита таъсири эмас, балки ёзувда эски ўзбек ёзма нутқига хос элементларнинг қўлланиши деб изоҳлаш тўғри бўлади. Масалан, ўзбек тилида *-ган* аффикси билан ясалувчи *айтган, севган* формаси ўрнида *айтмиш, севдиги* формаларининг қўлланиши каби ҳолатлар XX асргача бўлган ўзбек тилига оид манбаларда ҳам қўлланган. Бу қўлланиш инқилобдан сўнг ҳам давом этиб, улардан айримлари, жумладан *-миш, -диги* аффикси билан ясалувчи форма қонуний равишда кўп ўтмай истеъмолдан чиқиб кетди, баъзилари эса ўзбек адабий тилидан ўрин олди. Масалан, асли озарбайжон тилидан ўзлашган *-моқда* аффикси билан ясалувчи феъл формаси ҳозирги ўзбек адабий тилида жуда кенг қўлланади. Демак, инқилобдан сўнг ёзма манбаларда озарбайжон тили элементларининг қўлланилишини ўзбек тилининг тараққиётига озарбайжон тилининг бевосита таъсири деб эмас, балки эски ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган озарбайжон тили элементларининг инқилобдан кейин ҳам қўлланишда давом этиши деб қараш керак”¹³².

А.Ҳожиёв ўша давр тилида учрайдиган татар тилига хос айрим луғавий ва морфологик элементларни ҳам ўзбек тилига татар тилининг таъсири деб изоҳлашга қўшилмайди: “Ўзбек адабий тили тараққиётининг дастлабки этапларида, айниқса, йигирманчи йилларга оид ёзма манбаларда, татар тилига хос айрим лексик ва морфологик элементларнинг кўп қўллангани кузатилади. “*Айталар*”, “*ёзарга тегиш*”, “*айтарга мумкин*” каби жуда кўп қўлланган формалар шулар жумласидандир. Бу ҳодисани ўзбек адабий тилининг тараққиётига татар тилининг таъсири деб изоҳлаш мумкин эмас. Бу ҳодиса бир неча сабаблар билан изоҳланади. Масалан, матбуот ишларида

¹³² Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти - I. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 24.

татар зиёлиларининг фаол иштироки асосий сабаб ҳисобланади. Шунингдек, ўзбек адабий тилининг барча соҳалари бўйича нормаларнинг аниқ белгиланмаганлиги, адабий тил учун қайси шевага хос бирлик норма сифатида тайин этилмаганлиги ҳам татар тилига хос элементларнинг қўлланишига йўл очган. Кейинчалик ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма деб қаралувчи бирликлар ўзбек шеваларининг ўзидан белгиланиши натижасида татар тилига хос элементларнинг барчаси қонуний равишда ёзувда ҳам истеъмолдан чиқиб кетди. Демак, ўша давр ёзма манбаларида озарбайжон ва татар тили элементларининг қўлланиши ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиётига бу тилларнинг таъсирини кўрсатувчи факт бўла олмайди”¹³³.

А.Ҳожиёвнинг қайд қилинган қарашларини фикр юритилаётган ҳодисаларга янгича ёндашишнинг бир кўриниши деб баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, озарбайжон тили элементларининг ўзбек тили тарихида қўллангани ўша даврда ҳам тиллараро таъсир муҳим бўлганиданми ёки бу тилларнинг генетик манбаи бир бўлганлигидан юзага келган лисоний паралеллар бўлиши мумкинлиги каби масалалар алоҳида кузатишларни талаб этади.

Маълумки, тилга олинган даврда ўзбек матбуотида татар мутахассислар ишлагани, баъзи мақолаларни улар ёзгани ёки таҳрир қилгани ҳам аниқ. Бундай ҳолда материал муаллифи ўзбекча матнга татарча сўз ва ибораларни аралаштириб юборган. Бу ҳолда матнда учрайдиган татарча элементларни ўзлашма эмас, вульгаризм деб баҳолашга тўғри келади. Чунки, тилга таъсир ҳақида гап борганда, бир тилдан иккинчи тилга ўзлашган, сингиган ҳодисалар кўзда тутилиши лозим. Борди-ю, бу элементлар ўзлашган, ўзбек тилига сингиган ҳодисалар бўлганида ўзбек тилидан осонликча чиқиб кетмас эди.

Жадид даври адабий тилида учрайдиган “ғарбий турк тили” унсурларининг қўлланиши масалалари кенгроқ материал асосида махсус

¹³³ Юқоридаги манба. – Б. 25.

текшириш ишларини талаб қилади. Шунга қарамай, айтиш керакки, XX асрнинг 30-йилларигача бўлган даврда матбуот муассасаларида, шунингдек, таълим тизимининг баъзи жабҳаларида татар зиёлиларининг ҳам фаолият кўрсатганлиги давр тараққиётининг мураккаблиги, усмонли турк, озарбайжон тилига эътиборнинг мавжудлиги, яъни умумтуркий тил, бошқача айтганда, “ўрта турк тили”ни яратиш ҳаракати ҳам бўлганлиги туфайли қоришиқликнинг вужудга келганлиги шаклланаётган янги ўзбек адабий тилига маълум даражада, қисқа муддатда бўлса ҳам, татар, озарбайжон, айниқса, усмонли турк тилларининг таъсири бўлганлигини кўрсатади. Лекин бу таъсир, албатта, сезиларли бўлмади, ўткинчи характерда бўлди, барқарорлашмади. Ўғуз лаҳжасининг етакчилик ҳолати юз бермади. Буни XIX асрнинг иккинчи ярми ва, айниқса, XX асрнинг 30-йилларигача бўлган давр ўзбек адабий тилининг алоҳида шаклланганлик ҳолати, меъёрларининг такомиллашуви, матбуот, бадиий ижод намуналари тилининг барқарорлашуви аниқ кўрсатади. Демак, тахминан, 50 йил (ярим аср) атрофидаги давр Ўзбекистон ҳудудидаги тил (сарт тили – чигатой тили – ўзбек тили) ғарбий туркий тил таъсирида, қоришиқ бўлганлигини, бу матбуотда, бадиий, илмий тилда ҳам бу ҳол ўз аксини топганлигини инкор этиб бўлмайди (шаклланиш даври учун бу табиий ҳол).

А.К.Боровков давр ўзбек тилидаги татар тилига оид элементларнинг сабабини қуйидагича изоҳлайди: “Ўша давр тилида татар тилидан ўзлашган унсурлар ҳам сезиларли аҳамият касб этган. Бу ҳолатни, ўз навбатида, жадид матбуотида асосан татар зиёлиларининг бевосита иштироки натижаси деб баҳолаш мумкин. Татаризмлар фонетик унсурларда, унлиларнинг ўзига хос қисқартириб талаффуз қилинишида ўз аксини топган”¹³⁴.

Келтирилган фикрлардан кўринадики, А.К.Боровков “ғарбий турк” ва татар тили элементларининг таҳлил қилинаётган давр тилидаги мавқеи ва ролини сал ошириброқ таърифлайди. Борди-ю, шундай бўлса, улар

¹³⁴ Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905–1917 гг. – Ташкент: Учпедгиздат УзССР, 1940. – Б. 22.

кейинчалик ўзбек адабий тили меъёрларида сақланмасдан нега чиқиб кетди, дейилган саволларнинг туғилиши табиий.

А.К.Боровков таҳлилларида келиб чиққан ҳолда 1905–1917 йиллар ўзбек адабий тилининг ҳолатини қуйидагича баҳолайди: “1905–1907 йиллар оралиғидаги ўзбек адабий тилининг жонли халқ тилига муносабати қандай бўлган? Бу саволга жавоб бериш учун махсус тадқиқотлар ўтказишимиз зарур. Умумий маънода бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: 1905 – 1917 йиллар даври ўзбек адабий тили аслида феодализм даври эски ўзбек адабий тилининг давоми ва халқ жонли сўзлашув тилидан йироқ бўлган. Бу даврдаги адабий тилнинг асоси жонли халқ тили бўлмаган, шу сабабдан ҳам ўша пайтда адабий тил ҳақидаги баҳсларда шева муаммолари кўтарилмаган”¹³⁵.

Жадид даври адабий тилидаги “ғарбий турк тили” унсурлари ҳақида фикр юритган муаллифлардан яна бири атоқли ўзбек адиби Пиримкул Қодировдир. У жадид маърифатпарвари Абдулла Авлонийнинг она тили ҳақидаги шеърида учрайдиган “*туғдигим*” сўзи ҳақида фикр билдириб ёзади: “Туркча ёки озарбайжонча “*туғдигим*” сўзининг учраши Авлоний ижодида тасодифий эмас, усмонли турк ва озарбайжон тиллари ўзбек тилига нисбатан олдинроқ замонавий тараққиёт йўлига кирган эди. Абдулла Авлоний бу тилларнинг жонли халқ тили асосига ўтишдаги тажрибасидан фойдаланишга уринар эди. Шунинг учун Абдулла Авлоний чиқарган газеталарда ҳам, унинг китобларида ҳам туркча, озарбайжонча сўзлар, иборалар анчагина учрайди... Абдулла Авлоний ҳатто “*баним қаламим ила наир ўлинажақ китоблар*” дея бир жумлани бутунлай туркча тузади”¹³⁶.

Пиримкул Қодиров А.Авлоний асарлари тилидаги бу каби элементларнинг ўрни ва ролини А.К.Боровков каби баҳоламайди, балки уларнинг жузъий ҳодиса эканини таъкидлайди: “Абдулла Авлоний асарларининг тилида бундай тақлид жузъий ўрин тутди. Унинг “Туркий гулистон”, “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Адабиёт ёхуд миллий

¹³⁵ Боровков А.К. Юқоридаги манба. – Б. 22.

¹³⁶ Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 34.

шеърлар” каби дарслик китоблари ўзбек халқи тилининг бойликларидан самарали фойдаланишининг ўша давр учун яхши намуналари бўла олади”¹³⁷.

Жадид даври адабий тилида усмонли турк, озарбайжон ва татар тили лисоний унсурларининг учраши бежиз эмаслиги ҳақида ўзбек мумтоз адабиёти тарихига оид тадқиқотларда ҳам фикр юритилган. Бу элементлар, бир томондан, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий муҳит, маърифий-маънавий анъана билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, жадид адибларининг ўша даврдаги турк, озарбайжон, татар ёзувчи ва маърифатпарварлари билан яқиндан шахсий алоқада бўлганлиги, тилга олинган халқлар тилида нашр қилинадиган матбуотни мунтазам ўқиб борганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, ўзбек жадид адибларининг асар ва мақолалари тилга олинган хорижий матбуотларда ҳам босилиб турган”¹³⁸.

Ўзбек адабиёти тарихига оид илмий манбаларда бир қатор ўзбек адиблари Озарбайжонда нашр қилинадиган баъзи журналларни тизимли равишда ўқиб борганлиги ҳақида маълумотлар бор: “Бокуда чиқадиган “Мулла Насриддин”, “Дабистон” каби журналларни Ўрта Осиёдаги кўпгина илғор зиёлилар қатори ёш Ҳамза, Айний, Абдулла Қодирий, Сўфизода, Ажзий, Авлоний ва бошқалар ҳам тизимли ўқиб турганлар. Бу даврда Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ажзийлар “Мулла Насриддин” журналининг редактори, “Озарбайжон Гоголи” деб ном олган машҳур сатирик Жалил Муҳаммадқулизода билан шахсий мулоқотда бўлганлар”¹³⁹.

Бу алоқалар тилга олинган адиблар асарлари матнида озарбайжон тилининг таъсири бўлганлигини асословчи омил бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Чунки фикр юритилаётган давр – ўзбек тили ривожига энг мураккаб ва нозик давр эди. Ўз лисоний нормаларини белгилашга дастлабки қадамларни қўяётган янги ўзбек тилига юқоридаги каби ташқи муҳитнинг осонгина таъсир этиши табиий эди.

¹³⁷ Шу манба. – Б. 34.

¹³⁸ Шу манба. – Б. 308.

¹³⁹ Шу манба. – Б. 324.

Мана шу каби фикрлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларидаги ҳолатлар юзасидан ҳам айтилган: “Ҳамзанинг 1914–1917 йиллардаги шеърларига назар ташлар эканмиз, уларда ўзбек классик адабиётидан кўра татар бадиий маданияти таъсири кўпроқ бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг бу даврдаги ижодида озарбайжон ва усмонли турк адабиётининг ҳам маълум унсурлари бор... Ҳамза ҳатто, татар тилига хос ифодалар ва жумла қурилишларини кенг истифода эта бошлади”¹⁴⁰.

Ўзбек адабий тилининг мазкур даври, яъни жаид маърифатпарварлари ижод қилган илк даврлар ижтимоий-сиёсий ва лисоний жиҳатдан жуда мураккаб эди. Ижтимоий-сиёсий муаммолар, таълим-тарбия, маориф муаммолари кун тартибда турган ушбу даврда миллий тил, адабий тилга муносабат, тилни давр талабларига мослаш, унинг умуммиллий адабий тил сифатидаги ривожланиш йўллариини белгилаш каби мураккаб назарий ва амалий, миллий ва маърифий муаммолар ҳам устуворлик касб этарди.

Юқорида кўриб ўтган тадқиқотларимиздаги фикрлар, назарий хулосалар ва олиб борган кузатишларимиз асосида бу даврдаги миллий тил масаласига оид муаммоларга, лингвистик жараён ва социолингвистик шароитга қуйидагича тавсиф бериш мумкин:

1. XIX аср охири – XX аср бошларида ижод қилган ёзувчиларнинг баъзилари анъанавий мумтоз адабиёт тили доирасидан чиқишга, тилни соддалаштиришга интилишар эди. Баъзи ёзувчилар эса эски ўзбек тили меъёрларига амал қилган ҳолда ижод қилишарди.

2. Ўзбек тилида матбуот (газета ва журналлар) пайдо бўлган бўлиб, уларнинг тили қоришиқ услуб ва унсурларга бой эди. Матбуот тилида анъанавий тил, тилдаги ўзгаришга учраётган янги кўринишлар, қардош тиллар ва рус тилининг илк таъсири, баъзи ҳолларда эса содда халқ тилида ёзишга интилиш каби ҳолатлар кузатилади. Бу ҳолат миллий адабий тилни, хусусан, унинг лексикасини муайян ягона меъёрга келтиришга имкон бермас эди.

¹⁴⁰ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1988.

3. Бу даврда қардош туркий тилларнинг ўзаро таъсири жонланган бўлиб, бир тилдан иккинчи тилга тақлид қилиш ҳолатлари мавжуд эди. Бундай таъсир кўп ҳолда ўзаро мулоқот, айниқса, бадиий адабиёт ва матбуот билан танишиш орқали юзага келганди.

4. Баъзи туркий тилларни ривожланган илғор ва замон талабларига жавоб берувчи тил сифатида баҳолаш, бошқа қолоқ тиллар улардан ўртак олиши, ўз лисоний имкониятларини илғор тиллар ҳисобига бойитиши лозим, деган ғоялар илгари суриларди. Усмонли турк тили, озарбайжон ва татар тиллари намунавий тил сифатида баҳолангани маълум.

5. Кўп ҳолда мафкуравий-лисоний қарашларда ҳар қайси туркий тилнинг мустақил ривожи инкор қилинар ва барча туркий халқлар учун умумтуркий тил яратиш ғояси олдинга суриларди. Бу ҳол миллий тил, она тилининг ривожи учун кураш олиб бораётган доираларда иккиланиш ва беқарорликни юзага келтирарди.

6. Давлат олиб бораётган тил сиёсати миллий тилларнинг ривожи ва тенглигига эмас, балки халқ ва элат тилларининг ривожига тўсқинлик қилиш, мамлакатнинг барча ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларига миллатлараро тил сифатида ва бошқа мақсадларда рус тилини зўрлаб ёйиш ва сингдиришга қаратилган эди. Бу маҳаллий миллий тилларнинг функционал имкониятларини ниҳоятда чегаралашга олиб келганди. Мана шу ҳолат маҳаллий халқлар сўз ва ибораларининг адабий тилга кириб боришига йўл очган эди.

7. Миллий адабий тил, яъни она тилини ёйиш, ўргатиш орқали бу тилнинг роли ва ўрнини, амалий имкониятларини мустаҳкамлашда маърифий ишлар, она тилида таълим ва тарбия бериш муҳим омил экани маълум. Аммо ўша даврнинг таълим тили “ислом тили” деб ҳисобланувчи араб тили, янги таълим даргоҳларида эса рус тили эди. Демак, таълим-тарбия соҳасига она тилини киритиш, унинг бу борадаги ўрни ва мавқеини тиклаш учун кураш мураккаб муаммолардан бири эди.

8. Айрим илғор зиёлилар томонидан бир неча тилни билишни тарғиб қилиш, кўп тил билиш тараққиётни белгилашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашлар кучайган эди.

9. Ёзув ва имло қоидалари масаласи, адабий тил учун асос бўлувчи лаҳжага муносабат масаласи ва бошқа муаммолар бор эди.

Хулоса қилиш мумкинки, жадиidlар ижод қилган даврда, бир томондан, умумтуркий тил яратиш, иккинчи томондан, миллий она тилини ривожлантириш, бирор тилни илғор ривожланган тил деб ҳисоблаб, қолганларини четлаш, давлат тили деб рус тилини олдинга суриш, миллий-маҳаллий тилларни четлаш, кам ривожланган, давр талабига жавоб бера олмайди деб ҳисобланган тилни илғор тилга яқинлаштириш ва у билан бирлаштириш, тарихан таркиб топган эски анъанавий тилдан воз кечмаслик, уни замонавий талабга мослаш лозимлиги фикри билан замон талабига жавоб берувчи янги адабий тилни яратиш ғоялари орасида кураш борарди. Бу курашнинг кўлами янада кенг қамровли эди, дейиш мумкин.

2.3-§. Давр луғатчилиги манбалари

Умуман, тилнинг ривожланиши, тараққиёти жараёнига назар ташласак, унинг луғат таркиби, лексикология соҳаси, албатта, бошқа соҳаларига нисбатан анча ўзгарувчан эканлиги кузатилган. Ўзбек тилининг шаклланиши ва тараққиёти ҳам буни тасдиқлайди. Зеро, ўзбек тилининг тарихий шаклланиши узоқ тарихга эга, бу жараён ўта мураккаб ўзгаришлар, тиллараро муносабатлар, ўзаро таъсирлар ва курашлар (қабилалар ва лаҳжалар ўртасидаги курашлар каби) тилнинг вазифавий мавқеи, мақоми, буларга муносабатнинг ҳар хиллиги (ўлканинг араблар томонидан истилоси, мўғуллар истилоси, ниҳоят, руслар томонидан босиб олиниши, шунингдек, айрим-айрим туркий адабий тилларнинг шаклланиши ёки “ўрта турк тили”ни яратишга бўлган ҳаракатлар, мамлакат ёки мамлакатлар ҳукмронликлари, кўп даврда араблаштириш, форслаштиришга қараб йўналганлик,

руслаштириш сиёсати таъсирида бўлганлик) ўзбек тили луғат таркибининг кутилганидан кўра ҳам кўпроқ ва мураккаб ўзгаришларга учраганини кўрсатиб туради. Шунга кўра бўлса керакки, ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркибида хитой, мўғил, араб, форс, тожик, рус, лотин, грек каби турли оилаларга мансуб тилларнинг сўзлари ҳам анчагина, ўзбек адабий тилидаги умумий сўзларнинг тахминан 60 фоизидан ортиғини ўзлашма сўзлар ташкил этади. Бунинг бир неча сабаблари бор:

1) борлиқнинг шаклланиши, тараққиёти, ривожланиши, жамиятдаги барча ўзгаришларнинг ҳаммаси, тилда, унинг луғат таркибида ўз ифодасини топади. Шунга кўра, тилнинг луғавий таркиби ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан тез ўзгариб туради. Эски ўзбек тили шакллана бошлаган давр (XII – XIV асрлар) тили лексикаси билан, масалан, XX аср, яъни янги ўзбек адабий тили шакллана бошлаган давр тили лексикаси ёки ҳозирги давр ўзбек адабий тили лексикаси қиёсланадиган бўлса, бу нарса яққол кўзга ташланади. XX асрнинг 80-йилларида яратилган ва ўзбек тилининг асосан умумистеъмолда бўлган сўзларини қамраб олган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да 60 000 атрофидаги луғавий бирликлар қайд этилган бўлса, 2006 йилларга келиб (20 йилдан ортиқроқ вақтда) нашр этилган худди шу каби изоҳли луғатда 80 000 атрофидаги луғавий бирлик қайд этилган. Бундай қиёсни XVI аср билан XX аср бошлари луғатчилигида қайд этилган сўзлар доирасида ҳам олиб бориш мумкин. Жумладан, Алишер Навоий ижод этган, асарлари яратилган давр тили, унинг луғат таркиби, ҳар ҳолда, ўша давр талаби, эҳтиёжи, зарурати билан, маълум омилларга таяниб, яъни, масалан, иккитиллилиқ (айниқса, ўша давр адиблари, зиёлилари орасида) омилининг мавжудлиги туфайли, анча мураккаб характерда бўлганлигини кузатиш қийин эмас. Алишер Навоий ўзбек тилини (умумтуркий тилдан ажралиб чиқиши аниқ бўлиб қолган тилни) маълум бир қавмнинг, катта бир халқнинг (бошқача айтганда, ўтроқлашиш, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан бирлашиш, аралашуш натижасида) янги шаклланаётган тилни расмийлаштириш, унга мақом бериш йўлини кўзлаб, бу тилни туркий тилларнинг бири сифатида

ажратиб олиб, уни бошқа тизимдаги тил билан қиёслаш, кейин эса, асосан, барча асарларини ана шу шаклланаётган тилда ёзиш орқали, аслида китобийлашгани сабаб маълум даражада тушунилиши оддий оммага қийинроқ бўлган бир тилни яратди, бутун омма учун тақдим этди. Албатта, бу тилнинг луғат таркиби (айниқса, китобийлашган адабий тил намунаси бўлгани учун) бошқа туркий тилда ёзилган асарлар тилидан ҳам (олдинроқ ёки кейинроқ амалда халқ тили сифатида қўлланган тилдан ҳам) фарқланганлигини тадқиқотлар кўрсатиб турибди. Ёки буни XX асрнинг бошларидаги ҳолат билан XX асрнинг 50–60-йилларидаги ҳолатни қиёслаш доирасида ҳам кузатиш мумкин. Ўзбек тилининг луғат таркиби ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан беқиёс ўзгаришларга юз тутган. XX асрнинг иккинчи ярмига қадар бўлган даврда ўзбек тилининг луғат таркибида, айтиқса, арабча-форсча сўзлар катта қисмни ташкил этган бўлса, XX асрнинг бошларидан Европа тилларига хос луғавий бирликлар ўзбек тили луғат таркибидан ўрин ола бошлади. Даврдаги барча ўзгаришлар тил луғат таркибида ўз ифодасини топди;

2) халқларнинг, тилларнинг ўзаро бир-бирига таъсири, ўзига хос тараққиёт қонунлари мавжуд: сўз яшаш имкониятлари, сўз қабул қилишга муносабат, шевалар мавқеларининг ўзгариши, у ёки бу миллатнинг шаклланиши ёки йўқолиши каби масалалар ҳам борки, буларнинг ҳаммаси тил луғат таркибининг тез ўзгаришини тақозо этади;

3) тилга муносабат масаласи. Тилнинг вазифавий кўлами, мақоми, унга ҳурмат, тилни муҳофаза қилиш каби омиллар ҳам ҳам тил луғат таркибининг тез ўзгаришига сабаб бўлади. Тил луғат таркибининг бошқа соҳаларга нисбатан тез ўзгариши масаласи, унинг сабаблари, албатта, махсус тадқиқотлар объекти ҳам бўлган¹⁴¹. Шунга қарамай, бу масала янада жиддийроқ тадқиқотларни талаб қилади. Жумладан, тил луғат таркибининг ўзгариши, умуман, тилнинг ривожланиши давр тил сиёсати билан боғлиқдир.

¹⁴¹ Бу ҳақда қаранг: Бегматов Э. Ўзбек тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1983.

Тил сиёсати омили жуда муҳим. Юқорида қайд этганимиз Алишер Навоий даврида подшоҳ Хусайн Байқаро ва унинг, айниқса, Алишер Навоий шакллантира бошлаган тилга муносабати, бу тилга давлат, халқ тили мақомида қараши, шоир асарлари тилини оммалаштириш, бу тилни тарғиб қилиш орқали унинг ҳам тушунарли, ҳам юқори мақомга эга бўлган тил сифатида вазифасини кенгайтириб, ундан фойдаланишга эътибор қаратиши катта воқеа бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Бу ҳолат ҳали жиддий ўрганилган эмас. XX асрнинг 20-йилларида ҳам хўжақўрсинга бўлса-да, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган. Лекин умумий тил сиёсати “руслаштириш” тарзида бўлганлиги туфайли, бир неча аср давомида камроқ ўзгаришда бўлган эски ўзбек тилининг луғат таркиби ҳам шиддат билан ўзгара бошлаганлиги маълум. Европа тилларидан сўзлар ўзлаштириш авж олган. Бу ҳолат XX асрнинг охирларида, мустақилликка эришилган вақтларда бир оз ўзгарган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам давом этаётганлиги сир эмас. Бу ҳолат, албатта, яна алоҳида тадқиқотларни талаб қилади, тил сиёсати, унга муносабат масалалари билан боғлиқ омил ҳисобланади. Албатта, бу қайдларда маълум ҳақиқат мавжуд. Бироқ давр нуқтаи назаридан дунё миқёсида юқори даражада баҳоланган, ҳақиқатан, ўта ноёб бўлган “Девону луғотит турк” асарининг, шунингдек, ундан кейин яратилган, жуда кўп топилган ва топилмаган, ўрганилган ва ўрганилмаган, янада ноёброқ бўлган луғатларнинг яратилиши масалалари бу тарихнинг янада узоқроқ ва мураккаброқ эканлигини кўрсатади. Мулоҳазаларимизни қуйидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди: “Ўзбек лексикографияси ўзининг узоқ тарихига эга. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари умумтуркий лексикографиясининг намунаси бўлса, XIII – XIV асрлардан бошлаб ўзбек лексикографияси ундан озиқланган ҳолда мустақил ривожлана бошлади. Айниқса, туркийча-форсча, туркийча-арабча таржима луғатлар тузишга эътибор кучайди. Бу эса, араб ва ажам мамлакатларида туркий тилга қизиқишнинг ортиб борганлиги натижаси. Ана шунинг натижасида “Таржимону турки ва ажами ва муғули ва форси” (XIII–XIV асрлар), “Китоб

– ат - туҳфатуз - закияти фил - луғатит туркия” (XIV аср), Абу Ҳайённинг “Китоби ал - идрок лисон ал - атрок” (XIV аср), шунингдек, Алишер Навоий асарлари учун тузилган кўпгина луғатлар ва бошқалар” юзага келган¹⁴². Ушбу фикрни шарҳлаш заруратидан келиб чиқилса, шуни айтиш керакки:

а) умуман луғатчиликнинг шаклланиши;

б) туркий луғатчиликнинг шаклланиши;

в) бошқа тип луғатларнинг, масалан, қиёсий, изоҳли, этимологик, диалектологик луғатларнинг шаклланиши каби масалалар ҳам бор. Жумладан, “Девону луғотит турк”нинг ўзи қай тарзда шаклланган, деган саволларга жавоб бериш керак, яъни туркий тиллар бўйича, жумладан, ўзбек тилига оид луғатлар яратилиши учун, албатта, “Девону луғотит турк”нинг яратилиши, унинг юзага келиши учун эса, ҳинд ва араб тилшуносликлари доирасида яратилган кўпгина қадимги луғатлар асос бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Сибавайҳийнинг “Аль китоб” асари, Ҳалил ал Фараҳидиннинг “Айна китоби”, Фирузабодийнинг 60 ёки 100 жилдлик луғати ёки “Қомус” номли асари каби бошқа асарларнинг манба вазифасини бажарганлигини ҳам қайд этиш зарур¹⁴³. Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи “Девон”нинг яратилишида Ҳалил ибн Аҳмаднинг “Китоб ул-айн” асаридан фойдаланганлигини қайд этади. Кўринадики, умуман туркий луғатчиликнинггина эмас, балки туркий тилшуносликнинг шаклланиши учун ҳам, албатта, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони” яратилганига қадар бўлган луғатшунослик ва тилшуносликнинг ўрни бўлгани каби, бу “Девон”нинг ҳам кейинги давр туркий тилшунослик ва луғатшуносликнинг шаклланиши ва тараққиётига жиддий таъсири бўлган. Бироқ шу билан бирга, айтиш керакки, эски ўзбек адабий тилининг, ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожига, яъни, айнан, ўзбек тилининг (кейинчалик миллий тилга асос бўлган тилининг) умумтуркий тилдан ажралиб чиқиши, тилшунослик (ўзбек тилшунослиги), ўзбек луғатчилигининг алоҳида шаклланиши, мавқега эга бўлиши учун, назаримизда, Юсуф Хос Ҳожибнинг

¹⁴² Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 99.

¹⁴³ Қаранг: Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XI веков в очерках и извлечениях. Часть 1, – М., 1964. – С. 7-20.

“Қутадғу билиг”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”и, Лутфий, Саккокий, Атоий, Алишер Навоий каби адибларнинг асарлари ва, айниқса, Алишер Навоий асарларини тушуниш борасида қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида юзага келган луғатлар асосий манба вазифасини ўтаган. Маълумки, Маҳмуд Кошғарий ўз “Девони”да барча сўзшаклларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобласак, ёки Фитратнинг, бошқа олимларнинг фикрларига таянсак, муаллиф тахминан 10 000 атрофида сўзшакл билан ишлаган, бу сўзларнинг ҳаммаси, Кошғарийнинг таъкидича, бошқа луғатлардан фарқ қилган ҳолда, одатда, умумистеъмолдаги умумтуркий бирликлар¹⁴⁴. Демак, бошқа луғатларда (қайд этилмаган бўлса-да) туркий тиллардаги барча сўзлар (умумистеъмолда бўлмаган сўзлар ҳам) луғатлар таркибига киритилган бўлса, Кошғарий ўз луғатида қабилалар тилларида қўлланилишига қарамай, умумистеъмолда бўлган туркий тиллар учун умумийлик характеридаги сўзларнигина луғати сўзлигига киритган. Шунга кўра, бу луғат, ҳеч шубҳасиз, туркий тиллар луғатчилигининг асосий манбаси сифатида қаралиши тўғри. Энди бевосита луғатчиликнинг, кенгроқ ёки чуқурроқ тарзда айтадиган бўлсак, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиётини белгилашдаги айрим ҳолатлар, қарашларга ҳам бир оз бошқачароқ ёндашишга тўғри келадиганга ўхшайди. Жумладан, ҳозирги кунгача бўлган жуда кўп илмий адабиётларда қайта-қайта таъкидланишича, эски ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий (ўзбек адабий тилининг шаклланишига алоқадор мақолалар, монография, қўлланма, дарслик қабиларнинг ҳаммасида бу фикр қайд этилганини назарда тутиб, уларни қайта қайд этишни лозим топмадик). Бу фикрни инкор этишдан йироқмиз. Чунки бунинг сабаблари асосли. Тўғри, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббатул ҳақойиқ”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар” асарлари, Лутфий шеърлари, Саккокий асарлари, Атоий шеърлари тил жиҳатдан таҳлил қилинар экан, матнлари синчиклаб ўрганилар экан, уларнинг тили эски ўзбек адабий тилига анча яқин эканлиги

¹⁴⁴ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2016. – Б.12.

кузатилади. Бошқача айтганда, бу манбаларнинг тили умумтуркий тармоқдан алоҳида ажралиб чиқаётган янги бир тилнинг намуналари каби. Албатта, бу асарлар тилининг Алишер Навоий асарлари тилига нисбатан ҳам эски ўзбек адабий тилига яқинроқ эканлиги ёки оммага тушунарлироқ эканлиги турлича изоҳланади. Баъзан бу ҳолат асарлар нусхаларини кўчирувчиларнинг яшаган даврлари, тилга муносабатлари каби кўпгина жиҳатлар билан ҳам изоҳланганлиги ҳаммага маълум. Масалан, Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”ининг тили анча тушунарли-ку, деган фикрга нисбатан “муаллиф асарнинг оммага тушунарли бўлишини назарда тутиб, атайин тилига алоҳида эътибор қаратган, айнан шундай тилда ёзган”, – деган қараш ёки “кейинги даврларда нусха кўчирган котиблар ўз даври тилида баён этишган” каби фикрлар юрадики, бу ҳам ҳаммага маълум. Бундай сабаблар анчагина. Бу асарлар тили, ҳақиқатан ҳам, эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиётини аниқ кўрсатиб турувчи манбалар. Буни инкор этиб бўлмайди. Чунки бу асарлар тили XIII – XIV асрларнинггина тили эмас, балки, XVI – XVIII асрларнинг тили ҳам. Бошқача айтганда, бу асарлар эски ўзбек халқ тилининг, умуммиллийлик касб этаётган тилнинг юксак намуналари. Энди Алишер Навоий асарлари тилига ёндашадиган бўлсак, у яратган асарлар тили шаклланиши, ажралиб чиқиши кутилаётган эски ўзбек адабий тилининг – чиғатой ёки чиғатойча, яна, ёки кейинчалик айрим олимлар қайд этган сарт (сартча) тилининг намуналарига ўхшаб кетади¹⁴⁵. Бу икки тил шартли равишда “халқчил тил” ва “сунъий (китобий) адабий тил” тарзида бир-биридан фарқ қилади. Халқчил тилда ёзилган асарлар тили оммага тушунарли, содда, адабий (тўғрироғи, китобий) тилда ёзилган асарлар тили, айниқса, омма учун, албатта, тушунилиши қийин. Бу – Алишер Навоий асос солган тил.

Назаримизда, Алишер Навоий “сарт тили” деганда, соф форс-тожик тилини эмас, балки янги шаклланаётган (араб ва форс тили сўзлари билан бойитилган, грамматик жиҳати туркийлигини сақлашдан узоқлашаётган)

¹⁴⁵ Остроумов Н. Этимология сартовского языка. – Москва, 1910.

тилни назарда тутган бўлиши ҳам мумкин. Бу масала, албатта, алоҳида янги тадқиқотларни талаб қилади. Ҳар ҳолда *сарт тили* термини остида форс-тожик тили, шунингдек, ўтроқлашган, маданийлашган, шаҳарлашган, савдогарлашган, ҳунармандлашган халқ тили, арабча, форсча-тожикча сўзлар луғат таркибининг асосини ташкил этган тил тушуниланган, яъни соф форс-тожик тили ҳам эмас, соф ўзбек тили ҳам эмас, балки қоришиқлашган тил назарда тутилгандек. Аслида Н.Остроумовнинг “Этимология сартовского языка” (Москва, 1910) китобидаги изоҳга эътибор берсак, бу ҳолатни аниқ кўриш мумкин.

Хуллас, бу китобда “сарт тили” сифатида XX асрнинг бошларида мавжуд, шаклланиб бўлган ўзбек адабий тили (эски ўзбек адабий тили) ҳақида фикр юритилгандек. Демак, аввало “сарт тили” деганда қайси тил назарда тутилгани аниқланиши лозим. Яъни Алишер Навоий таъбирича, “сарт тили” гўё тамомила соф форс-тожик тили бўлса, бошқа манбаларда “сарт тили” термини XIX асрнинг охиридан XX асрнинг бошларигача шаклланган, алоҳида шакллана бошлаган ўзбек тилини ифодалаган. Алишер Навоий ўзининг “Муҳокаматул луғатайн” асарида қайд этган “сарт тили” эса, бизнингча, форс-тожик тилининг туркий тил билан анча аралашиб кетган (эҳтимол, форс тилининг “тожик” деб номланиши мумкин бўлган бир лаҳжаси бўлиши керак). Алишер Навоий ана шу туркийлашиб кетган (туркийлар таъсирига берилиб кетган) форс тилини назарда тутиб “сарт тили” атамасини ана шу тилга нисбатан қўллаган бўлиши мумкин. Айнан ана шу тил Остроумов яшаган даврга келиб, у қайд этган даражадаги ҳолатга келган бўлиши мумкин. Н.Остроумов назарда тутган “сарт тили” эса, эски ўзбек адабий тилининг XX аср бошларида шаклланган бир кўриниши эди, дейиш мумкин. Навоий қўллаган, фойдаланган туркий тил – бу арабча ва форсча сўзлар ниҳоятда кенг қўлланган, туркий сўзлар (асосан, феъл туркумига оид луғавий бирликлар) иштирок этган, грамматик кўрсаткичлари ҳам туркийча бўлган (сўзларнинг аксарияти арабча, форсча-тожикча) тил. Унинг асарлари тили, барибир, оммага яхши тушунарли бўлган эмас. Унинг

асарлари тили сунъий ўзбек адабий тили сифатида умумхалқ тилидан анча фарқ қилиб турган (битта байтда 10 та луғавий бирлик бўлса, баъзан ўшаларнинг 8 таси арабча, форс-тожикча сўз бўлиб, 2 тасигина туркийча сўздан иборат бўлган ҳолатлар ҳам кузатилади). Китобхонларнинг тушуниши эса қийин бўлган. Албатта, ҳамма асарлари тилини бир хилда баҳолаб бўлмайди. Масалан, *одамий эрсанг демагил одамий, ониким йўқ халқ ғамидин ғами* каби мисралар ҳаммага тушунарли эканлигини ҳам унутмаслик керак. Шунга қарамай, ўз давридаёқ унинг асарларининг тилини кўпчилик, жумладан, Ҳусайн Байқаронинг тушуниши ҳам осон бўлмаган (чунки адабий тил умумхалқ тилидан узоқлашиб кетган бўлиши мумкин). Шу сабабли Алишер Навоий асарлари учун алоҳида луғатлар яратиш эҳтиёжи туғилган. Бошқача айтганда, Алишер Навоий ижод этган туркий тил (туркий тилда ёзилган барча асарлари тили) халқ тилидан анча узоқлашган, асосан китобийлашган тил бўлган. Бу тилни махсус луғатларсиз тушуниш, албатта, қийинчилик туғдирган. Биламизки, адабий тилнинг халқ тилига яқин бўлиши ёки сунъий тил сифатида ундан маълум даражада узоқлашиши мумкинлиги муаммоси ҳам бор. Адабий тил ишланган, сайқал берилган, маълум қонун-қоидаларга бўйсундирилган, меъёрлашган, адабий тилдан фойдаланишга маълум даражада мажбур бўлган лаҳжалар, шевалар вакиллари учун ҳам умумий тарзда хизмат қиладиган тилдир. Шунга кўра, бу тил, албатта, умумхалқ тилидан ҳам, алоҳида лаҳжалар, шевалар тилидан ҳам фарқланиб турувчи тил ҳисобланади. Шаклланишга юз тутган эски ўзбек адабий тили ҳам худди шу каби умумхалқ тили билан яқин бўлган ёки бу тилга алоҳида яқинлаштириб ёзилган асарлар тилидан маълум жиҳатларга кўра (форсча-тожикча ва арабча сўзлар – китобий сўзлар кўплиги жиҳатидан) фарқ қилади. Демокчимизки, Алишер Навоий асос солган, ўз асарларини ёзган тил эски ўзбек адабий – китобий тили, бу тил Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Атоий, Лутфий, Саккокийлар ишлатган, яъни Навоийгача бўлган адиблар қўллаган, умумхалқ тили – халқчил туркий тилдан фарқ қилган алоҳида тил. Бу тил кейинчалик, яъни XVIII асрлардан бошлаб

халқчиллаша бошлади, XIX асрга келиб, яъни янги ўзбек адабий тили кўринишида кейинги ижодкорлар, айниқса, Фурқат, Муқимийлар каби шоирлар асарлари тилида ўз ифодасини топди. Бир неча аср шу тарзда яшаган эски адабий тилнинг умумхалқ тили билан яқинлашуви жараёни ёки яқинлаштириш масаласи кейинги давр (XVII–XIX аср бошлари) ижодкорлари, адиблари, зиёлилари зиммасига тушганлиги барчага маълум. Фитрат, Абдулла Қодирийлардан олдинроқ бу масалаларга Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар каби яна бошқа ижодкорлар эътибор қаратганлигини кузатиш мумкин. Демак, яратилажак тил оммага бирдек тушунарли бўлган, умумхалқ тилидан ўта узоқлашиб кетмаган, халқнинг эҳтиёжини қондирадиган тил бўлиши лозим.

Бу, биринчидан, шоир ёки ёзувчи асарлари тилини омма тушунишини таъминлашга интилиш сабабли бўлса, иккинчидан, яратилаётган (алоҳида ҳолда ажралиб, янги бир тил сифатида шаклланаётган) ўзбек адабий тилини ҳимоя қилиш, тарғиб этиш, мустақиллигини таъминлаш эҳтиёжи эди. Алишер Навоий асарлари учун биринчи тузилган қомус (луғат) “Бадоеъ ал-луғат”. Бу луғат Э.Умаровнинг кўрсатишича, Ҳусайн Бойқаро фармонига биноан Толи Имоний томонидан тахминан 1500 йилларда яратилган¹⁴⁶. Э.Умаров ўз рисоласида “Луғати Навоий”, “Абушқа”, “Луғати туркий”, “Санглоҳ”, “Китоби луғати атрокийя” каби луғатлар ҳақида кенг маълумотлар берган. Б.Ҳасановнинг “Принципи составления рукописных словарей к произведениям Навои” номли тадқиқотида қайд этишича, ҳатто, араб ва форс лексикографияси тарихида ҳам маълум адиб ёки бир неча адиблар асарлари асосида тузилган луғатлар мавжуд эмас¹⁴⁷. Албатта, Ўрта Осиё тарихида ўрта асрларга келиб, бундай луғатлар тузилиши, унинг анъана тарзда давом этиши, кетма-кет бир неча луғатлар тузилиши Ҳусайн Бойқаро тавсияси билан бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Алишер Навоий асарлари асосида тузилган луғатлар жуда кўп жиҳатлари билан кейинги

¹⁴⁶ Бу ва бошқа баъзи луғатлар ҳақида қаранг: Умаров Э. Эски ўзбек тили луғатлари. – Тошкент: ЎзФА Қўлёзмалар институти, 1992.

¹⁴⁷ Ҳасанов Б. Принципи составления рукописных словарей к произведениям Навои: Диссертация канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. – С. 4.

луғатлар яратилиши учун асос бўладиган даражадаги айрим хусусиятлари, жиҳатлари билан ажралиб туради:

1) бу луғатлар сўзлиги учун кўпроқ эски ўзбек тилига хос сўзлар танлаб олинган;

2) айниқса, “Санглоҳ” ва “Луғати атрокия”да форсча ҳамда арабча сўзлар ҳам ўзига хос танланган;

3) луғатлар сўзлигидан эски ўзбек тилига ўзлашган форсча, арабча ёки бошқа тилларга оид сўзлар ҳам ўрин олган;

4) луғатларда ҳар бир ҳарф учун бир неча сўз берилган ва бу сўзлар тўплами боб тарзида ажратилган, ҳар қайси боб биринчи бўғиндаги унлининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яна ички бўлимларга ажратилган;

5) луғатларда феъллар *-моқ* шаклида, отлар эса бош келишик, бирлик шаклида қайд этилган;

6) сўзликларни жойлаштиришда алфавитга таянилган ва унга хос сўзшакллар остида қайд этилган;

7) сўзларни маъновий уяларга бирлаштириб бериш тамойилига ҳам эътибор қаратилган;

8) сўзларнинг тўғри талаффузига доир фонетик тавсифлар берилган;

9) сўзларга грамматик изоҳ беришга алоҳида эътибор берилган луғатлар тузилган (Масалан, “Санглоҳ” луғати);

10) луғатларда баъзи сўзларнинг этимологияси ҳақида ҳам маълумотлар берилган;

11) сўзнинг семантик изоҳига эътибор қаратилган (сўзларни маъно гуруҳларига ажратиш, кўп маънолилиқ, сўзнинг асосий маъноси ва кўчма маънолари кетма-кет изоҳланган).

Бундай лексикографик белги-хусусиятлар ҳаммаси кейинчалик рус ва бошқа Европа мамлакатлари тилшунослигида — луғатчилигида ўз ўрнини топди, Европа луғатчилигининг шаклланиши ва тараққиётига катта таъсир қилди.

Айниқса, Ўрта асрлар луғатчилигида мавзуй луғатларнинг яратилганлиги, уларда грамматика масалаларига эътибор қаратилиши давр луғатчилигининг катта ютуғи эди. Алишер Навоий асарлари асосида тузилган айрим луғатларнинг (“Санглоҳ”, “Бадоеъ ал-луғат”) тузилиш тамойиллари анча мураккаблиги билан ажралиб туради.

Ўрта асрларда Шарқда яратилган, кўп машхур бўлган ўнга яқин луғатларда Мовороуннаҳр ва унинг атрофида яшаган ўзбек халқининг, турли-туман шеваларнинг битмас-туганмас сўз бойлиги жамланган, уларнинг умумий миқдори 20 000 ортиқ эканлиги тахмин қилинади. Бу даврда яратилган луғатларда Алишер Навоий қайд этган тилда 9та унли товуш товуш борлиги, улар узун-қисқалик, тор-кенглик жиҳатлари билан фарқланганлиги кўрсатиб ўтилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўрта асрлар луғатчилиги ҳақида, унинг ҳолати ҳақида тўхталар эканмиз, бу тарихнинг ўзига хос мураккаб жараёнларини эслатиб ўтишни назарда тутдик. Шу билан бирга, яна айрим жиҳатларни, шу ўринда таъкидлашга эътибор қаратдик:

а) Навоийгача бўлган даврдаги эски ўзбек тили умумхалқ тилининг бир кўриниши бўлиб, қабилаларнинг, шаклланаётган алоҳида бир туркий қавмнинг тили сифатида намоён бўлди ва яратилган луғатларда ёки аниқроқ айтсак, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”ида, шунингдек, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Атоий, Саккокийлар асарларида акс этди;

б) Алишер Навоий яратган ёки асос солган тил туркий тилда ижод қилганлар учун хизмат қилди. Бу тил китобий ва адабий тил эканлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, бу тил туркий қабилалар тилидан, алоҳида лаҳжалар, шевалар тилидан, қолаверса, умумхалқ тилидан китобийлашганлиги, адабийлашганлиги, махсус сайқал берилганлиги, меъёрлашганлиги билан фарқланади. Шунга қарамай, Алишер Навоий асос солган адабий тил кейинги асрларда вужудга келган қарлуқ, ўғуз, қипчоқ лаҳжаларининг қоришиқлигидан пайдо бўлган, шу билан бирга, умумхалқ

тили билан бойитилган янги ўзбек адабий тилининг яратилиши учун манба бўлди. Навоий асарлари тили лексикаси ўрта асрлар луғатчилигининг таркибий қисмини ташкил этди, дейиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий асарлари асосида тузилган луғатлар, аслида, унинг асарлари тилини тушунишни осонлаштириш, асарлар моҳиятидан халқни баҳраманд этиш эҳтиёжи билан яратилган бўлса-да, улар кейинги давр дунё луғатчилигининг, жумладан, ўзбек луғатчилигининг тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Албатта, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари энг аввалги икки тилли (туркча-арабча) ҳам таржима, ҳам изоҳли луғат бўлганлиги билан ажралиб туради (туркча сўзнинг арабча изоҳи берилган, сўз хусусиятлари араб тилида изоҳланган). Шу ўринда айтиш керакки, Маҳмуд Кошғарий лингвистик қарашларининг шаклланиши учун асосий манба сифатида араб тилшунослигида яратилган асарлар, араб тилшунослари қарашлари хизмат қилган бўлса, ўрта асрлардан кейинги тилшунослик учун асосий илмий-бадий манба сифатида Алишер Навоийнинг асарлари хизмат қилган. Маълумки, араб тилшунослари Исо ас-Сағофий (VIII аср), Халифа Али, Абу Амир ибн ал-Ала (VII аср), Юнус ибн Ҳабиб каби олимларнинг фаолиятини ўзида мужассам этган ва давом эттирган Басра тилшунослик мактабининг йирик вакили Ҳалил ибн Фароҳидий (VIII аср), унинг “Китоб ал-айн” асари, олимнинг шогирди Сибавайҳийнинг “Ал-китоб” асари, шу илмий мактабнинг йирик вакили Муҳаммад ибн Дурайд каби олимлар фаолиятлари, шунингдек, Куфа тилшунослик мактабининг вакили Муҳаммад ал-Анварий (қарама-қарши сўзлар луғатини китоб тарзида яратган), кейинроқ эса Абдулла Ибн Қутайба (IX аср), турк Исмоил ал-Жавҳарийнинг (X–XI асрлар) “Саҳиҳ” деб номланувчи 40 000 араб сўзларини ўзида мужассам этган йирик луғати ҳамда бошқа асарлар ҳам Маҳмуд Кошғарий “Девон”ининг яратилишида асосий илмий манба бўлиб хизмат қилган, дейиш мумкин бўлса (Маҳмуд Кошғарий Абу Райҳон Берунийнинг “Сайдана” асарида хабари борми ёки йўқми эканлиги ҳақида, албатта, маълумотга эга

эмасмиз), Алишер Навоий асарлари учун тузилган кейинги давр (ўрта асрлар) луғатларининг яратилишида (“Келурнома” – Муҳаммад Ёқуб Чингий, “Мунтахаб ал-луғат” – Муҳаммад Ризо Хоксор, “Луғати чиғатоий ва турки усмоний” – Сулаймон Бухорий) ва бошқалар, албатта, Маҳмуд Замаҳшарийнинг “Асос ул балоға”, “Муқаддимат ул-адаб” каби асарлари ҳамда номаълум муаллиф томонидан яратилган “Китоб ат-туҳфатуз-закияти фил-луғатит туркия” асари муҳим илмий манба вазифасини ўтаган. Афсус билан айтиш мумкинки, бу каби жуда кўп луғатлар, яратилган асарларнинг кўлёзмалари, нусхалари сақланмаган, бошқа юртларга олиб чиқиб кетилган, топилмаган, ёки ҳали жиддий ўрганилмаган. Кузатишимизча, “Ат туҳфа” (“Ноёб туҳфа”) асари профессор Э.Фозилов ва М.Зияевлар томонидан анча мукаммал ўрганилган¹⁴⁸.

Демак, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари яратилиши учун у яшаган даврдан олдин, айниқса, араб тилшунослигида яратилган илмий ишлар, асосан луғатлар асосий илмий манба бўлган экан ва ўрта асрлар луғатчилигининг (асосан, Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатлар) шаклланиши учун “Девону луғотит турк” ва XI–XV асрларда яратилган икки тилли ва кўп тилли (тўрт тилли луғатлар ҳам бор) таржима ва изоҳли луғатлар илмий-амалий манба вазифасини ўтаган дейиш тўғрироқдир. Бошқача айтадиган бўлсак, айнан ўзбек луғатчилигининг шаклланишида, бизнингча, кўпроқ эски ўзбек адабий тилида ёзилган асарлар учун (асосан, Алишер Навоий асарлари учун) тузилган луғатлар илмий манба вазифасини ўтаган. Кўринадики, XX асрнинг биринчи чорагида шарқ луғатчилиги ҳолати олдинги асрларда яратилган, айниқса, Алишер Навоий асарлари тили учун (уларни тушунишни назарда тутиб) тузилган луғатлар, шунингдек, умуман, ўтмиш ўзбек тили сўз бойлигини акс эттириш, изоҳлаш, рўйхатга олиш, қайд этишни назарда тутиб тузилган луғатлар негизида шаклланди. Айтиш мумкинки, XIX аср охири ва XX бошларидаги луғатчилик, яъни кейинги давр луғатчилиги Ўрта Осиёни забт этиш

¹⁴⁸ Фозилов Э., Зияев М. Изысканный дар тюркскому языку. – Ташкент: Фан, 1978.

эҳтиёжига бўйсундирилган луғатчилик бўлган. Будагов, Радлов, Мелиоранский ва бошқа йирик олимларнинг туркий тилларни ўрганишни назарда тутишдан ҳам кўра, кўпроқ халқни ўрганишни, маҳаллий халқни босиб олишда қўл келадиган луғатлар тузишни мақсад қилган ҳолда фаолият кўрсатганлари маълум. Остроумов, Пантусов, Наливкин, Наливкина, Терентьев каби шахслар томонидан тузилган кўпгина таржима луғатлари шу эҳтиёжни қондиришга хизмат қилган, дейиш мумкин. XX асрнинг биринчи чорагида Ўзбекистонда яратилган асосий луғатлар таржима луғатлари характерида бўлганлиги ҳам шу сабаблидир.

Ўзбек жаид вакиллариининг луғатчилик фаолиятининг шаклланишига эса ўрта аср луғатчилигига оид, юқорида қайд этилган асарлар билан бир каторда, XIX асрнинг бошларидан эътиборан ёвуз ният – Ўрта Осиёни босиб олиш нияти эҳтиёжи асосида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яратилган айрим луғатлар илмий манба вазифасини ўтаган. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан туркий тиллар лексикасини изохловчи ўнлаб махсус луғатлар вужудга келиб, бу луғатларнинг яратилишидаги бош мақсад, асосан, Ўрта Осиё халқлари тилини, урф-одатлари ва бошқа жиҳатларини ўрганиш, улар билан яқиндан танишиш эди (босиб олиш ниятида). Бу борада Л.Будаговнинг 2 жилдли “Сравнительный словарь турецко-татарских наречий” (“Туркий лаҳжалар қиёсий луғати”, СПб., 1869–1971), В.Радловнинг 4 жилдли “Опыт словаря тюркских наречий” (“Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси”, СПб., 1893–1911), В.Наливкин ва М.Наливкиналарнинг 1884–1912 йилларда қайта-қайта нашр этилган “Русско-сартовский и сартовско-русский словарь” (“Русча-сартча ва сартча-русча луғат”), М.Терентьевнинг “Грамматика турецкая, персидская, киргизская” (СПб, 1875), И.Беляевнинг “Руководство к изучению сартовского языка” (1906), В.Алексеевнинг “Самоучитель сартовского языка” (1884), С.Лапиннинг “Карманный русско-узбекский словарь с приложением краткой грамматики узбекского языка” (1895), А.Афанасьевнинг “Словарь сартовских слов с главнейшими

грамматическими правилами” (1908), Н.Будзинскийнинг “Грамматика сартовского языка и русско-сартовские разговоры” (1910), Н.Остроумовнинг “Этимология сартовского языка” (1910)¹⁴⁹ ҳамда “Материалы к изучению наречия сартов русского Туркестана” (1908) каби кўпгина бошқа асарлар ва алоҳида луғатларни кўрсатиш мумкин.

Боб бўйича хулосалар

1. Ўзбек тилшунослигида лексикография соҳаси шаклланган. Бироқ луғатлар таҳлили учун муайян тамойиллар (принциплар) ишлаб чиқилмаган. Бу ҳақдаги аксарият мақолаларда луғатлар луғатчилик нуқтаи назаридан эмас, балки лексикологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатларни таҳлил қилишда 20-йиллардаги тажрибалар маълум даражада ўз аксини топган бўлса-да, бу давр луғатлари бўйича тадқиқотлар амалга оширилмаган.

2. XX аср бошида шаклланаётган ҳозирги ўзбек адабий тилининг ривожланиш тенденцияларида объектив ва субъектив омиллар аралашиб кетган. Бир томондан, ёзма матнда эски ўзбек адабий тили қолиплари асосида иш қўрилганлиги боис ёзма нутқ жонли нутқдан қулайлик ва қайишқоқлик нуқтаи назаридан анча орқада қолган бўлиб, тўла-тўқис “хослар нутқи” тусини олган эди. Бошқа томондан тилга замонавий ёндашув бир неча йўналишда ривожланар эди. Бир тоифа зиёлилар томонидан туркий тилларнинг ривожланган ўғуз лаҳжасига тақлид қилиб, нутқларида ўғузча унсурларни ишлатиш замонавийлик белгиси сифатида қаралса, иккинчи бир тоифа зиёлилар рус тилига эргашиш, лексиконида русча ифодаларга ружу қўйиш йўлидан борар эди. Бошқа бир тоифа эса тилнинг халқчиллиги тамойилига устуворлик бериб, жонли халқ тилига таяниб, халқ ичига юриш қилар эди. Бунда адабий тилнинг ривожига ўзбек тилининг кўп лаҳжаллиги ва кўп шевалилиги путур етказар эди. Ана шундай шароитда ўзбек миллий

¹⁴⁹ Сарт тили сифатида эски ўзбек адабий тили назарда тутилган (С.Н.).

меъёрий грамматикаси ва луғатларини ишлаб чиқишга кучли илмий-назарий ва амалий эҳтиёж юзага келган эди.

3. Давр луғатчилигининг шаклланишига қоришиқ ҳолатга тушиб бораётган ўзбек тили лексикасини меъёрлаштириш эҳтиёжи, шу билан бирга, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида кириб келган рус тилини эгаллаш зарурати, капитализмнинг Ўрта Осиёда оёққа тураётганлиги натижасида саноат ишлаб чиқариш самарадорлигига хизмат қиладиган ўзбек адабий тилини шакллантириш ва унинг таълимини йўлга қўйишдан иборат даврнинг долзарб вазифалари сабаб бўлди.

4. Жаид луғатчилигининг шаклланишида узоқ тарихга эга мумтоз луғатчилигимиз бирламчи манба бўлиб хизмат қилди. Бунда туркий луғатчиликнинг шаклланиш даврида яратилган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари, шунингдек, Абу Ҳайённинг “Китоби ал-идрок” ва муаллифи номаълум бўлган “Китоб ат - тухфатуз - закияти фил - луғатит туркия” асарлари, шунингдек, Алишер Навоий асарларини тушунишни назарда тутиб яратилган луғатлар назарий ва амалий методологик аҳамиятга эга бўлди. “Бадоеъ ал-луғат”, “Санглоҳ”, “Луғати атрокия”, “Мунтахаб ал-луғат”, “Абушқа” каби яна кўплаб луғатлар шулар жумласидандир.

5. Жаид вакилларининг луғатчилик борасидаги фаолияти рус-ўзбек, ўзбек-рус таржима луғатчилигининг илмий-назарий ва амалий жиҳатдан шаклланиши учун асос бўлди.

III БОБ. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ЛУҒАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

3.1-§. Абдулла Қодирий – луғатшунос

Ўзбек луғатчилиги тарихида XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари алоҳида ўрин тутди. Бу даврда халқлар ўртасидаги маънавий-маърифий муносабатларни акс эттирувчи икки ва уч тилли луғатларнинг яратилиши, бунда, айниқса, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча, шунингдек, ўзбек тилини бошқа Европа ва хорижий Шарқ тиллари билан қиёслаб ўрганишга мўлжалланган луғатларнинг юзага келганлиги анча эътиборли. Уларнинг энг муҳимлари сирасида Абдулла Қодирий ҳамда С.Раҳматийлар томонидан яратилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” (2-жилд, 34 минг сўз, Тошкент–Қозон, 1934) луғатининг таркиби, ундаги сўз танлаш принциплари, сўзларнинг маъновий, услубий, грамматик тавсифлари, луғат мақолаларининг тўлалиги жиҳатдан ўша даврда яратилган бошқа луғатлардан анча мукамаллиги билан ажралиб туради.

Ўзбек замонавий насрининг дарғаси, буюк адиб Абдулла Қодирий ўзининг кўп турли, жанрларга бой асарлари билан ўзбек адабиётида муносиб ўрин эгаллайди. Аниқ маълумотларга таянган ҳолда, айтиш мумкинки, унинг тилшунослик, нутқ маданияти, услубият, хусусан, лексикография билан ҳам жиддий шуғулланганлиги адиб ижодининг ўрганилмаган яна бир қиррасини намоён қилади. Албатта, Абдулла Қодирийнинг тилшуносликка, услубиятга оид қарашлари, тилнинг бой имкониятларидан фойдаланишдаги маҳорати, адабий тилни халқ тили билан яқинлаштириш борасидаги фикрлари, халқ тилига эътиборлилиги каби масалалар проф.И.Султонов, академик Ойбек, ёзувчи Примкул Қодиров, тилшунос Ёрмат Тожиев, журналист Ф.Насриддинов ва бошқаларнинг айрим ишларида ўз ифодасини топган¹⁵⁰. Шунга кўра, булар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки

¹⁵⁰ Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965; Ойбек. Адибнинг ижод йўли. – Тошкент, 1935; Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973; Ё.Тожиев. Тил жозибаси (Адабиёт, бадият, абадият) – Тошкент: Университет, 2004; Насриддинов Ф. Маҳорат жилolari. – Тошкент: Фан, 1974.

А.Қодирийнинг умуман тилшунослик фаолияти, шунингдек, тилдан фойдаланишдаги маҳорати каби масалалар, айниқса, П.Қодиров, Ё.Тожиев, З.Чориева каби олимларнинг алоҳида ишларида ҳам кенг илмий ёритилган.

Абдулла Қодирийнинг шогирдларидан Малик Раҳмон “Тўғрисўз устоз” деб номланган хотира мақоласида қуйидаги фикрларни айтади: “...Ўша даврда (1930-йиллар) ишларимизга Ўзбекистон фанлар комитетининг бошлиғи Отажон Ҳошимов катта ёрдам қилган эди. Комитетда тил-имло, атамалар, луғат тузувчилар бўлимлари ташкил этилган эди. Абдулла Қодирий, Санжар Сиддиқ ва Наби Алимухамедовлар луғатлар тузишда жуда катта хизмат қилдилар. Ўзбек тилининг беш томлик русча-ўзбекча луғати шулар иштирокида дунёга келган эди.

Абдулла Қодирийнинг атамалар соҳасидаги катта хизматларини эътиборга олиб, шу соҳага – терминкомга бош маслаҳатчи – консультант этиб тайинлашди”¹⁵¹.

Абдулла Қодирийнинг луғат тузишда иштирок этганлигини унинг “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1934 йил 11 августдаги 184-сонида эълон қилган “Луғат пудратчилиги ва қуруқ расмийат” номли мақоласида келтирган қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: “...Сўнгра Ўзнашр тазйиғи остида коллектив аъзолари билан келишиб тузилган шартнома асосида “П” ҳарфини ишлаб беришни сўраб (“П” ҳарфи билан бошланувчи барча сўзлар назарда тутиляпти – С.Н) менга мурожаат қилади. Мен қабул қиламан, бир қанча вақтлар ўтиб “П” ҳарфини тузиб чиқаман. Коллектив қабул қилиб олади... “П” ҳарфидан 497 сўздан бошқаси (“П”ни тахминан 11 000 сўз дейлик – А.Қ.) Абдулла Қодирий томонидан ишланган. Бунда Саидовнинг ҳеч қандай алоқа ва хизмати йўқ. Ўзнашр ҳисобни Абдулла Қодирий билан юргузсин, мазмунли қарор чиқариб нусхасини Ўзнашрга юборади. Ўзнашр коллективнинг қарор ва мурожаатига илтифот қилмайди. Биз формал равишда Абдулла Саидовни таниймиз, сиз билан ишимиз йўқ, судга берингиз, дейди. Иш, хизмат меники, Ўзнашр архивида сақланган асл

¹⁵¹ Малик Раҳмон. Тўғрисўз устоз. Қодирийни қумсаб. Ёднома. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 15.

кўлёзма меники, аммо бу меҳнат бараварига ҳақ олиш “виждонли” Саидовники!”¹⁵².

Абдулла Қодирийнинг луғатчилик билан анча жиддий шуғулланганлигини, бу борада анча тажрибага эга эканлигини унинг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг қуйидаги фикрларидан ҳам тўла англаш мумкин: “Ёдимда шу шийпон тагига ғишт терилаётганида Юдахин фамилияли бир рус киши дадамни сўраб келди ва рус бўлишига қарамай, у ҳамма устамардикорлар билан “ҳорма, бор бўл” қилиб ўзбек тилида сўрашиб чиқди. Юдахин шарқшунос, шу йилларда биринчи ўзбекча-русча луғат тузар ва шу муносабат билан Қодирийдан баъзи бир маслаҳатлар олгани бизникига келган экан... У портфелидан бир даста қоғоз чиқариб дадамга кўрсатган эди. Қоғозларда қатор қилиб араб алифбосида ўзбекча ва русча сўзлар ёзилган эди. ...Юдахиннинг 15 000 сўзлик бу луғати 1927 йилда босилиб чиқди”¹⁵³.

Юдахин каби йирик тилшунос, шевашуноснинг ўз вақтида Абдулла Қодирийдан сўзлар изоҳларини беришда маслаҳат олиши бежиз эмас, албатта. Бу ҳолат улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг луғат тузиш бўйича ҳам маълум тажрибага эга бўлганлигидан далолат беради.

Ўғиллари Ҳабибулла Қодирий ўзининг “Отам ҳақида” китобида, ҳақиқатан ҳам, Абдулла Қодирий “Русча-ўзбекча тўла сўзли луғат”ининг 11000 сўздан иборат “П” ҳарфини тузганлигини алоҳида қайд этади: “1933 йилнинг кеч кузаги эди, шекилли, дадам бир-икки ой ўтириб, “Русча-ўзбекча тўла сўзли луғат”нинг “П” ҳарфини туздилар. Ёдимда, у киши сандалда ўтириб, атрофларига ўнлаб рус, ўзбек, араб, турк луғатларини ёйиб қўйиб, алфавит бўйича китоблардан янги сўзлар излар ва топиб ёзгач, луғатлардан унга яна маъно қидирар эдилар... 34 минг сўздан иборат луғат 1934 йил ёзида лотин алифбосида босилиб чиқди”¹⁵⁴.

Абдулла Қодирий асарларининг тили бир қанча лингвистик тадқиқотларда ўрганиш манбаи бўлган. Бироқ бу тадқиқотларда у

¹⁵² Қодирий Абдулла. Диёри бакр. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Хондамир Қодирий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 390.

¹⁵³ Қодирий Ҳабибулла. Отам ҳақида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 121.

¹⁵⁴ Шу манба. – Б. 159.

хаммуаллифлик қилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”нинг лексикографик хусусияти ҳамда адибнинг луғатчилик фаолияти хусусида мукаммал маълумот келтирилмаган. Уларда адибнинг тилга муносабати, шунингдек, сўз, сўздан фойдаланиш, нутқ, нутқ тузишга муносабати, сўз танлаш, қўллаш маҳорати каби масалаларга кўп эътибор қаратилган. Биз бу ўринда улуғ адибнинг луғатчилик соҳасидаги фаолиятини ўзи яратган сўзликнинг лексикографик хусусиятлари мисолида таҳлил қилишни лозим топдик. Зеро, бу таҳлилларимиз Абдулла Қодирийдек буюк адиб ва сўз санъаткори ижодининг луғатшунос адиб сифатидаги яна бир очилмаган қиррасини кўрсатишга хизмат қилса, ажаб эмас.

Маълумки, луғат сўз ёки атама маъносининг ёритилишига кўра изоҳли ва изоҳсиз турга бўлинади. Сўз ёки терминнинг имлосини, тушунчанинг русча-ўзбекча ёки ўзбекча-русча номини бериш билан чекланган луғат изоҳсиз луғат деб аталса, шундай сўз ёки термин маъносига тушунтириш берадиган луғат изоҳли луғат деб аталиши маълум. Бу жиҳатдан улуғ адиб хаммуаллифлик қилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” (2-жилд, 34 минг сўз, Тошкент–Қозон, 1934) изоҳсиз луғат сирасига киради. Лекин, шунга қарамай, “П” ҳарфи бўйича адиб томонидан ишланган русча сўзларнинг ўзбекча таржимасида сўзнинг маъносини тўлароқ очиб бериш мақсадида турли лексикографик изоҳ усулидан фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Биз бундай ўзига хос изоҳ усуллари куйидагича таснифлашни лозим топдик:

1. Таржимада русча сўзларнинг ўзбек тилидаги халқона вариантларини келтириш. Абдулла Қодирий сўзликнинг “П” ҳарфини тузишдан олдин туркий луғатчилик, араб, форс-тожик луғатчилиги, усмонли турк тили луғатчилиги ва шунинг баробарида, рус луғатчилиги билан ҳам мукаммал танишиб чиққан. Аниқроқ қилиб айтганда, адиб луғатчиликнинг назарий ва амалий масалаларини чуқур ўзлаштирган ва пухта эгаллаган. Луғат ўша давр талаби нуқтаи назаридан “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” номи остида ишланган бўлса-да, русча сўзларнинг таржимасида адибнинг диққат марказида мумкин қадар соф туркийча, халқ тилидаги муқобилларини бериш биринчи ўринда

турганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан: *перемёрзлый* – *тўнгган*, *музлаб қолгон*,¹⁵⁵ *пересудчик-зайбатчи*, *сўзчин* (104); *петрушка* – *кашниси*, *қоғурсоқ* (123); *паненка* – *ойимқиз*, *бикач*, *қақажон* (13); *паг* – *дара*, *участка*, *кент* (1); *пельмени* – *чучвара*, *барак* (45); *панел* – *салматахта* (13); *пемза* – *ёнғиртош* (45); *простыня* – *чойшаб*, *рўжа* (453) каби. Таржималардаги *тўнгган*, *сўзчин*, *қоғурсоқ*, *бикач*, *қақажон*, *кент*, *барак*, *салматахта*, *ёнғиртош*, *рўжа* каби сўзларнинг келтирилиши муаллиф халқ тилининг ҳам нодир билимдони эканлигини кўрсатади. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, айрим русча сўзга ўзбекча муқобил беришда ўша сўзнинг адабий тилдаги варианты қаторида халқ шеваларидаги вариантлари ҳам келтирилган: *папа* – *ота*, *дода* (17); *папаша* – *дадажон*, *ада* (17); *патат* – *ширин картишка* (36); *перекумиться* – *қуда*, *қудагайлашмоқ*, *қудайимлашмоқ* (76); *поднос* – *баркаш*, *хон*, *лаъли* (200); *подушка* – *ёстиқ*, *болиш*, *такя* (218); *последование* – *эргашув*, *иярилги*, *тақлид қилиш* (301); *прошлогодний* – *бултурги*, *ўткан йилги*, *бурнаги йилги* (468); *пук*, *пучок* – *боғ*, *даста*, *боғлам*, *тутам*, *култа* (477). Мисоллардаги *дода*, *ада*, *картишка*, *қудагай*, *баркаш*, *лаъли*, *болиш*, *такя*, *иярилги*, *бурнаги йилги*, *култа* каби сўзлар – халқ шеваларининг нодир бойликлари. Муаллифнинг бундай йўл тутишига сабаб нима? – деган саволнинг туғилиши табиий. Ўзбек тили лексикаси, ҳатто XX аср бошларидаги ҳолатнинг ўзини олиб қараганда ҳам, таркиб жиҳатдан бир хил эмас. Унда ўша даврда айрим муаллифлар томонидан ишлатилган, лекин ҳали ўзбек адабий тилига кириб улгурмаган, шунингдек, шеваларга оид сўзлар ҳам анча. Абдулла Қодирий муаллиф сифатида кенг ўқувчилар оммасининг манфаатини ўйлаб, яъни таржимадаги русча сўзнинг ўзбек тилидаги барча учун тушунарли муқобилини келтиришни мақсад қилиб, имкон қадар сўзларнинг адабий тилдаги варианты билан бир қаторда халқ шеваларидаги вариантларини ҳам келтириб ўтади. Бу эса, биринчидан, ўша даврда жамиятдаги турли ижтимоий қатлам вакиллари орасида рус тилини кенг миқёсда тарғиб ва

¹⁵⁵ Қодирий А., Раҳматий С. Русча-ўзбекча тўла сўзлик 2-жилд, П-Я ҳарфлари. – Тошкент – Қозон: Ўздавнашр, 1934. – Б.81. Кейинги мисолларда қавс ичида луғат саҳифалари кўрсатилмоқда.

ташвиқ қилишнинг самарали усули бўлса, иккинчидан, улуг адибнинг ўзбек тилининг мавжуд сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш, “унут” сўзларни қайта тиклаш борасидаги ҳаракати ифодаси.

Адиб таржимада русча сўзнинг фақатгина адабий тилдаги шаклини келтириш билан чекланиши ҳам мумкин эди. Бироқ халқ яратган тилнинг жозибадорлиги, таъсирчанлиги, сеҳри ва бутун борлиғи жонли халқ тилида бутунича мужассам эканлигини чуқур англаган адиб жонли халқ тилидаги адабий тилдан фарқ қилувчи айрим сўз ва грамматик шаклларни ҳам келтирадики, бу, албатта, XX аср бошларида қайта ишланаётган янги ўзбек адабий тилининг лексик фондини бойитишга хизмат қилган. Мисолларга мурожаат қилайлик: *палех* – қишлоқ, *ёвон* (7); *пара* – эш, *жуфт* (19); *перевзнуздать* – қайтадан йуганламоқ, нўқталамоқ (57); *перезгрызание* – *гажилов*, *кемирув* (62); *пила* – *арра*, *ёрғи* (128); *планзихтер* – *галвир*, *ситқи* (140); *плата* – *тўлов*, *ҳақ*, *музд* (142); *плетушка* – *саватча*, *ғижик* (147); *повинность* – *мажбурият*, *бегор* (164); *подпруга* – *қайиш*, *айил*, *пуштан* (206); *перелой* – *сўзак*, *чўкмазак* (78); *повод* – *жилов*, *тизгин*, *тавла* (165); *полюсы* – *қутблар*: *тунёқ* (*шимол*), *кунёқ* (*жануб*) (261); *пористый* – *тешикли*, *галвирак* (291); *портянка* – *пайтава*, *чолгов*, *оёққа ўралатургон бўз* (295); *посох* – *таёқ*, *асо*, *ҳасса*, *суюл*, *гаврон* (303); *примечание* – *эслатма*, *эскартма* (374); *пролом* – *синиқ*, *мертик*, *шикаст* (432); *просватывать* – *нишонламоқ*, *қизни унашмоқ*, *одланмоқ* (445); *прихвостень* – *ялтоқ*, *қуйруқсилкар*, *лаганбардор* (397); *прыш* – *сизловуч*, *ҳуснбузар* (470); *прут* – *чивик*, *хипчин*, *ширпи* (469); *просяник* – *қора тариқ*, *қуноқ* (454).

Муаллифнинг юқоридаги русча сўзлар таржимасида *ёвон*, *эш*, *нўқталамоқ*, *гажилов*, *ёрғи*, *ситқи*, *музд*, *ғижик*, *бегор*, *пуштан*, *сўзак*, *чўкмазак*, *тавла*, *тунёқ*, *кунёқ*, *галвирак*, *чолгов*, *суюл*, *гаврон*, *эскартма*, *мертик*, *одланмоқ*, *қуйруқсилкар*, *сизловуч*, *ширпи*, *қуноқ* каби сўзларни келтириши ҳар бир сўзнинг халқ орасидаги, муайян ижтимоий табақа, катталар ва болалар нутқида қўлланишидаги маъно қирраларини ҳам кўрсата олганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, ўзбек тили туркий тиллар ичида энг кўп лаҳжали ва шевали тил бўлганлиги учун адабий тилнинг жуда кўп назарий ва амалий масалаларини ҳал этиш лаҳжа ва шева материалларини ўрганиш, таҳлил этиш масалалари билан алоқадор. Адибнинг луғатда жонли халқ тилидаги бундай сўзларга жиддий эътиборидан кўзлаган асосий мақсадидан бири сифатида ўша даврда унутилиб бораётган жонли халқ тили унсурларини тарихий ёдгорлик сифатида тўплаш ва асраш, уларни қайта “тирилтириб”, янги ўзбек адабий тилида қўлланиш доирасини кенгайтириш ва шу асосда адабий тилни жонли халқ тилига яқинлаштириш вазифаси бўлганлигини кўрсатиш мумкин. Чунки шеваларда тилимизнинг миллий хусусиятлари тўла ва айнан сақланиб қолганлиги табиий ҳол. Бу эса улуғ адибнинг миллий тилга, хусусан, халқ тилига бўлган чексиз муҳаббатининг ёрқин ифодаси. Бошқача айтганда, Абдулла Қодирий, биринчидан, халқ тилида унутилиб бораётган сўзларнинг шаклланиб бораётган янги ўзбек адабий тили доирасида сақланиб қолишини назарда тутган бўлса, иккинчидан, халқ тилида қўлланаётган, шевага хос сўзларни адабий тилга олиб кириш орқали уни бойитиш мумкинлигига эътиборни қаратган. Янги ўзбек адабий тилининг шаклланиш даврида ана шундай сўзларни расмий луғатда қайд этиш жуда катта аҳамият касб этар эди.

2. Синонимлар ёрдамида изоҳлаш. Сўз маъноларининг бундай изоҳланиши лексикографияда жуда кенг тарқалган усуллардан. Муаллиф луғатда русча сўзларнинг таржимасини берар экан, баъзи лексемаларнинг маънодош шакллари хам келтириб ўтган: *памятовать* – эсламак, ёдламак, хотирламак, эска тушурмак (11); *парша* – кал, тоз, ягир (32); *пассажир* – йўлчи, йўловчи, сафарчи (34); *патера* – идиш, жом, қадаҳ (36); *пеняние* – ўпкалаш, аразлаш, киналаш (48); *перебаловать* – жуда ҳам эркалаб юбормоқ, талтайтирмоқ (52); *перебалтывать* – ортиқча эзмалик қилмоқ, вайсамоқ (52); *перевозчик* – ташувчи, юкчи, киракаш (58); *перегреть* – қайтадан қиздирмоқ, жипитмоқ (62); *перегулять* – саёқлик қилмоқ, саёқ юрмак, дайдиماк (63) ва ҳоказо.

Луғатда келтирилган синонимлар бир-биридан маъносининг турлитуманлиги билан фарқланади. Чунки муаллиф уларнинг диалектал, тарихий, архаик вариантыдан ҳам фойдаланган. Юқорида келтирилган синонимик қаторлардаги *тоз, ягир, жом, қадах, киналаш* каби сўзлар ҳозирги адабий тилимизга нисбатан эскирган луғавий қатламга мансуб лексемалар бўлса, *талтайтирмоқ, вайсамоқ, юкчи, жилитмоқ, дайдиماك* каби сўзлар нутқнинг у ёки бу турига хосланганлиги билан фарқланувчи синонимик лексик бирликлардир.

Луғатда баъзи ҳолларда ифода семалари даражаланган синонимик қаторлар ҳам келтирилган: *первостепенный* – *кекракли, биринчи даражали, энг муҳим* (51); *перебраниваться* – *дейишмоқ, сўкишмоқ, жанжаллашмоқ* (54); *переваренный* – *пишган, пишиб кетган, ўта пишган* (54); *переветник* – *чақимчи, фитначи, хиёнатчи* (56); *переговор* – *сўз, гап, музокара* (61); *перекалывает* – *игналамак, санчмак, найзаламак, тешмак* (70). Бу мисолларда предмет ёки тушунча, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолат лексемалари ифодалаган маъноларнинг градуономик белгиларини кузатиш мумкин.

Луғатда сўзлар таржимаси синонимлар ёрдамида берилар экан, айрим ўринларда тил бирлиги сифатида синоним бўлмаган лексемаларнинг маълум контекст доирасида (яъни, нутқ ичида) бир синонимик қаторда муносабатга кириштирилганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз: *промах* – *хато, янглиш, чатоқ* (432); *пропитание* – *едириш, озиқ-овқат, нафақа* (440); *пространство* – *бўшлиқ, кенглик, оралиқ, макон* (452). Мисоллардаги *чатоқ, нафақа, макон* лексемалари синонимик қатордаги сўзларга контекст доирасидагина ўзаро синоним ҳисобланиб, контекстдан ташқарида уларнинг маънолари ўзаро тенг эмас. Муаллиф русча сўзнинг ўзбек тилидаги муқобилига хос нутқий маънони кенгроқ очиб бериш мақсадида бу сўзларни бир синонимик қаторда уюштирган, функционал синонимларга эътибор қаратган.

Синонимик қатордаги лексемаларнинг генеологик табиатини кузатар эканмиз, таржимадаги бир синонимик қаторда соф туркий сўзлар қаторида айрим ўзлашма сўзлар ҳам келтирилганлигига гувоҳ бўламиз: *панголин* –

калтакесак, калтакалос (12); повинность – мажбурият, бегор (164); погрешение – гуноҳ, хато, саҳв (173); подовик – ўчоқ гишти, киртичи (201); находка – юриш, рафтан (318); посланник – элчи, вакил, сафир (301). Мисоллардаги калтакалос, бегор, рафтан, сафир, саҳв каби сўзлар арабча, форс-тожикча ҳамда русча ўзлашмалар. Бундан кўринадики, ўша даврда бу лексемалар туркийча сўзлар қаторида параллел равишда истеъмолда бўлган.

Луғатда бир сўзнинг икки, уч, тўрт, баъзан бештагача синоними келтирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу, ўз навбатида, луғатнинг сўз бойлигини оширган.

3. Сўз маъноларини зидлаш асосида изоҳлаш. Луғатда русча сўзлар таржимасида сўзнинг маъносини кенгроқ ва аниқроқ очиш, ўқувчига қисқа ва лўнда тушунтириш мақсадида икки ўринда сўз маъноларини зидлаш орқали изоҳланган ҳолат учрайди: *положительный* – *мусбат, манфийнинг акси* (255); *проза* – *наср, ўлчаксиз сўз, назмнинг тескариси* (421). Бу усул ўқувчига сўзнинг денотатив маъноси ҳақида тўлароқ маълумот беришда ўзига хос қўшимча восита бўлиб хизмат қилган.

4. Иборалар ёрдамида изоҳлаш. Маълумки, фразема (ибора)ларнинг семантик таркибида фразеологик маънодан ташқари, услубий бўёқ ҳам мавжуд. Ундаги салбий ёки ижобий баҳо семалари, одатда, фраземаларнинг мазмун планида бўртиб туради, бу омил иборалардан нутқий таъсирчанликни таъминловчи услубий восита сифатида фойдаланиш имконини беради. Бизнинг кузатишларимиз Абдулла Қодирий ҳам таржимадаги сўзлар изоҳини беришда бу имкониятдан унумли фойдаланганлигини кўрсатди: *навлиниться* – *кеккаймоқ, “катталиқ қилмоқ”* (1); *перекоробить* – *эгмак, синдирмоқ, “кўнглини оғритмоқ”* (74); *перекрошивать* – *увоқламоқ, уваламоқ, майда-майда қилмоқ, “тит-пит қилмоқ”* (75); *перемогание* – *устун келув, баланд келув, “қўл узун бўлув”* (83); *пленять* – *асир қилмоқ, мафтун этмак, “кўнглини олмоқ”* (145); *повеселиться* – *хурсандлиқ қилмоқ, “кўнгил очмоқ”* (162); *податливость* – *“қўли бўшлиқ”, “қўли очиқлиқ”* (176); *подкапываться* – *душманлик қилмоқ, “тирноқ тагидан айб излаш”* (190); *полоумие* –

эсипастлик, “бир қайнови ичидалик” (226); последыи – кенжа, сўнгги бола, “тўрва қоқди” (316); пофанфаронить – мақтанмоқ, “аравани қуруқ олиб қочиш” (316); прислушивать – тингламоқ, “қулоқ осмоқ” (388).

Юқорида келтирилган мисоллардаги катталик қилмоқ, кўнглини оғритмоқ, тит-пит қилмоқ, қўл узун бўлув, кўнглини олмоқ, кўнгил очмоқ, қўли бўшлик, қўли очиқлик, тирноқ тагидан айб излаш, бир қайнови ичидалик, тўрва қоқди, аравани қуруқ олиб қочиш, қулоқ осмоқ каби бирликлар халқ тилида кенг истеъмолда бўлиб келган иборалар. Муаллиф таржимадаги сўзнинг лексик маъносини аниқ ва тўлиқроқ кўрсатиш ва нутқий хосланишдаги кўринишларидан ўқувчини хабардор қилиш мақсадида услубий бўёқдорликка эга бўлган кўчма маъноли турғун конструкция, яъни фраземаларни лексемага синоним сифатида келтирган.

Айниқса, ушбу фразеологик бирликларнинг оддий халқ нутқининг луғавий меъёри экани луғат тилини халқ тилига яқинлаштирган, барча учун тушунарлилигини таъминлаган. Бундан ташқари, фраземалар Абдулла Қодирийнинг халқ тили луғавий бойликларини яхши билгани, улардан луғат яратишда ўринли фойдалана олганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, таржимон рус тилидаги сўзнинг турли маъно қирраларига эга эканлиги, кўп маънолилиги каби жиҳатлари ҳам борлигига ишора қилади.

4. Кўчма маъноли сўзлар ёрдамида изоҳлаш. Абдулла Қодирий луғатда русча сўзлар таржимасини изоҳлашда кўчма маъноли умумистеъмол сўзларни, мумтоз адабиёт тилида фаол ишлатилган анъанавий поэтик сўзларни маҳорат билан қўллаган ва ўзига хос изоҳлаш усулидан фойдаланган: *пение – ашула, қўшиқ, ашула қилув, сайров (46); пеня – ўпка, гина (48); перебиваться – зўрға кун кўрмак, қийинчилик билан тирикчилик қилмоқ (53); переглядка – қарашув, кўзлашув (60); пережигание – куйдирув, ёндирув, ўртов (67); перечёркиваться – чизилмоқ, қораламоқ, қалам тортмоқ (111); пикаро – ярамас, маккор, тулки (127); пиша – овқат, ош, томоқ, озиқ (138); пламя – ўт, олов, аланга, ёлқин (140); поречье – дарё*

қирғоғи, анҳор лаби (291); просвещат – ёрутмоқ, жаҳолатдан қутқармоқ, маориф бермак (446).

Мисоллардаги сайров, ўпка, киндик қони тўкилган ер, зўрға кун кўрмоқ, кўзлашув, ўртов, қораламоқ, қалам тортмоқ, тулки, томоқ, ёлқин, анҳор лаби, ёрутмоқ каби сўз ва сўз бирикмаларининг маънолари турли усулда юзага келган ҳосила маънолар. Муаллиф русча сўзларнинг ўзбекча муқобилини ўз маъносидаги лексемалар каторида кўчма маънодаги сўзлар ёрдамида ҳам изоҳлаши ўқувчини ўзбек тилидаги сўзларнинг сўзлашув нутқи, поэтик нутқ талабларидан келиб чиққан ҳолда юзага келадиган хилма-хил кўчма, мажозий маъноларидан ҳам хабардор қилишни мақсад қилган бўлса, ажаб эмас. Чунки луғатларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам жамиятда маданий-маърифий вазифани бажариш, уларда муайян воқеа-ҳодиса ҳақида ўқувчига маълумот бериш, уни ўз она тилидаги ва ўзга тиллардаги сўзлар, уларнинг турли маъно ўзгаришлари билан таништириш, тилнинг луғат таркибини такомиллаштириш, меъёрлаштириш ва тартибга солиш каби вазифалар асосий ўринда туради. Мазкур луғат ҳам бу мақсад талабларидан мустасно эмас, албатта.

5. Лексикографик ишоралар ҳамда белгилар ёрдамида изоҳлаш. Сўзнинг маъноси ва тузилишини очишда лексикографик белгилар ва ишоралардан фойдаланилади. Бу усул лексикографияда кам қўлланадиган усул, ундан фойдаланиш кўпроқ луғат тузувчининг маҳоратига боғлиқ. “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”да Абдулла Қодирийнинг бу усулдан ҳам самарали фойдаланганлигини кузатишимиз мумкин. Бу усул, асосан, қуйидаги ҳолатларда кўринди:

а) вариантдош сўзлар изоҳланаётганда “қаранг (қ.)” сўзи қисқартма ҳолида ишлатилган: *перелить* – қ. *переливать* (78), *подопреть* – қ. *подопревать* (202), *последок* – қ. *последки* (302);

б) фан ва техникага оид илмий терминлар таржимаси берилганда қавс ичида фаннинг номи қисқартма тарзида ифода этилган: *переложная* – *система*, *дам бериш усули* (агр.), *перепончатоланый* – *парда оёқли* (зоол.)

(91), *подмышка* – *қўлтиқ* (*анат.*) (199). Айниқса, омоним сўзларнинг маъноларини очишда бу усул жўда қўл келган: *переложение* – *жойини ўзгартирув* (*мат.*) // *басталов* (*мус.*), *переливание* – *идишдан- идишка қўйув* // *қон ўтказув* (*мед.*) (78). Шунини таъкидлаш керакки, бу тарзда аниқлик киритиш орқали изоҳлаш авваллари кузатилган эмас. Ўзбек луғатчилиги тизимига давр нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда бу усулни Абдулла Қодирий олиб кирди, дейиш мумкин.

в) луғатда турли ижтимоий соҳага оид сўзлар, терминларнинг таржимаси берилар экан, таржимани асосли, тўлақонли акс эттириш мақсадида айрим ўринларда қўшимча изоҳ сифатида математик формулалар, белги-ишоралардан ҳам унумли фойдаланилган. Бу, ўз навбатида, ўқувчининг таржимадаги сўзнинг маъносини осон ва тез тушунишини таъминлаган: *пара* – *пул*, *турк майда ақчаси* – $1/5$ *тийинга барабар* (19); *параган* – *маҳак тоши*, *италия қора мрамари*, *бир хил йирик матбаа ҳарфи* (18-20 пункт) (20); *параграф* – *хона*, $\S$ – *белгиси* (20); *пасьма* – *басма* – *ҳар бириси бир метр узунликдаги 100 та ипдан иборат калава (10 ливит ип)* (35); *полтара* – *бир ярим*, $1\frac{1}{2}$ (257).

6. Таржимада русча сўзларни паралел келтириш орқали изоҳлаш. Луғат ўз номи билан “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” номи остида нашр этилган бўлса-да, баъзи русча сўзлар ўзбекча таржимаси билан бир қаторда русча сўзнинг айнан такрори ёки ўзбекча сўз билан аралаш ҳолда қўлланиши орқали изоҳланган ўринлар ҳам учрайди: *печатник* – *чопчи*, *матбаачи*, *печатник* (124); *попутчик* – *йўлдош*, *сафардош*, *попутчик* (284); *портсигар* – *попирос қутиси*, *портсигар* (295); *приказчик* – *магазин хизматчиси*, *приказчик* (364); *полуоборот* – *ярим айланма*, *ярим оборот* (258); *полупроцентный* – *ярим фоизли*, *ярим процентли* (259); *поужинать* – *кечлик емак*, *ужин қилмоқ* (316); *потанцовать* – *танс қилмоқ*, *бир оз ўйинга тушмоқ* (310).

XIX аср охири – XX аср бошларидаги ўзбек адабий тили ўзига хос меъёрий мураккабликлари билан кўзга ташланади. Фикр юритилаётган даврдаги ўзбек миллий адабий тилига усмонли турк, татар, озарбайжон

тиллари қаторида рус тилининг ҳам сезиларли таъсири кузатилади. Юқоридаги ҳолат исботлайдики, бу даврдаги турли нутқ услубларида ўзбекча сўзлар қаторида уларнинг русча муқобиллари ҳам оғзаки нутқда паралел қўлланган. Бунга ўша даврдаги мафкуранинг таъсири биринчи сабаб бўлса, жамиятдаги турли ижтимоий табақа вакиллари орасида сўзнинг ўзбекча муқобилига нисбатан русча вариантынинг осон тушунилишини ушбу ҳолатнинг иккинчи сабаби сифатида баҳолаш мумкин. Бу ўринда А.Қодирий у ёки бу сўзнинг (рус тилидаги сўзнинг) ўзбек тилига ўзлашаётганлик даражасига ишора қилган. Яъни ана шу русча сўзлар оғзаки нутқда ўрин эгаллай бошлаганини кўрсатган, лекин у адабий нутқда бўлмаган.

7. Окказионал ясалмалар орқали изоҳлаш. Бизнинг кузатишларимиз луғатдаги русча сўзлар таржимасида Абдулла Қодирий томонидан яратилган бир қатор характерли окказионал сўзлар мавжудлигини ва муаллиф таржимадаги сўзлар изоҳини беришда бундай сўзлардан ҳам самарали фойдаланганлигини кўрсатди.

Маълумки, окказионал ясалмалар лексеманинг тилдаги кўриниши ва маъносига хос бўлмаган, айрим шахснинг (муаллифнинг) нутқий вазиятдан келиб чиқиб, сўзни янгича шаклда қўллаши ва шу лексема мазмунига янгича “тус” бериши натижасида юзага келтирилган сўзшакли ва унинг сунъий маъносидир¹⁵⁶. Муаллиф айрим русча сўзлар таржимасида бундай ясалмаларни кўплаб қўллаган: *паломничество* – *зиёратчилик*, *ҳажчилик* (8); *памятливость* – *ёдлилик*, *эсда тутувчанлик* (10); *переговорать* – *йилламоқ*, *йил кечирмак* (61); *пережитие* – *узоқ яшов*, *яшамоллик* (68); *подённый* – *кунликчи*, *мардикор* (187); *подставка* – *харрак*, *кўтарги*, *таглик* (212); *покров* – *қопқоқ*, *ёпқи*, *ўрама* (242); *припрва* – *доривор таъмлагич* (383). Келтирилган мисоллардаги *ҳажчилик*, *ёдлилик*, *йилламоқ*, *яшамоллик*, *кунликчи*, *кўтарги*, *ёпқи*, *таъмлагич* каби лексемаларнинг мавжуд луғатларда учрамаслиги муаллифнинг ижодий маҳсули эканлигидан, уларнинг окказионал ясалма эканлигидан далолат беради. Демак, адиб луғат тузишда фақатгина тилда

¹⁵⁶ Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. – Тошкент: ТДПУ, 2004. – Б. 17.

аввалдан мавжуд сўзлардангина фойдаланмаган, балки баъзи ҳолларда айтмоқчи бўлган фикрни, яъни таржимадаги сўз ифодалаган тушунчани аниқроқ, таъсирчанроқ ифодалаш мақсадида шунга мос сўзларни топишга, лозим ўринларда уларни ўзи яшашга, оригинал тарзда қўллашга интилган. Бу ҳол Абдулла Қодирийнинг сўзшунос сифатидаги маҳоратидан, тил бойлигига ижодий ёндашганлигидан далолат беради.

Луғатдаги яна айрим оригинал қўлланишларга эътиборни қаратайлик: *накостник* – *ифлосчи, бузуқи* (4); *портъе* – *дарвозабон, қопқачи* (295); *перевёрка* – *йўқлама, борлама* (55); *подлежащее* – *эга, мубтада* (194) *пунктуация* – *нуқатлаш* (478). Ўзбек тилида *-чи* аффикси ёрдамида шахс оти ясалиш модели мавжуд, бироқ мисолардаги белги-хусусият семасига эга бўлган “*ифлос*” лексемасига, нарс-предмет маъносини ифодаловчи “*қопқа*” сўзига *-чи* аффиксини қўшиш билан янги лексик маъноли ясалмани юзага келтириш ҳолати кузатилмайди. Худди шунингдек, тилимизда асоси модал сўз ҳисобланган “*йўқлама*” сўзи мавжуд, лекин луғатда унга синоним сифатида келтирилган “*борлама*” сўзи эса мавжуд эмас. Лингвистик термин ҳисобланган “*эга*”, “*пунктуация*” сўзларига синоним сифатида тенглаштирилган “*мубтада*”, “*нуқатлаш*” сўзлари ҳам муаллифнинг ижодий маҳсулидир. Гарчи, бу терминлар кейинчалик ўзбек тили учун норма сифатида қабул қилинган бўлмаса-да, уларнинг яратилиши Абдулла Қодирийнинг XX асрнинг бошларида ўзбек тилини илмий адабий тил даражасига юксалтиришни мақсад қилган Фитрат, Элбек, Ашурали Зоҳирий, Мунавварқори, Миён Бузрук каби маърифатпарварлар қаторида арабча, русча илмий истилоҳлар ўрнига ўзбек тилида илмий терминлар яратиш мумкинлигини ўз фаолиятида исботлаганлигининг амалий тасдиғидир.

Абдулла Қодирий луғат тузишда, энг аввало, она тили – ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилган. Русча сўзлар таржимасида учрайдиган ўзбекча сўзлар кўпроқ халқ ҳаёти, кишиларнинг кундалик турмушида учрайдиган тушунча ва тасаввурларни ифода этади ва улар умумхалқ учун тушунарли. Бу ҳол луғат тилининг жамиятдаги турли

ижтимоий қатлам вакиллари қаторида оддий халқ учун ҳам тушунарли бўлишини таъминлаган.

Абдулла Қодирий ҳаммуаллифлик қилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” даги изоҳ усуллари таҳлил қилиш луғат XX аср бошларидаги ўзбек луғатчилигининг етакчи хусусиятини ўзида ифодаллаганини кўрсатди. Бу хусусиятдан энг муҳими – луғат тилини соддалаштириш, халқчил, халққа яқин қилишга интилиш. Ушбу ишга Абдулла Қодирий “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” даги русча сўзлар таржимасини халққа тушунарли қилиб ифодалаш орқали муносиб ҳисса қўшган.

Профессор Низомиддин Маҳмудов ўзбек луғатчилигининг тарихи, луғат яратиш тамойиллари ва луғатчиликнинг мустақилликкача бўлган даврдаги тадрижий тақомилига муносабат билдирар экан, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди: “Ўтган асрда ҳам жуда кўплаб турли хилдаги луғатлар яратилди. Бу луғатларда сўзларнинг содда ва сифатли лексикографик тавсифига эришилганлигига қарамасдан, мустақиллик арафаларида ва мустақилликнинг илк йилларида бундай луғатлар анчайин эътирозга сабаб бўлди, жиддий танқид остига олинди. Бунда луғатларда “русча-байналмилал” сўзларнинг беҳад кўплиги, унда ўзбек тили бойлигининг етарли даражада акс этмаганлигига асосий эътибор қаратилди. Чиндан ҳам, бу эътирозда ҳақиқат бор эди. Миллий менталитетимиз ва минг йиллик маданиятимизу маънавиятимизнинг мағзи-моҳиятини тайин этадиган жуда кўп тушунчаларни ифодалайдиган, масалан, *ажр*, *азиз-авлиё*, *ворисийлик*, *маънавият*, *миллатпарвар*, *қадрият* каби бир қанча сўзларга мазкур луғатларда жой топилмаган эди...”¹⁵⁷.

Абдулла Қодирий яратган луғатнинг лексикографик қимматини, унда берилган сўзликнинг мазмун-моҳиятини юқоридаги фикр нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, улуғ адиб яратган луғатнинг яна бир эътиборли томони кўзга ташланади. Гарчи, мураккаб ижтимоий-тарихий шароит, мафкуравий тазйиқ ҳукмронлиги остида ижод қилганига қарамай, муаллифнинг луғатда

¹⁵⁷ Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2012. – Б. 27.

айрим сўзларга берган изоҳида миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллий қадрият, миллий маънавият, миллий ўзликни англаш, жаҳолат исканжасидан қутулиш масалаларига алоҳида урғу берганлиги сезилиб туради. Масалан: *пепелище – ватан, тугилган ер, киндик қони тўкилган ер (48)*; *простонародье – эл, халқ, миллат, жамоат, авом (451)*; *просторечие – халқ тили, эл тили, миллат тили, авом шеваси (451)*; *просвещат – ёрутмоқ, жаҳолатдан қутқармоқ, маориф бермак (446)*; *психизм, психика – руҳият, кишининг ички ҳолати, одамнинг маънавий тарафи (473)*. Мисолларда келтирилган киндик қони тўкилган ер, халқ тили, эл тили, миллат тили, авом шеваси, жаҳолатдан қутқармоқ, маориф бермак, одамнинг маънавий тарафи каби истилоҳлар улуғ адибнинг қалтис бир замонда кўрсатган маънавий жасорати намунасидир.

Юқорида кўриб ўтган таҳлилларимиз асосида луғатга умумий тавсиф берадиган бўлсак, луғатга ўша давр умумистеъмолдаги сўзлар билан бир қаторда қўлланиши чегараланган сўзлар ҳам киритилган. Бунинг учун илмий асосланган аниқ тамойиллар белгилаб олинган ва шунга суянган ҳолда иш тутилган. Масалан, баъзи терминлар *паротит – қулоқ ёни безларининг ишишуви (медицина)*, *перга-гулчанг (ботаника)*, *переключатель-айирғич (физика)*, *плектрон-таёқча (мусиқа)* каби; айрим касб-хунарга оид сўзларнинг (*арра, ранда, искана, чарх, эгов* каби), сўзлашув нутқиға хос бир қатор сўзларнинг (*пасти – пода, пельмени – чучвара, барак, первобытность – энг бурунги, падежеан – дов одим, парастрескаться – ёрилмоқ, чатнамоқ, папаха – папақ, телпак* каби) киритилиши луғатнинг лексик фондини бойитган. Тарихий ва эскирган сўзларнинг муайян қисми ҳам русча сўзнинг ўзбекча муқобили сифатида берилган. Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг ўзи томонидан яратилган кўпгина янги ясалмалар тилимиз сўз хазинасини маълум даражада бойитишга хизмат қилган.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий тилни, унинг катта-кичик ҳар бир унсурини бениҳоя теран идрок қилган, ҳар бир унсурнинг табиати, зоҳирий ва ботиний ифода имкониятини аниқ тасаввур этган ва бу имкониятлар

хазиначини ўз асарларига сингдирган адиб. Шунинг учун бўлса керак, Қодирий асарлари нафақат миллий адабиётимизнинг, балки миллий тилимизнинг ҳам ўзига хос нодир бойликларини ўзида мужассам этган, ўзбек халқини маънавий юксаклик сари етаклайдиган нодир хазина сифатида халқимизнинг ардоғида бўлиб келмоқда.

ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари томонидан яратилган янги 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг сўзбоши қисмида XX асрнинг бошларида яратилган Е.Поливановнинг “Қисқача русча-ўзбекча луғат”и (Тошкент–Москва, 1926), Ашурали Зоҳирийнинг 2 жилдли “Русча-ўзбекча мукаммал луғат”и (Тошкент, 1927), К.Юдахиннинг “Қисқача ўзбекча-русча луғат”и (Тошкент, 1927) ҳамда У.Аҳмаджонов ва Б.Илёзовларнинг “Ўзбекча-русча луғат”лари (Тошкент, 1931) каторида Абдулла Қодирий ва С.Раҳматийларлар томонидан яратилган мазкур “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” (Тошкент – Қозон, 1934) нинг XX аср бошлари ва ундан кейинги давр ўзбек луғатчилигининг тадрижий тараққиётидаги мавқеи, ўрни ва аҳамияти хусусида билдирилган қуйидаги фикрлар ҳам асосли: “Икки тилли луғатлар, хусусан, “ўзбекча-русча луғат” устида олиб борилган барча ишлар, маълум маънода, изоҳли луғатни яратиш учун тайёргарлик бўлди, унга замин ҳозирлади. Бу ишлар давомида ўзбек тилининг изоҳли луғати ва ўзбекча-русча луғатларнинг тузилиши учун умумий бўлган кўпгина масалалар, жумладан, луғатда бош сўзларнинг шакли, сўз танлаш принциплари, сўзларнинг маъновий, услубий ва грамматик тавсифлари, лексикографик белгилар тизими ва бошқа масалалар амалий равишда ҳал этилди”¹⁵⁸.

Ҳақиқатан ҳам, юқорида номлари келтирилган луғатлар икки тилли таржима луғатлари бўлибгина қолмай, уларда лексикографиянинг этимологик, синонимик, омонимик, антонимик, морфемик, фразеологик луғатлар яратиш тамойилларининг акс этганлиги, қолаверса, уларда XX аср

¹⁵⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 7.

бошларидаги ўзбек лексикографиясининг тажрибалари умумлаштирилганлиги ҳамда ҳозирги замон ўзбек тилининг лексик-семантик тизими ва XX асрда шаклланган меъёрлари илк бор кенг тавсия этилганлиги, бу ишларнинг самараси ўзбек тилининг биринчи изоҳли луғатини тузиш учун асос бўлганлигини ҳақли равишда эътироф этиш лозим.

Айтиш мумкинки, булар қаторида, улуғ адибнинг мазкур луғати ҳам XX аср бошларидаги ўзбек тилшунослиги, хусусан, ўзбек луғатчилигидаги ўзига хос бир тараққиёт босқичини тайин этадиган, тилимизнинг ўша даврдаги лексик фондини ўзида мужассам қилган, луғатчилик тамойиллари тақомилини бир поғона юқорига кўтарган лингвистик манба бўлиб, кейинги давр луғатчилигининг тараққиётини таъминлашда муҳим ва ўзига хос алоҳида ҳиссадир.

Абдулла Қодирийнинг сўз, унинг маъноси, изоҳланиши, ёзилиши ҳақидаги фикрлари, бу масалалар бўйича қарашлари адибнинг тўғри ёзиш, сўз маъноларини тўла англаган ҳолда қўллаш масалаларига ҳам жиддий эътибор берганлигини кўрсатади. Бу ўринда адибнинг Ғози Юнус билан бўлган қуйидаги мулоқотини келтирмоқчимиз: “ – Ҳақиқатдан қочиб, тилга янги қоидалар тузиш разолатдир, ўртоқ!” (Ғози Юнусга нисбатан айтилган фикр – С.Н.); “Мен “сўзда иқтисодсизлик”, деб “Муштум”нинг ниҳоятда серсўз ва каммаъно эканини мурод тутган эдим. Мулла Ғози бўлса “иқтисодсизлик” замирида тилимизнинг ишланмаганини, услубсизликни ва тағин алланима балоларни кўрсата келиб: “Бу кун имлочиларнинг ҳар бири бир бошқа имло билан ёзғанда бир жумла сўзни ўн киши ўн хил тузадир”, деб ўзини кулгили бир ҳолга қўядир. Сизга муаллимлик қилмайман-ку, бироқ айтиб ўтаман: бир жумла сўзни, албатта, ўн киши ўн хил тузадир (бу ўринда бир фикрни ўн киши ўн хил шаклда ифодалаши мумкинлиги ҳақида, деб тушуниш керак – С.Н.). Сиз буни бир хил ёзмайди, деб айтмангки, уят. Агар қабул қилсангиз, бир маънони англатқан бир жумлани ўн киши тарафидан ўн турлик ёзилиши сиз айткан имлонинг тузалишига ҳеч бир вақт қарамайдурған табиий бир қонундир. Имло тузалгач, кишилар бир туз, бир

сурат ва бир бўйда туғиладирлар, деб қараш айниқса сизга – Ғози Юнусга ярашмайдир...”¹⁵⁹.

Айтиш керакки, албатта, бу ўринда икки адиб нутқларида туб моҳиятни тушунишда ёндашиш бошқача бўлган. Яъни Ғози Юнус сўзларнинг тўғри ёзилиши бўйича имло қоидаларидаги ҳар хиллик ҳақида ҳамда тўғри ёзиш бўйича имло қоидалари пишиқ ишланмаган тақдирда, сўзни турли хил ёзиш ҳолати юз бериши хусусида фикр юритган бўлса, Абдулла Қодирий ҳар бир ижодкорнинг бир фикрни турли хил ифодалаши, жумлаларни ҳар хил тузиши мумкинлиги, яъни услубият ҳақида фикр юритиб, Ғози Юнусни ана шу ҳолатнинг фарқига бормаганликда айблаяпти. Бу оддий англашилмовчилик бўлган. Бу ўринда ўз тушунишларича, Ғози Юнус ҳам, Абдулла Қодирий ҳам ҳақ. Улар масалага икки томондан ёндашмоқдалар, холос. Шунингдек, *“фалагимизга тушкан шунғиялар”* ёки *“палагимиздан шунғия чиқди”*, *“палагимизни шунғия босди”* бирикмаларининг ёзилиши ҳақида гап борганда ҳам, ҳар икки адиб ёндашувида ҳар хиллик кузатилади. Бунда Ғози Олим *“палак”* сўзининг *“фалак”* тарзида ёзилишига эътиборни қаратса, Абдулла Қодирий *“шунғия чиқди”*, *“шунғия тушди”*, *“шунғия босди”* бирикмаларидаги *“чиқди, тушди, босди”* сўзларининг қўлланиш ҳолатига эътибор берадики, бу ҳам англашмовчилик оқибати. Шунга қарамай, гапда тўғри жумла тузиш, сўз маъноларини фарқлаб қўллаш ҳақида бораётганлигининг ўзи биз учун қимматли. Чунки бу нарса Абдулла Қодирийнинг ҳар бир сўз, унинг маъноси, қўлланишига эътибор берганлигини тасдиқловчи далиллар.

Абдулла Қодирийнинг имло, сўз, сўз қўллаш, унинг маъноларига эътибор бериш борасида қайд этган фикрлари унинг *“Москов хатлари”* номли асарида ҳам ўз ифодасини топган: *“...Энди бу уч газетамиз имлоси устида дарозлик (қўли узунлик) қилайлик. ...Сурнайчилардан биттаси машқ қилиб турган экан, шул вақт савили (орқадагилар) ҳам қўшилишиб*

¹⁵⁹ Қодирий Ҳабибулла. Отам ҳақида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 252.

юборибдир. Бу бемаза машқдан аччиғланган сурнайчи сурнайини қўлига олиб: – Ё сан чал ва ё ман чалай! – деган. Шунга ўхшаш бизнинг имлоларимизнинг “Униси қолсин-у ва ё буниси!”. Шу чоққача бу тўғрида сўз айтгучи бирорта бемаза мардикор йўқлиғи ажойиб бир ҳодисадир. Ҳозирги газеталарингиздан олган таассуротим шугина, бошқа гаплар бошқа вақтга”¹⁶⁰.

Бу ерда гап “Фарғона”, “Зарафшон”, “Коммунист” газеталаридаги хато жумлалар хусусида борган.

Абдулла Қодирий “Коммунист” газетасида “*лойиҳанинг оғурлаштирилганлигини сўзладилар*” гапидаги “*оғур*” сўзини “*оғир*” тарзида, “*мўпирнинг хитобаси*” бирикмасидаги “*мўпир*” сўзининг “*мопр*” тарзида, “*хитобаси*” сўзини “*хитобномаси*” шаклида ёзилмаганлигини, шунингдек, “*чегирини*” сўзи ўрнида “*гузаит*” сўзи ноўрин қўлланганлигини жиддий танқид остига олиб, имлога бўлган ўз муносабатини баён қилган.

Хуллас, Абдулла Қодирий ўз ижодий фаолиятида луғат яратишнинг муҳимлигига, тил билиш, сўзларнинг маънолари, уларнинг қўлланиши, ёзилиши, имлоси борасидаги муаммоларга алоҳида тўхталмаган бўлса-да, ўрни билан энг зарур фикрларни айтиб, муаммоларга ўз муносабатини билдириб ўтган. Ўз ижодий фаолиятида амалда луғатчилик билан шуғулланган, яъни луғат тузишда иштирок этган. Халқ тилида, шеваларда мавжуд бўлган сўзларни йиғиш, тўплаш борасида жиддий қайғурган. Халқ тили билан адабий тилни яқинлаштириш, уни умумхалқ тилидаги birlikлар билан бойитиш кераклигини тўғри англаган ва таъкидлаган, ўз навбатида, тарғиб қилган. Шу йўл билан ўзбек адабий тилининг ривожини учун ҳам ўз ҳиссасини қўшган, ўзининг луғат тузиш тажрибасини бошқалар учун намуна қилиб қолдирган.

¹⁶⁰ Юқоридаги манба. – Б. 258.

3.2-§. Фитрат – луғатшунос

Ўзбек жадин маърифатпарварлари орасида Абдурауф Фитрат шоир ва драматург, носир ва публицист, тилшунос ва адабиётшунос сифатида миллий маънавиятимиз тарихида алоҳида ўрин тутди. Унинг мумтоз адабиётимиз намуналарини кенг тадқиқ этиш, жаҳон андозалари асосида ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш йўлидаги хизматлари бекиёс. Фитратнинг бу йўлдаги самарали меҳнати маҳсули сифатида “Қутадғу билиг”, “Аҳмад Яссавий”, “Ҳиббатул ҳақойиқ”, “Чиғатой адабиёти”, “Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида текширишлар”, “XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш” каби илмий асарлари ва мақолалари юзага келди. Адибнинг бадиий ижод намуналари ҳамда илмий фаолияти, яратган бадиий асарларининг маънавий аҳамияти бугунги тилшунослигимиз ва адабиётшунослигимизда муносиб баҳоланган бўлса-да, профессор Фитрат ижодининг яна бир очилмаган қиррасини кўрсатиш, яъни унинг луғатшунос сифатида ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишидаги хизматларини ҳам тадқиқ қилишни лозим топдик.

Абдурауф Фитрат ўз фаолиятида ўзбек адабиёти тарихини тизимли тадқиқ этиб, дастлаб “Энг эски турк адабиёти намуналари” (1927), сўнгра “Ўзбек адабиёти намуналари (1-жилд)” мажмуаларини (1928) чоп эттирган эди. Олим “Энг эски турк адабиёти намуналари” номли мажмуасида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарини тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганар экан, асар матнига кирган сўзларнинг маъно ва мазмунига эътибор бергани ҳолда уларни ўзига хос тарзда изоҳлайди. Муаллиф ўз асарининг учинчи қисми ҳақида фикр билдириб, жумладан, шундай дейди: “Ўткан икки қисмда кўрганимиз манзумаларда изоҳқа муҳтож кўб луғатлар бор. Уларни ўз ўрнида изоҳ

қилиш ўқувчиларни мақсаддан узоқлаштирадир. Шунинг учун учинчи бир қисм орттириб мазкур луғатларни алоҳида изоҳ қилиш муносиб кўрилди”¹⁶¹.

Фитрат юқоридаги мақсад талабидан келиб чиққан ҳолда ўз асаридаги ўша давр китобхони учун тушунилиши қийин бўлган соф туркийча сўзларни илмий назария ўлчовлари асосида изоҳлайди ва асар учун ўзининг мукаммал луғатини яратади. Бу мукаммалликни, аввало, унинг сўзларни изоҳлаш тамойилларида кузатамиз.

Маълумки, ҳар қандай луғат маълум бир тартиб-қоида, илмий асос, назарий принциплар асосида яратилади. Бу жиҳатдан ўзбек луғатчилиги узоқ тарихий тажриба тўплаш жараёнини бошидан кечиргани аниқ. Фитратнинг луғат яратиш жараёнидаги илмий қарашларини, назарий принципларини кузатар эканмиз, муаллифнинг бу борада ҳам муайян тажрибага эга эканлигига амин бўламиз. Унинг сўзлар изоҳини беришдаги биринчи эътибор берган тамойили тарихий-этимологик тамойил. Адиб “Девону луғотит турк” асаридаги туркийча сўзларнинг изоҳини берар экан, дастлаб изоҳланаётган сўзнинг этимологиясига ўқувчи эътиборини қаратади. Масалан, *“Қарши – сарой. “Девону луғот”га кўра, бу сўз туркчадир. “Муқаддимату-л-адаб” ҳам бу сўзнинг мўғулча эканини кўрсатмайди. Ҳолбуки, кўб кишилар бунинг мўғулча эканига ишонадилар...”*¹⁶². Кўринадики, муаллиф сўзлар изоҳини беришда шунчаки маънони изоҳлаш билан чекланмаган, балки фойдаланувчи сўзнинг тарихий-этимологик манбаси ҳақида кенгроқ маълумот олишини инобатга олган, унинг этимологиясига ҳам мурожаат қилган.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, бундай принцип асосида сўзлар изоҳи берилаётган пайтда, айрим ўринларда, изоҳланаётган сўзнинг маъноси ўша давр жонли халқ тилидаги вариантлари асосида ҳам тўлдирилган: *“Илармоқ – хаёлга ботмоқ. Одам, от ҳам бошқа ҳайвонлар баъзан ўйлаб кетган каби бўлуб, кўзлари ҳаракатсиз ҳеч нарсани кўрмай, очиқ қоладир. Мана шу ҳолга “илармак” дейиладир. Бу кунларда ҳам Фарғонанинг дала*

¹⁶¹ Фитрат Абдурауф. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2008.

¹⁶² Шу манба. – Б. 107.

ўзбеклари орасида “от иларди” деган гап борлигини Бўлот Солиевдан эшиткан эдим”¹⁶³. Ёки яна бир мисолни олайлик, “Адаш – дўст, ўртоқ маъносида. “Адаш” бу кунда ҳам истеъмолда. Лекин “дўст” маъносида эмас. “Ҳамном” маъносида. Яъни, от-дош”¹⁶⁴.

Маълумки, ўзбек тили узоқ тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Бу тараққиёт давомида ўзбек тилининг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат таркибида турли ўзгариш содир бўлган. Муаллиф сўзлар изоҳида эътибор берган яна бир жиҳат тадрижий тараққиёт давомида сўзларнинг товушлар тизимида ҳамда морфемик таркибида турли фонетик қонуният асосида содир бўлган ўзгаришларни диахрон аспектда кўрсатиб берганлиги. Масалан, “*Жаш – феруза тоши. Турк тилида “й” билан “ж” товушларининг олиш, беришларини кўзда тутуб “яшил” сўзининг шундан чиққанига ҳукм этмак мумкиндир...*”; “*Узумоқ – ухламоқ демакдир. Усмонличаси “уйумоқдир”. “Муқаддимату-л-адаб”нинг мўғулчасида “уйқу” муқобилида “жуду” сўзи бор. Умуман, турк тилида “а”нинг “й”га, “й”нинг “ж”га айланишини ҳамда “з”нинг “д” бўлушини эътибор этканда “жуду” билан “узу”нинг бир сўз экани маълум бўладир*”. Шунингдек, “Девону луғотит турк” асаридаги “қамуг” сўзи орқали ҳозирги ўзбек тилимизда кенг қўлланивчи “ҳамма” олмошининг этимологияси, сўз тузилишидаги фонетик ўзгаришлар ҳам қисқа, ихчам тарзда ифода этилганлиги ўқувчи диққатини тортади: “*Қамуг – ҳамма. Қамуг – қаму – ҳаму – ҳамма*”. Кузатганимиздек, Фитрат сўзларни изоҳлашда уларни синхрон аспектда тавсифлаш билан чекланмаган, аксинча китобхон онгида кенгроқ тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилиш мақсадида сўзнинг этимологиясини ҳам ўзига хос ёритган.

Мисоллардан англашиладики, Фитрат сўзларнинг этимологияси асосида уларнинг тўғри изоҳини беришда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутган, имкон қадар даврлар ўтиши билан сўзларнинг семантик табиатида содир бўлган турли ўзгаришларни ҳам синчковлик билан ўрганган ва ўша давр халқ жонли тилидаги вариантларини ишончли манбалар асосида изоҳлашга

¹⁶³ Шу манба. – Б. 102.

¹⁶⁴ Шу манба. – Б. 104.

ҳаракат қилган. Бу эса муаллифнинг сўзлар маъносини изоҳлашда ишончи манбаларга таяниб хулоса чиқарганлигидан далолат.

Абдурауф Фитратнинг луғатда сўзлар изоҳини беришда қўллаган иккинчи тамойили – қиёсий тамойил. Луғатдаги сўзлар изоҳини кузатар эканмиз, аксарият сўзнинг маъносини изоҳлаш жараёнида уларнинг усмонли турк, татар, озарбайжон, араб, форс тилидаги муқобиллари ҳам келтирилиб, қиёслаб ўтилган. Хўш, бунга эҳтиёж бормиди? – деган саволнинг туғилиши табиий.

Маълумки, бу даврда янги ўзбек адабий тилининг қарор топиши ва такомилли учун асрлар давомида шаклланган, содда ва тушунарли халқ жонли тили билан бирга, арабий ва форсий сўзлар, изофалар кенг қўлланилган ҳолда, ривожланиб келаётган классик ўзбек тили, шунингдек, усмонли турк, татар тиллари таъсирида шаклланаётган ўша замоннинг расмий, бадий-публицистик тили ҳам асосий манба сифатида қаралган эди¹⁶⁵. Ушбу лингвистик жараённинг таъсири натижаси ўлароқ ўша давр кенг китобхонларининг манфаати муаллифнинг бундай йўл тутишга ундаганлигини тасдиқлайди. Фикримизнинг исботи сифатида мисолларга мурожаат қилайлик: *“Узунмак – уйғонмоқ, усмонличаси уёнмоқ”*; *“Ангитмак – ҳайрон қолмоқ. Бизда “ҳайрон қолдим” ўрнида “Ангкуманг қолдим” дейилгани каби тожикларда ҳам “Ангу, манг мондам”, “Ангам рафт” дейиладир.”*; *“Ақрун – ёвош, секин маъносида. Бу кун татарчада бу маънода “Ақирин” сўзи бордир.”*; *“Қазаиш – биродар, қариндош, демакдир. Озарбайжон тилида бунинг “қадаиш” шакли ишлатиладир.”*; *“Йатика – арабча “банотуннаиш”, форсча “ҳафт додарон” аталган “етти юлдуз”. “Девону лугот”га кўра “ака” ҳамшира маъносида экан. Шу ҳолда бунинг асли “етти ака” бўладир”*¹⁶⁶.

Фитрат “Девону луғотит турк” асаридаги туркийча сўзларни изоҳлаш, маъносини очиб беришда далилларни йиғиш ва ўрганиш, унга ёндош бўлган

¹⁶⁵ Жалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

¹⁶⁶ Фитрат Абдурауф. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2008. – Б. 103.

манбаларга солиштириш, қиёслаш йўлидан боради. Манбаларнинг ҳам ўзаро қиёсланиши асосида сўзнинг асл маъноси ҳақидаги жавобни бевосита реал воқеликдан, баъзан эса, адабий асарларнинг ўзидаги матн мазмунидан топади. Жумладан, луғатдаги “урунг”, “укмак”, “туру”, “кедин”, “сизтамоқ”, “тўнга”, “ардам”, “асиз”, “жалмак” каби бир неча сўзнинг асл маъносига Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-ҳақойиқ”, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, муаллифи номаълум “Абушқа”, Маҳмуд Замахшарийнинг “Мукаддиматул-адаб”, XVIII асрда ёзилган татарча “Асмоил Оға саёҳатномаси” ҳамда XIX асрда яратилган Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатойи ва турки усмоний” каби туркий адабиётнинг ноёб дурдоналарида келтирилган вариантлари билан муқояса қилган ҳолда тавсиф берилган: *“Урунг – жуда оқ нарса. Бу сўз “Ҳиббат ул-ҳақойиқ”да ҳам бордир. Нажиб Осимбек “Луғати чигатойи” билан бирга “ламиз, порлоқ” деб маъно берадир. Маҳмуд Кошғарийнинг ифодасига кўра, ўғузларнинг “оқ” деганлари туркчада “ўрунк” эмиш; “Кедин – кезин, кейин. “Девону луғот”да, “Қутадғу билиг” билан “Ҳиббат ул-ҳақойиқ”да бунинг (кедин, кекзин) икки шаклига ҳам кўп учрамоқ мумкиндир. XVIII асрларда ёзилган татарча “Асмоил Оға саёҳатномаси”да ҳам бу сўзларнинг “кезин-казин” шакли бордир”*¹⁶⁷.

Муаллифнинг луғатда туркийча сўзларнинг морфологик таркиби, морфемик ясалиш хусусиятларига тўхталганлиги унинг морфологик тамойилга ҳам таянганлигини белгилайди. Алифбо тартибида сўзлар изоҳланган мазкур луғатда “Девону луғотит турк” асарида қўлланган туркийча сўзларнинг маъносига изоҳ берилиши билан бирга, аксарият сўзларнинг ясалиш асоси, ясовчи восита (қўшимча)лари ҳамда ясалма сўзнинг юзага келиш ўринлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Масалан, *“Йумутмоқ – жамъ этмак, йиғмоқ. “Кўз юммоқ”даги “йуммоқ” сўзида “жамъ этмак” маъноси бордир. Бу “йумутмоқ” ҳам шу томирдандир. “Йумруқ” ҳам шундандир. “Девону луғот”да “ҳаммаси” маъносида “йумғи”*

¹⁶⁷ Шу манба. – Б. 110.

сўзи ҳам бордирким, шу томирдандир”; “Табару – таба+ру, йуқору, теиқори сўзларининг охиридаги “-р,-ури” каби “таба – томон, тараф демакдир”; “Азин – Азирмоқ – айирмоқнинг томири бўлган “аз - ай”дан ясалган; “айрим – ўзга, боиқа демакдир”; “Кислинмак – кис + ил + ин + мак. “ўз-ўзидан кесилмак” маъносидадир”¹⁶⁸. Шунингдек, луғатда ҳар бир сўзга алоҳида грамматик мезон билан ёндашилганки, муаллиф томонидан берилган маълумотдан ўқувчи сўзнинг грамматик маъноси, яъни феъл бўлса, нисбати, замони, сифатдош, равишдош ёхуд ҳаракат номи эканлиги ҳақида; от бўлса, сони (бирликда ё кўпликдалиги), маъно гуруҳи ҳақида; сифат бўлса, кучайтirma ёхуд озайтirma шакли эканини билиб олади. Бундан ташқари, сўзлар изоҳидаги баъзи ўринларда муаллиф тавсифланаётган сўзнинг морфологик тузилиши ҳақида кенгроқ маълумот бериш мақсадида изоҳланаётган сўзга алоқадор бўлган асосдош (ўзакдош) сўзларнинг барчасини келтиради ва морфологик табиати ҳақида мукамал маълумот бериб ўтади: “Йақинмоқ – йақинлашмоқ демакдир. “Йақ”, “йақин”, “йақлашмоқ”, “йақинлашмак”, “йақа” сўзлари бунинг билан томирдошдир”; “Кук – мақом, наъма, куй. Навоий буни “наъма” ўрнида ишлатади. Бу сўздан феъл шакллари ҳам ясалар экан. Мир Ҳайдардан:

Турк сурудини тузук бирла туз

*Яхши айолгу била **кукла** қўбуз...*

Фикримча, бу биздаги “куй” сўзининг худди ўзидир. “Куй” сўзидан ҳам феъллар ясаладир. “Куйладим”, “куйламак” каби...”¹⁶⁹

Тилнинг энг асосий манбаи – сўз. Бироқ сўзлар инсонлар, яъни шу тил эгалари ва уни биладиган шахслар онгидагина мавжуд. Агар ёзиб олинмаса, бир жойга жамланмаса, ўз маъноси ҳамда матн таркибида юзага келадиган кўчма (ҳосила) маънолари изоҳланмаса, бу маънавий хазина унутилиши, йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам қадим-қадимдан олимлар луғат тузиб, сўзларни, улар англатган маъноларни китобга муҳрлаб қўйиш

¹⁶⁸ Шу манба. – Б. 112.

¹⁶⁹ Шу манба. – Б. 111.

тадоригини кўришган. Бундай ишга профессор Абдурауф Фитрат ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Фитратнинг бадиий асарлари лексикасини монографик тадқиқ қилган Ё.Саидов таъкидлаганидек, адибнинг миллий тилни сақлаш, адабий тил ва адабий меъёрга муносабати асосида Фитратнинг миллатпарварлиги, жадишлиги, пуридлиги, етук тилшунослиги каби фазилатлар ётади. У бу фазилатлари негизида ўзбек тилининг туркий луғат бойлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилди, унинг замини асосида янада бойитишга уринди¹⁷⁰.

Бундан кўринадики, Абдурауф Фитратнинг “Девону луғотит турк” асаридаги туркийча сўзларни изоҳлашда сўзнинг асл маъносидан ташқари, матн таркибида юзага чиқувчи кўчма маъноларини ҳам изоҳлашга эътибор берганлиги ўзбек тилининг туркий луғат бойлигини сақлаб қолиш, истеъмолдан чиқиб кетган, ҳозирда унутилган туркий сўзлар ва уларнинг турли кўчма маъноларини ўша давр китобхонига етказиш, шу асосда янги ўзбек миллий адабий тилини бойитиш учун қилинган ҳаракатларнинг бир кўриниши: *“Будун – қавм, эл, улус демакдир. “Бут-буд” томури туркчада бой бир томурдир. “Бут-буд” мучаларидан (аъзодан) бирининг исмидирким, бизда “сон” ҳам дейиладир. “Бутмак” – тамом бўлмоқ маъносида келади. Букун бизда (бу ишни “бут” қил!) дейилгани каби тожиклар ҳам “ин кора буд кун” дейлар. Бироқ бунинг феъллари, бу кун “бутмак” эмас, “битмак” шаклида ишлатиладир. Ярагинг соғайишига ҳам “бутмак” дейиладирким, арабча “элтиям” демакдир. Ярагинг соғайиши бир-биридан айрилган терининг тўпланиб ёпишмоғи бўлгани учун бу маънодаги “бутмак” сўзи жамъ маъносига яқинлашади-да, бундан “буткул, бутун” сўзлари чиқади. Қавм, эл, улус маъносидаги томурдан “тарқалмоқ”, “сочилмоқ” маъноларида “Бутрамоқ”, “бутрашмоқ” сўзлари бордир”*¹⁷¹.

Муаллиф ўз луғатида соф туркийча кўп маъноли сўзнинг ҳар бир маъноси ва маъно нозикликларини шу тариқа бир-биридан чегаралаб

¹⁷⁰ Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – Б. 8.

¹⁷¹ Фитрат Абдурауф. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2008. – Б. 105.

кўрсатади, алоҳида-алоҳида изоҳлайди ва уларнинг ҳар бир маънода тўғри қўлланишини аниқ мисол-далиллар билан тасдиқлайди. Сўзларнинг бундай полисемантик хусусиятлари ҳақидаги маълумот луғатдаги “*балиқ*” сўзининг уч хил, “*таврамоқ*” сўзининг тўрт хил, “*тўнга*” сўзининг икки хил, “*қартамоқ*” сўзининг икки хил маъноси изоҳланишида ҳам кузатилади. Албатта, бу сингари соф туркийча сўзларнинг семантик табиатидаги бундай маъно нозиклик ва хусусиятларнинг ҳам тадқиқ этилиши муаллифнинг кенг миқёсдаги илмий изланишлари натижасидир.

Бундай илмий изланишлар, чуқур назарий таҳлиллар муайян мақсад сари йўналтирилганлиги аниқ. Зотан, XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилининг илмий грамматикасини тузиш ўзбек тилшунослари олдида турган асосий муаммодан бири бўлган. Шу муносабат билан Фитрат бошчилигидаги “*Чиғатой гурунги*” аъзолари илк бор ўзбек тилини илмий асосда ўрганишга киришади. Улар тил қоидаларини миллий тилимизнинг ички хусусияти асосида ёритиш кераклигини тушуниб етганлиги боис, тарихий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, шевалар асосида материал тўплаб, уларни илмий жиҳатдан ўргана бошлайди. Бу йўлда дастлаб унутилган туркий сўзларни тиклашга ҳаракат қилишади. Бу фаолият аслида ўзбек тили сўз хазинасини бойитиш, тилни ички имкониятлари асосида ривожлантириш, миллий адабий тил яратиш йўлидаги биринчи ижобий уриниш эди. Абдурауф Фитратнинг ҳам “*Девону луғотит турк*” асаридаги соф туркийча сўзларни бундай мукамал тарзда изоҳлашдан кўзлаган асосий мақсади, биринчидан, асар мазмунининг тушунарлилигини таъминлаш бўлса, иккинчидан, соф туркийча сўзларни кенг халқ оммасига ёйиш, адабий тилдаги арабча, форсча, усмонли туркча ва русча сўзларни “*Девон*”даги соф туркийча муқобиллари билан алмаштириш бўйича илм аҳлидан бу борада фикр олиш, умуман, унутилган туркийча сўзларни тиклашга бўлган ҳаракат ифодаси эди.

Фитрат ижодини адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганган профессор Ҳамидулла Болтабоев Абдурауф Фитратнинг иккинчи бир нодир асари “*Ўзбек адабиёти намуналари*” номли мажмуаси ҳақида фикр билдирар

экан, муаллиф мазкур асарида ҳам туркий адабиётнинг гўзал намуналарини жамлаганлигини ва шунинг баробарида туркий тилнинг нодир сўз бойликлари изоҳини моҳирона тадқиқ ва ўқувчига тақдим қилганлигини алоҳида таъкидлаб, “муаллифнинг мажмуаларида ўз даври матншунослиги ва манбашунослигининг, луғатшунослигининг ўзига хос жиҳатлари акс этган”, – дея ҳақли равишда эътироф этади¹⁷².

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Фитратнинг лексикографик изланишлари бу борада ўша даврдаги мавжуд анъаналардан фарқланиб, луғатшунослик соҳасининг янги босқичида энг қадимги туркий адабиёт асарлари тилини ўрганишдаги илк ўзига хос илмий тадқиқотдир. Умумий ҳисоблаганда жами 126та соф туркийча сўз изоҳланган бу луғат, ўз навбатида, этимологик луғат, қиёсий-тарихий луғат, морфемик луғат, ўзбекча-форсча-арабча таржима луғат, қолаверса, изоҳли луғат белгиларини ҳам ўзида акс эттирганки, бу ҳолат серқирра ижод соҳиби Абдурауф Фитрат шахсиятини луғатшунос жаид адиби сифатида яна бир поғона юқорига кўтариши шубҳасиз.

3.3-§. Ашурали Зоҳирийнинг луғатшунослик фаолияти

Маълумки, муайян бир адабий-тарихий давр, адабий-илмий муҳит ёки маълум бир фан ва унга алоқадор соҳанинг тараққиёт босқичидаги ҳолат шу даврда яшаб ижод этган бир-икки ижодкорнинг фаолиятини тадқиқ этиш билан тўла ойдинлашиб қолмайди. Шундай экан, XIX аср охири – XX бошларидаги ўзбек луғатчилигига илмий баҳо берар эканмиз, бу даврда луғатшунослик бўйича илмий фаолият олиб борган, луғатчиликнинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланган, фан тақомилига ўз ҳиссасини қўшган барча жаид адибларининг фаолиятларини муфассалроқ ёритишга ҳаракат қилдик.

¹⁷² Болтабоев Х. Матншунос олимнинг илк мажмуа-қўлланмаси. Фитратнинг “Энг эски турк адабиёти намуналари” асарининг янги нашрига сўзбоши. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2013. – Б.3.

Ашурали Зоҳирийнинг ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги тарихида тутган ўрни, илмий-иждодий, адабий, лингвистик мероси юзасидан муайян тадқиқотлар олиб борилган¹⁷³.

Бу ўринда адибнинг тилшунослик мероси махсус монографик планда тадқиқ этилган Т.Тоғаевнинг тадқиқотини таъкидлаш лозим. Тадқиқотда Ашурали Зоҳирийнинг тилшунослик меросини атрофлича таҳлил қилиш асосий мақсад этиб белгиланган ва унда олимнинг алифбо-имло масалаларига доир фикр-мулоҳазалари, “Имло” рисоласидаги ёзув тамойиллари, пунктуацияга доир ишларининг амалий-назарий аҳамияти ҳамда Ашурали Зоҳирий ва “Чиғатой гурунги” орасидаги муносабатлар илмий таҳлилга тортилган¹⁷⁴. Шунингдек, диссертациянинг учинчи боби “Ашурали Зоҳирий – луғатшунос” деб номланган ва унда адиб яратган “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” таҳлил қилинган. Бу билан демокчимизки, Ашурали Зоҳирийнинг луғатчиликка оид фаолияти ҳақида айрим фикрлар айтилган. Т.Тоғаев тадқиқотининг мазкур бобида Ашурали Зоҳирийнинг луғатшуносликка оид фаолиятини ўрганар экан, дастлаб у тузган луғат Султон Раҳмонқули ва Абдурахмон Карамлар томонидан яратилган “Русча-татарча мукаммал луғат” (Қозон: Аср босмахонаси, 1920) асосида яратилганлигини, яъни Зоҳирий луғатни тузишда мазкур луғат сўзлигидан фойдаланганлигини, аниқроғи, луғатнинг ўнг тарафидаги татарча сўзларни ўзбек тилига ўгиришга қарор қилганлиги ҳақидаги маълумотларни келтиради¹⁷⁵. Муаллиф ўз тадқиқотидаги таҳлиллари асосида Ашурали Зоҳирий луғатни тузишда қуйидаги ишларни амалга оширганлигини алоҳида таъкидлайди:

¹ Зуфаров С. Келурнома. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари – Тошкент, 1961. – № 3. – Б. 7; Назаров К. Имло қўлланмаси // Совет мактаби. – Тошкент, 1977. – № 6. – Б.75-76; Мадаминов А., Валихонов М., Тожибоев Р. Маърифат чароғбони // Адабий мерос. – Тошкент, 1985. – №3. – Б. 78-80; Жалолов А. Ўзганбоев Г. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 47-50; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 132-138.

¹⁷⁴ Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирийнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

¹⁷⁵ Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирийнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... диссертация. – Тошкент, 2004. – Б. 87.

1) “Русча-татарча мукамал луғат”даги сўз ва бирикмалар сўзма-сўз таржима қилинган;

2) луғат мақолаларига жиддий ўзгартиришлар киритган, яъни ундаги ўзбек ўқувчиси учун зарур бўлмаган айрим сўз ва бирикмаларни тушириб қолдирган, луғат мақолаларига янги сўзлар қўшган, нотаниш сўзлар ўрнида янги тушунарли сўзлар ишлатган;

3) иборалар таржимаси, асосан, ўзбекча ифода этилган;

4) Ашурали Зоҳирий биринчи марта луғатга халқ жонли сўзлашув тилидан жуда кўп сўз ва бирикмаларни олиб кирган;

5) луғатдаги айрим камчиликлар қаторида баъзи сўз ва иборалар нотўғри таржима қилинган, айрим сўз маънолари ажратиб кўрсатилмаганини келтириш мумкин¹⁷⁶.

Англашиладики, Т.Тоғаев ўз тадқиқотининг ушбу бобида Ашурали Зоҳирий яратган луғатнинг лексикографик хусусиятларини бугунги луғатчилик андазаларига асосланган ҳолда, анча жиддий тадқиқ этган ва адибнинг луғатшунослик фаолияти ҳақида асосли фикрларни билдирган.

Биз ҳам муаллифнинг юқоридаги фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда, маърифатпарвар адибнинг луғатчилик фаолиятидаги айрим ўрганилмаган жиҳатларга эътибор қаратишни лозим топдик.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ашурали Зоҳирий замонасининг илғор зиёлиси сифатида ўзбек тили ва адабиётига оид ўтмиш нодир манбаларни тўплаш, ўрганиш ва матбуотда кенг ўқувчилар оммасига етказиш ишларида ҳам фаол бўлган. Бундай ўрганилган ва ўша давр китобхонига тақдим этилган манбалар қаторида туркий луғатшуносликка оид асарларнинг ҳам мавжудлиги анча эътиборни тортади. Ёшлигида Маъдалихон мадрасасида араб ва форс тилларини ўрганган, туркий тиллардан озарбайжон, турк, қозок, қирғиз, татар тилларини ҳамда рус тилини пухта ўзлаштирган Ашурали Зоҳирий тилшунослик, хусусан, унинг лексикография соҳасида ҳам муайян билимларга эга бўлган, туркий луғатшуносликдаги нодир манбалар билан

¹⁷⁶ Тоғаев Т. Юқорида келтирилган диссертация. – Б. 90.

ҳам қизиққан. Жумладан, у “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1927 йилдаги 9–10 сонларида “Келурнома” номи остида мақола эълон қилади. Муаллиф мақола муқаддимасида дастлаб Маҳмуд Кошғарийнинг “Китоби жавохирун фи-л-луғати-т-турк” (“Туркий тиллар наҳф ва синтаксиси дурдоналари”) асарининг ҳалигача топилмаганлигини, ўрганилмаганлигини ва халққа тақдим этилмаганлигини афсус билан тилга олиб жумладан шундай дейди: “Ўрта Осиё туркларининг тилларига “хору-хас” оралашмағон даврларда ёзилғон луғат, тил қоидалари (сарф-наҳв) бугунгача топилмади ва нашр этилмади... Бугина эмас, бундан бошқа ҳам тил ва адабиётимизга оид ёзилғон асарларнинг бўлишига шубҳа йўқ, фақат буларни излаш, тафтиш қилиш, топилғонини майдонга қўя бориш лозимдир. Ўша лузумият мени “Келурнома” исмли китобни матбуот бетига чиқармоқликка шавқ этди”¹⁷⁷. Демак, бу фикрлардан тушуниш мумкинки, муаллиф ўша даврдаёқ қадимги туркий тил, эски туркий тилга алоқадор нодир манбалар қаторида туркий луғатшунослик масалалари билан ҳам жиддий шуғулланган, луғатчилик, луғат яратиш принципларини пухта ўзлаштирган ва шунинг баробарида Муҳаммад Яқуб Чингийнинг “Келурнома” асари, яъни чиғатойча-форсча луғатини содда тушунтириш, изоҳлар асосида ўқувчига етказишни мақсад қилган. Зоҳирий луғат ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, “Мулло Яқуб Чингий ўзининг бу луғатини тартиб беришда дарслик ёки ўзи ўргатгич (самоучител) бўлишлиқ йўлини тутқон бўлса керак, энг аввал, бир неча феълларни келтириб, таржума қилиб, сўнгра то уларни тасриф қилади. Булардан кейин ер ва кўкдаги бор ҳам бошқа исмларни баён қилмоққа бошлайди”¹⁷⁸.

Ўзбек тилшунослиги тарихи, шу қаторда луғатчилик тарихига ҳам эътибор қаратилса, маълум бўладики, сўзларнинг нутқда қўлланиш имкониятлари (ички ва ташқи хусусиятлари)га эътибор берилган, луғатчиликда анъана тусини олган “луғат-грамматикалар” кўплаб тузилганлиги кузатилади. Ашурали Зоҳирийнинг юқоридаги фикрида

¹⁷⁷ Ашурули Зоҳирий. “Келурнома” // Маориф ва ўқитғувчи. – Тошкент, 1927. – № 9 – 10.

¹⁷⁸ Шу манба. – Б. 2.

“Келурнома” луғати оддий таржима луғати эмас, балки “луғат-грамматика” эканлиги ҳақидаги тўғри ва асосли хулоса ётади, яъни етук луғатшунос сифатида “Келурнома” нинг қандай типдаги луғат эканлигига тўғри баҳо бера олганлиги сезилади.

Муаллиф луғат ҳақидаги фикрларини давом эттирар экан, “Келурнома” жами 15 бобдан иборат эканлигини, асарнинг 14 боби феъллар изоҳига, 15-боб эса исмлар (эғалик ва келишик қўшимчаларини қабул қилган сўзлар) туркумидаги лексемалар изоҳига бағишланганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Муҳаммад Якуб Чингий луғатда келтирган феълнинг 13 хил грамматик формасини тартибга солиб, таҳлил қилади: *ўқуди – ўткан замон феълнинг борлиги (яъни, феълнинг ўткан замондаги бўлишсиз шакли); ўқумади – ўткан замон феълнинг йўқлиги (феълнинг ўткан замондаги бўлишли шакли); ўқуптур – ўткан замон феълнинг ҳикояси. Борлиқ. (ўткан замон ҳикоя феълнинг бўлишли шакли); ўқуматур – ўткан замон феълнинг ҳикояси. Йўқлиқ. (ўткан замон ҳикоя феълнинг бўлишсиз шакли); ўқийдур – ҳозирги замон феъли. Борлиқ. (ҳозирги замон феълнинг бўлишли шакли); ўқимайдур – ҳозирги замон феъли. Йўқлиқ. (ҳозирги замон феълнинг бўлишсиз шакли); ўқур – келар замон феъли. Борлиқ. (феълнинг келаси замондаги бўлишли шакли); ўқумас – келар замон. Йўқлиқ. (феълнинг келаси замондаги бўлишсиз шакли).* Албатта, икки тилли, уч ва ундан ортиқ тилли соф таржима луғатларига қараганда, “луғат грамматикалар”ни ўқиб, тушуниш, ундаги грамматик қонуниятларни ўзлаштириш оддий китобхон учун маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши табиий. Мақолада “Келурнома”нинг умумий ҳолда туркий халқлар учун нодир лексикографик манба сифатидаги ўрнини кўрсатиш ва ўз таъбири билан айтганда, “матбуот бетига чиқармоқлик” муаллифнинг биринчи мақсади бўлса, ундаги грамматик қонуниятлар (феъллар ва исмларнинг грамматик шакллари) ҳақидаги маълумотларнинг батафсил изоҳланиши луғатнинг мазмун-моҳияти билан ўша давр китобхонини кенгроқ, соддароқ таништириш – кўзланган мақсаднинг иккинчи томони.

Дарҳақиқат, луғатларда муайян тилнинг маълум бир даврдаги лексик фонди, ундаги сўз ва тушунчалар ҳақида маълумотлар акс этиши билан бирга, уларнинг ўша тилдаги лексик ва грамматик меъёрларни белгилашдаги вазифаси ҳам муҳим. Мақола муаллифи Ашурали Зоҳирӣ янги ўзбек адабий тилининг лексик-грамматик меъёрлари эндиgina шаклланаётган мазкур даврда меъёрлардаги чалкашликларни бартараф этишда, феълнинг замон категорияларини ҳосил қилувчи аффиксал морфемаларнинг тўғри қўллаш масаласини “Келурнома” асаридаги баъзи қонуниятлар асосида ҳал этишни ҳам таклиф қилади: “*ўқийдур, ўқиййотибдур, ўқумоқда* шаклларида келадурғон ҳозирги замон феълининг уч шаклидан энг тублиси ва тўғриси бўлғон “*ўқийдур*” ни “*михонд*” таржумаси билан келтириш – “*ўқур*” билан “*ўқубди (ўқийдур)*”ни ишлатишда адашадурғон, билар-билмас буталтирадурғонлар учун зўр қоидадир. Бу хилда буталдириш ҳозирги газета ва журналларда кўб учрайди”¹⁷⁹. Демак, Ашуали Зоҳирӣ ўша даврда янги ўзбек адабий тилининг лексик, грамматик меъёрлари шаклланиш жараёнига ҳам бефарқ бўлмаган, фикрича, матбуот саҳифаларини мунтазам кузатиб борган, улардаги сўзлар танланиши ва гаплар қурилишидаги беқарорлик, яъни ҳар хилликларни бартараф этиш чораларини кўрган, янги ўзбек адабий тилининг грамматик қонуниятларини белгилашда ўз таклифларини билдириб борган, илгари сурган фикрларини “Келурнома” каби нодир лексикографик манбалардан олинган мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қилган. Шунингдек, муаллиф “Келурнома” луғатининг 14та бобида мисоллар асосида берилган туркийча феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлик, бўлишли ва бўлишсизлик, нисбат категориялари ҳақидаги назарий маълумотларни ўша давр китобхони учун содда ва тушунарли тилда батафсил изоҳлаб берган.

Умуман олганда, Ашурали Зоҳирӣнинг тилшунос олим сифатида туркий луғатшуносликнинг тарихи, назарий масалалари билан қизиқиши, лексикографияга оид нодир манбалар устида изланишлар олиб бориши ва бунинг баробарида керакли назарий билим ва амалий кўникмаларни

¹⁷⁹ Шу манба. – Б. 3.

эгаллаши айни дамда ўзи яратган “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” нинг юзага келиши учун замин бўлган.

Ҳар қандай нарса, воқеа-ҳодисанинг моҳияти ўзаро қиёсда тўлароқ англашилади, унга алоқадор барча хусусиятлар аниқроқ намоён бўлади. Шу асосда Ашурали Зоҳирий луғатшунослик фаолиятининг ўрганилмаган асосий қирраларини тўлиқроқ, мукаммалроқ ўрганиш мақсадида у яратган “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” (2 жилдли, Тошкент – Самарқанд, 1927)ни айнан шу даврда Абдулла Қодирий ва С.Раҳматийлар томонидан яратилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” (2-жилд, 34 минг сўз, Тошкент – Қозон, 1934) луғатига қиёслаган ҳолда тадқиқ этишни лозим топдик. Тилшунос Т.Тоғаев ўз тадқиқотида А.Зоҳирий луғатининг яратилишига сабаб бўлган омиллар, луғат учун асос бўлган манбалар, таржимада сўзлар танланиши ва йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида етарлича маълумот бериб ўтган. Бироқ юқорида биз қайд этган муҳим жиҳатлар тадқиқотчининг назаридан четда қолганлиги, бу масалаларга алоҳида эътибор қаратмаганлиги кўзга ташланади.

Ҳар икки луғат ҳам мавзу-мундарижаси, тузилиш мақсади нуқтаи назаридан бир типдаги, яъни икки тилли таржима луғатлари сирасига киради, ҳар иккиси ҳам бир даврда, XIX аср охири – XX бошларидаги жади́дчилик даврида яратилган, ҳар иккисида ҳам русча сўзларнинг ўша даврдаги ўзбекча вариантлари келтирилган. Бу жиҳатлар луғатларнинг ўзаро муштарак хусусиятларини белгилай олади. Бу икки луғатни бир-бирига муқояса қилишдан кўзлаган асосий мақсадимиз, ўзбек луғатчилигининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги ҳолатини, хусусан, таржима луғатларининг яратилишидаги такомиллашув жараёнларини, бу масалада жади́д ади́бларининг умуман тилга, қолаверса, луғат яратиш тамойилларига қай даражада ёндашганликларини кўрсатиш. Шу мақсад йўлида бу икки луғатни қуйидаги мезонлар асосида қиёслашни лозим топдик:

1. Луғатларда берилган изоҳларнинг тили ва тушунарлилик даражаси. Абдулла Қодирий “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”¹⁸⁰ (Кейинги ўринларда РЎТС деб қисқартириш билан берилди, саҳифа кўрсатилди) таржима луғатининг “П” ҳарфини тузганлиги боис қиёсани ҳар икки луғатдаги айнан “П” ҳарфи бўйича берилган сўзликлар доирасида амалга оширишни белгиладик. Ашурали Зоҳирий тузган “Русча-ўзбекча мукаммал луғат”¹⁸¹ (Кейинги ўринларда РЎМЛ деб қисқартилди, саҳифа кўрсатилди) айрим русча сўзларнинг таржимаси қуйидагича: *пагода* – *Ҳиндистон ва Хитойда ибодатхоналар исми; пажить* – *пода чиқадиргон дала, қир; пазиграфия* – *бутун дунё халқи тонийдирган хат-ёзув; пакостъник* – *ифлос феъллик киши* (РЎМЛ, 376); *палата* – *идора қилиниши маршруталиқ, мамлакатларнинг миллат мажлиси; панацея* – *ҳамма дардларга даво берадиган дору; паника* – *ҳаддан зиёд қўрқиш, бирданига қўрқиш* (РЎМЛ, 378); *перекат* – *офтобнинг энг узоқ жойи, кўк гулдураги, наҳрларда сой ер; перекличка* – *бир-бир чақириш, исми билан чақириш; перекон* – *чуқур, ҳандақ* (РЎМЛ, 376).

Мазкур русча сўзларнинг ўзбекча изоҳи Абдулла Қодирийнинг луғатида қуйидагича берилган: *пагода* – *Ҳинд ва Хитой ибодат хонаси // будларнинг яхши безалган ҳайкали // Ост-ҳинддаги пагода сурати туширилган олтин ва кумуш ақча; пажить* – *ўтлоқ, подалиқ, пода ёйилатургон жой; пазиграфия* – *умумга англашилтургон хат, байналмилал ёзув; пакостник* – *ифлосчи, бузуқи, мурдор; палата* – *миллат мажлиси // сарой // катта уй // маҳкама // касалхона ҳужраси* (РЎТС, 3); *панацея* – *қадим юнонларда ҳамма касалларни тузататургон илоҳ // ўрта асрда ҳамма касалларни тузатувчи даво; паника* – *ҳаяжон, ваҳима, галаён, ҳурқиш, тўсатдан чўчиш, ола тўполон, тумтарақай* (РЎТС, 14); *перекат* – *гилдираш, юлалаш, кўк гулдураши // куннинг ўрта жойи, меридиан // дарёларнинг саёз жойи; перекличка* – *чақириш, исми билан чақириш // йўқлама* (РЎТС, 70).

¹⁸⁰ Қодирий А., Раҳматий С. Русча-ўзбекча тўла сўзлик. 2-жилд, П-Я ҳарфлари 34 минг сўз. – Тошкент – Қозон: Ўздавнашр, 1934.

¹⁸¹ Зоҳирий А. Русча-ўзбекча мукаммал луғат. 2 жилдли. – Тошкент – Самарқанд: Ўздавнашр, 1927.

Кўринадик, бу каби русча сўзларнинг таржимаси Абдулла Қодирийнинг луғатида анча мукаммал, масалан, юқоридаги мисолда Ашурали Зоҳирий русча “пагода” сўзини “*Ҳиндистон ва Хитойда ибодатхоналар исми*” дея битта маъносини келтиряпти, А.Қодирий эса бу сўзни юқоридаги маъносидан ташқари, “*будларнинг яхши безалган ҳайкали*”, “*Ост-ҳинддаги пагода сурати туширилган олтин ва кумуш ақча*” каби барча маъноларини келтирмоқда. Ёки Абдулла Қодирийнинг “*нажить*” сўзининг таржимасида “*подалиқ*” сўзини, “*пазиграфия*” сўзининг таржимасида “*байналмилал ёзув*”, “*палата*” сўзининг “*сарой*”, “*катта уй*”, “*махкама*”, “*касалхона ҳужраси*” каби маъноларини, “*перекличка*” сўзи таржимасида эса “*йўқлама*” сўзининг келтириши таржимани анча кенгрок, аниқрок ва тушунарлирок бўлишини таъминлаган. Айрим русча сўзларнинг таржимасидаги бундай кенгрок тавсифни Абдулла Қодирийнинг *памфлет*, *палочка*, *передаривать*, *предуциать*, *перекоп*, *патент*, *пасквиль*, *пас*, *пара*, *панславизм* каби бир қанча сўзлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бундай ҳолатнинг акси, яъни Ашурали Зоҳирий таржимасининг мукаммал, ишончлироқ чиққан ўринлари ҳам бор. Масалан, Абдулла Қодирий луғатида русча “*палач*” сўзи “*жаллод*”, “*золим*”; “*палатка*” сўзи “*чодир*”, “*чодирча*”; “*пальто*” сўзи “*устки кийим*”; “*переклеивать*” сўзи “*янгидан елимламак, барчасини ёпиштирмак*”; “*передовой*” сўзи “*олдинги*”, “*илгариги*” деб таржима қилинган (РЎТС, 53, 54, 69,70). Ашурали Зоҳирий тартиб берган луғатда эса русча “*палач*” сўзининг ўзбекчадаги таржимасини “*жаллод*”, “*золим*” сўзлари қаторида ўша давр кенг истеъмолда бўлган “*ғиддор*” сўзи билан ҳам келтиради. Шунингдек, “*палатка*” сўзининг таржимасида “*хийма*” сўзини; “*пальто*” сўзининг таржимасида “*тўн*”, “*гуппи*” сўзларини; “*переклеивать*” сўзи таржимасида “*янгидан елимламак*”, “*барчасини ёпиштирмак*” сўзлари қаторида “*саранчалаш*” сўзини; “*передовой*” сўзи таржимасида эса “*олдинги*”, “*илгариги*” сўзлари қаторида “*тараққий тарафдори*” сўзини ҳам келтирганки (РЎМЛ, 376, 377, 378, 381, 388) бу ҳолат таржиманинг кенгрок, аниқрок ва ишончилиги билан

Абдулла Қодирийнинг таржимадаги изоҳларидан фарқ қилади. Ашурали Зоҳирий луғатида айрим сўзларнинг нотўғри таржимаси берилган ҳолатлар ҳам учрайди: *петрушка* – *оқ сабзи* (РЎМЛ, 398); *пастернак* – *хуш исли ва ширин томирли сабзавот* (РЎМЛ, 381). ЎзРФА Тил ва адабиёт институти томонидан 1984 йилда нашр этилган 2 томли “Русча-ўзбекча луғат”да эса бу сўзларнинг таржимаси қуйидагича берилган: *петрушка* – *кашничсимон кўкат*; *пастернак* – *ширин илдизли хушбўй ўт*¹⁸². Қиёслашларимиз бу каби сўзларнинг Абдулла Қодирий луғатида ҳозирги луғатда берилган таржималар билан айнан бир хиллигини кўрсатди.

Ҳар икки луғатда берилган русча сўзлар ўзбекча таржимасининг генеологик таркибини солиштирсак, таржималарда арабча, форсча лексемаларнинг ҳамда изофали конструкцияларнинг кўплаб ишлатилганлиги Ашурали Зоҳирий тартиб берган луғатда кузатилди. Масалан, *педагог* – *мударрис, муаллим*; *педагогика* – *усули таълим ва тарбия*; *пенсия* – *нафақа, ужрат*; *переводчик* – *таржумон, мутаржим*; *переговоры* – *мухобара, муқовала*; *панисламизм* – *иттиҳоди ислом*; *пеня* – *жазойи нақдий*; *паж* – *сарой ходими, мактаби ҳарбийя талабаси*; *пансионер* – *доҳилий шогирд, лайлийт талаба*; *параллелепипед* – *ҳар томони зовийяи қоимадан иборат олти тарафлик шакл* (РЎМЛ, 378-397) кабилар.

Ашурали Зоҳирий луғатида ижтимоий-сиёсий мавзуга оид русча ва рус тили орқали ўзлашган сўз ва термин, жой номларининг таржимаси ўша давр ўзбек тилида удум бўлган талаффуз ва ёзма шакллари орқали келтирилган ҳолатлар ҳам кўп учрайди: *палуба* – *парахўдларнинг пастки жойи*; *парламент* – *парломент, маишута*; *патриций* – *қадими Рўмада нуфузлик, донглик ва давлатлик синф*; *папа* – *катуликларнинг дин бошлиғи*; *паспорт* – *бош билат, паспурт*; *панславизм* – *иславян қавминигина устунликка чиқариш маслағи*; *папиросник* – *папирусчи*; *пенни* – *Ангила пули* (РЎМЛ, 378, 381, 382, 394, 399) ва бошқалар. Мисоллардаги *парахўд, парломент, Рўма, катулик, паспурт, иславян, папирусчи, Ангила (Англия)* каби лексемалар –

¹⁸² Русча-ўзбекча луғат. 2- том. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1984. – Б. 50-55.

ўзлашма сўзларнинг ўша давр ўзбек адабий тилининг талаффуз ва ёзма меъёрларидаги шакллар.

Абдулла Қодирий тузган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”да эса бу каби ўзлашмалар асл ҳолатида, яъни ҳозирги адабий меъёрдаги шакллари асосида берилган: *палуба* – *параход айвони*; *папиросник* – *папирос сотувчи*, *паспортист* – *паспортларни рўйхат қилувчи*; *папа* – *Рим католик черковининг бошлиғи*; *пенни* – *4 тийинга тенг инглиз чақаси, Англиянинг омонат кассаси*; *парламент* – *парламент, қонун чиқарувчи олий орган* (РЎТС, 5, 18, 30, 34, 46) ва ҳоказо.

“Русча-ўзбекча тўла сўзлик”да айрим феъллар таржимаси берилишида лексема англатган семантик маънони аниқроқ тушунтириш мақсадида қавс ичида қисқа мисоллар ҳам келтирилган: *почерпать* – *олмоқ, кўтармак (чўмич билан)*; *пребывание* – *бўлув, бўлинув (бирор жойда)*; *пристроиваться* – *қўшимча бино солинмоқ // ўринлашмоқ (масалан: хизматга)*; *провыт* – *увламоқ, ҳуримак (масалан: ит, бўри)* (РЎТС, 320, 328, 392, 412). Бу ҳолат таржимадаги изоҳларнинг тушунарлилик даражаси мукаммал бўлишини таъминлашга асосланган ўзига хос усул бўлиб, Ашурали Зоҳирий тартиб берган луғатдаги русча сўзлар таржимасида кузатилмади.

Ҳар икки луғатда ҳам жаид адиблари русча сўзлар таржимасида мумкин қадар ўзбек тилининг ўз ички имкониятидан фойдаланишга ҳаракат қилганликлари кузатилади. “Русча-ўзбекча мукаммал луғат”да Ашурали Зоҳирий томонидан илк бор луғатга киритилган халқ жонли сўзлашув тилидаги сўз ва иборалар мавжудлиги тилшунос Т.Тоғаев томонидан таъкидланган. Шунингдек, “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”да Абдулла Қодирий таржималарнинг содда, кенг халқ оммаси учун тушунарлилиги ва пухталигини таъминлашда жонли халқ тили лексикасидан, кўп маъноли, маънодош сўзлар, окказионал ясалмалардан қай даражада моҳирона фойдаланганлиги ишимизнинг Абдулла Қодирийга бағишланган қисмида кенг ёритилганлиги учун, бу масалага батафсил тўхталишни лозим топмадик.

2. Луғатларда лексикографик ишоралар ҳамда белгилар ёрдамида изоҳлашнинг берилиши. Ҳар икки луғатдаги лексикографик ишоралар ҳамда белгилар ёрдамида изоҳлашнинг берилишини солиштирар эканмиз, Абдулла Қодирий тартиб берган луғатдаги айрим аҳамиятли, Ашурали Зоҳирий луғатида мавжуд бўлмаган қуйидаги тафовутларни кузатдик:

– рус тилига ўзлашган байналмилал сўз ва терминларнинг талаффузи ва ёзма меъёрларидан ўқувчини кенгроқ хабардор қилиш мақсадида ўша сўзларнинг лотин графикасида ёзилиш транскрипциясини бериб боради ва ундан кейин таржимаси берилган: *полиартрит* – *poliartrit*. – *бир вақтда бир неча аъзонинг шамоллаши*; *полифонизм* – *polifonizm*. – *кўп товушлилик, кўп тонлилик*; *понч* – *ропс*. – *инглиз халқ театрусининг бош қизиқчиси*; *прецедент* – *pretsedent*. – *ўздан сўнгги воқеага ўрناк бўларли воқеа*; *протест* – *protest*. – *этироз, қаноат қилмаслик* (РЎТС, 247, 252, 277, 349, 457);

– кўп маъноли ва омоним сўзларнинг ҳар бир маъноси алоҳида-алоҳида келтирилган ва улар орасига (/) белгиси қўйилиб ажратилган. Ашурали Зоҳирийнинг луғатида эса кўп маъноли ва шаклдош сўзларнинг турли маъноларига алоҳида изоҳ берилмаган, вергул (,) билан ажратилган, холос: *памятка* – *эсдалик, хотира* // *сабоқ, ибрат* (РЎТС, 10); *памятка* – *эсдалик, сим дафтар* (РЎМЛ, 377);

– вариантдош сўзлар изоҳланаётганда “қаранг” сўзи ишлатилган: *помочь* – *қ. помогать, порезать*; – *қ. порезывать*; *приметка* – *қ. примета*; *пряменько* – *қ. прямо* (РЎТС, 267, 290, 374, 471);

– фан ва техникага оид илмий терминлар таржимаси берилганда қавс ичида фаннинг номи қисқартма тарзида ифода этилган: *прямокрылыс* – *тўғри қанотлилар* (зоол.); *психоанализ* – *руҳни текшириш* (мед.); *подмышка* – *қўлтиқ* (анат.); *проявитель* – *кўрсаткич* (физ.) (РЎТС, 199, 352, 471, 472). Айниқса, омоним сўзларнинг маъноларини очишда бу усул жўда қўл келган: *переложение* – *жойини ўзгартирув* (мат.) // *басталов* (мус.), *переливание* – *идишдан- идишка қуйув* // *қон ўтказув* (мед.) (РЎТС, 78);

– Абдулла Қодирий луғатда турли ижтимоий соҳага оид сўзлар, терминларнинг таржимасини асосли, тўлақонли акс эттириш мақсадида айрим ўринларда қўшимча изоҳ сифатида математик формулалар, белги-ишоралардан ҳам унумли фойдаланган. Бу, ўз навбатида, ўқувчининг таржимадаги сўзнинг маъносини осон ва тез тушунишини таъминлаган: *пара* – *пул, турк майда ақчаси* – *1/5 тийинга баравар*; *параган* – *маҳак тоши, италия қора мрамари, бир хил йирик матбаа ҳарфи (18-20 пункт)*; *параграф* – *хона, § - белгиси*; *пасъма* – *басма* – *ҳар бириси бир метр узунликдаги 100 та ипдан иборат калава (10 ливит ип)*; *полтара* – *бир ярим, 1 1/2* (РЎТС, 19, 20, 35, 257);

– яна бир эътиборли жиҳат, “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”да рус тилидаги сўзларнинг грамматик категориялари ҳақидаги маълумотларнинг келтирилганлиги. Абдулла Қодирий таржима қилинаётган айрим сўзларнинг рус тилидаги “грамматик род”, “бирлик ва кўплик” формалари ҳақидаги маълумотларни ҳам лексикографик ишоралар орқали кўрсатишга муваффақ бўлган: *портфель (м)* – *портфел // министрлик мансаби*; *поскрёбки (м.мн.)* – *қиринди, қириндиқ*; *потёмки (ж.мн.)* – *қоронғулик, зулмат // зиндон* (РЎТС, 295, 301, 311).

Мазкур луғатларнинг лексикографик хусусиятларини ўзаро қиёслаш, умумий тавсифий белгиларини аниқлаш ҳамда жаид давридаги икки тилли таржима луғатларининг юзага келиши ва такомиллашиши ҳақидаги фикрларимизни қуйидагича умумлаштиришни лозим топдик:

– жаидчилик даврида икки тилли, хусусан, русча-ўзбекча таржима луғатларининг ўзбек зиёлиси муаллифлиги остида яратилганларининг дастлабкиси маърифатпарвар жаид адиби Ашурали Зоҳирийга тегишли. Муаллиф мазкур луғат устида анча заҳмат чеккан, бироқ ўз фаолияти давомида луғатчиликнинг, луғатлар яратишнинг назарий ва амалий масалалари билан жиддий шуғулланганлиги боис, бу ишни муваффақиятли амалга оширган. Илк таржима луғати бўлганлиги учун унда йўл қўйилган камчиликларни, таржималардаги арабча, форсча ўзлашма сўзларнинг,

изофали бирикмаларнинг кўплаб ишлатилганлигини тўғри баҳолаш лозим. Ўша даврда дастлабки русча-ўзбекча мукаммал таржима луғати сифатида баҳоланиб, унга бошқа туркий халқ учун яратилган таржима луғатининг асос қилиб олинганлиги, луғатчиликнинг назарий ва амалий масалалари, қонуниятлари ҳали тўлалигача шаклланмаганлиги, шунингдек, янги ўзбек адабий тилининг лексик-грамматик меъёрлари энди шаклланаётган бир даврда яратилганлиги луғатдаги бундай камчилик ва нуқсонларни келтириб чиқариши табиий эди;

– бунгача рус турколог олимлари, рус давлат хизмати вакиллари ва бошқа туркий халқлар лексикографиясида яратилган таржима луғатлари “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” учун асос вазифасини ўтаган. Лекин Ашурали Зоҳирий луғат тартиб беришда уларга шунчаки эргашмай, ўзбек тилининг миллий хусусиятларини, шаклланаётган янги ўзбек адабий тилининг меъёрларини эътиборга олган. Шу сабабли ҳам русча сўзларнинг ўзбекча муқобилларини беришда кенг ўқувчилар оммаси манфаатини ўйлаб, луғатга жонли халқ тилидан кўплаб сўз ва ибораларни киритган;

– Ашурали Зоҳирий тартиб берган луғатда “П” ҳарфи бўйича таржимада берилган сўзликнинг умумий миқдори 7 000 мингдан ортиқ бўлса, Абдулла Қодирий луғатида бу миқдор 11 000 ни ташкил қилади. Бу ҳолатни шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, Ашурали Зоҳирий ўз луғатидаги сўзликни, юқорида таъкидлаганимиздек, Султон Раҳмонқули ва Абдурахмон Карамлар томонидан яратилган “Русча-татарча мукаммал луғат”¹⁸³дан олган. Бунда татар тили учун характерли бўлган, ўзбек тили учун аҳамиятли бўлмаган сўз ва иборалар муаллиф томонидан тушириб қолдирилган. Шунингдек, Ашурали Зоҳирий “Русча-ўзбекча мукаммал луғат”ни 1927 йилда тузган, “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” эса Абдулла Қодирий ва С.Раҳматийлар томонидан 1934 йилда нашр этилган. Орадаги етти йиллик вақт мобайнида ўзбек тилининг умумий лексик фондидаги ўзгаришлар, терминологик лексикадаги, ўзбекча сўзлар семантикасидаги силжишлар ва русча

¹⁸³ Раҳмонқули С., Карам А. Русча-татарча мукаммал луғат. – Қозон: Аср босмаҳонаси, 1920.

сўзларнинг ижтимоий ҳаётга кенг кириб келиши ҳамда уларни тушунишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши бундай миқдорий тафовутни келтириб чиқарган;

– ўз навбатида, Абдулла Қодирийнинг луғатчилик фаолиятида, у яратган луғатнинг мукамаллигини таъминлашда бошқа луғатлар қаторида Ашурали Зоҳирийнинг “Русча-ўзбекча мукамал луғат”и ҳам муҳим роль ўйнаган. Қодирий Зоҳирийнинг мазкур луғати билан яқиндан танишган, асосий андазани шу луғатдан олган, шунинг баробарида, луғат устида ишлаб, унда йўл қўйилган камчиликларни тuzатган, лексикографик тамойилларнинг мукамаллигини таъминлашга эришган;

– мазкур даврда икки тилли таржима луғатларининг такомиллашиб бориш жараёни ўзаро қиёсда янада тўлароқ намоён бўлди. Абдулла Қодирий ва С.Раҳматийлар томонидан 1934 йилда нашр этилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” таржимада берилган сўзликнинг миқдори, ундаги изоҳларнинг тушунарлилиқ даражаси ҳамда ҳозирги икки тилли таржима луғатларига хос бўлган лексикографик ишоралардан самарали фойдаланганлиқ нуқтаи назаридан ўша даврдаги бошқа луғатлардан такомиллашганлиги билан ажралиб туради. Бу эса, ўз-ўзидан, ўзбек луғатчилигининг тадрижий ривожланиш босқичларида жаҳид адибларининг ҳам муносиб ўрни борлигидан далолат беради.

3.4-§. Элбекнинг луғатшунослиқ фаолияти

Жаҳид маърифатпарварлари ўзбек халқи равнақида катта аҳамият касб этганлигини уларнинг ўша давр матбуотида она тили муаммоларига бўлган муносабатидан ҳам яққол тасаввур қилиш мумкин. Тараққийпарвар ўзбек зиёлилари – жаҳидларнинг она тили мавқеини кўтариш, мумтоз ўзбек адабий тилини халққа яқинлаштириш, замонавий ёзма тилни шакллантириш борасидаги фаолиятлари билан танишар эканмиз, уларнинг бу ҳаракатлари баробарида ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшганликлари диққатга сазовор. Бу ишларда Элбекнинг

хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Замонасининг илғор зиёлилари каторида бўлган Элбек халқ миллий онгининг ва умуммаданий даражасининг юксалиши ёт (ўзлашма) сўзлардан холи, кенг омма учун тушунарли бўлган адабий тилни шакллантириш билан узвий боғлиқ эканини чуқур фаҳмлаб, матбуотда амалдаги ўзбек ёзма тилини, тўғрироғи, ёзувни ислоҳ этиш ғоясини изчил тарғиб қилди, она тили (ўзбек тили)ни тараққий эттириш ва уни мукаммал эгаллаш масаласига ўзликни англашнинг, миллат маънавий камолотининг энг муҳим омили сифатида эътибор қаратди.

Элбекнинг 20-йиллардаги араб алифбосини қайта ислоҳ этиш, қулай имло қоидаларини яратиш, ўзбек тилининг назарий грамматикасини тузишдаги ҳаракатлари, ўзбек тилининг илмий терминологик тизимини шакллантиришдаги хизматлари ҳамда луғатшунослик фаолияти Ш.Бобомуродованинг монографик тадқиқотида бир мунча муфассал ёритилган¹⁸⁴.

Ш.Бобомуродова Элбекнинг луғатшунослик фаолиятини тадқиқ қилар экан, унинг “Луғат ва атамалар”, “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати” ҳамда “Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” номли асарларини атрофлича лингвистик таҳлил қилади. Таҳлилларида Элбекнинг луғатшунослик фаолияти негизида ўзбек тили сўз хазинасини бойитиш, тилни ички имкониятлари асосида ривожлантириш, миллий адабий тил яратиш йўлидаги ҳаракатлар ётишини илмий баҳолаб, ёт (ўзлашма) сўзларни туркийлаштириш мақсадида матбуотда “Луғат ва атамалар” рукни остида эълон қилган туркийча лексемалар изоҳини, шунингдек, “Ўзбекча шаклдош сўзлар” луғатида қўлланган кенгайтирилган синонимик, антонимик, грамматик ҳамда сўзларнинг русча, форсча, арабча, татарча муқобилларини келтириш каби лексикографик тамойиллардан унумли фойдаланганлигини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилган.

Муаллиф ўз кузатишларида Элбек 20–30 йилларда матбуотда эълон қилинган ўзлашма сўзларнинг соф туркийча муқобилларини келтиришда,

¹⁸⁴ Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... диссертация. – Тошкент, 2002.

уларнинг имлосини белгилашда сўзларнинг этимологиясига ҳам эътибор берганлигини, ўрганганлигини, бу билан ўзининг луғатшунослик фаолияти доирасида этимология соҳасида ҳам илмий изланишлар олиб борганлигини алоҳида таъкидлайди¹⁸⁵. Шунга қарамай, Ш.Бобомуродованинг ишида Элбекнинг бу борадаги фаолиятига кенг ўрин ажратилмаган. Шу муносабат билан луғатшунос томонидан сўзларнинг келиб чиқиши, яъни этимологияси юзасидан олиб борган илмий изланишларини таҳлилга тортишни лозим топдик.

Маълумки, *этимология* тилшуносликнинг муҳим ва мураккаб соҳаси бўлиб, унда сўзларнинг асл шакли ва маъносини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилади. Бунда сўзлар маъноси, таркиби, қолаверса, морфема, фонемалардаги даврлар оша рўй берган тадрижий тараққиёт синчиклаб текширилади. Бу, ўз-ўзидан, халқ тарихидан ҳам, тил тарихидан ҳам муайян хабардорликни талаб қилади ва сўзга ҳам маъно, ҳам шакл жиҳатидан этимологик талқин асосида тавсиф бериш мақсад қилинади.

Луғатшунос Элбекнинг шундай мақсад устида иш тутганлигини 1920–30 йилларда “Қизил Ўзбекистон”, “Туркистон” каби матбуот нашрларида тил ва имло, атамалар, услуб юзасидан эълон қилган бир қатор мақолаларида кузатишимиз мумкин. Жумладан, “Туркистон” газетасининг 1924 йил 22 октябрь сонида эълон қилинган “Тилимиздаги ёнглишқлар” номли мақоласида “*берк ва бек*” сўзларига берган талқини эътиборни тортади:

“... Маълумким, бизда “*берк*” сўзи бор. Бу “*маҳкамламак*” маъносида бўлгон “*беркитмак*” масдаридан олингон. Биз ҳар вақт “*бек*” суратида ёзамиз ва ўқиймиз. Ҳолбуки, бу сўз ила “*берк*” сўзининг орасидаги маъно ёғидан бўлгон айирма жуда каттадир. Ҳатто, бу кун элимиз орасида ҳам “*беркин*” деган отлар борки, бу от “*маҳкам*” деб юритилган арабий отларнинг нақ туркийсидир. Сўнгра “*берк – қаттиқ*” маъносида ҳам юритилади, бу “*қаттиқ*” сўзи ила “*берк*” сўзи орасида ғоят маъно ёғидан яқинлик бордир. Негаким, озарбайжонлар ҳар вақт “*берк урди*”, яъни

¹⁸⁵ Элбек. Тилимиздаги ёнглишқлар // “Туркистон” газетаси. – Тошкент, 1924 йил 22 октябрь. – Б. 47.

“қаттиқ урди”, деб айтадилар. Бас, бизнинг “мансаб” маъносида бўлгон ёхуд татар ва усмонлиларнинг бизнинг “жуда” деган сўзимиз ўрнида юратургон “бек” сўзларининг бизда “берк” сўзи ўрнида ишлатилиб, “берк” дейиш ўрнига “бек” демагимиз кулгили бўлиб чиқади...”¹⁸⁶. Муаллиф ўша давр ёзма ва оғзаки нутқида “бек” ва берк” сўзларининг бирининг ўрнида иккинчиси чалкаш ҳолда қўлланаётганлигини таъкидлар экан, кўриб ўтганимиздек, уларнинг қайси ўринда “бек”, қайси ўринда “берк” қўлланишини илмий асослаган ҳолда кўрсатмоқда. Бунда, ҳақиқатан ҳам, туркийча “берк” сўзи ўз этимологик табиатига кўра “қаттиқ” маъносини ифодалайди, ушбу маънога нисбат қилинган ҳолда халқимизда “Беркин” деган исм (антропоним) юзага келган, арабларда эса бу сўзнинг муқобили “Маҳкам” сўзидир. Бу фикрни Шавкат Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати” да келтирилган қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқласа, ажабмас: “Маҳкам – бу арабча сўз асли кўп маъноли *hakama* феълининг “қўриқлади” маъноси билан ясалган сифат, “мустаҳкам”, “пухта-пишиқ” каби маъноларни англатади. Бу сўз эркак кишининг оти сифатида ҳам ишлатилади...”¹⁸⁷. Кўринадики, Элбек бу сўзларнинг истёъмолда нотўғри қўлланаётганлиги, улар нутқда ўз маъносидан келиб чиққан ҳолда тўғри ифода этилиши кераклигини таъкидлаган ҳолда, бу сўзларнинг этимологик табиатидан келиб чиқиб ғоят тўғри, аниқ ва асосли хулосалар чиқаришга муваффақ бўлгандек. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам, берк ва бек сўзлари бир-биридан фарқ қилади ва уларни ўз ўрнида фарқлаб қўллаш, албатта, зарур. Чунки улар бошқа-бошқа сўзлардир. Ўзбек тилидаги берк сўзи аслида бир сонига феъл ясовчи -ик қўшимчасининг қўшилишидан ясалган бўлиши керак: эшикни беркит – бирик эт (бириктир), унинг мустаҳкам, қулфламоқ, маҳкам маънолари ана шу бирикмоқ феълидан вужудга келган бўлиши мумкин. “Девону луғотит турк” да “бэрк – берк, маҳкам. Асли бак, “р” ортиқча. Бэрк нен – мустаҳкам нарса” деган изоҳи

¹⁸⁶ Элбек. Тилимиздаги ёнглишликлар // “Туркистон” газетаси. – Тошкент, 1924 йил 22 октябрь.

¹⁸⁷ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 261.

берилган¹⁸⁸. Шунингдек, “Девон”да *бэк – мустаҳкам; бэк ненг – мустаҳкам, мустаҳкам* нарса тарзида фақат *бек* сўзининг ўзи ҳам қайд этилган¹⁸⁹.

Кўринадикки, *берк* сўзи таркибида “*p*” товушининг орттирилиши изоҳланмайди, фақат унинг, қайд этилишича, ортиқча эканлиги кўрсатилади. Ортиқчаликнинг қаердан пайдо бўлганлиги айтилмайди. Демак, *маҳкам, мустаҳкам* маъноларидаги *бек* сўзи (аслида шу шаклда бўлгани қайд этилган) алоҳида сўз бўлмай, у бирик сўзининг ўзгариши, “*p*” товушининг тушиб қолиши, “*u*” товушининг редукцияси натижасида ҳосил бўлган ва сифат туркумига хос сўзга айланган. *Берк* сўзи эса (унинг таркибида “*p*” иштирок этган) *бирик* сўзининг қисқаришидан ҳосил бўлган (феълнинг қисқаришидан ҳосил бўлган) сўз. Жонли сўзлашувда *берк* қисқариб *бек* шаклига келган бўлади. Шундай қилиб, икки нарсани бириктириш ҳолати *бирик* ёки *берк* тарзидаги сўз билан ифодаланган. Бирикиш – мустаҳкамлик учун асос бўлган дейиш мумкин. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да *бекик, бекил, бекит* сўзшакллари этимологияси қадимги туркий тилдаги *бек* сифатига алоқадор сифатида чала изоҳланган, тўғри эмас, этимологияси чуқурлаштирилиши керак эди.

Элбекнинг худди шу каби “*тургун*”, “*тургин*” сўзларининг этимологияси ҳақида билдирган фикрлари ҳам қимматли. Тилшунос олим “Туркистон” газетасининг 1924 йил 21 октябрдаги сонидида “Тилимиздаги ёнглишиқлар” рукни остида берилган мақоласида айнан ушбу сўзларнинг этимологик хусусиятларини таҳлил қилади: “...Бу сўз кўб вақт ўзидан илгариги сўзга қўшилиб қўшма феъл ёсайдур. Масалан: *келатургон, ўқийтургон, ёзатургон* каби... Бу кун бир қанча кишиларимиз -*диргон, -диган* суратида ёзиб турадилар. Ҳатто матбуотимиз ҳам шундайин сўз билан ёзила бошлади. Ҳолбуки, бу тўғри эмасдир. Бизнингча, бу сўз *тургон* равишида ёзилиши керак... буюн барча турк тилларида учрайтургон қўшма сўзлар ҳар

¹⁸⁸ Маҳмуд Кошғарий. Девону лағотит турк. 1-жилд. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2016. – Б. 236.

¹⁸⁹ Шу манба. – Б. 227.

вақт ўз ҳолича ёзилиб бориладир...Негаким, халқимиз ҳам боласи турмагон чокда *Турган* деб эмас, балки *Тургин* ёхуд *Турғун* деб от қўядир...”¹⁹⁰.

Муаллифнинг фикрига назар ташлайдиган бўлсак, ундаги феълнинг вазифавий шакллари (-*ай*,-*ган*, -*кан*, -*қан*), замон категорияларини (-*ётган*, -*диган*) талқин этишида баъзи мунозарали ўринлар мавжудлиги сезилади. XX асрнинг 20–30-йилларида, яъни янги ўзбек адабий тили грамматикасининг назарий асослари эндиgina қайта ишланаётган мана шу даврда бундай чалкашликнинг кузатилиши табиий, албатта. Бироқ, “*тургин*”, “*турғун*” лексемаларининг, аниқроғи, туркийча антропонимлар лисоний сатҳда юзага келиши сабабларининг, этимологияси ва мотивларининг жонли халқ тили мисолида ишонарли тарзда асосланганлиги ўқувчи диққатини тортади.

Қадимги туркий тилда сўзларнинг кўпчилиги бир бўғинли ва уларнинг аксарияти туб бўлган. Бундай сўзлар тилнинг тарихий тараққиёти давомида мазмунан ўзгармай, товуш жиҳатдан ўзгарган бўлиши мумкин. Яъни, ясовчи асосга ясовчи восита (аффикс) қўшилиши билан ясалмада ҳам, ясовчи асосда ҳам, ясовчи воситада ҳам турли фонетик ўзгаришлар содир бўлиши мумкинлиги кузатилади. Бунда сўз қисмлари орасидаги муносабатни кўрсатишда товуш жиҳатдан ўзгарган сўзнинг олдинги ва кейинги шаклий белгиларини аниқлаш текширувчидан анча синчковликни талаб қилади. Сўзларнинг этимологик талқинида ана шундай товуш ўзгаришлари қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилига қадар қандай воқе бўлганлиги баён қилиниши ва сўзнинг шакл жиҳатдан бугунги кундаги кўринишига шу асосда изоҳ бериш лозим бўлади. Агар шундай ёзиладиган бўлса, Элбекнинг *тургон* сўзи этимологиясига ёндашуви, албатта, мунозарали. Чунки *тургон* сўзининг келиб чиқиши аслида мустақил *турмоқ* феълига алоқадор, унинг кўмакчи феълга айланиши, кўмакчи феълли қўшилмалар таркибида келиши ва ниҳоят қисқаришлар натижасида аффикс ҳолига келиб қолиши каби жараёнлар яна бошқача изоҳларни талаб қилади. Унинг кўмакчи феъл ёки қўшимча

¹⁹⁰ Элбек. Тилимиздаги ёнглишликлар // “Туркистон” газетаси. – Тошкент, 1924 йил 21 октябрь.

сифатида қайси шаклда қўлланиши бошқа масаладир. Шундай бўлса-да, Элбекнинг бу сўз қўлланишидаги ҳар хилликларга муносабати ўринли ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Элбек “Туркистон” газетасининг 1924 йил 24 октябрь сонидида эълон қилинган “Тилимиздаги ёнглишликлар” номли мақоласида ўша даврда турли янглишликлар асосида қўлланаётган “*қаттиқ*” ҳамда “*ёрим*” сўзлари ҳақида тўхталар экан, юқорида таъкидлаганимиз каби бу сўзлардаги фонетик хусусиятларни, ясадиш жараёнида содир бўлган тил қонуниятларини тўғри таҳлил қилади. Этимологик талқин асосида сўзларнинг тўғри шаклдаги вариантларини асл маъносидан келиб чиққан ҳолда изоҳини беради: “...*Қоттиқ* сўзи *қотмоқ* масдаридан ва *ёрим* сўзи эса *ёрмоқ* масдаридан олинган сўзлардир. Тилимизда бундай ёсолган сўзлар жуда кўбдир...”¹⁹¹.

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да ҳам бу сўзларнинг этимологик талқини Элбекнинг юқоридаги изоҳидан унчалик фарқ қилмайди: “*қаттиқ* – таркиб топтирувчилари зич жойлашган, узок туриб қолгани каби сабабларга кўра сингдириш, қирқиш, чопиш қийин бўлган нарсалар. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва яна бир неча маъноларни англатган бу сифат асли “*қаттиқ ҳолатга кел*” маъносини англатувчи “*қат*” феълидан *-(ы)ғ* кўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида “*т*” ундоши қатланган; кейинчалик сўз охиридаги “*ғ*” ундоши “*қ*” ундошига, “*а*” унлиси “*о*” унлисига алмашган, “*ы*” унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: *қат + ығ = қатығ > қаттығ > қаттиқ...*”¹⁹²; “*йор* – кесиб, чопиб бўлақларга ажрат, бўл маъносидида. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли “*йа:р*” тарзида талаффуз қилинган, кейинроқ “*а:*” унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, ўзбек тилида “*а*” унлиси “*о*” унлисига алмашган: *йа:р > йар > йор...*”¹⁹³. Аслида *йарим (йорим)* сўзининг ўзак қисми *йир* феълига алоқадор сўз бўлиши керак (*йир – айир – ажират, ажирим* каби сўзларнинг ҳам ўзаги бўлиб, *нарсани бўлиш, иккига ажратиш, қисмларни бир-биридан*

¹⁹¹ Элбек. Тилимиздаги ёнглишликлар. – “Туркистон” газетаси. – Тошкент, 1924 йил 24 октябрь.

¹⁹² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 533.

¹⁹³ Шу манба. – Б. 171.

йироқлаштириши каби маъноларни ифодалаган). Ҳар ҳолда, *йар* ва *йир* сўзларининг келиб чиқиши ўзаро алоқадордир: *йир* – *йар* – *йор* каби. Хуллас, Элбек *йорим* (*йарим*) сўзининг этимологиясини мана шу ўзаклар билан боғлаб, тўғри йўл тутган.

Кўриб турганимиздек, Элбек “*қаттиқ*”, “*ёрим*” сўзларининг асл маъноларини беришда деярли янглишмаган, сўзлар таркибида тадрижий тараққиёт натижасида рўй берган фонетик ўзгаришларни жиддий текширган, ўзининг этимологик талқини асосида бундай соф туркийча сўзларни кенг истеъмолга олиб киришда (қайта тиргизиш)да ниҳоятда эҳтиёткорона йўл тутиб, аниқроғи, этимологик таҳлилларга таянган ҳолда сўз маъносининг аниқ изоҳини беришга муваффақ бўлган. Шунини таъкидлаш лозимки, маърифатпарвар Элбек туркий луғатчилик анъаналарининг ноёб дурдоналари ҳисобланган “Девону луғотит турк”, “Муқадиматул адаб”, “Китоб ат-туҳфатуз-закияти фил-луғатит-туркия”, “Бадоеъ ал-луғат”, “Абушқа”, “Келурнома” каби луғатлардан муайян хабардор бўлган, мазкур луғатларда келтирилган туркийча сўзлар ҳақидаги маълумотларни пухта ўзлаштирган. Маълумки, ўзбек тилшунослиги тарихида, шунингдек, туркологияда дастлабки этимологик кузатишлар Маҳмуд Кошғарий, Беруний (“Сайдана” асарида *бодринг*, *помидор* каби кўпгина сўзлар этимологияси берилган), Бобур (“Бобурнома”да *ҳо дарвеш*, *конибодом* каби анчагина сўз этимологияси қайд этилган) каби олимлар, кейинчалик, Мелиоранский, Рамстедт ва бошқа олимлар томонидан сўзлар этимологиясига эътибор қаратилган. Ана шулар таъсирида Элбек ҳам сўзлар этимологиясига диққат қилиб, келажакда ўзбекча сўзлар этимологияси луғатларини тузиш ишига тамал тошини қўймоқчи бўлган, дейин мумкин. Шу билан бирга, ўзбек тилидаги айрим сўзларнинг морфем таркибини тўғри белгилаш, морфемалар сингишуви доирасида содир бўладиган товуш ўзгаришларини ўрганиш, ўзгаришлар натижасида сўз таркибида юз берадиган соддалашиш ҳодисасини аниқлашга ишора қилган. Бу нарса Элбекнинг жиддий назариётчи тилшунос бўлганлигини, этимология, морфемика, сўз ясалиши соҳаларидаги

етуклигини кўрсатади. XX асрнинг охирларида яратилган “Морфем луғат”, “Этимологик луғат” каби илмий асарлар Элбек бошлаб берган ишларнинг давомидир. Бундан эса, ўз навбатида, замонасининг илғор зиёлиси сифатида туркийча сўзларнинг маъно ва шакл муносабати, семантикасининг генезиси ва ясаиш хусусиятлари ҳақида ишончли хулосалар чиқаришига замин яратган десак, хато қилмаган бўламиз.

XX асрнинг дастлабки чорагида фаолият кўрсатган зиёлилар олдида илмий-адабий муҳитни юзага келтириш, адабий меросимизни тадқиқ ва тарғиб этиш, замонавий тил ва адабиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, адабий жараёни кузатиб бориш ҳамда халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ илмий тадқиқотлар яратиш каби катор муҳим вазифалар турар эди. Бу вазифаларнинг ижроси йўлида Фитрат, А.Саъдий, Вадуд Маҳмуд, Ғози Олим Юнусов, Отажон Ҳошим каби маърифатпарварлар қаторида Элбек ҳам жиддий фаолият кўрсатди. У ўша пайтдаги Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий текшириш институтининг топшириғи билан халқ оғзаки ижоди намуналари, халқ дostonлари вариантларини тўплайди ҳамда уларнинг тили ва услубини ўрганишга киришади. Халқ оғзаки ижоди материаллари асосида мингдан ортиқ сўзларнинг изоҳли луғатини тузиб, “Тил проблемалари” номли журналда эълон қилади¹⁹⁴. Кейинчалик, бу асар “Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” дея номланади. Унинг ўзбек луғатчилиги тадрижий тақомилида муҳим ўрин тутувчи мазкур асари тилимизнинг бой луғат захирасини тўплаш, уни ўрганиш ва кенг халқ оmmasига етказиш йўлида тўплаган бой материаллари, туркий луғатчилик анъаналари негизида ўрганган тажрибаси асосида яратилган дастлабки изоҳли луғат намунаси.

Шу ўринда, Элбекнинг бундай йўл тутишига, яъни халқ оғзаки ижоди намуналаридаги сўзларни тўплаш ва уларнинг изоҳини келтиришдан мақсади нима эди, деган саволнинг туғилиши табиий.

¹⁹⁴ Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... диссертация. – Тошкент, 2002. – Б. 95.

Дарҳақиқат, адабий тил ҳамиша халқ лаҳжа ва шеваларидан озиқланиб турсагина, у ўзини таъминлаб турувчи манбадан, асосдан узилиб қолмайди. Чунки халқ тили адабий тилни озиқлантириб турувчи туганмас бойликлар булоғи. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби адиблар ҳамиша адабий тил билан шеваларни бир-бири билан алоқада олиб қараганлар. Бу ҳолатни тўғри англаган маърифатпарвар жаид адиблари XX аср бошларидаги янги ўзбек адабий тилини, хусусан, терминологияни шакллантиришда, унинг назарий асосларини ишлаб чиқишда халқ жонли тили, халқ оғзаки ижоди намуналарининг тили, уларнинг лингвистик хусусиятлари бирламчи манба бўлиши лозимлигини қатъий белгилаган.

Элбек адабий тил ва шевалар муносабати масаласига жиддий эътибор қаратади. Шеваларнинг адабий тилни бойитиб боровчи манба эканлигини тўғри баҳолайди. Шу билан у шеваларни ўрганиш (шевашунослик) ишига ўз ҳиссасини қўшади. Тилшунос сифатида сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиш масаласини Элбек XX аср бошларида кўтариб чиқади: жониворлар, ўсимликлар, бошқа нарсаларнинг номларини гуруҳлаб келтиришга эътибор қаратади.

Элбек мана шу мақсад талабидан келиб чиқиб “Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” асарининг сўзбоши қисмида: “Ўзбекистон бўйлаб ҳали тузук ўрганилмаган жойлар кўп. Булардаги сўз бойликларини қўлга киритиш керак. Масалан, бизда жониворлар, ўсимликлар ва жуғрофий терминлар анча бор, биз буларни қўлга тўпламасдан туриб, албатта, термин ярата олмаймиз...”¹⁹⁵, дея таъкидлайди ва адабий тилдаги ўзлашма сўзларнинг, терминларнинг туркийча муқобилларини турли қишлоқ шевалари, халқ оғзаки ижоди намуналари тилидан излаб топишга ҳаракат қилади.

Асарнинг сўзбоши қисмида халқ тилидаги “*терскай*”, “*қузгай*”, “*кунгай*”, “*ўнғур*”, “*элдик*” каби географик терминларни; “*бўрибағир*”, “*камхастак*”, “*қотранги*”, “*четан*”, “*тубулги*”, “*мучча*”, “*какра*”, “*йулғун*”,

¹⁹⁵ Элбек. Ўзбек тўла сўзлигига материаллар // Тил проблемалари. Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий текшириш институти. Тил секторининг мажмуаси. 2-сон. – Тошкент: Ўздавнашр, 1935. – Б. 42.

“*чачратғи*”, “*жига*” каби бир қанча ўсимлик номларини келтириб, мазкур сўзларнинг этимологияси, семантикаси ҳақидаги маълумотларни ҳам келтириб ўтади. Масалан: “...тоғнинг қуёш тушмайтурғон томонини “*қузғай*” ёки “*терскай*” дейдилар. Шунингдек, мағорани “*ўнгур*”, тоғдан қуйиға тушушни “*элдик*” ёхуд “*эндик*” дерлар ва бундай сўз ва терминлар қушлар, ўсумликлар ҳақида ҳам кўп топилади...”¹⁹⁶. Келтирилган бундай туркийча сўзларнинг маъносига аниқлик киритиш мақсадида Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати” га мурожаат қилишни лозим топдик: “...*терскай* – қуёш нури тушмайдиган жой. Бу сифат “*тескари томон*” маъносини англатувчи “*терс*” отидан -*кай* қўшимчаси билан ясалган: *терс+кай=терскай*”¹⁹⁷; *қунгай* – “қуёшнинг ҳаракатланиш йўлида ўринлашган” деган маънони беради. Бу сифат қадимги туркий тилда ҳам *қуёш* маъносини англатган *қун* отидан -*гай* қўшимчаси билан ясалган¹⁹⁸; *ўнгир* – ўйик, чуқур жой маъносида. Бу от қадимги туркий тилдаги *ковла*, *чуқур ҳосил қил* маъносини англатган *ўнг* феълидан -(*у*)*р* қўшимчаси билан ясалган, ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги *у* унлиси *и* унлисига алмашган: *ўнг+ур=ўнгур>ўнгир*¹⁹⁹.

Юқоридаги мисоллар таҳлили Элбек ва Шавкат Раҳматуллаевнинг сўзлар изоҳидаги этимологик талқинларининг муштараклигини кўрсатмоқда. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўзларнинг тарихи билан, айниқса, сўзнинг келиб чиқиш манбаи ҳамда унинг семантик хусусияти билан шуғулланиш тилшунослик фанининг жуда кўп томонидан хабардор бўлишни тақозо қилади. Бунинг устига адабий тилдаги лексемалар билан бир қаторда халқ лаҳжа ва шеваларидаги сўзларнинг талқинларини ўрганишни ҳам қўшадиган бўлсак, масаланинг нақадар мураккаблиги ўз-ўзидан маълум бўлади. Умумхалқ тилидаги сўзларни мукаммал ўрганиб уларни янги ишланаётган адабий тилга олиб киришга, бу билан адабий тил билан

¹⁹⁶ Элбек. Ўзбек тўла сўзлигига материаллар // Тил проблемалари. Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий текшириш институти. Тил секторининг мажмуаси. 2-сон. – Тошкент: Ўздавнашр, 1935. – Б. 43.

¹⁹⁷ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 392.

¹⁹⁸ Шу манба. – Б. 218.

¹⁹⁹ Шу манба. – Б. 198.

умумхалқ тили ўртасидаги узилишни йўқотишга, уларни бир-бирига яқинлаштиришга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жиддий эътибор қаратган Элбекнинг юқоридаги таҳлил ва талқинлари унинг сўзлар тарихи, яъни этимологиясининг ҳам моҳир тадқиқотчиси эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Тилни халқ яратади. Демак, тилнинг жозибадорлиги, таъсирчанлиги, сеҳри ва бутун борлиғи халқ тилида мужассам бўлади. Шунинг учун ҳам адабий тилнинг қай даражада, қай ҳолатда бўлиши унинг умумхалқ тили билан муносабатига боғлиқ. Элбекнинг халқ тилининг нодир бойликларини (сўзларни, атамаларни) тўплаш, уларни янги шакллантирилаётган адабий тилга олиб киришдан кўзлаган асосий мақсади ҳам XX аср бошларидаги ўзбек адабий тилини жонли халқ тили асосига қуриш, бу тил, ўз таъбири билан айтганда, “яхши ишланган, кенг халқ оммаси бир-бирини қулай онглайтурғон ва ўз мақсадини шу тил орқали енгил онглататурғон бой бир тил” бўлиши учун курашиш эди. Муаллиф бу ҳаракатларининг амалий ифодаси сифатида имкон қадар халқ лаҳжа ва шевалардаги соф туркийча сўзларни тўплашга, луғатлар тузиб уларнинг маъноларини изоҳлашга ва кенг халқ оммасига етказишга бел боғлайди.

“Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” асарининг яна бир муҳим жиҳати – луғатда адабий тилнинг имло, талаффуз, сўз яшаш ва уни ишлатиш меъёрлари ҳақида ҳам маълумотлар берилганлиги. Муаллиф мазкур асарида тилда қўлланаётган сўзлар, уларнинг ясалиши, ҳатто шакл юзага келтирувчи (форма ясовчи) қўшимчаларга ҳам ўзининг муносабатини билдириб ўтган.

Элбекнинг юқоридаги фикрларини таҳлилга тортар эканмиз, унинг бу фикрларида ўзбек тилининг морфем луғати учун ҳам дастлабки маълумотлар келтирилганлигига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, тил ички ва ташқи манба асосида бойиб боради. Яъни четдан сўз ўзлашади ёки тил ички имконияти асосида – сўз ясалиши билан янги маъноли лексик бирлик пайдо бўлади. Бунда сўз ясалиши тилда мавжуд бўлган материал ва имконият асосида янги сўз ҳосил қилишни, луғат

таркибининг бойишини назарда тутди. XX аср бошларидаги миллий адабий тилни шакллантириш ва ривожлантиришни ўз зиммаларига олган жаид маърифатпарварлари адабий тилда кенг истеъмолда қўлланиб келаётган ўзлашма сўзларнинг ўрнига мумкин қадар соф туркийча муқобилларини топишга ва истеъмолга киритишга ҳаракат қилар эканлар, айрим ўринларда бундай сўз ва атамаларнинг туркийча эквивалентлари топилмаганда, ўзбек тили сўз хазинасини ички имкониятлар асосида бойитиш, яъни сўз яшаш орқали янги сўз ва атамалар яратишни кун тартибига қўйганлар. Мана шу мақсад талабидан келиб чиқиб, Элбек асарнинг сўзбоши қисмида шундай ёзади: "...Энди бир қанча сўзнинг ўз тилимиздаги сўз ясовчи қўшимчалари устида бошлайман. Бизда сўз ясовчи қўшимчаларнинг турлари жуда кўп, улар, яъни сўз ясовчиларнинг ҳар бирларининг ўзларига хос роллари бор, буларни ўз ўрунларига қуйиб, сўз ясағонимизда биздаги термин яшаш чатоқликларига анча енгиллик келтирган бўлади. Мен буларнинг муҳумларини қуйида келтираман, булар туб сўзга қўшулуб бошқа сўзлар ясайдилар..."²⁰⁰.

Кўринадик, ўша давр оғзаки ва ёзма нутқида кўпгина сўз ва атамаларнинг талаффузи ва имлосида турли чалкашлик ва ноаниқликлар, ҳар хиллик мавжуд бўлган. Бу камчилик асосан ўзлаштирилган чет сўзларда, сўз ва терминларнинг қўшиб ёки ажратиб ёзилишида, асос ва қўшимчалар имлосида, шунингдек, айрим сўзларнинг ясаиш структурасида кузатилар эди. Ўз навбатида, бу камчиликларни бартараф этиш учун эса, алифбо ва имлода, тилнинг лексик-семантик тузилиши, грамматик қурилишида, қолаверса, сўз ясаишида маълум бир қолип, аниқроғи, меъёرنинг ишлаб чиқилиши ва амалга татбиқ қилиниши лозим бўлар эди.

Ўзбек тилидаги биргина сўзларнинг ясаиши билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш мақсадида ўша даврда унумли ва унумсиз сўз яшаш хусусиятига эга, ўзи томонидан сўз ясовчи деб эътироф этилган 72 та

²⁰⁰ Элбек. Ўзбек тўла сўзлигига материаллар // Тил проблемалари. Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий текшириш институти. Тил секторининг мажмуаси, 2-сон. –Тошкент: Ўздавнашр, 1935. – Б. 44.

морфемани келтиради ҳамда уларнинг янги сўз ясалишидаги ўрнини мисоллар асосида қуйидагича тушунтиришга ҳаракат қилади:

- в: бил-в, кўр-в;
- чи: терим-чи, тароқ-чи;
- чил: сўз-чил, эн-чил;
- сил: оқ-сил;
- син: чиран-син, оз-син;
- сира: уйқу-сира, кулум-сира;
- оғон: чоп-оғон;
- арман: ол-арман, бор-арман;
- оқ, -ак: қол-оқ, куз-ак;
- иқ, ик: сол-иқ, теши-ик;
- гир, -кир: сез-гир, ўт-кир;
- м, -им: кел-им, тўпла-м;
- ар: чоп-ар;
- ғиш, -қиш: сар-ғиш, оқ-иш;
- тир, -дир: ёз-дир, кел-тир;
- ма: ёз-ма, ос-ма;
- чиқ (ўйун-чиқ, ирган-чиқ);
- чак, -чоқ: белан-чак, уйун-чоқ;
- ғич, -гич: сур-ғич, сўр-ғич;
- илди, -инди: топ-илди, сур-инди;
- намо: одам-намо, киши-намо;
- сумон: киши-сумон, одам-сумон;
- ча: эркак-ча, хотин-ча;
- часиға: эркак-часиға, хотин-часиға;
- ларча: ўртоқ-ларча, киши-ларча;
- чолиш (чалиш): хотин-чалиш, эркак-чалиш;
- дак (-так): бўл-дак; темир-так;
- тик (-тиқ): қўл-тиқ, ўлум-тик;

-вул: *қоро-вул, ясо-вул*;
 -ч: *ўтун-ч; ишон-ч*;
 -ин: *тиқ-ин, тола-н*;
 -лоқ: *тош-лоқ, қум-лоқ*;
 -лик (-лиғ): *қуй-лик, ёмон-лик*;
 -той: *суқтой*;
 -лик, -лиғ: *от-лиғ, куз-лик* (Бу ҳақда менинг айрим фикрим бор, бу қўшумча -ли қўшумчаси ўрнида келиши билан бирга изоҳга муҳтож нарса);
 -ли: *мол-ли, жон-ли*;
 -дор: *пул-дор, соя-дор*;
 -сиз: *пул-сиз, жон-сиз*;
 -ақай (-акай): *сўла-кай, сўла-қай*;
 -рак (-роқ): *катта-рак, ёш-роқ*;
 -ки (-ғи, -ки, -ги): *киш-ки, ёз-ғи, турт-ки, кес-ки*;
 -ш: *кўр-иш, жим-ш*;
 -ла: *тақсим-ла, кўз-ла*;
 -да: *йол-да*;
 -зор: *пичан-зор, олма-зор*;
 -мол: *чида-мол*;
 -ғай (-гай): *қара-ғай, кел-гай*;
 -қит (-ғит): *сол-қит*;
 -мас: *қайт-мас*;
 -чилик (-чилик): *юрт-чилик, бечора-чилик*;
 -хўр: *нон-хўр, қон-хўр*;
 -ғали (-ғали): *олғали, кўр-ғали*;
 -соқ (-сак): *олим-соқ, қурум-соқ, эр-сак*;
 -чан (-чанг): *уйал-чан, қўйлак-чанг*;
 -са: *кел-са, қулан-са*;
 -бон: *соя-бон, бозбон*;
 -қур (-кур): *йов-қур*;

-дош (-тош): *йўл-дош, кўкал-дош*;
 -лаб: *кеча-лаб, ой-лаб*;
 -ғулик (-гулик): *бор-ғулик, кўргу-лик*;
 -сер: *сер-тук, сер-унум*;
 -ўта: *ўта қора*;
 -ЭНГ: *ЭНГ яхши*;
 -жуда: *жуда ёмон*;
 -ғирт: *ғирт саводсиз*;
 -бе: *бе-парво*;
 -но: *но-инсоф, но-қобил*;
 -ним: *ним-жон*;
 -на: *на-у, на-бу*;
 -бо: *бо-барака, бо-маза*;
 -аранг: *аранг бордим*;
 -тум: *тум қора, тум оқ* каби аффикс ва перфекслардир.

Муаллиф ўз фикрида давом этиб, “...Термин ясаганимизда, рус сўзларини қандай қўллаш масаласида ўз тилимиз бойлиғига, унинг сўз яшаш қоидаларига мурожаат қилганимизда ҳалиги қўшумчаларнинг беражак фойдаларидан кўз юма олмаймиз”²⁰¹, – деб сўзлар ясалишидаги ҳар хилликни бартараф этиш таклифини илгари суради.

Маълумки, ҳар бир сўзнинг морфемаларга ажралиши ундаги қисмларнинг муайян давр тилида ўзаро муносабатга кириша олиш хусусиятига асосланади. Бунда луғат сўзларнинг морфематик составини ўзида акс эттиради ва шу асосда морфем луғат юзага келади.

Элбекнинг лексик бирликларда сўз ясалишини ўрганишидан маълум бўладики, мазкур даврда ҳам аффиксация усули билан сўз яшаш усули устувор бўлган. Ўша даврда лексема яшаш учун хизмат қилган қўшимчаларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Бироқ муаллифнинг юқорида келтирган маълумотларида айрим

²⁰¹ Элбек. Ўзбек тўла сўзлигига материаллар // Тил проблемалари. Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий текшириш институти. Тил секторининг мажмуаси, 2-сон. – Тошкент: Ўздавнашр, 1935. – Б. 54.

чалкашликлар, ноаниқликлар ҳам кузатилади. Чунончи, лексик усулда сифатлардаги орттирма даража категориясини ҳосил қилувчи *ўта, энг, жуда, зирт, тим* формаларини; озайтирма даража ҳосил қилувчи *-иш, -роқ* қўшимчаларини; бугунги кунда даража-миқдор равиши функциясини бажараётган *аранг* лексемасини; феълнинг замон, майл, нисбат каби категорияларини ҳосил қилувчи *-гали, -са, -син -арман, -гай, -дир, -тир* шакллари ҳамда *-да* келишиқ қўшимчасини сўз ясовчи аффикслар сифатида баҳоланиши нотўғри талқин. Албатта, фонетик, лексик, грамматик меъёрлар каторида, сўз яшаш меъёрлари ҳам эндигина қайтадан шаклланаётган мазкур даврда бундай камчиликнинг мавжуд бўлиши табиий эди. Унинг масалага илмий ёндашиб, муаммоларни бартараф этиш, адабий тил меъёрларини шакллантириш ишларида жонбозлик кўрсатгани унинг чинакам тилпарвар, миллатпарвар эканини яна бир карра исботлайди.

Сўзларнинг морфематик тузилишини яхши ўзлаштириш уларнинг имлосини, талаффузини, ёзилиш қонуниятларини ҳам яхши ўзлаштиришга имкон беради. Бу нарсани яхши англаган муаллиф мазкур асарида сўзларнинг талаффузи ва имлосида бир хилликка эришиш, бунинг натижасида маълум меъёрни кенг халқ оммасига сингдириш мақсадида асос ва қўшимчалар имлоси, сўзларнинг ясалиш типлари, морфемалари ҳақида маълумотларни келтириб ўтган. Бу манба ўша давр учун ўзига хос морфем луғат вазифасини ўтаган дейишимиз ҳам мумкин.

Юқоридаги фикрлар асосида хулоса чиқаришимиз мумкинки, Элбек бу борадаги хизматлари билан ўзбек тилини лексикологик, лексикографик планда махсус тадқиқ қилган, ўша давр луғатчилик тамойилларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган луғатшунос жаид адиби сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади.

Элбек сўзларнинг келиб чиқиши (этимологияси) бўйича жиддий тадқиқотларни бошлаб берган тилшунос. Унинг сўз таркиби, сўз ясалиши, сўзларни морфемаларга ажратиш, морфемаларни тўғри белгилаш, мураккаб қўшимчаларни тўғри баҳолаш борасидаги хизматлари ҳам алоҳида

тадқиқотларни талаб қилади. Жумладан, *оларман, борарман* сўзларида *-арман; топилди, сурунди* сўзларида *-илди, -инди* каби қўшимчаларни мураккаб қўшимча сифатида баҳолаш каби жиҳатлар алоҳида кузатишларни талаб қилади. Унинг шевашуносликка жиддий эътибор қаратгани масаласи ҳам борки, бу ҳам алоҳида ўрганишни талаб қилади. Айниқса, адабий тилни халқ тили билан яқинлаштириш, шу асосда (буни ҳисобга олган ҳолда) ўзбек адабий тилининг барча меъёрларини тўғри белгилаб чиқиш, имлони тартибга солиш борасидаги хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. Элбекнинг тил тараққиётига, тилшунослик тараққиётига, ўзбек луғатчилиги ривожига қўшган ҳиссаси, тадқиқотлари кўламининг кенглиги кўз олдимизда, ўша даврдаги йирик бир тилшуносни гавдалантиради.

3.5-§. Исҳоқхон Ибратнинг луғатшунослик фаолияти

Ўз даврининг забардаст зиёлиси, миллат тараққиёти, истиқболи йўлида толмас курашчи сифатида жадид маърифатпарварлари орасида алоҳида мавқега эга бўлган Исҳоқхон Жунайдулла Хўжа ўғли Ибрат ўзбек адабиёти, таълими ва тилининг ривожига муносиб ҳисса қўшган ёрқин ҳамда бетакрор ижодкор.

1862 йилда Наманган яқинидаги Тўрақўрғон қишлоғида ўқимишли хонадонда таваллуд топган Исҳоқхон (тахаллуси Ибрат) бошланғич маълумотини ўз онаси Хурбибидан олади. Сўнгра 1878-1886 йилларда Қўқондаги Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасида таҳсил олади. 1886 йилда Қўқон мадрасасини тугатиб, Тўрақўрғонга қайтиб келади ва ўз фаолиятини илғор маорифчи сифатида маърифат тарқатиш билан бошлайди, ўз қишлоғида янги усулдаги мактаб очади. Унинг бу фаолияти ўзбек адабиётида, маданий ҳаётида, маорифда туб ўзгариш содир бўлаётган даврга тўғри келади.

Ибрат “Луғоти ситта алсина”, “Жомеъ ул-хутут” ва “Тарихи Фарғона” асарларида ёзишича, онасини ҳаж сафарига олиб бориш ҳамда чет эл

халқлари ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишиш мақсадида Истанбул, София, Афина, Рим каби Европанинг марказий шаҳарларида бўлади. Афғонистоннинг Кобул, Арабистоннинг Жидда, Ҳиндистоннинг Бомбей ва Калькутта каби шаҳарларида истиқомат қилади, бу сафарлар давомида Шарқ ва Ғарб халқлари ҳаёти, маданияти ва санъатини муқояса қилиш имконига эга бўлади. Европанинг илғор илм-фанини яқиндан ўрганади, илмий асарлари учун қимматли материаллар тўплайди.

Исҳоқхон Ибратнинг шоир ва тарихнавис, ношир ва исломшунос, педагог сифатидаги фаолияти ўзбек адабиётшунослари, тарихчи олимлари томонидан мукаммал ўрганилиб, ўзбек адабиётида унинг ижодига муносиб баҳо берилган²⁰². Унинг кўп қиррали фаолиятида тилшунослик, хусусан, луғатчилик алоҳида бир йўналишни ташкил этади. Ибрат дастлаб тилшунос олим сифатида тилнинг ижтимоий жамиятдаги ўрни ва мавқеини юқори баҳолайди, тил билишнинг эса жамиятда мактаб ва маориф, фан ва маданият ишларини юксаклик сари олға силжитувчи қудратли қурол эканлигини ўз даврида кенг тарғиб қилади. Чунончи, “инсонлари ўлурки, ўз мамлакатлари лисонин тоза билмаслар”, дея ўз миллий тили, яъни ўзбек тилининг гўзал ва нафис жозибадорлиги, грамматик хусусиятлари ҳақида етарлича тушунча ва тасаввурга эга бўлмаган ватандошлари ҳолидан қаттиқ ранжийди. Шу маънода, ўша даврдаги мактаб ва маориф тизимида, ўзи ислоҳ қилган мактабда ўқувчиларнинг бошқа фанлар қаторида тил билими, тил илми бўйича мукаммал маълумотга эга бўлишлари лозимлигига алоҳида эътибор қаратади.

Маълумки, тилнинг тарихи ҳамда унга нисбатан иккиламчи восита ҳисобланган ёзувнинг тарихи, маълум маънода, халқнинг тарихи ҳамдир. Шунинг учун ҳам ёзувлар тарихи билан шуғулланувчи олимнинг зиммасида халқнинг тарихи, тилининг тарихи, маданиятининг тарихи ҳақида ҳам муайян хабардорликда бўлиш талаб этилади. Исҳоқхон тилшуносликнинг

²⁰² Исҳоқхон Тўра Ибрат. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005; Исҳоқхон тўра ибн Жунайдуллоҳ хўжа. Мезон уз-замон. – Тошкент – Токио, 2001; Ishakhan Ibrat. Siirlar. – Turkiya Disindaki Turk edebiyatlari antolojisi. 15. O‘zbek edebiyati. Ankara, 2000;

мазкур “грамматалогия” деб номланувчи мураккаб соҳасида изланишлар олиб бориб, анча мукаммал илмий қийматга эга бўлган “Жомеъ ул-хутут” (“Ёзувлар мажмуаси”) номли асарини яратади. Муаллиф асарда инсоният тарихидаги пиктографик ёзувлардан кейин вужудга келган энг қадимий товуш-ҳарф ёзувлари: финикия, яхудий, сурия, араб, юнон, форс, славян, санскрит, ҳинд, лотин, арман, грузин, уйғур ва бошқа қирқдан ортиқ ёзувлар, уларнинг келиб чиқиши, тараққиёти ҳақида маълумот беради.

Исҳоқхон асарнинг яратилиши ҳақидаги муддаосини қуйидагича изоҳлайди: “...Бу намуналардан муддао буки, ҳар асрда бир олам табодул бўлиб, аср ўзгариб, олам, одам, ашёлар – ҳамма нарса табодул бўлмоғи бизга бир сархатдур. Бунга қараб ибрат олиб иш тутмак даркор. Аввали ҳолимиз ул, эмди бул, олам юриши шул. Бинобарин, тажиди аҳвол ва атвор ибрат бўлур экан. Шул ўттиз йил (га) бир назар карасак, кўп фарқлар бор...”²⁰³.

Муаллиф бу фикрларида тилнинг ўзгарувчан ҳодиса эканлигини, асрлар оша замон ва макондаги турли ўзгаришлар тилда ҳам секинлик билан ўз аксини топишини, содир бўлаётган ўзгаришларни бир авлоднинг яшаш даврида ажратиб олиш ва уни қайд қилиш баъзан қийинчилик туғдиришини алоҳида таъкидламоқда. Исҳоқхон тилнинг фонетик, грамматик ярусларидаги бундай силжишларни фақат бир нарса туфайли, яъни ёзув орқали билиб олиш мумкинлигини, агар ёзув бўлмаса, тил эволюцияси тўғрисида кишиларда ҳеч қандай тасаввур бўлмаслигини, фақат ёзув орқалигина тилнинг тарихий тараққиётини кузатиш имконияти мавжудлигини ўз даврида тўғри англайди. Шу мақсад йўлида ўз замондошларини жамият тарихи, адабиёт ва санъат тарихи, тил тарихидан муайян хабор қилиш мақсадида мазкур асарини яратади.

Албатта, ёзув билан тил ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бирор тилни шу тилнинг ёзувини ўрганмасдан, ёки аксинча, бирор ёзувни шу ёзувга тегишли бўлган тил ҳақидаги тушунчага эга бўлмасдан ўрганиш мумкин эмас.

²⁰³ Исҳоқхон Ибрат. Жомеъ ул-хутут. – Наманган: Матбааи Исҳоқия, 1912. – Б. 48.

Ибрат ўз даврининг илғор зиёлиси сифатида кўп тил билишни жаҳондаги халқларнинг илм-фан ютуқларини, уларнинг маданияти ҳақидаги билимларини эгаллашнинг биринчи омили сифатида тарғиб қилар экан, тил билан ёзувни чамбарчас алоқадорликда кўради ва замонаси кишиларини жаҳондаги тилларни ўрганишда бу тилларнинг луғат таркиби, грамматик қурилиши билан бирга уларнинг ёзуви ҳақида ҳам маълум тушунча ва тасаввурларга эга бўлишга даъват этади. Текширишлари натижасида асарда дунёда машҳур бўлган 41 хил ёзув тизими ҳақида маълумот келтиради ва ўз илмий хулосасида бу хил дунё тиллари ва ёзувларини ўрганиш долзарблигининг ижтимоий сабабларини қуйидагича тавсифлайди: “Дорихона борганда лотинча зарур. Ҳиндистонга хат қилинса, инглизча бўлмаса олмайду, Эронистонга франсавий. Биз туркистонликларга биринчи заруримиз русия хатидурки, муни кози ва мударрислар инкор қилмаслар. Ахборнома, рапурт ёзсалар, мударрислар бўлса, ўрусча биладурган кишига оқча бериб, рапурт ёздурадурлар, аларга жуда зарур. Савдогарларга Масковдан мол ёзмокқа зарур ҳукумат хати бўлуб, бинобарин, эҳтиёжи халқуллоҳ ҳама жиҳатдин буни билмак зарурлиги бадеҳий”²⁰⁴.

Исҳоқхон “Жомеъ ул-хутут” (“Ёзувлар мажмуаси”) асарида кишилик жамиятидаги пиктографик, логографик, иероглифик ёзув намуналари ҳақида маълумотлар келтириши билан бирга, ўз текширишлари натижалари асосида тилшунослик илмига оид айрим қимматли фикрларни ҳам қайд этади. Жумладан, унинг ёзувлар тадрижий тақомида ҳарф-товуш тизими биринчи марта финикия халқлари томонидан яратилган ва бошқа қўшни халқлар: яҳудий, сурия, араб ёзувлари финикия ёзуви асосида вужудга келган, деган илмий хулосалари бугунги кун тилшунослик илмидаги назарий қарашлардан деярли фарқ қилмаслиги билан аҳамиятли.

Муаллифнинг ёзув турлари ва ёзувлар тарихини бундай жиддий ўрганишга журъат қилганлигини яна шундай изоҳлаш мумкинки, жамият кишилари илмий тафаккури тараққиётида миллий тил – она

²⁰⁴ Исҳоқхон Ибрат. Жомеъ ул-хутут. – Наманган: Матбааи Исҳоқия, 1912. – Б. 106.

тили билан бирга ёзувнинг ҳам аҳамияти юқорилигини, ёзув асосида олинган билимлар илмий тафаккур тараққиётини тезлаштиришда, халқ маданий савиясини юқори даражага кўтарилишида муҳим роль ўйнашини Исҳоқхон Иброт ўз даврида тўғри англаган.

Юртбошимиз Исҳоқхон Ибротнинг XX аср бошларидаёқ миллий тил (она тили)ни пухта эгаллаш, унинг равнақи, истиқболи учун курашиш, шунингдек, булар қаторида ўзга тилларни ҳам ўрганиш йўлидаги қарашлари, олиб борган илмий изланишларини алоҳида таъкидлаб: “XX аср бошида олти тилли – ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган Исҳоқхон Ибротнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”²⁰⁵, – дея, унинг ватанпарвар, тилпарвар, тил илми бўйича етук тилшунос олим бўлганлигини ҳақли эътироф этган эдилар.

Шарқ ва Ғарб халқлари тилларидан ўнга яқин тилни, шу жумладан, рус тилини ҳам анча мукаммал билган маърифатпарвар олим Исҳоқхон Ибротнинг тилшуносликка оид иккинчи асари – “Луғоти ситта алсина” (“Олти тил сўзлари” ёки “Олти тилли луғат”) номли луғати. Олти тилдаги: арабча, форсча, ҳиндча, туркча, сартча (ўзбекча) ва русча сўзларни ўз ичига олган мазкур луғатнинг муқаддимасида ёзилишича, муаллиф ушбу асарини Афғонистон, Ҳиндистон ва Форсистон (Эрон) шаҳарларида саёҳатда юрганида сафар аҳли учун ўзга бир тилни билиш муҳим эканлигини эътиборга олган ҳолда яратганлигини алоҳида қайд этади.

Луғат икки қисмдан иборат, биринчи қисмда 156 та феълнинг масдар (инфинитив) ҳамда ҳозирги-келаси замон шакллари, 12 та феълнинг ўтган замон ва буйруқ майли шакллари ҳамда 5 та олмош – жами 341 та сўз 6 та устунга бўлиниб, форсча-арабча-туркча-сартча-ҳиндча-русча луғат шаклида араб алифбоси тартибида берилган. Луғатнинг иккинчи жилди жами 694 та

²⁰⁵ Ш.Мирзиёев. Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. (Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ) // “Халқ сўзи” газетаси. – Тошкент, 2019. – № 218.

исмни (от, сифат, ва сон туркумидаги) қамраб олган, улар 37та мавзу гуруҳига ажратилиб, арабча-форсча-туркча-ҳиндча-сартча-русча луғат шаклида олти устун қилиб берилган²⁰⁶.

“Луғоти ситта алсина” ўзининг номидан ҳам билиниб турганидек, олти тилли луғат, унда дастлаб ўзбекча сўзлар берилган ҳамда бу сўзларнинг русча, арабча, форсча, туркча ва ҳиндча муқобиллари келтирилган. Биз куйида Исҳоқхон Ибрат яратган мазкур луғатнинг ўзбек луғатшунослиги такомилидаги ўрни ва мавқеи, асарнинг айрим лексикографик хусусиятлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

“Луғоти ситта алсина” оммабоп лингвистик луғат, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжаллаб тузилган. Дастлаб луғатнинг ўз олдига қўйган мақсади, унинг яратилишидаги луғатчилик анъанаси, сўзларнинг изоҳланиш тамойиллари ҳамда ўзбекча сўзликнинг таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур луғатда бу жиҳатдан ўша даврда яратилган бошқа луғатдан ўзига хос анчагина сезиларли фарқлар мавжудлиги кузатилади.

Исҳоқхон Ибрат миллий адабиётимизда жадиदчилик намояндаси сифатида эътироф этилади. Давр нуқтаи назаридан баҳо берадиган бўлсак, жадид даври адабиёти ўзбек адабиётшунослигида анъанавий мумтоз бадий адабиётидан янги ўзбек адабиётига, ўзбек тилшунослигида эса эски ўзбек тилидан XX асрда шаклланган янги ўзбек адабий тилига ўтиш даврига, яъни анъана ва янгилик кесишган нуқтада, оралиқ майдонда юзага келган адабиётдир. Бунда нафақат бадий адабиёт намуналарида, балки лексикографияга оид мавжуд луғатларда ҳам ана шу оралиқ ҳолат икки ривожланиш нуқтани бирлаштириш вазифасини бажарганлигини ва ҳар икки нуқтанинг белгиларини ўзида намоён қилганлигини кўрамиз. Гарчи, янгича ғоя, янгича тафаккур, янгича билим олиш тарафдорлари бўлган илғор жадид маърифатпарварлари қаторида бўлса-да, Исҳоқхон “Луғоти ситта алсина” асарини яратишда янгича йўналишдаги Ғарб луғатчилиги тамойиллари билан бирга, анъанавий Шарқ луғатчилиги принципларига ҳам таянган ҳолда луғат

²⁰⁶ Мадвалиев А. Исҳоқхон Ибратнинг олти тилли луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017. – № 4. – Б. 53-56.

тузганлигининг гувоҳи бўламиз. Юқорида қайд этган маълумотларимиз, яъни луғатда феълларни масдар (*чочмак, кесмак, киймак*), ҳозирги-келаси замон (*ўйнар, ёғар, хоҳлар*), ўтган замон (*ётган, турган*) ҳамда буйруқ майлларида (*келма, ўрганма*) берилиши; исмларнинг эса 37та тематик гуруҳга ажратилиб таржималарининг берилиши жаҳид давригача бўлган Шарқ луғатчилиги, хусусан, араб луғатчилиги анъаналарининг таъсир белгиларидир. Шунингдек, луғат мавзулар бўйича “*Мозий ва амр*” (*Ўтган замон ва буйруқ майли*), “*Алмутакаллим*” (*Олмошлар*), “*Аъзойи ҳайвоноат*” (*Жонзотларнинг аъзолари*), “*Асмоу аҳли қаробат*” (*Қариндошлик номлари*), “*Асмои ақсоми таом*” (*Таом номлари*), “*Асмои наҳамот*” (*Муסיқа асбоблари номлари*), “*Ақсоми ранг*” (*Ранг номлари*)²⁰⁷ каби бир неча бўлимга бўлинган ва сарлавҳаланган. Сарлавҳаларнинг арабча номланиши ҳам араб лексикографияси белгилари. Чунки луғат ўзбек китобхонлари учун мўлжалланар экан, сарлавҳалар ҳам ўзбекча номда берилиши керак бўлади.

Бу масалага луғатдаги ўзбекча сўзликнинг структаси нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, луғатда туб ва ясама сўзлар қаторида *кўффики дарё, банги девона, хишти пухта, тоши файса, аҳли ҳикмат* каби бир қанча арабча, форсча ясалиш моделидаги изофали конструкциялар ҳам мавжудлиги кузатилади. Текширишларимиз луғатда араб ва форс тилларида фаол сўз ясовчилар ҳисобланган *-гар, -паз, -кор, -нўш, -шунос, -хона* каби аффиксал морфемалар ёрдамида ҳосил қилинган лексемаларнинг ҳам кўп миқдорда эканлигини кўрсатди: *ёғфуруш, галлафуруш, зиннўш, мирохур, арқонгар, доришунос, кавобпаз, қоғазгар, камонгар* ва бошқалар.

Шунингдек, феъллар изоҳи берилган бўлимда туб феъллар билан бирга *зиёд этмак, хафа бўлган, галва қилмак, ҳосил қилмоқ, зикр қилмоқ, сулҳ қилмоқ, маъқул қилмак, қарор қилмак, гумон қилмоқ, сабр қилур, зоҳир бўлур, сано айтар, хазар қилмоқ, қасд қилмоқ* каби 72та қўшма феълнинг олти тилдаги таржимаси берилган. Генетик таркиби жиҳатдан қарасак, бу феъллар биринчи компонентининг аксарияти арабча сўзлар.

²⁰⁷ Исҳоқхон Иброт. Луғоти ситта алсина. – Тошкент: Ильин типографияси, 1901.

Икки ўринда иш-ҳаракат лексемалари қаторида таржимада тобе боғланишли ўзбекча сўз бирикмалари берилган: “*хиром ила юрар*”, “*баҳо ила олмоқ*”.

Луғатда айрим ўринда сўзнинг ўзбекча ҳамда форсча варианты учун битта сўз берилган ҳолатлар учрайди. Масалан, адабий тилдаги “*ёпқич*” сўзи ўзбекча устунда ҳам, форсча устунда ҳам “*зинпўш*” тарзида, “*тумсох*” сўзи ҳар икки тилда ҳам “*сусмор*” тарзида, “*устун*” сўзи “*стун*” тарзида, “*крахмал*” сўзи “*нишаста*” тарзида, “*қоғоз*” сўзи “*коғаз*” шаклида, мусиқа асбоби ҳисобланган “*орган*” сўзининг таржимаси эса форсчада ҳам, ўзбекчада ҳам “*арганун*” шаклида берилган. Таржимадаги бу сўзларнинг аксарияти арабча, форс-тожикча лексемалар бўлиб, бу ҳолат уларнинг ўша давр ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлганлигини кўрсатади.

Исҳоқхон Ибрат луғатшунос сифатида ўша даврда кенг истеъмолда бўлган турли тушунча ва тасаввурларни, иш-ҳаракат ва ҳолатни ифодалайдиган сўзларни луғатга киритишга ҳаракат қилган. Албатта, булар орасида форс-тожикча, арабча луғавий ўзлашмалар, бу тиллардаги сўз яшаш қолипи ҳам адабий тилда кенг истеъмолда бўлгани шубҳасиз. Феъллар изоҳида инфинитив шакл айрим ўринларда -*мак* (*ўргатмак, тушмак, чочмак каби*), баъзи ўринда эса -*моқ* (*солмоқ, тўқимоқ, ўқимоқ каби*) тарзида берилган. Бу ҳолатни ўша пайтда луғат яратиш учун адабий тилда ягона грамматик меъёр бўлмаганлиги ҳамда эндигина шаклланаётган янги ўзбек адабий тилининг луғавий ҳамда морфологик нормалари ҳали тўлалигича шаклланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, муаллифнинг луғатда арабча, форс-тожикча сўз ва истилоҳлардан, сўз ясалиш моделидан фойдаланишга, бунинг баробарида луғатчиликдаги анъанавий принципларни қўллашга мажбур бўлганлигини тушуниш қийин эмас.

Муаллиф луғатда сўзликни жойлаштиришда лексикографиядаги энг илғор ва самарали усул бўлган идеографик усулни қўллаган. Бу усулнинг

афзалликлари шундаки, керакли сўзни излаган ўқувчи мавзулар бўйича осонлик билан топа олади.

Дарҳақиқат, Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида шарқшунослик ва туркийшунослик фанларининг ривожланиши таъсирида анъанавий луғатчилик билан бир қаторда янгича йўналишдаги русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча, шунингдек, ўзбек тилини бошқа европа ва хорижий шарқ тиллари билан қиёслаб ўрганишга мўлжалланган луғатлар ҳам пайдо бўла бошлади. Шулар қаторида, Исҳоқхоннинг мазкур луғатини ҳам мазмун-моҳияти билан ўша давридаги янгича йўналишдаги, яъни Ғарб луғатчилиги анъаналари таъсирида яратилган луғатлар сирасига ҳам киритиш мумкин. Ибрат луғатидаги бу янгилик белгилари қуйидагиларда намоён бўлади:

а) тилшунос олим А.Мадвалиев эътироф этганидек²⁰⁸, ўзбек лексикографиясида Ибратгача ҳам, Ибратдан кейин ҳам айти шу хилдаги, яъни олти тил материаллари қамраб олинган ва бу тил материалларининг ўзаро қиёсий таржималари берилган луғат тузилган эмас;

б) муаллиф XIX аср охири – XX аср бошлари Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги маданий ҳаёт, илғор фан ва техника ютуқлари, янгиликлари билан танишиш мақсадида қилган саёҳати давомида луғат учун материал тўплаган. Луғатда ўша давр учун ўзлашма сифатида қабул қилиш мумкин бўлган *крахмал, курси, қандил, касалхона, лимон, кема, доришунос* каби кўпгина лексик бирликлар ҳам учрайдики, бу ҳолат Исҳоқхон Ибратнинг XX аср бошларидаги ўзбек тили луғат бойлигини ривожлантиришга ҳам маълум даражада ўз ҳиссасини қўшган дейишимизга асос бўла олади;

с) луғатда сўзлар таржимаси берилган тиллар генеологик жиҳатдан турли тил оилаларига мансуб. Жумладан, *ўзбек тили, турк тили* туркий тиллар оиласига; *рус тили* ҳинд-европа тиллари оиласининг славян тиллари гуруҳига; *форс-тожик тили* ҳинд-европа тиллари оиласининг эроний тиллар

²⁰⁸ Мадвалиев А. Исҳоқхон Ибратнинг олти тилли луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – № 4. – Б. 53-56.

гуруҳига; *ҳинд тили* Ҳинд-европа тиллари оиласининг Ҳинд тиллари гуруҳига; *араб тили* эса Семит-хами тиллари оиласига мансуб тиллар. Бу жиҳатдан олиб қараганимизда ҳам мазкур луғатнинг ўзига хос томони, яъни турли тил оилаларига мансуб тилларнинг лексик бирликлари ўзаро қиёсланганлиги ва бунда муаллиф луғат тузишда олти тилнинг таъсирига қараб лексемаларни танлаганлиги эътиборни тортади. Бундай усул Исҳоқхон Ибратнинг Ғарб луғатчилиги анъаналарига таяниб луғат тартиб берганлигининг исботи;

д) “Луғоти ситта алсина” (“Олти тилли луғат”) даги ўзбекча сўзликнинг таркибида халқ тили элементлари ҳам кўплаб учрайди. Масалан, *ҳуқмазак* (*хуснбузар*), *чирк* (*кир*), *шоти* (*норвон*), *сутун* (*устун*), *турфоқ* (*тупроқ*), *арчахилол* (*тиш ковлагич*), *жавори* (*жухори*), *фатинжон* (*бақлажон*), *кирфитикан* (*типратикан*), *чўжа* (*жўжа*), *човутка* (*чигиртка*), *тева* (*туя*), *қулон* (*ҳўкиз*), *катта ача* (*катта она*), *чоч* (*соч*) каби сўзлар. Бунда Исҳоқхон муаллиф сифатида кенг ўқувчилар оммасининг манфаатини ўйлаб, яъни таржимадаги сўзнинг ўзбек тилидаги барча учун тушунарли муқобилини келтиришни мақсад қилиб имкон қадар сўзларнинг адабий тилдаги варианты билан бир қаторда халқ шеваларидаги вариантларини ҳам келтириб ўтади. Бу эса, биринчидан, ўша даврда жамиятдаги турли ижтимоий қатлам вакиллари орасида мазкур тилларни кенг миқёсда тарғиб ва ташвиқ қилишнинг самарали усули бўлса, иккинчидан, ўзбек тилининг мавжуд сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш, унут сўзларни қайта тиклашга бўлган ҳаракатининг ифодаси. Луғат бу жиҳати билан диалектал луғат белгиларини ҳам ўзида мужассам этади.

Умуман олганда, Исҳоқхон Ибрат луғатни тузишдан олдин туркий луғатчилик, араб, форс-тожик луғатчилиги, усмонли турк тили луғатчилиги ва шунинг баробарида, рус луғатчилиги билан ҳам мукаммал танишиб чиққан. Аниқроқ қилиб айтганда, луғатчиликнинг назарий ва амалий масалаларини ҳамда луғат тартиб этиш учун зарур бўлган ўзбек тили, форс-тожик тили, араб тили, турк тили ва ҳинд тилларини чуқур ўзлаштирган ва

пухта эгаллаган. Луғат муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, ўша даврда “сафар аҳли” (саёҳатчилар) манфаатини кўзлаган ҳолда тузилган сўзлашгич бўлса-да, лингвистик манба сифатида ўша даврда Шарқ ва Ғарб луғатчилиги тамойилларини ўзида мужассамлаштирган, ўз халқини жаҳон мамлакатларидаги маданий ҳаёт, илғор фан ва техника ютуқлари, янгиликлари билан таништириш баробарида хорижий тилларни ҳам эгаллашга даъват этган, ўзбек луғатчилигининг тадрижий такомилида ўзига хос ўринга эга бўлган лексикографик асар.

Боб бўйича хулосалар

1. Ўзбек замонавий насрининг дарғаси Абдулла Қодирий ўз ижодий фаолиятида луғатчилик билан шуғулланган, халқ тилида, шеваларда мавжуд бўлган сўзларни йиғиш, тўплаш борасида жиддий қайғурган. Халқ тили билан адабий тилни яқинлаштириш, уни умумхалқ тилидаги бирликлар билан бойитиш кераклигини тўғри англаган ва таъкидлаган, ўз навбатида, тарғиб қилган. Шу йўл билан ўзбек адабий тилининг ривожини учун ўз ҳиссасини қўшган.

2. Фитратнинг лексикографик қарашлари ўша даврдаги мавжуд анъаналардан фарқланиб, энг қадимги туркий адабиёт асарлари тилини ўрганишда ўзига хос илмий тадқиқотдир. Олимнинг жами 126та соф туркийча сўз изоҳланган луғати этимологик луғат, қиёсий-тарихий луғат, морфемик луғат, ўзбекча-форсча-арабча таржима луғат, қолаверса, изоҳли луғат белгиларини ҳам ўзида акс эттирганлиги билан илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга.

3. Жадинчилик даврида икки тилли, хусусан, русча-ўзбекча таржима луғатларининг илк намунаси Ашурали Зоҳирийга тегишли. Бунгача рус турколог олимлари, давлат хизмати вакиллари ва бошқа туркий халқлар лексикографиясида яратилган таржима луғатлари у яратган “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” учун асос вазифасини ўтаган. Олим луғат тартиб беришда уларга шунчаки эргашмай, ўзбек тилининг миллий хусусиятларини,

шаклланаётган янги ўзбек адабий тилининг меъёрларини эътиборга олган. Русча сўзларнинг ўзбекча муқобилларини беришда жонли халқ тилидан кўплаб сўз ва ибораларни истемолга киритган.

4. Мазкур даврда икки тилли таржима луғатларининг тақомили Ашурали Зоҳирийнинг “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” ҳамда Абдулла Қодирий ва С.Раҳматийларнинг “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”лари қиёсида тўлароқ намоён бўлади. Абдулла Қодирий ва С.Раҳматийлар тартиб берган “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” таржимада берилган сўзликнинг миқдори, изоҳларнинг тушунарлилик даражаси, замонавий лексикографик ишоралардан самарали фойдаланганлик нуқтаи назаридан ўша даврдаги луғатлардан ажралиб туради.

5. Элбекнинг луғатшунослик бўйича таҳлил ва талқинлари унинг сўзлар тарихи, этимологиясининг моҳир тадқиқотчиси эканлигини исботлайди. Мисоллар таҳлили Элбек ва Шавкат Раҳматуллаевнинг сўзларнинг этимологик талқинлари борасидаги қарашлари муайян даражада муштараклигини кўрсатди. Элбек умумхалқ тилидаги сўзларни мукаммал ўрганиб, уларни янги ишланаётган адабий тилга олиб киришга, адабий тил билан умумхалқ тили ўртасидаги узилишни йўқотишга, уларни бир-бирига яқинлаштиришга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жиддий эътибор қаратган.

6. Ибратнинг “Луғоти ситта алсина” асари “сафар аҳли” (саёҳатчилар) манфаатини кўзлаган ҳолда тузилган сўзлашгич бўлса-да, ўша даврда Шарқ ва Ғарб луғатчилиги тамойилларини ўзида мужассамлаштирган, ўз халқини жаҳон мамлакатларидаги маданий ҳаёт, илғор фан ва техника ютуқлари, янгиликлари билан таништириш баробарида хорижий тилларни ҳам эгаллашга даъват этган, ўзбек луғатчилигининг тадрижий тақомилида ўзига хос ўринга эга бўлган лексикографик асардир.

IV БОБ. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ЛЕКСИКОГРАФИК ФАОЛИЯТИ ТАЖРИБАЛАРИНИНГ ДАВР ЛУҒАТЧИЛИГИГА ТАЪСИРИ

4.1-§. Таржима ва махсус луғатларнинг шаклланиши

Маълумки, ўзбек луғатчилиги тарихи шартли равишда, аввало, тўрт даврга ажратилган эди:

1. XI – XV асрлар луғатчилиги даври.
2. XVI – XIX асрлар (XIX асрнинг биринчи ярми).
3. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярми луғатчилиги.
4. XX асрнинг 30-йилларидан кейинги давр луғатчилиги каби.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин, ўзбек луғатчилиги тарихида алоҳида давр бошланди. Бу – мустақиллик даври ўзбек луғатчилиги даври. Бу давр луғатчилиги алоҳида тадқиқотларни талаб қилади.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида ўзбек луғатчилигининг шаклланиш манбалари ҳақида фикр юритилиб, айнан, ўзбек луғатчилигининг шаклланишида иккинчи давр муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ҳақида ҳам айтиб ўтган эдик.

Энди, модомики, кейинги давр ўзбек луғатчилигининг ривожланиши, тараққиёти ҳақида фикр юритар эканмиз, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярми ўзбек луғатчилиги даври, яъни жадид маърифатпарварлари фаолияти билан боғлиқ давр луғатчилигининг ўрни ҳақида ҳам алоҳида фикр айтишга тўғри келади.

Жадидларнинг луғатчилик фаолияти, юқорида кўрганимиздек, ўзбек луғатчилиги тарихида алоҳида аҳамиятга эга, чунки туркий халқлар луғатчилиги тарихига назар ташласак, қадимги луғатлар, асосан, изоҳли луғатлар кўринишида бўлиб, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари туркий тармоққа мансуб қабилалар шеваларида умумистеъмолда

бўлган (асосан, 20та йирик қабила тилида учраган) сўзлардан етти минг атрофидаги бирликни қамраб олган ва бу сўзларнинг изоҳи араб тили орқали берилган, яъни у изоҳли луғат. Бу луғатнинг бир нусхаси 1914 йилда топилиб, ўзбек тилига Солиҳ Муталлибов томонидан 1960–63-йилларда таржима қилинган бўлса-да, унда, барибир, луғатдаги туркий сўзлар ўзбек тилига таржима қилинмай, берилган туркий сўзнинг арабча изоҳи ўзбек тилига таржима қилинган. Яъни сўзлар эмас, уларнинг изоҳлари таржима қилинган, холос. Бу луғатнинг аслида қандай луғат эканлигини изоҳлашда ҳам ҳар хиллик кузатилади. Жумладан, “Ўзбек тилшунослиги тарихи” китобининг муаллифи бир ўринда қуйидаги фикрни қатъий айтиб ўтади: “Маҳмуд Кошғарий лексикография соҳасида дунё тилшунослигида юксак чўққига кўтарилди. У XI асрдаёқ туркий сўзларнинг изоҳли луғатини тузди”²⁰⁹. Асарни синчиклаб ўрганган, у асосида мажмуа яратган Фитрат шундай дейди: “Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк”да 6,5 мингдан ортиқ сўзни олиб изоҳ қиладилар. Кўб ўринларда бу сўзларнинг қабилавий айирмаларини кўрсатадир...”²¹⁰

“Ўзбек тилшунослиги тарихи” қўлланмасининг муаллифи бошқа бир ўринда: “Маҳмуд Кошғарий эса туркий тилнинг таржима ва айна пайтда, изоҳли луғатини тузиб, бу тилнинг амалдаги, жонли сўзлашувдаги луғавий имкониятини намоёниш этмоқни ўз олдига вазифа қилиб қўйди...”, – деган фикрни айтади²¹¹. Демак, кўринадики, “Девону луғотит турк” аслида кенг маънодаги изоҳли луғат, туркча-арабча таржима луғати эмас.

Демоқчимизки, “Девону луғотит турк”, ҳозирги, анъанадаги, масалан, ўзбекча-арабча, ўзбекча-русча каби таржима луғатидан фарқ қилувчи алоҳида луғат. Албатта, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”и умумтуркий луғатчиликнинг ўзига хос бир намунаси бўлса, кейинчалик, унинг таъсирида яратилган, XIII – XIV асрлардан бошлаб тузила бошлаган “Таржимони турки ва ажами ва мўғули ва форси”, “Китоб ат-туҳфатуз-закияти фил- луғатит

²⁰⁹ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 43

²¹⁰ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2016. – Б. 12

²¹¹ Нурмонов А. Юқоридаги манба. – Б. 45.

туркия” (“Туркий араб луғати” – муаллифи номаълум), Абу Хайёнинг “Китоби ал-идрок ли-лисон ал-атрок” (Туркий-араб луғати) давр эҳтиёжига кўра, янги шаклланаётган алоҳида бир туркий адабий тилнинг бошқа тиллар билан муносабатини намоён қилувчи ўзбек луғатчилигининг янги намуналари эди. Булардан бири кўп тилли таржима луғати бўлса, кейингиси, икки тилли таржима луғати. Яъни ўзбек таржима луғатчилигининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳам ўша даврларга бориб тақалади. Бунинг ўзига хос сабаблари ҳам бор: биринчидан, дунё тиллари ичида (айнан ўша даврда) туркий тилларнинг мавқеи ошиб бораётганлиги, туркий халқлар билан алоқанинг, муносабатларнинг кучайиши давр эҳтиёжига айланиб бораётганлиги (иқтисодий, ижтимоий-сиёсий эҳтиёж), иккинчидан, бу даврга келиб, Алишер Навоий, Лутфий, Атоий, Яссавий каби буюк сиймоларнинг туркий тилда ёзилган асарларига қизиқишнинг ортиши кабилар “Туркча-форсча” каби таржима луғатларининг яратилишини тақозо этди. Бундай луғатлар анчагина, бу ҳақда ҳам юқорида қайд этилди. Аввало, форслар билан, кейинроқ, айниқса, Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олиниб, исломлаштирилганидан кейин, кўп асрлар араб тили, ёзуви Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбеклар – сартларнинг расмий тили, ёзуви сифатида амалда фаолиятда бўлгани сабабли, умумий эҳтиёж туфайли араблар билан муносабатларни ҳам тиклашни назарда тутиб, арабча-ўзбекча (арабча-туркча ёки туркча-арабча) таржима луғатлари юзага келди. Учинчидан эса, тилни илмий ўрганиш эҳтиёжи ҳам бу давр учун муҳим эди. Чунки зиёлилар зиммасида тиллар муносабатларига баҳо бериш, адабий тилни шакллантириш, унинг меъёрий жиҳатларини, мавқеини белгилаш каби кўплаб масъулиятлар шуни тақозо қилар эди. Мана шу асосда “луғат-грамматикалар” ҳам яратила бошланди. Луғатларда сўзларнинг маъноларини изоҳлашнинг янгича, Европада анча асрлардан кейин пайдо бўлган кўринишлари ўз ифодасини топди. Бу ўринда тилшунос А.Нурмоновнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтмаслик мумкин эмас: “Ўрта аср ўзбек лексикографиясидаги сўз маъносини шарҳлаш тажрибасига назар ташлар

эканмиз, ҳайратга тушмай иложимиз йўқ. Чунки XIX аср охирида Оврупо тилшунослигида сўз маъносининг компонент таҳлили деб юритилувчи таҳлил усули пайдо бўлди ва бу усул дунё тилшунослигида катта обрў-эътибор қозонди. Компонент таҳлил усулининг пайдо бўлиши XIX асрда турли фанларда систем-структур методнинг етакчи методга айланиши натижасида майдонга келди”. Шунингдек, тилшуносликда компонент таҳлил усулининг шаклланишига буюк рус тилшуноси А.А.Потебня ўзининг “Из записок по русской грамматике” номли машҳур асарида сўз маъноларини икки гуруҳга бўлади:

- 1) яқин маъно (“ближайшее значение”);
- 2) кейинги маънолар (“дальнейшее значение”).

Яқин маъно – ҳар қандай лексеманинг нутққа киргунга қадар вокабулада англатган маъноси. Кейинги маънолар эса сўзнинг мажозий маънода қўлланиши натижасида нутқда намоён бўлади. Сўз маъносининг бундай икки гуруҳга бўлиниши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари А.Потебняга қадар ва тилшуносликда структурализм пайдо бўлгандан бир неча юз йиллар олдин ўзбек тилшунослигида ўзбек лексикографлари томонидан баён қилинган...”²¹²

Айтиш керакки, сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиш (умуман, майдон назариясига эътибор), лисон ва нутқ муносабати, уларни фарқлаш ва яхлитлаш, тил ҳодисаларидаги даражаланиш каби яна жуда кўп масалалар ўзбек тилшунослиги тарихида кўриб ўтилганлиги, ечимини топганлиги ҳам ҳайратланарли. Жумладан, олимларимиз қайд этишича, ўзбек тилшунослиги тарихида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида идеографик луғатнинг айрим белгилари учраса, Чингийнинг “Келурнома”си бундай луғатнинг ажойиб намунаси. Луғатларда сўзнинг нозик маъноларини изоҳлаш ва таржима қилишда синоним сўзлардан фойдаланиш мумкинлиги масаласи ҳам ўзбек луғатчилиги тажрибасида мавжуд.

Умуман олганда, ўзбек тилшунослиги тарихи агар чуқур ўрганиладиган бўлса, жумладан, луғатчилик тарихига ҳам эътибор қаратилса, маълум

²¹² Нурмонов А. Ўша манба. – Б. 104.

бўладики, уларнинг, биринчидан, шаклланиш тарихи анча узоқ, иккинчидан, бу тарих давомида луғатчиликнинг анъана тусини олган “луғат-грамматикалар” кўринишлари тузилиб, сўзларнинг нутқда қўлланиш имкониятлари (ички ва ташқи хусусиятлари)га эътибор берилган, учинчидан, луғатчилик тарихида тилшуносликка бевосита алоқадор бошқа масалалар ҳам ҳал этилганлиги, Оврупо тилшунослиги шаклланмасдан илгарироқ Ўрта Осиё, Шарқ ва ўзбек тилшунослигида бу масалалар ўзига хос тарзда қайд этиб бўлинганлиги кузатилади. Бу, айниқса, луғатчилик соҳасида ҳам кўзга ташланади. Буни тўлиқ англаш учун тарихимизда яратилган луғатларнинг ҳаммасини, шунингдек, Берунийнинг “Сайдана”, Ибн Синонинг “Тиб конунлари”, Бобурнинг “Бобурнома” каби яна бошқа кўплаб асарларни жиддий ўрганиш талаб этиладики, бу ишлар бошланганлиги қувонарли. Яна шунини ҳам айтиш керакки, XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек тилшунослигида тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш, нутқ маданияти масалаларига, мулоқот одоби, нутқ одоби, нотиклик санъати каби кўпгина масалалар борасида шарқ тилшунослигига, ўзбек тилшунослигига эътибор қаратилмагани сабабли, асосан Оврўпо тилшунослигидаги қарашларга сиғиниш, уларга асосланиш кучайиб кетди. Тилнинг системалар иерархияси эканлиги, тил бирликлари ўртасида синтагматик ва парадигматик муносабатлар мавжудлиги, тиллар тилшунослик бошланганидан буён система сифатида тан олиниб келинаётганлиги ва, айниқса, лисон ва нутқ ҳодисалари мукамал даражада бўлмаса-да, фарқланиб ўрганилганлигини инкор қилиб бўлмайди. Аммо тилни система сифатида эътироф этиш билан уни система сифатида талқин қилиш фарқланадини ҳам унутмаслик керак.

Кўрганимиздек, ўзбек луғатчилиги тарихида таржима луғатчилигининг шаклланиш тарихи ўзига хос эҳтиёж асосида юзага келган. Ўзбек таржима луғатчилигининг шаклланиш даврини шартли равишда икки даврга бўлиш мумкин:

1) XIV асрлардан XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр (“Таржимони турки ва ажами ва мўғули ва форси”, “Ат тухфа”, Абу

Ҳайёнинг “Турк-араб луғати” кабилар ҳамда Алишер Навоий асарлари учун тузилган “Санглоҳ”, “Келурнома”, “Бадоеъ ал-луғат”, “Абушқа” каби луғатлар яратилган давр);

2) XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин яратилган луғатларни қамраб олувчи давр (бошқача айтганда, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишидан кейинги давр). Бу даврда асосан “ўзбекча - (туркча, чигатойча) русча ёки русча - ўзбекча луғатлар яратилганлиги кузатилади. Ҳар икки даврга қисқача тўхталадиган бўлсак, шунини айтиш мумкинки, биринчи давр луғатчилиги асосан изохли луғатлар характерида бўлса, иккинчидан, тилни илмий жиҳатдан ўрганишни кўпроқ назарда тутгандек. Бошқача айтганда, Алишер Навоий асарларини тушунишни таъминлаш ва янги шаклланаётган эски ўзбек адабий тилини тарғиб қилиш, унинг ўзига хос жиҳатларини оммага сингдириш характерида, шаклланаётган тилнинг такомиллашувига ёрдам беришига хизмат қилувчи луғатчилик эди.

Иккинчи давр луғатчилиги XIX асрнинг 20-йилларидан ҳаракатда бўлган мустамлакачиликка хизмат қилувчи, шу эҳтиёжни амалга оширишни кўзлаб амалга оширилаётган, яъни Ўрта Осиё халқлари тили ва этнографияси, бошқа жиҳатларини ўрганиб, улар орасига “суқулиб кириш”, кузатув ишларини олиб бориш, қандай қилиб бўлса-да маҳаллий халқни қарам қилиш нияти билан вужудга келган луғатчилик, таъкидлаганимиздек, асосан, русча - ўзбекча, ўзбекча - русча характеридаги, яъни ўзаро мулоқотни амалга оширишни таъминловчи луғатчилик характерида эди.

Ана шу кейинги луғатчилик даври учун характерли бўлган баъзи луғатларни қайд этиб ўтамыз: Сулаймон Бухорий “Луғати чигатойи ва турки усмоний” (XIX аср); А.Старчевский “Переводчик с русского языка на сартовский” (1878); С.Лапин “Русско-узбекский словарь” (1984); В.Наливкин ва М.Наливкина “Русско - сартовский и сартовско - русский словарь”(1884 – 1912); Н.Тўрақулов “Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси” (1922); М.Ҳасан “Русча-ўзбекча сиёсий-ижтимоий луғат” (1926); Муаллифлар жамоаси томонидан тузилган “Қисқача русча-ўзбекча луғат”

(1926); У.Аҳмаджонов, Б.Илёсовлар томонидан тузилган “Ўзбекча-русча луғат” (1931); В.В.Решетов “Қисқача ўзбекча-русча луғат” (1935) ва бошқалар. Булар қаторига Л.З.Будаговнинг “Сравнительный словарь турецко-татарских наречий” (2 жилдли, 1869–1871) ҳамда В.В.Радлов томонидан тузилган “Опыт словаря тюркских наречий” (“Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси”, 4 жилдли, 1893–1911) каби луғатларини ҳам киритиш мумкин.

Худди шулар каби рус-ўзбек халқлари мулоқотини такомиллаштиришни, муносабатларни яхшилашни, тезлаштиришни кўзлаб, шунингдек, илм-фан соҳалари билан таништиришни назарда тутиб тузилган бу даврга хос қуйидаги луғатларни ҳам кўрсатиб ўтиш ўринлидир: Т.Н.Қори-Ниёзий “Русча-ўзбекча риёзиёт терминлари луғати” (1931); Ҳусайинхон Ниёзий “Русча-ўзбекча физика терминлари луғати” (1932); А.Асқаров, Т.Нажмиддинов “Нормал микроскопик анотомиядан лотинча - ўзбекча-русча терминологик луғат” (1933); Н.Сайфулмулуков “Русча - ўзбекча пахтачилик терминлари луғати” (1934); С.Иброҳимов “Пахтачиликка доир қисқача изоҳли луғат” (1935); Н.Колосовский, З.Саидносирова “Кимё терминологик луғати” (1935); Ғ.Раҳимов ва бошқалар. “Русча - ўзбекча электроника терминлари луғати” (1937); Т.Зоҳидов “Қисқача изоҳли зоология терминлари луғати” (1938) ва бошқалар.

1917 йил октябрь инқилобидан кейинги мураккаб даврда (Қўқонда мустақил жумҳурият эълон қилиниши, кейинроқ унинг йўқ қилиниши, “босмачилик” деб номланган ҳаракат, унинг бостирилиши, Республикалар тузилиши (1924), коллективлаштиришнинг бошланиши, қолоқликнинг тугатилиши ва ҳоказолар) Республика ҳудудида бошқача бир ҳолат юз берди: бир қисм етакчи зиёлилар ҳам, халқ ҳам Шўролар ҳукумати ваъдаларига ишондилар, улар сиёсатни, инқилобни қўллаб-қувватладилар. Бироқ бу сароб бўлиб чиққандан кейин, уларда аввал иккиланиш, кейин эса, ишонмаслик кайфиятлари пайдо бўлди.

Инқилобни қўллаб-қувватлаш ва иккиланишлар даврида (дастлабки давр) мамлакат тараққиёти, миллат равнақини ўйлаб, барча соҳани тиклашни, ҳар соҳада дунё ҳамжамияти қаторига кўтарилишни назарда тутиб, омманинг онг, илм даражасини, маънавиятини юксалтириш мақсадида жадинд зиёлилари турли лингвистик луғатлар тузиш, рус тилини ўргатиш, улар билан эркин мулоқотни таъминлашни назарда тутиб луғатчилик ишига алоҳида эътибор қаратдилар. Шу мақсадларда 30-йилларда кўпроқ русча - ўзбекча ёки ўзбекча - русча” характеридаги икки тилли таржима луғатлари, қисман терминологик луғатлар тузилган бўлса, 30-йилларнинг охири – 40-йилларнинг бошларида “Ўзбек адабий тилининг орфографик луғати” (1940), “Имло луғати” (1941, 1949) ҳамда Т.Н.Қори-Ниёзий ва А.К.Боровковлар таҳририда жамоатчилик асосида “Русча - ўзбекча луғат” (17 000 сўзли, 1941) тузилди. 1942 йили “Русча - ўзбекча луғат” (30 000 сўзли) нашр қилинди.

Бу даврда жадиндлар ҳам луғатчилик ишига бефарқ қарамадилар. Улар бу борада қилинаётган ишлар (яъни маърифат йўлидаги ҳар бир иш – одамлар билимини, онгини ошириш, таълимни яхшилаш ва ҳ.) да фаол иштирок этдилар. Луғатлар тузиш ишида қатнашдилар: 1926 йили Ғози Юнуснинг “Қисқача русча - ўзбекча сиёсий-ҳуқуқий луғат”и нашр этилди. Бу луғат ўша даврда яратилган илк терминологик луғатлардан бири эди. Шунингдек, мазкур луғат ўзбек луғатчилигида соҳавий – терминологик луғатлар тузишни бошлаб берганлиги билан ҳам аҳамиятли; Ашурали Зоҳирий томонидан “Русча - ўзбекча мукамал луғат” (2 жилдли, 34 000 сўзли, 1927–1928) тузилди; С.Раҳматий, А.Қодирийлар ҳаммуаллифлигида “Русча - ўзбекча тўла сўзли луғат” (Тошкент – Қозон, 1934 йил. Луғатнинг 1-жилди нашр этилмай қолган); Элбек томонидан “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати” (1924) тузилди. Бу луғат ўзбек тилида тузилган биринчи махсус луғат ҳисобланади. Шунингдек, Элбек томонидан “Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” (1935) асари ҳам нашр этилади. Элбек бу асарида ўзбек тилининг этимологик, морфемик луғатларини яратиш борасидаги ўз назарий ва амалий

қарашларини баён қилади, улар ҳақида маълумотлар беради (бу ҳақда алоҳида маълумот ишнинг биринчи қисмида берилган).

Иброҳим Даврон тузган “Ибн Сино асарларида қўлланган арабча, форсча сўзларнинг изоҳли луғати” (1922) маълум муаллиф томонидан яратилган асар тили асосида яратилганлиги учун лексик танланган луғат сифатида муҳим. Абдурауф Фитрат томонидан “Энг эски турк адабиёти намуналари” китобининг 3-қисми луғатдан иборат (1927). Бу луғат дарслик материаллари асосида ўзбек луғатчилигида яратилган биринчи ўқув луғати ҳисобланади; М.Брилевнинг “Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун ўзбекча - русча луғат”и (1927) ҳам яратилган. Бу луғат ҳам ўша давр жаҳид адиби тузган дарслик асосида яратилганлиги учун илк ўқув луғати ҳисобланади.

Жаҳид вакилларининг етакчиларидан бири бўлган Тўрақўрғонлик (Наманган вилояти) Исҳоқхон Ибротнинг “Луғоти ситта алсина” (Тошкент, 1901) кўп тилли (олти тилли) таржима луғати ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу луғат, умуман, туркий луғатчилик тарихида XIV асрларда тузилган “Таржумони турки ва ажами ва мўғули ва форси” кўп тилли луғатидан кейинги, ўзбек луғатчилиги тарихидаги биринчи кўп тилли луғат эканлиги билан жуда муҳимдир (Ибротнинг луғатчилик фаолиятига алоҳида қисмда тавсиф берилганлигини ҳисобга олиб бу ўринда узоқ тўхталмадик). Ана шу даврда жаҳидларнинг бошқа вакиллари томонидан ҳам тузилган айрим луғатлар ҳақида маълумотлар бор. Бироқ бу луғатлар махсус луғатлар характерида эмас. Шу боис, уларни алоҳида қайд этмадик.

Бу давр луғатчилиги, юқорида қайд этганимиздек, XIV – XIX асрлар оралиғида яратилган луғатлар таъсирида шаклланди. Шу билан бирга, янги давр, бошқа эҳтиёжлар (мустамлакачилик талаблари) асосида қарор топди. Айтиш мумкинки, жаҳидлар фаолият кўрсатган даврдаги (XIX асрнинг охири – XX асрнинг 40-йилларигача бўлган давр) луғатчиликнинг энг характерли жиҳати, етакчи томони шундаки, бу даврда асосан ўзбекча - русча ва русча - ўзбекча таржима луғатларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, қадимда асосан тушунилиши қийин, эскирган, кам қўлланадиган, маълум бир шевага хос ёки бошқа бир тилда ёзилган матнни англаш зарур бўлган сўзлар луғатларини яратишга кўпроқ эътибор берилган. XX асрнинг бошларига келиб, янги умуммиллий адабий тилларнинг юзага келиши, ижтимоий ва маданий ҳаёт тараққиёти эҳтиёжи билан луғатларнинг турли кўринишлари, янги-янги турлари пайдо бўла бошлади. Уларни таснифлаш зарурати ҳам вужудга келди. Уларнинг асосий моҳияти, таркиби, мақсади ва вазифаси, қамров характери каби жиҳатларига кўра, аввало, кўп адабиётларда қайд этилишига кўра, икки асосий турга ажратиш оммалашди:

- 1) лингвистик ёки филологик луғатлар;
- 2) нолингвистик ёки энциклопедик (қомусий) луғатлар.

Кейинги турдаги луғатлар “махсус” ёки “соҳавий” (терминологик) луғатлар тарзида ҳам ажратила бошланди.

Кейинчалик, луғатлар тузилиши, таркиби, ҳажми, шунингдек, бошқа жиҳатларига кўра ҳам таснифлангани кузатилади.

Лингвистик луғатларда ҳар бир тилнинг умумий лексикаси изоҳланади, ўрганилади, қайд этилади, уларга хос барча хусусиятларга баҳо берилади, бошқа тилдаги муқобили берилади.

Ноллингвистик луғатларда сўзлар ифодалаган объектлар, нарсалар, воқеалар, тушунчалар изоҳланади. Буларга “Катта Совет энциклопедияси”, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, “Тиббиёт энциклопедияси” ҳамда “География терминлари луғати”, “Ҳуқуқшунослик терминлари луғати”, “Физика терминлари луғати” каби ҳар бир соҳа бўйича тузилган махсус луғатларни киритиш мумкин.

Лингвистик луғатларнинг ўзи ҳам бошқа ички хусусиятларига кўра, турлича таснифланганлиги маълум: бир тилли ва кўп тилли луғатлар; таржима луғатлари ва изоҳли луғатлар; шунингдек, диалектологик, тарихий, мавзуй, уяли, имловий луғатлар; фразеологик луғат, синонимлар луғати, омонимлар, антонимлар, паронимлар луғатлари, ўзлашма сўзлар луғати, янги сўзлар луғати, эски сўзлар луғати, этимологик луғат кабилар.

Жадидлар томонидан яратилган луғатларга эътибор берадиган бўлсак, уларнинг асосий қисми лингвистик луғатлар, асосан, таржима луғатлари характерида эканлигини кўрамиз. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб махсус луғатлар тузиш ҳам бироз жонланган. Ҳозирги кунга келиб деярли барча фан соҳалари бўйича терминологик луғатлар яратилган, баъзи соҳалардаги терминлар луғатлари таржима луғатлари кўринишида ҳам шакллантирилган. Масалан, русча-ўзбекча ёки ўзбекча-русча адабиётшунослик терминлари луғатлари каби. Баъзи кенг қамровли ва муҳим соҳалар бўйича эса қомусий луғатлар ҳам яратилганлигини кузатамиз (Т.Зоҳидовнинг “Зоология энциклопедияси” (1960); “Тиббиёт энциклопедияси” кабилар).

Ўзбек луғатчилиги тарихида яна бир ҳолатга эътибор беришга тўғри келади. Гап шундаки, жуда кўп луғатлар асосан бир, баъзан эса, икки муаллиф томонидан тузилганлиги кузатилиб, баъзи, кейинги даврда яратилган йирик луғатлар – катта ҳажмли луғатлар луғатчилар жамоаси томонидан яратилган. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (М., Русский язык, 1981), “Ўзбек совет энциклопедияси”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (5 жилдли) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Жадидлар фаолият кўрсатган даврда фақат “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” (Тошкент – Қозон, 1934) жамоатчилик асосида тузилган, уни тузувчилар қаторида Абдулла Қодирий ҳам қайд этилади.

Мустақиллик йилларида ўзбек луғатчилиги соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди: “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” тўлдирилган ҳолда 5 жилдда яратилгани катта воқеа бўлди. XX асрнинг охирига қадар “Тилшунослик терминлари луғати” йўқ ҳисобида эди. 2002 йил академик А.Ҳожиёв томонидан “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” нашр этилди.

Юқоридаги фикрларни атайлаб келтириш ва яратилган луғатларга эътибор беришдан асосий мақсад эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш давридан бошлаб, кейинги ҳамма даврларда луғатчилик доимо адиблар, зиёлилар, тилшунослар диққатида бўлган: Ўрта асрларда, айниқса, Алишер

Навоий асарлари, ижоди билан боғлиқ ҳолда луғатчиликка алоҳида эътибор қаратилган бўлса, кейинги даврда, яъни XIX асрнинг охири – XX асрнинг биринчи ярмида мустамлакачиликка алоқадор ҳолда таржима луғатчилигига жиддий эътибор қаратилганлигини таъкидлаш зарурати борлигидир. Шунингдек, бу даврда жадинчилик ҳаракатининг илғор вакиллари ҳам бу ишга бефарқ қарамаганликларини кўрсатиб бериш ҳамдир.

Шу билан бирга, жадин вакилларининг, айниқса, таржима (русча - ўзбекча, ўзбекча - русча) луғатларни яратишдаги фаолликларини таъкидлаш, уларнинг бу борадаги фаолиятлари, кейинги давр луғатчилиги тараққиётига қандай таъсир кўрсатганлигини ҳам қайд этишдир.

Жадин адибларининг луғатчилик соҳасидаги фаолияти, улар яратган луғатларнинг кейинги давр луғатчилиги тараққиётига бевосита таъсири ҳақида гап кетар экан, қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1) ўзбек луғатчилиги тарихида сиёсий-ҳуқуқий мавзуда илк бор русча-ўзбекча таржима луғати яратилди ва бу луғат кейинги даврда яратилган шу типдаги луғатлар учун асосий намуна бўлди;

2) “Русча - ўзбекча мукамал луғат” яратиш жадинлар вакиллари томонидан амалга оширилди (илк бор тузилган 2 жилдлик луғат – А.Зоҳирий луғатидир);

3) Ашурали Зоҳирий луғати таъсирида С.Раҳматий ва Абдулла Қодирийлар иштирокида “Русча - ўзбекча тўла сўзлик” тузилди (1934). Бу луғат кейинги йилларда тузилган катта ҳажмдаги русча - ўзбекча, ўзбекча-русча таржима луғатлари яратилиши учун асос бўлган. Чунки жадинлар илк бор тузган тўла сўзлик бу луғатда русча сўзлар изоҳлари анча батафсил ҳолда қайд этилган (сўзларнинг нозик маънолари ўзбек тилида синоним сифатида ишлатилаётган birlikлар воситасида ҳам изоҳланганлиги кузатилади);

4) Элбек томонидан тузилган “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати” (1924) кейинги даврларда яратилган “Ўзбек тили синонимлари луғати” (1963,1992), “Ўзбек тилининг омонимлар луғати”, “Ўзбек тилининг антонимлар луғати”,

“Ўзбек тилининг паронимлар луғати” каби кўплаб махсус луғатларнинг яратилиши учун назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилди;

5) Иброҳим Даврон томонидан тузилган “Ибн Сино асарларида қўлланган арабча, форсча сўзларнинг изоҳли луғати” ҳам (1922) шу типда яратилган илк луғатлиги билан ажралиб туради ва бадий асарларда, шунингдек, илмий матнларда учраган арабча, форсча, европача сўзларни изоҳлаш борасида яратилган кўпгина луғатларнинг яратилиши учун туртки бўлган;

6) Исҳоқхон Иброт томонидан яратилган “Луғоти ситта алсина” (1901) кўп тилли таржима луғатларининг илк намунаси. Афсуски, ҳозирга қадар бу типдаги луғатларнинг мукаммал намуналари яратилгани йўқ;

7) Абдурауф Фитрат томонидан тузилган “Энг эски турк адабиёти намуналари” (1927) китобининг луғат қисми дарслик учун тузилган биринчи ўқув луғатидир. Бизнингча, шу луғат таъсирида В.Брилевнинг “Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун ўзбекча - русча луғат”и яратилган. Кўринадик, ўқув луғатларининг яратилиши ҳам, аслида, жадиidlар номи билан боғланмоқда. Чунки унинг илк намуналари улар томонидан яратилган.

4.2-§. Дастлабки терминологик луғатларнинг яратилиши

XX асрнинг 20-йилларида ўзбек адабиёти, ўзбек тили ва тилшунослигида рўй берган ўзгаришлар мазкур даврдаги ижтимоий, сиёсий, адабий ва маданий ҳаётдаги янгиланишлар, ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур даврда социал ҳаётдаги ўзгаришлар бевосита тилнинг соҳаларига, хусусан, терминология соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мактаб ва маориф соҳасидаги янгича ислохотлар, хорижий мамлакатлар билан савдо алоқаларининг ривожланиши, фан ва саноат соҳаларидаги ижобий силжишлар ўзбек тили луғат фондида янги сўз ва терминларнинг

юзага келишига сабаб бўлди. Шунингдек, бу даврда фан асосларини, хусусан, иқтисод ва сиёсатдаги янгиликлар билан танишишда рус тилининг етакчи ўрин тутиши шу тилдаги терминларнинг таржимасини луғатлар шаклида бериш эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Ана шундай луғатларнинг дастлабкиси ўзбек лексикографияси тарихида айнан XIX аср охири – XX аср бошларида, яъни жадидлар даврида яратилди. Бу ҳақда ўзбек лексикографиясига бағишланган ишларда ҳам айрим маълумотлар келтирилган: “Терминлар ва уларнинг изоҳи қадимги луғатлар – “Девону луғотит турк”, “Муқаддиматул адаб”да, Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома”, Исҳоқхон Ибротнинг “Луғоти ситта алсина” асарларида учраса-да, улар универсал луғатлар ҳисобланиб, махсус соҳани кўзлаб тузилмаган. XX асрдаги дастлабки терминологик луғат – Назир Тўрақуловнинг “Рус-ўзбек тилининг сиёсий-иқтисодий луғатчаси” 1922 йилда нашр этилган”²¹³.

Назир Тўрақулов давлат арбоби, таниқли публицист ва ношир бўлиши билан бирга, тилшунос сифатида ҳам ўз даврининг зиёлилари қаторида бўлган. У туркий республикаларнинг 1926 йил 3 мартда Бокуда бўлиб ўтган 1-умумиттифоқ қурултойида араб ёзувидан лотин ёзувига ўтишдаги айрим нуқсон ва мураккабликлар ҳақида маъруза билан қатнашади. Шунингдек, “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1926 йилдаги 10-11 сонларида лотин алифбосини туркий халқлар алифбосига мослаштириш ғояси илгари сурилган мақоласини эълон қилади ва зиёлилар орасида бу масалаларга бағишланган мунозараларда фаол қатнашади²¹⁴.

Таҳлил объекти бўлган бу луғат ўзбек тили терминологик системасининг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Муаллиф мазкур луғатни яратишдан олдин тилшуносликнинг лексикография соҳасига оид

²¹³ Мадвалиев А. Луғат ва луғат турлари ҳақида. – Ўзбек миллий лексикографиясининг долзарб масалалари мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари тўплами – Тошкент: ТошДўТАУ, 2017. – Б. 37.

²¹⁴ Бу ҳақда қаранг: Янгибаева Н. 20-йиллар матбуотида лотин ёзувига ўтиш тўғрисидаги мунозараларга доир // Ўз.Рес. ФА бөлимининг Хабаршиси. – Нукус, 2007. – №1. – Б. 141-143; Шу муаллиф. Назир Тўрақуловнинг тил назарияси ва адабий тил тўғрисидаги мулоҳазалари // Илм сарчашмалари. – Урганч, УрДУ илмий ахборотномаси, 2018. – № 11. – Б. 65-68.

маълумотлардан, қолаверса, рус ва европа тилшунослигида яратилган терминологик луғатларни пухта ўрганган.

Маълумки, терминологик луғатлар сўзликнинг берилиши ва изоҳланишига кўра, энциклопедик ва лингвистик луғатларга хос белгиларга эга бўлади. Улар бир, икки ва ундан ортиқ тилли, изоҳсиз (эквивалент луғавий birlikларни ёнма-ён келтиришдан иборат), изоҳли ҳамда энциклопедик характерда бўлиши мумкин²¹⁵.

Бу жиҳатдан қараганда, Н.Тўрақуловнинг “Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси” анча мураккаб хусусиятни ўзида намоён қилади. Луғат икки тилли (яъни русча сиёсий-иқтисодий терминларнинг ўзбекча таржимаси берилган), бироқ унда терминлар таржимасида уларнинг тўғридан-тўғри эквиваленти (муқобили) берилган ҳолатлар ҳам, терминларнинг таржимаси билан бирга уларнинг изоҳи берилган ҳолатлар ҳам учрайди. Луғат рус графикаси алфавити тартибида тузилган, унда жами 403 та русча терминнинг ўзбекча таржимаси ва изоҳи берилган. Луғатнинг асосий лексикографик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Луғатда русча сиёсий-иқтисодий терминлар таржимасининг изоҳсиз берилиши. Муаллиф ўша давр ўзбек тилининг нутқ услубларида рус тилидан таржима қилинган сиёсий-иқтисодий терминларга эҳтиёж катта эканлигини билган. Луғатда муайян терминлар айнан таржима қилиб берилади, лекин ўзбекча эквивалентини танлашда синонимлардан фойдаланилади, яъни бир термин бир сўз (эквивалент) билан ифода қилинмайди. Бошқача айтганда, таржима қилинган сўз бу даврда терминлик хусусиятига эга бўлмаган, балки муаллиф ўз олдида бундай вазифани ҳам қўймаган. Муаллифнинг мақсади тилдаги муайян тушунчани ўзбек тилидаги ифодаси ёки маъносини беришдан иборат бўлган. Шунинг учун, аксарият ўринларда уларнинг синонимлари ёки стилистик синонимлари ҳам берилган. Бундай ёндашув асосида 46 та ижтимоий-сиёсий терминнинг ўзбекча муқобили келтирилган:

²¹⁵ Мадвалиев А. Луғат ва луғат турлари ҳақида. – Ўзбек миллий лексикографиясининг долзарб масалалари мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент: ТошДЎТАУ, 2017. – Б. 37.

агрикультура ²¹⁶ – *зироат, экинчилик* (7); *демос* – *халқ, юрт* (11); *инициатива* – *ташаббус, биринчи бошлаш* (15); *конвент* – *иттифоқ, мажлис, йигин* (17); *кризис* – *бўхрон, оғир аҳвол* (17); *легион* – *лашкар, қўшин* (20); *религия* – *дин* (43); *симуляция* – *макр, фириб* (45) ва ҳоказо. Шунингдек, бошқа тиллардан олинган керак бўлган термин ҳар доим ҳам таржима қилинавермаслиги барчага маълум. Н.Тўракулов ҳам бу йўлни тутди ва баъзи сўзларнинг рус тилидаги намунасини ҳам сақлаб қолади: *экспертиза* – *экспертиза, таҳқиқ, тадқиқ* (55); *фереин* – *фереин, иттифоқ* (50); *секция* – *сексия, шўба, бўлим, қисм* (45); *рента* – *ер ижараси, рента* (43); *регистрация* – *қайд, регистрация* (42) каби.

Демак, луғат учун танланган терминларнинг таржимаси билан бир каторда изоҳли ва изоҳсиз тартибда берилишига уларнинг ўзлашганлик хусусияти, нутқ услубларида қанчалик фаол қўлланиши ва тушунарлилик даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қилган. Таржимада терминларнинг ўз ҳолича қайта такрор берилиши эса уларнинг ўзи ҳам ўша даврда паралел равишда кенг истеъмолда бўлганлигидан дарак беради.

2. Русча сиёсий-иқтисодий терминлар таржимасининг изоҳли тарзда берилиши. Муаллиф луғатда русча ижтимоий-сиёсий терминларнинг ўзбекча муқобилини беришни мақсад қилар экан, таржима кенг изоҳ тусини олган ҳолатлар ҳам кузатилади. Яъни луғатдаги 357та терминнинг фақатгина ўзбекча эквиваленти келтирилибгина қолмай, уларга кенгроқ изоҳ берилган. Масалан, **автономия** – *мухторият, идораи мухтория. Ҳайри мустақил бир мамлакатнинг ички ишларида ўз қонунларига мувофиқ идора қилиши; Россияда ўктабр инқилобидан илгари ёлғиз Финландия мухторият ҳақида молик эди.*(4); **амнистия** – *афвийи умумий (умумий авф). Ҳукумат тарафидан бир одамнинг ва ё бир гуруҳ одамнинг айбини кечирилиши.*(5); **бюрократизм** – *маъмурлар, мансабдорлар. Ҳукумат хизматидаги кишилар.*

²¹⁶ Тўракулов Н.Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси. – Тошкент: Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти, 1922. – Б. 5. Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди ва саҳифалари кўрсатилди.

Маҳкама қоида ва оқунларининг беҳуда татбиқ этилиши. Мамлакат ишларининг шундоғ тартибидурки кичик мансабдорлар каттароқ амалдорларга итоат қилурлар.(7); **гуманизм** – инсониятпарастлик. Одамгарчилик. Ҳамма одамзодни яхши кўрмак ва ҳурмат қилмак. Қоронгулиқ ва таассуб дарёсига ботқон Оврупо инсониятпарастлик фикри бирлан уйғонди.(10); **профессиональные союзы** – касаба иттифоқлари. Касаба иттифоқи, касби бир одамларнинг иттифоқи ва жамияти.(40); **цивилизация** – маданият. Илм ва ҳунарнинг халқ орасида таралгонлиги хар бир одамнинг ўз ҳуқуқ ва ўз вазойигини идрок қилиши. Халқнинг ёввойилиқдан илм ва ҳунар ва ахлоқлиқ бўлгон ҳолати. (53) ва бошқалар.

Демак, англаш мумкинки, ўша давр сўзлашув нутқи ва адабий тили нутқ услубларида бу каби терминларнинг қўлланиши фаол бўлгани ҳолда уларнинг барча учун тушунарлилиқ даражаси кийинроқ бўлган. Шу сабабли ҳам муаллиф бундай терминларнинг ўзбекча муқобилини келтириш билан чекланмай, улар англатган тушунча ва тасаввурлар ҳақидаги маънони кенгроқ изоҳлаш йўлидан борган.

Таржимаси кенг изоҳ тусини олган терминлар қаторида айрим ўринларда ижтимоий-сиёсий терминлардан ташқари атоқли отлар ҳам киритилиб, улар ҳақида ҳам маълумотлар берилган: **бастилия** – Фарангистонда Париж шаҳридаги машҳур зиндон, қалъадур. Золим ҳукуматга қарши бўлгон кишиларни қамар эдилар. 1789 инчи йилда улуг инқилоб вақтида халқ ҳужум қилиб бузуб юборган, шул зиндоннинг исми Бастилиядур. (7); **рейхстаг** – рейхстог. Германиядаги мажлис. Парламент. (43); **Алексеевский Равелин** – Олексаев Ровелини (Петропол) қалъасида бир зиндондурки аввалдан шул зиндонга машҳур инқилобчиларни қамаб келганлар. (59); **Бальмонт К.Дм.** – Болмунт. Декаденат шоирлардан. Декаденатлик Оврупада ва Туркияда кўп тарқалган бир маслак.(60). Изоҳлар термин ёки номларнинг характериға кўра турли ҳажмда берилган.

3. Сиёсий-иқтисодий терминлар таржимасининг генетик таркиби. Ўзбек тили ижтимоий-сиёсий терминларининг шаклланишида умумтуркий

катлам лексик бирликлар қаторида арабча, форс-тожикча сўз ва воситаларнинг улуши ҳам катта бўлган. Мазкур тилларнинг лексик ҳамда грамматик воситаларининг ўзбек тилига ўзлашуви ижтимоий-сиёсий терминологияга ҳам ўз таъсирини кўрсатганлигини кузатиш мумкин. Луғат, гарчи, XX аср бошларидаги янги ўзбек адабий тилининг фонетик, грамматик меъёрлари эндигина шаклланаётган даврда яратилган бўлса-да, русча терминларнинг ўзбекча таржимасида арабча, форсча, русча-байналмилал ўзлашмаларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, муаллиф айрим терминларнинг таржимасини соф ўзбекча сўз билан бериш баробарида уларнинг араб, форс тилидан ўзлашган вариантларини ҳам келтиради: **аллегория** – киноя; тимсол, мушобиҳа (5); **полемика** – мубоҳаса, баҳс (34); **стратегия** – илмул ҳарб (38); **гегемония** – тазиқи сиёсий, сиёсий тазйиқ ё босим (10); **децентрализация** – адами марказият, марказсизлик (12); **забастовка** – тарки меҳнат, ишламаслик ё иш ташлаш, таътил (14); **конституционная монархия** – идораи маишрута, конституцион бошқарув (17); **конфликт** – мунозеа, муношақа (18); **пленарное заседание** – мажлиси умумий, умумий мажлис (34) ва бошқалар. Мисоллардаги мушобиҳа, мубоҳаса, мунозеа, муношақа, илмул ҳарб, тазиқи сиёсий, тарки меҳнат, идораи маишрута, мажлиси умумий каби бирликлар ўзбек тилига араб, форс тилларидан ўзлашган лексема ҳамда изофали конструкциялардир. Таржимада бундай ўзлашма сўзлар ёрдамида изоҳлаш луғатдаги 212 та (53%) терминда мавжудлиги аниқланди.

Луғатда русча-байналмилал терминлар ҳам катта миқдорни ташкил этади. Бу даврда русча-байналмилал терминларнинг талаффузга мослаб қўлланилганлиги ва бу ҳолат имлода ҳам акс этганлиги кўзга ташланади: **банка** (банк), **диктотур** (диктатор), **интурносионал** (интернационал), **копитолист** (капиталист), **кунгресс** (конгресс), **мондот** (мандот), **мунупулия** (монополия), **нотсионолизатсия** (национализация), **облиготсия** (облигация), **персунол** (персонал), **прувокотур** (провакатор), **фоктур** (фактор), **филёл** (филиал), **эвакуотсия** (эвакуация) ва б.

Бир ўринда таржимаси берилаётган терминнинг бошқа туркий тиллардаги эквиваленти берилган ҳолат мавжуд: **оратор** – *нотик, сўзга моҳир, кўпчилик ичида сўзлагувчи киши, қozoқчада чечан* дерлар (28).

Кўринадики, луғатдаги русча терминлар таржимасида ўз қатлам сўзларга нисбатан ўзлашма қатлам лексиканинг салмоғи юқори. Бунга ўша давр адабий тилида бўлгани каби илмий терминологиясида ҳам арабча, форсча, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган лексамаларнинг кенг истеъмолда бўлганлиги биринчи сабаб бўлса, ижтимоий-сиёсий терминларнинг аксариятини байналмилал терминлар ташкил қилиши ва улар ўзбек тилида ҳам айнан ўз ҳолича қўлланиши лозимлиги бу ҳолатнинг иккинчи сабабидир.

4. Терминларнинг изоҳли таржимасида омонимия, антонимия ҳодисаси ва таржимада муаллифнинг терминларга ижодий ёндашуви. Луғатда русча ижтимоий-сиёсий терминларнинг таржимаси изоҳли тарзда берилар экан, улардаги омонимлик, антонимлик хусусият ҳам муаллифнинг эътиборидан четда қолмаган. Жумладан, *академия, политехническая школа, реставрация, платформа* терминларининг таржимасида улар англатган тушунчанинг икки ёки ундан ортиқ маъноси тўлалигича изоҳланган: **академия** – *анжумани дониш, олимлар йиғини; мактаби олия, олий мактаб. 1. Бир илмнинг ривожини учун очилгон рассомлар ва ёки олимлар жамияти; 2. Таъйинлик бир ҳунар ва илмни ўргататургон мактаб. (5). Реставрация* – *Эҳё. 1. Бузулгон ва ё эскирган нарсани тузатмак; 2. Мамлакатдан қувилгон подшоҳнинг уругининг қайтиб келиб яна подшоҳ қилиши. (54). Политехническая школа* – *политехникум. 1. Тўпчи, муҳандис (инженер) лар тайёрлаб чиқаратургон Париждаги ҳарбий мактаб; 2. Ҳунар ва касб ўргататургон мактаб. (44). Платформа* – *Платфурма. 1. Усти очуқ вогун; 2. Сиёсатдаги маъноси – партиянинг энг зарур ва энг биринчи матлаблари. (78).*

Шунингдек, баъзи терминларнинг ўзбекча таржимаси ва англатган маъноси уларнинг антонимларини келтириш орқали изоҳланган: **космополитизм** – *жаҳонпарастлик, ватанпарварликнинг зидди, бутун*

одамзодни баробар яхши кўруш. (19); *регресс* – регрис, таданни, тараққийнинг зидди. Илм ва ҳунарда илгари кетмай кейинда қолиш. (43). *ирроциональный* – ғайри ақлли, ақлга муҳолиф. (15). Бунда, албатта, терминлар таржимасининг содда, ишончли ва барча учун тушунарли бўлишини таъминлаш асосий мақсад қилинган.

Бу даврда шаклланаётган янги ўзбек адабий тилидаги меъёрий мураккабликлар тилнинг бошқа сатҳлари қаторида терминологияда ҳам ўзига хос муаммоларни келтириб чиқарганлиги табиий ҳол. Чунончи, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар таъсирида турли соҳаларга чет тиллардан ўзбек тилига ўзлашаётган атамаларни терминологик тизимга олиб кириш, уларнинг талаффуз ва имло меъёрларини белгилаш ва тартибга солиш, ўзбек тилида улар учун муносиб муқобилларни топиш ва норма сифатида қабул қилиш каби масалалар ҳам кун тартибидаги муаммолардан эди. Мана шундай мураккаб лингвистик жараён таъсири ўлароқ, луғатда русча ва байналмилал ижтимоий-сиёсий терминларнинг ўзбекча таржимасини беришда баъзи ўринларда муаллифнинг ўзи терминлар яратишга ҳаракат қилганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат *консерватор*, *космополит*, *деспотия*, *гуманизм*, *новатор*, *патриот*, *оппортунизм* каби терминлар таржимасида учрайди: *консерватор* – муҳофизакор (17), *космополит* – жаҳонпарвар (19), *деспотия* – хабаристон (12), *гуманизм* – инсониятпарастлик (10), *новатор* – янгилик тарафдори, нўвпараст, янгиликпараст (26), *патриот* – ватанпараст (30), *оппортунизм* – мадоросозлик (27). Бу атамаларнинг таржимаси Олим Усмон таҳрири остида нашр этилган “Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати”да қуйидагича берилган: *консерватор* – эскилик тарафдори,²¹⁷ *космополит* – космополит (113), *гуманизм* – инсонпарварлик (57), *деспотия* – истибдод (62), *новатор* – новатор (158), *патриот* – ватанпарвар (189), *оппортунизм* – оппортунизм (175). Кўринадики, Н.Тўракулов яратган луғатдаги

²¹⁷ Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати (О.Усмон таҳрири остида) – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 109. Кейинги мисолларда манбанинг саҳифаси кўрсатилди.

муҳофизакор, жаҳонпарвар, хабаристон, инсониятпарастлик, нўвпараст, янгиликпараст, ватанпараст, мадоросозлик каби лексемаларнинг ўша давр адабий тилида норма сифатида қабул қилинмаганлиги ва ҳозирда ҳам мавжуд луғатларда учрамаслиги муаллифнинг таржима жараёнида ўзи яратган окказионал ясалмалар эканлигини тасдиқлай олади. Муаллифнинг ўзлашма терминлар таржимасини мумкин қадар соф ўзбекча муқобил вариантларда берганлиги, муқобили топилмаган зарур ўринларда эса тилга ижодий ёндашган ҳолда ўзи терминлар яратишга ҳаракат қилганлиги мазкур даврда ўзбек тилининг терминологик тизимини бойитишга қўшган ҳиссасидир.

5. Луғатнинг айрим камчилик ва нуқсонлари. Маълумки, тилдаги бошқа терминологик тизимларга нисбатан ижтимоий-сиёсий лексика йирик майдонни ташкил қилади. Бу тизим сиёсат, дипломатия, ҳуқуқ (шунингдек, халқаро ҳуқуқ), иқтисодиёт, маънавий-фалсафий каби бир қатор соҳаларнинг терминологик тизимларига хос терминларни ҳам ўз ичига олиши билан бошқа терминологик тизимлардан фарқланади. Мазкур соҳанинг гетерогенлик табиати (турли тизимларни ўзига қамраганлиги) ва семантик майдонининг кенглиги терминологик тизим чегарасини аниқ белгилашда турли мураккабликларни келтириб чиқаради. Бу ҳолатни мазкур луғатнинг тузилиши ва тартиб берилишида ҳам кузатамиз. Луғатдаги сўзликни таҳлил қилар эканмиз, унга баъзи ўринларда ижтимоий, иқтисодий терминларга тааллуқли бўлмаган атамалар ҳам киритилганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, *аллегория* (5), *фразеология* (52), *диалог* (13), *магистратура* (20) каби атамаларнинг ижтимоий-сиёсий терминлар сирасига киритилиши ўринсиз.

Шунингдек, терминларга таржимада ўзбекча берилган муқобилларнинг баъзилари маъно жиҳатдан тўла ўзини оқламаган ҳолатлар ҳам мавжуд: *плебисцит* – қарори омма, омманинг қарори, бутун халқнинг қарори.(34); *популяризатор* – авомлаштиргувчи.(36); *проблема* – масала, ечилмаган сўз, жумбоқ (37); *регент* – оталиқ (42). Ушбу терминлар таржимасининг мавжуд

луғатларда берилиши қуйидагича: **плебисцит** – умумхалқ овози²¹⁸; **популяризатор** – оммалаштирувчи (207); **проблема** – муаммо (223); **регент** – муваққат ҳукмдор (250). Эътибор берсак, бугунги кунда *омма қарори ва умумхалқ овози, авомлаштирғучи ва оммалаштирувчи, масала ва муаммо, оталиқ ва муваққат ҳукмдор* лексик бирликларининг семантик ифодаси ўзаро тенг эмас, яъни улар бир семантик майдон таркибида бирлашса-да, семантик табиатидаги ўзгаришлар туфайли алоҳида англатган семаларида хусусийлик белгиларини намоён қилади. Лекин ўша давр нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, муаллиф бу терминларнинг таржимасини имкон қадар тўғри ифодалашга ҳаракат қилганлиги сезилади.

Луғатда термин танлаш ва уларни алифбо тартибида жойлаштириш тамойилларида ҳам баъзи нуқонлар бор. XX аср бошларидаги ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий терминологиясида фаол қўлланган терминлар алифбо тартибида берилар экан, миқдор жиҳатдан сўзлар мутоносиблиги таъминланмаган. Жумладан, луғатнинг “П” ҳарфи қисмида 87та термин, “А” ҳарфи қисмида 32та термин, “Б” ҳарфи қисмида 21та термин, “Э” ҳарфи қисмида 10та термин, “В”, “Ш”, “Г” ҳарфлари қисмида 5тадан термин, “Ж”, “З”, “Ч” ҳарфлари қисмида эса 1 тадан термин изоҳли ёки изоҳсиз тарзда таржима қилинган. Демакки, луғат ўша давр ижтимоий-сиёсий терминологик тизимида фаол қўлланган мавжуд терминларнинг барчасини ҳам тўла қамраб олмаган.

Олиб борилган кузатишлар асосида луғатга қуйидагича умумий тавсиф бериш мумкин:

– XIX аср охири XX бошларидаги социолингвистик шароит туфайли ўзбек тилига ўзлашган ва ўзлашаётган ижтимоий-сиёсий терминларни таржима қилишга эҳтиёж ортган эди. Шунга биноан ижтимоий-сиёсий терминларнинг махсус икки тилли таржима луғатларини яратиш йўлидаги лексикографик ишлар амалга оширила бошланган ва Н.Тўракуловнинг “Рус-

²¹⁸ Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати (О.Усмон таҳрири остида) – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 195. Кейинги мисолларда манбанинг саҳифаси кўрсатилди.

Ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси” бу йўналишдаги дастлабки иш эканлиги билан характерлидир;

– луғатнинг ижтимоий-сиёсий терминологик тизим, умуман, ўзбек луғатшунослигида ўзига хос ўрни бор. Луғат асосида мазкур даврда қандай терминларнинг қўлланганлиги, уларнинг маънолари, маъно ўзгариши, янгиланиш ҳамда эскириш жараёнлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин;

– луғат соҳа терминлари тўпланган илк луғат бўлганлиги учун камчиликлардан холи эмас. Бироқ соҳа терминларини тартибга солишда, шунингдек, нафақат шу соҳанинг, балки бошқа соҳа терминологик луғатларини яратишда намуна сифатида ўзбек лексикографияси тарихида муҳим аҳамиятга эга.

4.3-§. Дастлабки ўқув луғатларининг вужудга келиши

XIX асрнинг охири – XX аср бошларидаги “жадид адабиёти” деб номланган миллий адабиётимизда бадиий жанрлар кўламининг кенгайиши, анъанавий образлар мазмунининг ўзгариши, жамиятда бадиий адабиётни асосий тарғибот-ташвиқот воситаси сифатида тушуниш; миллий тилимизда эса адабий тилни халқ жонли тилига яқинлаштириш, соддалаштириш каби кўринишлардаги янгиланишлар кўзга ташланади. Дарвоқе, бу ўзгариш ва янгиланишларнинг таъсирини ўзбек луғатчилиги, хусусан, ўша даврда яратилган луғат ва сўзликларнинг тузилиш мақсади, мавзуи, шакли ҳамда типларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Жадид адиблари яшаб ижод этган даврда миллий адабий тил, яъни она тилини ёйиш, ўргатиш орқали бу тилнинг ўрни ва ролини, амалий имкониятларини мустаҳкамлашда маърифий ишлар, она тилида таълим ва тарбия бериш муҳим омил бўлганлиги маълум. Бу даврда янгича ўзбек мактабларида илғор маърифий таълимнинг юзага келиши, уларнинг янги адабиёт ва дарсликлар билан таъминланиши “Тошкентда Саидрасул Азизий, Абдулла Авлоний ва Шокиржон Раҳимий, Самарқандда Сиддиқий Ажзий ва

Абдуқодир Шакурий номлари билан, Фарғона водийсида эса Исҳоқхон Иброт, Муҳаммадшариф Сўфизода ва машҳур Ҳамза номлари билан чамбарчас боғлиқдир”²¹⁹.

Бу давр луғатчилигида айнан мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларга ёрдамчи восита сифатида яратилган ўқув луғатлари ҳам учрайди. Жумладан, 1925 йилда рус олими В.Брилев томонидан “Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун ўзбекча-русча луғат” номи остида нашр этилган луғат ҳам янгича йўналишда яратилган луғат эканлиги билан характерланади. Бу давргача ана шундай луғат умуман яратилмаган эди.

Шокиржон Раҳимий 1909–1919 йилларда янги усулдаги “Раҳимия” мактабида ўқитувчилик қилади, қишлоқ ва шаҳар болаларига алоҳида-алоҳида “Совға” (1919), “Алифбе дарслиги” (1922) каби дарсликларни, шунингдек, катталарнинг саводхонлигини оширишга қаратилган “Катталарга ўқиш” (1920), “Катталар йўлдоши” (1924) номли дарсликларини тузади. Бу дарслик ва ўқув-қўлланмалар араб ёзувидан кирил алифбосига ўтиш даврида кенг халқ оммасига беминнат хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ўша йилларда бошланғич синф мактаб ўқувчилари саводини чиқариш баробарида, жамиятдаги катта ёш авлод вакиллари орасида ҳам саводхонликни таъминлаш кун тартибидаги долзарб масалалар қаторида турган. Шу мақсадда Марказ саводсизликни битирув фавқулодда комиссияси тузилган ва мазкур комиссиянинг кўсатмасига асосан катта ёшдаги кишиларга мўлжалланган дарсликлар ҳам тузилган. Бироқ бу дарслик ёки қўлланмаларни катта ёшдаги одамларнинг ўзлаштириб олиши, унинг луғат таркибидаги изохталаб бирликлар (сўзлар) туфайли маълум қийинчиликлар туғдирганлиги маълум бўлиб қолган.

Луғат муаллифи В.Брилев бу луғатни тузишдан қўзланган асосий мақсадни қуйидагича тавсифлайди: “...Бугунги кундаги кўпгина мактаб ва ўқув курсларида Шокиржон Раҳимийнинг ўзбек тилидаги “Катталар

²¹⁹ Қосимов Б., Долимов У. Маърифат дарғалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 15.

йўлдоши” асари дарслик сифатида киритилган. Дарсликдаги мавзуларни ўзлаштиришни осонлаштириш ҳамда ўзга миллат вакиллариининг дарсликни тушунишларидаги қулайликни эътиборга олиб янги имлода (кирил алифбосида – С.Н.) мазкур луғат тузилди. Дарс жараёнида тушунилиши кийин бўлган сўзларни луғатлардан излаш кўп вақт талаб қилади ва бу ўқувчи фикрини чалғитади. Луғат одатдаги алфавит тартибида эмас, балки ҳар бир мавзу якуни бўйича тартиб берилди...²²⁰. Кўринадики, луғат – мавзуйй ўқув луғати.

Демак, англашилмоқдаги, эски ўзбек ёзувида нашр этилган Раҳимийнинг мазкур дарслиги ўша давр маориф тизимида анча эътиборда бўлган ва Чор Россияси маъмурлари ҳам бу дарсликнинг мазмун-мундарижаси билан қизиққан. Луғатнинг умумий ҳажми 36 саҳифани ўз ичига олади, унда 25 та параграф остида дарслик мавзулари бўйича ўзбекча сўзларнинг русча таржималари берилган.

Ўзбек лексикографияси тарихида маълум бир ёзувчи ёки асар тилида қўлланган сўзларни изоҳловчи ўнга яқин луғат яратилган. “Абушқа” (XVI аср), “Алишер Навоий асарлари луғати” (1972), “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати 1–4 жилдлар” (1983–1984), “Қуръони карим” сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати (Б.Ҳасанов, 1995), “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати” (Т.Мирзаев ва б., 2007) каби луғатлар шулар жумласидан. Жаидчилик даврида яратилган мазкур луғат, гарчи, муайян манба материали асосида яратилган бўлса-да, мақсад-вазифалари, сўз танлаш мезонларининг, сўзлик турлари, таркиби, изоҳларнинг ўзига хослиги билан анъанавий ва ўз даври луғатларидан алоҳида ажралиб туради. Бу тамомила бошқача услубда тузилган луғат ҳисобланади.

“Туркистон” газетасининг 1924 йил 23 июлдаги 313-сониди Шокиржон Раҳимийнинг мазкур “Катталар йўлдоши” дарслигининг мавзуи, машғулотларни олиб боришдаги метод йўналишлари ҳамда дарсликнинг

²²⁰ Брилев В. Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун ўзбекча-русча луғат. – М., 1925. – Б. 2

тили ва услуби хусусида З.Башир муаллифлигида шундай фикрлар билдирилган: “...Китобни тартиб этувчи Шокиржон ўртоқ суғориш ишлари, суғориш ишларидаги янги йўллар, бойлар ҳам меҳнаткашлар ҳукумати, Туркистон жумҳуриятининг сиёсий, иқтисодий аҳволи, пахта ишлари, соғлиқни сақлаш ишлари ва бошқалар тўғрисида тўла маълумот бериб ўтган. Ш.Раҳимий ўртоқ китобни янгигина саводи чиққан ишчи, деҳқонларга мувофиқ бир тил ва усулда ёзган. Турмушда тажрибасиз, мияси кенгаймаган ёш болалар билан катталарнинг истеъдод ва истаклари бошқа бўладирким, “Катталар йўлдоши”да бу масала жуда яхши эътиборга олинган”²²¹.

Демак, муаллиф таъкидлаганидек, дарсликдаги мавзулар катта ёшдаги ўқувчилар онги, тафаккури, малакаси, кўникмаси, ўзлаштириш даражасини ҳам, аслида, ҳисобга олиш асосида тузилган. Худди шу нарса Ш.Раҳимийнинг дарсликнинг лексик таркиби ва услубини шакллантиришдаги тилга ёндашишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Дастлаб дарслик асосида тузилган луғатдаги ўзбекча сўзликнинг таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, унда ўзбек тилида ўша даврда кенг қўлланган илм-фан, техникага оид терминлар, ишлаб чиқариш, турли касб-хунар, халқ шевалари лексикаси ўз аксини топган. Муаллиф кўпроқ дарсликдаги ўзбекча сўзларнинг халқ шеваларидаги вариантлари таржимасини беришга ҳаракат қилганлиги кузатилади: *коранда* – *посевищик*²²², *батрак* – *қўшчи* (3), *фойтун* – *экипаж* (3), *туновкун* – *вчера* (7), *ини* – *младший брат* (8), *кунботиш* – *запад* (12), *музофот* – *область* (16), *жайдари* – *местный* (19), *жилла* – *слишком* (24), *дуруст* – *налаживать* (32), *ҳалҳал* – *лекарственное растение* (33), *примечание* – *эскартма* (35).

Баъзи ўринларда кўчма маънода қўлланган ўзбекча сўзларнинг ҳам русча таржималари келтирилган: *фуқаро* – *беднота* (4), *юриш* – *война* (31), *кўнгил* – *сердце* (32) каби. Дарсликдан айнан олинган бу каби ўзбекча сўзларнинг семантик табиати, услубий қўлланишларини тушуниш рус ва

²²¹ Башир З. Шокиржон Раҳимийнинг саводсизликни битириш мактаблари учун тузган “Катталар йўлдоши” номли алифбо китоби тўғрисида // “Туркистон” газетаси, 1924 йил 23 июль, – № 313.

²²² Брилев В. Юқоридаги манба. – Б. 3. Бундан кейинги олинган мисолларда луғат саҳифаси кўрсатилмоқда.

бошқа миллат вакиллари учун қийинчилик туғдириши табиий, албатта. Чунки, дарслик жамиятдаги турли ижтимоий қатлам вакиллари, ҳудудий аниқ белгиланмаган катта ёшдаги ўқувчилар манфаатини кўзлаб тузилган ва уларнинг дарслик бўйича мавзуларни халқ тилида осон тушунишлари кўзда тутилган. Шунингдек, бу даврда янги ўзбек адабий тилининг грамматик меъёрлари ҳали тўла шаклланмаганлиги дарсликдаги диалектал унсурларнинг кўплаб қўлланилганлигини характерлайди. Мана шу икки жиҳатнинг ўзи дарслик мавзуларини тушунишда бироз бўлса-да қийинчилик туғдиради. Бунинг устига, дарсликда китобий атамалар (соҳавий терминларга)га ҳам эътибор берилган. Соҳавий атамалар ва улар маъноларини дарҳол англаб олиш ҳам осон эмаслиги маълумдир.

Муаллиф дарсликдаги ўзбекча сўзларнинг рус тилидаги таржимасини шунчаки келтириш билан чекланмай, айрим ўринларда иш-ҳаракат лексемаларининг грамматик категориялари ҳақида ҳам маълумотлар келтирганки, бу ҳолат ўқувчининг ўзбек тилининг грамматик қонуниятлари ҳақида ҳам маълум тушунчага эга бўлишини таъминлаган. Масалан: *ошар* – (п.б.вр.) *от глагола ошамоқ, есть, кушать* (1); *тортар* – (п.б.врем.) *от глагола тортмоқ, тащить, тянуть, нести, молотъ (о муке)* (2); *шошар* – (п.б.вр.) *от.гл. шошмоқ, торопиться, спешить* (5); *олар* – (п.б.врем.) *от глагола олмоқ, брать, взять* (10). Мисолларда келтирилган *ошар, шошар, тортар, олар* лексемалари феълнинг хосланган шаклларида бири – келаси замон сифатдошлари бўлиб, луғатда муаллиф уларнинг рус тилидаги муқобилини келтириш билан бирга, ясаиш асосини (*ошамоқ, тортмоқ, шошмоқ, олмоқ*), рус тилида номланиши (*причастие будущее времени*) хусусида ҳам керакли маълумотларни бериб ўтган.

Ўзбекча сўзнинг рус тилидаги муқобили келтирилишида таржима кенг изоҳ тусини олган ҳолатлар кузатилади: *дор* – *виселица, турник. (двапараллельных столба с перекладиной наверху)* (4); *ҳозир* – *сейчас, настоящее время (присутствующий)* (4); *қил* – *волос животных, шерсть, струна* (5); *ҳисоблик* – *счетный, буквально со счетом (аккуратный)* (10);

чанг – пыл (муз.инструмент) (11); чигирик – туземная ручная машинка для отделения семян от хлопка (12); қўш – двойной, пара, наряд (из пары волов для вспашки земель) (23) каби. Муаллиф тилдаги шаклдошлик (омонимлар ва кўп маънолилик) одамларни чалғитиши мумкинлигини ҳисобга олади. Бундай сўзлар ифодалайдиган маънолар, тушунчаларни алоҳида қайд этиш билан улар диққатини тилдаги ана шу ҳолат-ҳодисага эътибор қаратишларини ҳам назарда тутлади.

Буни шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, баъзи ҳолларда ўзбекча сўзнинг рус тилида айнан муқобили йўқлиги ёки ўша сўз ифодалаган номинатив, коннотатив маъноларни бир сўз ёки сўз бирикмаси билан ифодалаб бўлмаслиги муаллифнинг шундай йўл тутишига, яъни сўз ифодалаган иш-ҳаракат, ҳолат, тушунча ва тасаввурларнинг таржимасини кенгроқ изоҳлаш асосида ифодалашга ўқувчига етказишга мажбур қилган бўлса, ажаб эмас.

Яна бир эътиборли жиҳат, луғатнинг сўзлиги дарсликдаги мавзулар асосида тузилар экан, дарсликда кўплаб миқдорда қўлланган киши исмлари, яъни антропонимлар изоҳига алоҳида эътибор қаратилганлиги кўзга ташланади. Бунда луғат муаллифи антропонимларнинг турдош от сифатидаги маъноси билан бир қаторда, шу асосда юзага келган атоқли от маъносини, яъни киши исмини ифодалашдаги маъносини ҳам таржимада алоҳида кўрсатган: *жамол – (красота) соб.имя (7); жалол – (великий) соб.имя (7); йўлчи – (путник) соб.имя (32) каби.* Бу ҳолат ҳам юқорида келтирилган шаклдош birlikларни келтириш, изоҳлаш характерида бўлиб, конверсия (маъно кўчиши, махсуслашиш, бошқа вазифада қўлланиш каби хусусиятлар) ҳодисасига эътибор бермаслик ҳам китобхонни чалғитиши мумкинлигини назарда тутганликни кўрсатади. Ўзбек тилида жуда кўп сўзлар умумий, объектив тушунчани ифодалаш билан бирга, хусусий маънода, яъни атоқли от сифатида, умумий маъносидан узоқлашган ҳолда қўлланиши мумкин. Бундай сўзлар ўз сўзлар доирасида ҳам, ўзлашма сўзлар доирасида ҳам кенг тарқалган. Муаллифнинг бу томонни ҳам ҳисобга олиши,

яъни катталарни, китобхонларни мана шу ҳолатларга ҳам диққат қилишга жалб этиши жуда муҳим.

Кузатишларимиз асосида луғатга қуйидагича умумий лексикографик тавсиф беришимиз мумкин:

биринчидан, луғат муаллифи М.Брилевнинг луғатнинг сўзбоши қисмида таъкидлашича, ҳақиқатан ҳам, луғат яратилган даврда, яъни 1925 йилларда, гарчи, русча-ўзбекча таржима луғатлар яратиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилган бўлса-да, амалдаги эски ўзбек ёзувида ўзбекча-русча таржима луғатларини яратиш ҳали оммалашмаган эди. Шу нуқтаи назардан, мазкур луғатдаги ўзбекча сўзлар қисмининг айнан эски ўзбек ёзувида берилиши ҳамда унга дарсликдаги материалларнинг манба сифатида олиниши луғатнинг жаид даври луғатчилигидаги махсус, ўзига хос луғат эканлигини кўрсатади;

иккинчидан, луғат, гарчи, таржима луғати сифатида номланган бўлса-да, ўша даврда умумфилологик характерда яратилган бошқа ўзбекча-русча, русча-ўзбекча таржима луғатларидан ўз мақсади нуқтаи назаридан тубдан фарқ қилади. Чунки луғат ўзбек ёки рус тилини ўрганувчилар учун тузилган оддий сўзлашгич эмас, балки унда асосан таълимий мақсаднинг устуворлиги назарда тутилган;

учинчидан, луғатга жаидчилик давридаги ўзбек педагогик тизимида таълимнинг ёрдамчи воситалари силсиласини яратиш тенденциясини бошлаб берган илк ишлардан бири сифатида қараш мумкин. Чунки мазкур луғат сўзлиги тўғридан-тўғри “Катталар йўлдоши” дарслиги асосида алфавит тарзида тузилмай, мавзулаштирилган ҳолда, яъни ҳар бир янги мавзу якунида тушунилиши қийин бўлган сўзларни алфавит тартибидаги таржимасини ўз ичига олган. Бу эса луғатнинг ўша даврда дарслик мавзуларини ўзлаштиришда ёрдамчи восита сифатида дарсликка мослаштирилган, ўқув жараёни билан алоқадор илк ўқув луғати эканлигини ҳам характерлайди.

Боб бўйича хулосалар

1. Жаидлар томонидан яратилган луғатларнинг асосий қисми лингвистик, хусусан, таржима луғатларидир. Ижтимоий-сиёсий муҳит ва тил сиёсати ҳамда даврга хос таълимий янгиланишлар таъсирида жаид зиёлилари ўзбекча-русча, русча-ўзбекча икки тилли таржима луғатчилигига тамал тошини қўйди. Таржима луғатчилигининг бири иккинчисига илмий-назарий ва амалий туртки бўлиши ҳамда бошқа қардош туркий тиллар лексикографиясининг таъсири натижасида яратилган луғатларда сўзликларнинг миқдори, изоҳларнинг сифати мукаммаллашиб борди. Бу замонавий ўзбек лексикографиясининг таржима луғатчилиги такомилига асос бўлди.

2. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб жаидлар томонидан махсус луғатлар тузиш ишлари ҳам жонланди. Ўзбек тилининг изоҳли, этимологик, морфемик луғатларини яратишнинг назарий ва амалий асосларига доир қарашлар негизида муайян асарлар тилига хос ўзлашма сўзларнинг изоҳли луғатлари, шаклдош сўзлар луғати каби лингвистик луғатларнинг илк намуналари яратилди.

3. XIX аср охири – XX бошларидаги социолингвистик шароит ўзбек тилига ўзлашган ва ўзлашаётган ижтимоий-сиёсий терминларни таржима қилишга эҳтиёжни юзага келтирди. Шунга биноан ижтимоий-сиёсий терминларнинг махсус икки тилли таржима луғатлари тузилди. Бундай луғатлар соҳа терминологиясини тартибга солишда, бошқа соҳага доир терминологик луғатларни яратишда намуна сифатида ўзбек лексикографияси тарихида ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлди.

4. Ўзбек луғатчилигининг жаидчилик даврида яратилган умумфилологик характердаги турли таржима луғатлари қаторида янгича ўқитиш тизимидаги таълимий эҳтиёж туфайли ўқув луғатларининг ҳам яратилганлиги ва ўқув луғатчилигининг шаклланганлиги давр луғатчилигининг муҳим ютуғидир. Бу, шубҳасиз, кейинги давр ўқув луғатчилиги тараққиётига туртки берди ва такомилига хизмат қилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Жадидчилик илмий мактаблари ва маърифатпарвар жадид зиёлилари фаолияти XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 20–30 йиллари ўзбек маданияти, таълим тизими, адабиёти, тили ва тилшунослиги ривожига, тараққиёти ва такомиллигида алоҳида аҳамиятга эга.

2. Жадид маърифатпарварларининг она тилига муносабати, ўзбек миллий ва адабий тилнинг такомиллиги, меъёрлашуви, шеваларга, халқ тилига эътибори, тилнинг софлиги, бошқа тиллар билан муносабати, тил ўрганиш, икки тиллилик, кўп тиллилик борасидаги қарашлари ва уларнинг тилдан фойдаланиш маҳорати ватанпарварликнинг олий намунаси бўлиб, ўзбек адабий тилининг лексик, грамматик, имловий меъёрлашуви, сайқалланиши, такомиллиги ҳамда ривожига, ҳозирги даражага келишида муҳим рол ўйнайди.

3. Ўзбек замонавий лексикографиясига ҳам жадид зиёлилари тамал тошини қўйган. Улар яратган луғатлар мазкур давр ижтимоий ҳаётининг зарурияти сифатида юзага келган. Жадид зиёлилари – тилшунослар, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, педагоглар томонидан яратилган таржима, ўқув луғатлари илк лингвистик луғат намуналаридир.

4. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг 20–30-йилларида туркий, жумладан, ўзбек луғатчилиги Шарқ, хусусан, араб ва Европа луғатчилигининг ютуқлари ҳамда анъаналари таъсирида юзага келган. Жадид зиёлилари яратган луғатларда ҳар икки лексикография мактабларининг белгиларини хусусиятлари кузатилди.

5. Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Исҳоқхон Иброт, Назир Тўрақуловларнинг луғат сўзликларини танлаш, таржима луғатларида луғавий бирликнинг айнан таржимаси ва диалектал муқобилларини, шунингдек, айтиш бир сўзнинг бир неча вариантларини келтириш усулидан фойдаланиши XX аср бошларидаги ўзбек лексикографиясининг муҳим ютуғи ҳисобланади.

6. Абдулла Қодирийнинг ҳаммуаллифликда яратган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” луғати сўзлигининг миқдори, лексикографик изоҳларнинг семантик

мукаммаллик даражаси ҳамда ҳозирги икки тилли таржима луғатларига хос лексикографик ишоралардан самарали фойдаланганлиги, халқчиллик, соддалик тамойилларида тузилганлиги билан ўша даврда яратилган бошқа луғатлардан ажралиб туради. Луғат XX аср бошларидаги ўзбек луғатчилигининг етакчи хусусиятларини ўзида ифодалаган ва жамлаган ноёб манбадир. Бу Абдулла Қодирийни буюк адиб ва сўз санъаткори ҳамда истеъдодли луғатшунос эканлигини ҳам кўрсатади.

7. Абдурауф Фитратнинг “Энг эски турк адабиёти намуналари” мажмуасига киритган луғати кейинги даврларда яратилган этимологик, қиёсий-тарихий, морфем, ўзбекча-форсча-арабча (кўп тилли) луғат, изоҳли луғат каби лексикографик ишларнинг юзага келишида, луғат тузиш тамойилларининг белгиланиши ва тақомилига хизмат қилган илк лексикографик асар намунасидир.

8. Элбекнинг ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишидаги хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг этимологик кузатишлари, талқинлари, шева материалларини тўплаш, адабий тилни шевалардан олинган сўзлар билан бойитиш, сўз ясашда тилнинг ички имкониятларига таяниш ҳақидаги қарашлари бугунги тил сиёсати тамойилларига мутаносиблиги билан аҳамиятлидир.

9. Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида шарқшунослик ва туркийшунослик фанларининг ривожланиши таъсирида анъанавий луғатчилик билан бирга янгича йўналишдаги русча-ўзбекча, ўзбекча-русча, ўзбек тили бошқа хорижий тилларга чоғиштирилган луғатлар ҳам пайдо бўла бошлади. Исҳоқхон Ибратнинг “Луғоти ситта алсина” луғатини мазмун-моҳияти билан ўша даврдаги янгича йўналишда, яъни Ғарб луғатчилиги анъаналари таъсирида яратилган луғатлар сирасига киритиш мумкин. Бу луғат муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, ўша даврда “сафар аҳли” (саёҳатчилар) манфаатини кўзлаган ҳолда тузилган сўзлашгич бўлса-да, лингвистик манба сифатида Шарқ ва Ғарб луғатчилиги тамойилларини ўзида мужассамлаштирган.

10. Ўзбек луғатчилигининг жадинчилик давридаги тараққиётида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда яратилган умумфилологик характердаги турли таржима луғатлари қаторида маорифдаги янгича ўқитиш тизимида таълимий эҳтиёж туфайли ўқув луғатларининг ҳам яратилганлиги ва шу асосда ўқув луғатчилигининг шакллана бошлаганлиги давр луғатчилигининг муҳим белгиларини ўзида намоён қилади.

11. XX асрнинг 20–30-йилларидан бошлаб соҳалар терминларига алоқадор луғатлар шакллана бошлади. Назир Тўрақуловнинг “Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси” бу йўналишдаги дастлабки иш эканлиги билан характерлидир. Луғат соҳа терминларини тартибга солишда ва бошқа соҳа терминологик луғатларини яратишда намуна сифатида ўзбек лексикографияси тарихида муҳим аҳамиятга эга.

12. Жадин намояндаларининг амалий лингвистик фаолияти ўзбек лексикографиясини янги сифат босқичига кўтарди. Бу даврда яратилган луғатлар, биринчидан, ўтмиш ва замон тажрибаларига асосланганлиги билан характерланади, уларда классик Шарқ ва замонавий Ғарб лексикографик амалиёти уйғунлашиб кетганлигини кўриш мумкин. Иккинчидан, асосан, бадий асар тилини тушуниш учун хизмат қилган ўзбек мумтоз луғатларидан фарқли равишда жадин луғатлари кўпроқ тил ўргатиш ва тил таълими муаммолари билан боғланди. Жадин намояндалари тузган луғатлар ўзбек замонавий луғатчилигининг кейинги тараққиёти учун пойдевор вазифасини ўтади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 484 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори // “Маърифат” газетаси. – Тошкент, 2019 йил 5 октябрь. – №77.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // www.lex.uz
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. (Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ) // “Халқ сўзи” газетаси. – Тошкент, 2019. – № 218.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 682 б.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 126 б.

II. Илмий адабиётлар

8. Абдурашидхонов Мунавварқори. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). – Тошкент: Шарқ, 2001. – 127 б.
9. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. – Тошкент: 1999. – 88 б.
10. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 316 б.

11. Абдурахмонов Ғ. Бехбудий ва унинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги хизматлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. – №3. – Б. 8-12.
12. Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий - назарий мероси, ижтимоий - сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи жумхурият илмий-амалий анжумани материаллари. (Бухоро, 1992 йил 21-23 май). – Бухоро, 1992. – 122 б.
13. Адабиёт, бадиият, абадият. – Тошкент: Университет, 2004. –164 б.
14. Абдулла Қодирий. Диёри бакр. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Хондамир Қодирий. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 472 б.
15. Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси. – Тошкент: Университет, 1994. – 210 б.
16. “Абдулла Қодирий адабий мероси ва ҳозирги ўзбек адабиёти” мавзuidaги республика илмий-назарий анжумани материаллари. (Тошкент, 2019 йил 30 апрель) – Тошкент: 2019. – 163 б.
17. Абдурашидов З. Исмаил Гаспиринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 384 с.
18. Абдурашидов З. Аннотированная библиография туркестанских материалов в газете «Таржимон» (1883-1917). Central Eurasian Research Series - – №5. TIAS: Department of Islamic Area Studies, Center for Evolving Humanities, Graduate School of Humanities and Sociology, The University of Tokyo. – Tokyo, 2011. – 232 с.
19. Абдурашидов З. XX аср бошларида Туркистон: ижтимоий-сиёсий ва интеллектуал жараёнлар. – Istambul, Songag akademi matbaasi, 2019. – 442 б.
20. Ақобиров С.Ф. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1965. – №6. – Б. 36-40.
21. Афанасьев Л. Словарь сартовскихъ словъ съ главнѣйшими грамматическими провилами. – Самарканд: Типо-литография, 1909. – 201 с.
22. Афоқова Н. Жаид шеърияти поэтикаси (вазн ва қофия муаммолари). – Тошкент: Фан, 2005. – 140 б.

23. Алиев А. Маҳмудхўжа Бехбудий. – Тошкент: Хазина, 1994. – 32 б.
24. Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
25. Алимова Д. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет, 1999. – 216 б.
26. Аликулов Т. Русча-ўзбекча сўзларда изоҳ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1981. – № 6. – Б. 24-28.
27. Аликулов Т., Равшанов М. Луғатларда омонимларнинг берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1990. – №2. – Б. 51-54.
28. Аликулов Т. Жомонов Р. Изоҳли луғатга сўз танлашнинг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1990. – №4. – Б. 50-54.
29. Алексеев З.А. Самоучитель сартовского языка. – Тошкент: Типо-литография С.И.Лахтина, 1884. – 321 с.
30. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати: Тўрт томлик (Э.Фозилов таҳрири остида). – Тошкент: Фан, I Том. 1983. – 656 б.; II Том. 1983. – 643 б.; III Том. 1984. – 623 б.; IV Том. 1985. – 636 б.
31. Азимов И. Ўзбек тилини адабий тил даражасига кўтариш йўлидаги ҳаракатлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2014. – №2. – Б. 52-58.
32. Атеистик энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбек Совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1988. – Б. 151.
33. Аширбоев С. Замахшарийнинг “Муқаддимат ул адаб” асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1996. – №6. – Б. 26-28.
34. Аширбоев С., Азимов И. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси (ўқув-методик қўлланма). – Тошкент: ТДПУ, 2001. – 230 б.
35. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.
36. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – 103 б.
37. Бердақ Юсуф. Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 200 б.

38. Бехбудий. Тил масаласи // Ойна. – Самарқанд, 1915. – №11-12. (араб алифбосида).
39. Бехбудий. Икки эмас, тўрт тил лозим // Ойна. – Самарқанд, 1915. – №1. (араб алифбосида).
40. Бехбудий. Сарт сўзи мажхулдир // Ойна. – Самарқанд, 1915. – №22, 23, 25, 26. (араб алифбосида).
41. Болтабоев Ҳ. Матншунос олимнинг илк мажмуа-қўлланмаси. – (Фитратнинг “Энг эски турк адабиёти намуналари намуналари” асарининг янги нашрига сўзбоши) –Тошкент: Mumtoz so‘z, 2013 йил. – Б. 5-6.
42. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 80 б.
43. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Тошкент, Mumtoz so‘z, 2007. – 242 б.
44. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва Чўлпон // Жамият ва бошқарув. –Тошкент: 1998. – №2. – Б. 37-39.
45. Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси. – Тошкент: Фан, 1996. – 158 б.
46. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 132 б.
47. Баракаев Р. Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. –Тошкент: Фан, 2004. –158 б.
48. Башир З. Шокиржон Раҳимийнинг саводсизликни битириш мактаблари учун тузган “Катталар йўлдоши” номли алифбо китоби тўғрисида // “Туркистон” газетаси, 1924 йил 23 июль, – №313.
49. Брилев В. Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун русча-ўзбекча луғат. – М., 1925 йил. – 46 б.
50. Боровков А.К. О языке узбекской поэзии // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент: 1961. – №10.
51. Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. – Ташкент: Учпедиздат, 1941. – 104 с.

52. Боровков А.К. Қисқача русча-ўзбекча луғат. –Тошкент: Фан, 1942. – 441 б.
53. Бозоров М. Икки тилли луғатларда интернационал сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1989. – №6. – Б. 46-49.
54. Вадуд Маҳмуд. Тил ва ҳарф масалалари. // “Маориф ва ўқитғучи” – Тошкент, 1925. – №5-6.
55. Вадуд Маҳмуд. Луғат ва атамалар. // “Маориф ва ўқитғучи” – Тошкент, 1925. – № 9-10.
56. Виноградов В.В. Проблемы литературных языков и закономерностей их образования и развития. – М.: Наука, 1967. – 132 с.
57. Вамбери Ҳ. Маърифат йўлидаги уйғониш. // Тафаккур – Тошкент: 1999. – №2.
58. Гулямов А. Развития узбекского литературного языка в советский период // Известия АН Уз ССР. – № 5. 1948. – 142 с.
59. Гаспиринский И. Ҳаёт ва мамот масаласи. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 317 б.
60. Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Тошкент: Фан, 1990. – 211 С.
61. Дадабоев Ҳ., Хамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Фан, 2007. – 163 б.
62. Дадабоев Ҳ. “Девону луғатит турк”нинг тил хусусиятлари. –Тошкент: ТДШИ, 2017. – 135 б.
63. Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969. – 676 с.
64. Дониёров Р. Ўзбек лексикографиясининг муҳим бир масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1981. – №6. – Б. 32-37.
65. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 8.
66. Долимов У. Исҳоқхон Иброт. – Тошкент: Шарқ, 1994. – 140 б.
67. Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. – Тошкент: Noshir, 2012. – 257 б.

68. Дўстқораев Б. Туркистон жадидаларининг йирик сиймоси (Мунавварқори Абдурашидхонов) // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 1998. – №3. – Б. 145-150.
69. Жабборов Н. Ватан иштиёқин тортарам. // Тафаккур – Тошкент: 2002. – №1. – Б. 48-57.
70. Жабборов Н. Маърифат надир. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 142 б.
71. Жадишлик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш / Туркистон ва Бухоро жадишлиги тарихига янги чизгилар. Даврий тўплам. – Тошкент: Университет, 1998. – 168 б.
72. Жалолов А. Ўзганбоев Г. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтلى матбуотнинг ўрни. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 47-50.
73. Жалолов А. Жадидалар адабиёти ва тил // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1999. – № 5. – Б. 42-45.
74. Жомонов Р. Ўзбек тили изохли луғатида диалектал сўзларнинг берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1989. – №3. – Б. 30.
75. Жомонов Р. “Чигатой гурунги” ва имло масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2000. – № 3. – Б. 18.
76. Жомонов Р. Фитрат имло қоидаларининг зарурати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1998. – № 6. – Б. 68-69.
77. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. – Тошкент: ТДПУ, 2004 йил. – Б.17.
78. Жамолхонов Ҳ., Умаров А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи. 1-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2017. – 460 б.
79. Жамолхонов Ҳ., Умаров А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2019. – 426 б.
80. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Тошкент: Университет, 2003. – 124 б.
81. Зоҳирий А. Тил ва имло масаласи // Қизил Ўзбекистон. – Тошкент: 1929. – №3. – Б. 29.

82. Зоҳирий А. Имло масаласи ҳақида иккинчи турли мулоҳаза Қизил Ўзбекистон. – Тошкент: 1929. – №3. – Б. 29.
83. Зоҳирий А. “Келурнома” // “Маориф ва ўқитғучи” – Тошкент: 1927. – №9.
84. Зоҳидов А., Ҳамидов А. Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкураси. – Фарғона, 2006. – Б. 5-94.
85. Зуфаров С. Келурнома. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1961. – №3. – Б. 7.
86. Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях. Часть 1, – М.: 1964. – С. 7-20.
87. Ишаев А., Носиров Ш., Абдурахмонов Д. Ўзбек шевалари луғатини тузиш тажрибасидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1969. – №5. – Б. 51.
88. Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати (О.Усмон таҳрири остида) – Тошкент: 1976. – Б. 109.
89. Ингеборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 48.
90. Исоқбоев А. Туркистонда миллий матбуот ва таълимни ривожлантиришда татар маърифатпарварлари // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Тошкент: 2003. – Б. 43-48.
91. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 78 б.
92. Камалов Ф. История становления и развития узбекского национального языка // Вопросы изучения языков народов Средней Азии и Казахстана. – Тошкент: 1952. – 128 с.
93. Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 326 б.
94. Каримов Ғ. Давр адабий ҳаётига бир назар. Миллий уйғониш. Ўзбек филологияси масалалари. – Тошкент: Университет, 1976. – Б. 4-7.

95. Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 87 б.
96. Каримов Б. Чўлпон ижоди ва 20-30-йиллар танқидчилиги / Чўлпон ва танқид. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2004. – Б. 3-10.
97. Каримов Б. Янгиланиш соғинчи. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2004. – 79 б.
98. Каримов Б. Жадид мунаққиди Вадуд Махмуд. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 91.
99. Каримов Б. Чўлпон ва танқид. – Тошкент: 2004. – 84 б.
100. Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил, талқин. – Тошкент: Фан, 2006. – 210 б.
101. Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 87 б.
102. Кошғарий М. “Девону луғотит турк” (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов). I-II-III Том. –Тошкент: Фан, 1960-1963. Т. I. 1960. – 529 б; Т. II. 1961. – 488 б; Т. III. 1963. – 468 б.
103. Лапинъ С.А. Карманный русского-узбекский словарь. – Самарканд: Типография И.А.Балобородова, 1899. – 63 с.
104. Маъруфов З., Михайлов Г. Ўзбек лексикографиясининг 50 йили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1947. – № 5. – Б. 70-72.
105. Маъруфов З., Михайлов Г. Ўзбек совет лексикографияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – № 6. – Б. 22-28.
106. Мадаминов А., Валихонов М., Тожибоев Р. Маърифат чароғбони // Адабий мерос, 1985. – №3. – Б. 78-80.
107. Мадвалиев А. Ўзбек тилида кимё терминлари ва уларнинг изоҳли луғатда берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2008. – №5. – Б. 53-62.
108. Мадвалиев А. Ўзбек лексикографияси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2008. – №2. – Б. 37-41.

109. Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2001. – № 4.
110. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2012. – Б. 27.
111. Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғотит турк”, 1-жилд. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2016. – Б. 12.
112. Мадвалиев А. Исҳоқхон Ибратнинг олти тилли луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2017. – Б. 53-56.
113. Мадвалиев А. Луғат ва луғат турлари ҳақида / Ўзбек миллий лексикографиясининг долзарб масалалари мавзуидаги илмий-назарий анжуман материаллари тўплами, ТошДЎТАУ. – Тошкент: 2017. – 262 б.
114. Малик Раҳмон. Тўғрисўз устоз. – Қодирийни қумсаб. Ёднома. – Тошкент: 1994. – 252 б.
115. Маҳкамова Д. Икки тилли луғатларда омонимларни ажратиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1980. – № 4. – Б. 67-69.
116. Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. – Тошкент: Университет, 1993. – Б. 70.
117. Насриддинов Ф. Маҳорат жилolari. – Тошкент: 1974. – 212 б.
118. Назаров К. Имло қўлланмаси // Совет мактаби. – Тошкент: 1977. – №6. – Б. 75-76.
119. Назаров Б. Беҳбудий публицистикасида истиқлол руҳи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2014. – №1. – Б. 79-85.
120. Назаров Б. Миллий уйғониш ғоялари ва Фитрат ижоди // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1997. -№ 5-6.
121. Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: 1972. – 190 б.
122. Норматов У. “Ўткан кунлар” хайрати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 86 б.
123. Норматов У. Қодирий боғи. Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – 131 б.

124. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.
125. Остроумов Н. Этимология сартовского языка. – Москва, 1910 г.
126. Ойбек. Адибнинг ижод йўли. – Тошкент: 1935. – 114 б.
127. // Ойна. – Самарқанд, 1914. – №15. – Б. 24.
128. Олимов М. “Бобурнома”да қўлланган синонимлар луғати. – Тошкент: Фан, 2004.
129. Пардаев Қ. Ўзбек миллий уйғониш адабиётини ўрганишда матбуотнинг ўрни. – Тошкент: Мухаррир, 2012. – 154 б.
130. Пидаев Т. Матбуот – миллат чироғи. – Тошкент: Фан, 1999. – 142 б.
131. Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Тошкент: Гостиздат УзССР, 1940. – 182 с.
132. Пўлатов М. Рус тилининг ўзбек тили луғат составининг бойишидаги роли. – Тошкент: Фан, 1958.
133. Расулов Р., Умиров И. Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 137 б.
134. Ражабов Қ. Жадидчилик ва истиқлол (давра суҳбати) // Жамият ва бошқарув. – Тошкент: 1999. – № 3-4. – Б. 41-49.
135. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 259 б.
136. Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 231 б.
137. Решетов В.В. Лексический состав современного узбекского языка // Проблемы языка. Вып. 1. – Ташкент, 1934. – С. 41-52.
138. Решетов В.В. Узбекский литературный язык. Часть 1. – Ташкент: 1959. – 359 с.
139. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 5.
140. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 261.

141. Русча-ўзбекча луғат. II том. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1984. – Б. 50-55.
142. Саидов Х. Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент: Университет, 2000. – 112 б.
143. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти - I. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.24.
144. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общeturкские и междурекские основы на гласные. – М.: Наука, 1974. – 767 с.; Общeturкские и междурекские основы на букву «Б». – М.:Наука, 1978. – 349 с; Общeturкские и междурекские основы на букву «В», «Г», «Д». – М.: Наука, 1980. – 395 с.
145. Севортян Э.В., Левитская Л.С. Этимологический словарь тюркских языков. Общeturкские и междурекские основы на букву «Ж», «И». – М.: Наука, 1989. – 292 с.
146. Тожиев Ё. Тил жозибаси (Адабиёт, бадиият, абадият). – Тошкент, 2004. – 266 б.
147. Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос. – Тошкент: 1995. – 56 б.
148. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 211 б.
149. Тўхлиев Б. Қадимги туркий тил луғати // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2003. – № 3. – Б. 73-79.
150. Турдиев Ш. Чўлпон ва татар адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1997. – № 4. – Б. 10-14.
151. Турсунов Р. Жадиждарнинг Туркистон ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қарашлари // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: 2004. – №3.
152. Турсунов Р. XX аср бошидаги миллий матбуотда Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: 2007. – №1.
153. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). – Тошкент: Академия, 2000. – 236 б.

154. Тўрақулов Н. Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси.
– Тошкент: Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти, 1922. – 87 б.
155. Умаров Э. Эски ўзбек тили луғатлари. – Тошкент: 1992. – 36 б.
156. Узоқов Ҳ. Эл севган шоир (Элбек) // “Маърифат” газетаси.
– Тошкент: 1993. – №45.
157. Узоқов Ҳ. Эр киши битта гапиради (Ашурали Зоҳирӣ ҳақида).
– Тошкент: Чўлпон, 1996. – 88 б.
158. Умаров Э. Янги топилган Навоӣ асарлари луғати // Ўзбек тили
ва адабиёти, 1991. – № 4. – Б.76-78.
159. Умаров Э. Фитрат ва тилшунослик атамалари // “Маърифат”
газетаси. – Тошкент: 1996 23 октябрь.
160. Умаров Э. Чўлпон тил ва имло ҳақида // Тил ва адабиёт таълими.
– Тошкент: 2001. – №6. – Б. 48-52.
161. Умаров Э. Чўлпоннинг тил ва имло конференцияси қарорларига
муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2003. – № 4. – Б. 42-45.
162. Усманов А. Вопросы узбекской научной терминологии // Вопросы изучения языков народов Средней Азии и Казахстана. – Ташкент: 1952. – 188 с.
163. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форсча ва арабча сўзлар / Навоӣга армуғон (тўплам) – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 110-128.
164. Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан материаллар (XIX асрнинг охири XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 1981. – 320 б.
165. Фаттоҳов Х. Ўзбек лексикографияси тарихига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1981. – №3. – Б. 24-28.
166. Фаттоҳов Х. Луғатчилигимиз тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1982. – №2. – Б.52-54.
167. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Самарқанд – Тошкент, 1926. (араб алифбосида).

168. Фитрат. Тилимиз // Иштирокиюн. – Тошкент: 1919. – № 132.
169. Фитрат. Аруз ҳақида (масъул муҳаррир Отажон Ҳошим). – Тошкент: Ўздавнашр, 1936. (лотин алифбосида).
170. Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Биринчи китоб: Сарф. – Тошкент: Ўздавнашр, 1930. (лотин алифбосида).
171. Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Биринчи китоб: Сарф. Танланган асарлар. V жилдлик. – Тошкент: Маънавият, 2006. IV жилд. – Б. 140-175.
172. Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб: Наҳв. – Самарқанд-Тошкент, Ўздавнашр, 1927 (араб алифбосида).
173. Фитрат. XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш / Навқирон Бухоро. – Бухоро, 1992. – № 9.
174. Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари (нашрга тайёрловчи О.Ҳамроева). – Т.: Mumtoz so‘z, 2008. – 124 б.
175. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари (нашрга тайёрловчи О.Ҳамроева). – Т.: Mumtoz so‘z, 2013. – 292 б.
176. Холбоев С., Долимов У., Дўстқораев Б. Туркистон жадиличилиги – миллий уйғониш даври тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Наманган, 2012. – 278 б.
177. Юдахин К. Водил қишлоғининг лаҳжаси ҳақида бир неча сўз // Маориф ва ўқитғучи – Тошкент: 1928. – №7.
178. Янгибоева Н. Миён Бузрук ва сўз танлаш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2007. – № 6. – 101 б.
179. Ўзбек адабиёти тарихи (дарслик). – Тошкент, Ўқитувчи, 1980. – Б. 7-8.
180. Ўзбек уруғлариға (қабилалари) ва ўзбек шеваларига тегишлик маълумот тўплағучиларга қисқача қўлланма // “Маориф ва ўқитғучи”. – Тошкент: 1926. – № 10-11.
181. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. / З.М.Маъруфов таҳрири остида. – Москва: Рус тили, 1981. – 252 б.

182. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 166 б.
183. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдли. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 - 2008.
184. Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Самарқанд: СамДУ, 2006. – 164 б.
185. Қодирий А., Раҳматий С. Русча-ўзбекча тўла сўзлик. 2-жилд, 34 минг сўз – Тошкент – Қозон, 1934. – 452 б.
186. Қори Ниёзий Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: 1956. – 514 б.
187. Қосимов Б. Жади́дчи́лик – миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. – Тошкент: 1993. – Б. 21-22.
188. Қосимов Б. Ҳаёт кўзгуси (адабий-танқидий мақолалар). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – 136 б.
189. Қосимов Б., Долимов У. Маърифат дарғалари. – Тошкент: 1990. – 176 б.
190. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 308 б.
191. Қосимов Б. Жади́дчи́лик (айрим мулоҳазалар). – Тошкент: Университет, 1993. – Б. 15.
192. Қосимов Б. Маслакдошлар: Беҳбудий Ажзий, Фитрат. – Тошкент: Шарқ, 1994. – 156 б.
193. Қосимов Б. Маърифат жарчиси // “Халқ сўзи”. – Тошкент: 2001. – №12.
194. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедова С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти / Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Тошкент: Маънавият, 2004.
195. Қоди́ров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 34.

196. Қурбонова М. Фитрат тилшунос. – Тошкент: Университет, 1996. – 29 б.
197. Қурбонова М. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 1997. – 47 б.
198. Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 233 б.
199. Қуронов Д. Истиқлол дарди. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000. – 117 б.
200. Ғаниев И. Фитратшунослик. – Бухоро: БухДУ, 1995. – 123 б.
201. Ҳабибулла Қодирий. Отам ҳақида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 121.
202. Ҳамроева О. XX аср бошлари ўзбек матншунослиги тараққиётида Фитрат мажмуаларининг ўрни. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 208 б.
203. Ҳаққулов И. Чўлпон шеърлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1995. – № 1. – Б. 70-72.
204. Ҳаққулов И. Истиқлол ишқи ва шахс қисмати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1995. – № 3. – Б. 19-27.
205. Элбек. Ўзбек тўла сўзлигига материаллар // Тил проблемалари. Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий текшириш институти. Тил секторининг мажмуаси, 2-сон. – Тошкент: Ўздавнашр, 1930. – Б. 42.
206. Элбек. Ёзув йўллари. – Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1921. (араб алифбосида). – 30 б.
207. Элбек. Бошланғич мактабда она тили. – Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1923. (араб алифбосида).
208. Элбек. Луғат ва атама // Инқилоб журнали. – Тошкент: 1924. – № 13-14. (араб алифбосида).
209. Юдахин К. Краткий узбекско – русский словарь. – Тошкент: Средазкнига, 1927. – 255 с.
210. Янгибоева Н. Миён Бузрук ва сўз танлаш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2007, – №6. – Б. 101.

211. Янгибаева Н. 20-йиллар матбуотида лотин ёзувига ўтиш тўғрисидаги мунозараларга доир // Ўз.Рес. ФА бөлиминин Хабаршиси. 2007. – №1. – Б.141-143.
212. Янгибоева Н. Назир Тўрақуловнинг тил назарияси ва адабий тил тўғрисидаги мулоҳазалари // Илм сарчашмалари. – УрДУ илмий ахборотномаси, 2018. – №11. – Б. 65-68.
213. Шарипов Р. Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари. – Тошкент: Адолат, 2000. – Б. 11-25.
214. Шарипов Р. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. – Тошкент: Адолат, 1998. – 223 б.
215. Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса – миллат яшар // Чўлпон. Адабиёт надир. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
216. Шарафиддинов О. Мустафо Чўкай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. – Тошкент: Шарқ, 1993. – 135 б.
217. Элбек. Имло масаласи // Иштирокиюн. – Тошкент, 1920.
218. Элбек. Имло ва тил қурултойининг чақирилиши олдида // Иштирокиюн. – Тошкент, 1920.
219. Элбек. Тилимиздаги ёнглишлиқлар // “Туркистон” газетаси. – Тошкент: 1924 йил 22 октябрь.
220. Юсупхўжаева Ҳ. Луғатларда феълнинг бош сўз сифатида берилиш формаси масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1982. – № 5. – Б. 37-39.
221. Ғаниев И. Фитрат, эътиқод, ижод. – Тошкент: Камалак, 1994. – 66 б.
222. Ғаниев И. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – 124 б.
223. Ғафурова С. Салоҳиддин Тошкандий ва унинг “Луғоти салос” асари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2009. – №2. – Б. 84- 86.
224. Ҳабибулла Қодирий. Отам ҳақида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 121.

225. Ҳаққулов И. Чўлпон шеърлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1995. – № 1.
226. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1974. – 212 б.
227. Ҳожи Муин. Тил масаласи // “Меҳнаткашлар товуши” газетаси. – Самарқанд, 1918.
228. Ҳожи Муин. Самарқанд матбуотининг тарихи // “Зарафшон” газетаси. – Самарқанд, 1923.
229. Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – 228 б.
230. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 320 б.
231. Ҳожиёв А. Энг кўхна русча-ўзбекча луғат // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1966. – №1. – Б. 72-73.
232. Ҳожиёв А. Қўшма аффикслар ёрдамида ясалган феълларнинг изоҳли луғатда ишланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1984. – № 5. – Б.24.
233. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 98 б.
234. Ҳусанов Н. “Луғати чиғатойи ва турки Усманий”да изоҳлаш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1982. – №1. – Б. 63-65.
235. Adeeb Khalid. The politics of Muslim Gultural Reform: Jadidism in Tsarist Central Asia (Ph.D. diss. University of Wisconsin-Madison)ё 1993.
236. Avci Yusuf. Fitrat ve eserlari. –Ankara: Kultur bakanligi yayiniё 1997. – 207 s.
237. Baldauf Ingeborg. Some Thoughts on the Uzbek Nation // Cahiers du Monde russe et sovietque. – Berlinё 1991. Vol. 32. – № 1.
238. Kocaog`lu Timur. Turkistanli bilgin Fitrat`in Turkoloji sahasyndaki unutulvus eserlari // Turk Dili Arastirmalari Yilig`I – Belleten. 1982-1983.
239. Hisao Komatsu. Bukhara and Istanbul. – Tokyo, 1999.

240. Hisao Komatsu. 20 Yuzyl bas`larinda Orta Asyada Turkcilik ve Devrim Hereketkeri. – Ankara, 1993.

III. Диссертация ва авторефератлар

241. Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – 23 с.

242. Авазов С. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ижодий мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 23 б.

243. Аширбоев С. Ўзбек тили морфологик қурилишининг ўрганилиш тарихидан (1875-1917 йиллардаги рус туркологлари асарлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1975. – 23 б.

244. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 42 б.

245. Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 24 б.

246. Бобожонов Ф. Ўзбек жаҳид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Беҳбудий ва Авлоний драмалари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф – Самарқанд, 2002. – 23 б.

247. Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 24 б.

248. Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 22 б.

249. Долимов У. Жаҳид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари: Пед. фан. д-ри. ... дисс. автореф – Тошкент, 2008. – 44 б.

250. Жавҳарова Р. Сирожиддин Сидқий Хондайлиқининг адабий мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 22 б.

251. Зияева М.Т. Исследование памятника XIV в. “Китаб ат-тухфат уз закийя фил-лугатит-туркийя”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1968. – 23 с.
252. Йўлдошбекова Н. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодий мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 19 б.
253. Йўлдошбекова С. Чўлпоннинг публицистик ва мухаррирлик фаолияти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 26 б.
254. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.
255. Кадиров Т.Ш. Филологическое исследование словаря “Хуласа-и Аббаси” Мирзы Мухаммада Хойи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. – 27 с.
256. Каримов Г. Некоторые вопросы развития узбекского литературного языка 20-30 годов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1972. – 26 с.
257. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 44 б.
258. Карлыбаев М. История народного образования в Каракалпакии в XIX – начале XX в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2011. – 26 с.
259. Махмадмурадов Ш. Язык “Дивана” Хамзы Хаким-Заде Ниязи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 37 с.
260. Махмадалиев Х. “Ғиёс-ул-луғот” ва ундаги туркий сўзлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.
261. Михайлов Г.Н. Опыт лексикографического исследования узбекско-русских словарей, изданные в Советский период: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1960. – 36 с.
262. Мухиддинов К. “Санглах” Мирзы Мухаммада Махдихана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 34 с.

263. Номозова Н. Ҳожи Муиннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 22 б.
264. Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърини лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 25 б.
265. Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.
266. Расулов Н.А. Исследование языка «Китаб ал-идрак ли-лисан ал-атрак» Абу Хайяна: Автореф. дисс. ... канд.филол. наук. – Ташкент, 1969. – 32 с.
267. Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 24 б.
268. Сайидов Ё. Жадид бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. д-ри (DSc). ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 68 б.
269. Саидов Ҳ. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф.. – Тошкент, 2002. – 20 б.
270. Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 19 б.
271. Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.
272. Тошалиева С. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 27 б.
273. Турдиалиев Б. Хамза и узбекские литературные язык начало XX века: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1988. – 27 с.
274. Тўлабоев О. Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2010. – 24 б.
275. Тўхтасинова О. Ўзбек тилида лексик окказионализмлар ва уларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

276. Умаров Э.А. “Бадаи ал-лугат” и “Санглах” как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка: Автореф. дисс. ... доктора. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 42 с.
277. Убайдуллаев А. “Луғати туркий”нинг лексикографик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 2011. – 26 б.
278. Файзуллаева Ш. Исследоание языка памятника XVв. «Китабу булгат ал-муштак фи-лу-ат ат-турк ва-л-кифчак» Жамалад-дина ат Турки: Автореф. дисс. ... канд.филол. наук. – Ташкент, 1969. – 32 с.
279. Фаттахов Х.Х. Мухаммад Риза Хаксар и его “Мунтахаб ал-лугат”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 31 с.
280. Хасанов Б.Р. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои: Автореф. дисс. ... доктора филол. наук. – Ташкент, 1989. – 29 с.
281. Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 23 б.
282. Шарахмедова Н.И. Словарь «Хамса ба халли луғат» как источник узбекской исторической лексикографии: Автореф. дисс. ... канд.филол. наук. – Ташкент, 1990. – 25 с.
283. Қодирова М. Иброҳим Даврон ва унинг адабий мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 25 б.
284. Қодиров Қ. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан (20-йиллар ўзбек тилшунослиги материаллари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 24 б.
285. Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 19 б.
286. Қуронов Д. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида характер психологизми: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 19 б.
287. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 44 б.

288. Ғафурова С. Салоҳидин Тошкандий “Луғоти салос” асарининг лексикографик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 51 б.

289. Ғаниев И. Фитрат драмаларининг поэтикаси: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 42 б.

290. Ҳалимова С. “Садои Туркистон” газетаси: йўналиши, тил, услуб ва жано хусусиятлари (1914-1915 йиллар): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 19 б.

291. Эшонова З. Чўлпон поэзиясининг ғоявий-бадий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 21 б.

292. Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадий талқини (Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Орипов шеърят мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 19 б.

293. Янгибоева Н. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилшунослиги жараёни (“Маориф ва ўқитғучи” журнали материаллари асосида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2019. – 47 б.

IV. Бадий адабиётлар

294. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдик, 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 272 б.

295. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 304 б.

296. Боту. Танланган асарлар (нашрга тайёрловчи Н.Каримов, Ш.Турдиев). – Тошкент: Шарқ, 2004. – 190 б.

297. Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи филология фанлари доктори Баҳодир Каримов. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 270.

298. Исҳоқхон Тўра Иброт. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 233 б.

299. Исҳоқхон тўра ибн Жунайдуллоҳ хўжа. Мезон уз-замон. – Тошкент – Токио, 2001. – 112 б.

300. Ishakhan Ibrat. Siirlar. – Turkiya Disindaki Turk edebiyatlari antolojisi. 15. O‘zbek edebiyati. – Ankara, 2000. – 111 б.
301. Исҳоқхон Ибрат. Жомеъ ул-хутут. – Наманган: Матбаи Исҳоқия, 1912. – 48 б.
302. Исҳоқхон Ибрат. Луғоти ситта ал сина. – Тошкент: Ильин типографияси, 1901.
303. Ибрат, Ажзий, Сўфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 228 б.
304. Камий. Баёз. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди. Инвентарь – № 5736.
305. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 199.
306. Фитрат. Танланган асарлар. V жилдли, IV жилд. (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). – Тошкент: Маънавият, 2006. – 333 б.
307. Фитрат. Танланган асарлар. V жилдли, V жилд. (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). – Тошкент: Маънавият, 2010. – 302 б.
308. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – 452 б.
309. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Н.Намозова). – Тошкент: Маънавият, 2005. – 175 б.
310. Элбек. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Узоқов) – Тошкент: Шарқ, 1999. – 287 б.
311. Чўлпон. Уйғониш. – Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1922. (араб алифбосида).
312. Чўлпон. Булоқлар. – Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1923. (араб алифбосида).